ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЬНАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“ХАЛҚ ИЖОДЁТИ ФАКУЛЬЕТИ“
“КУТУБХОНА ФОНДЛАРИ ВА БИБЛИОГРАФИЯШУНОСЛИК”

И.Ж.Юлдашев Ғ.А.НарзуллаевТ.Д. Бойтўраев [Х.Маматраимова]

БИБЛИОГРАФИЯШУНОСЛИК.

(тарихи, назарияси, услубиёти ва библиография ишини ташкил қилиш ва бошқариш)

5350600 - Кутубхона –ахборот фаолияти йналишидаги олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик

Тошкент – 2019

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201__ йил “___”_____ даги ____ -сонли баённомаси билан маъқулланга

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил “___” _____даги _____ -сонли буйруғи билан маъқулланган дарслик таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Дарслик Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ишлаб чиқилди.

Муалифлар: ф.д. проф. И.Ж. Юлдашев

п.ф.н.доц. Ғ.А.Нарзуллаев

п.ф.н.доц. Т.Д.Бойтўраев

п.ф.н.доц. Х.Маматраимова

Тақризчилар:

ф.ф.н. доцент Ў.Носиров -“ Кутубхонашунослик “ каф.доц.

З.Ш. Бердиева –ЎзФА Асосий кутубхонаси директори.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ

1 – БОБ. БИБЛИОГРАФИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ

§1.1..Қадимги Греция ва Римда библографиянинг пайдо бўлиши

§1.2. Қадимги Мисрда библиографик ахборот мавжудлигининг шакллари

§1.3. «Библиография” атамасининг кейинги қўлланила бошланиши ва тарқалиши

2 – БОБ. КЕЙИНГИ АНТИК ДУНЁ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА БИБЛИОГРАФИЯ: ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

§2.1 . Биобиблиографик луғатлар Ўрта асрлар библиографиясининг алоҳида жанри

§2.2. Библиографиянинг бошқа турларини пайдо бўлиши

§2.2.1. Китоб савдоси библиографиясининг пайдо бўлиши

3 – БОБ. ТИКЛАНИШ ДАВРИ УНИВЕРСАЛ БИБЛИОГРАФИЯСИ

§3.1. Конрад Геснер – Европа библиографиясининг асосчиси

§3.2. Янги шароитда библиографик асарларнинг анъанавий хилларини вужудга келиши

4-БОБ. МИЛЛИЙ БИБЛИОГРАФИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

§12.1 “Миллий библиография” тушунчасининг изоҳланиши

§4.2. Биринчи ретроспектив библиографик тўпламларнинг яратилиши

§4.3. Кундалик миллий библиография тўзишга уринишлар

§4.4. Вақтли нашрлар миллий библиографиясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

5-БОБ. ЖАҲОННИНГ ЙИРИК ДАВЛАТЛАРИДА БИБЛИОГРАФИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (XVIII-XX асрлар)

§5.1. Матбуотнинг давлат библиографик ҳисоби

§5.2. Тармоқ қўлланмалари тизимининг яратилиши

§5.3. Библиография назариясининг ривожланиши

6-БОБ. БИБЛИОГРАФИЯ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

§6.1. Халқаро библиографик ҳамкорлик тарихи

§6.2. Ҳозирги халқаро дастурлар

7.-боб. БИБЛИОГРАФИЯШУНОСЛИК ФАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

7.1.Библиографиянинг объекти - ҳужжатдир.

7.2.Босма маҳсулотларни классификациялаш.

8 – боб БИБЛИОГРАФИЯ НАЗАРИЯСИ БИБЛИОГРАФИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ АСОСЛАРИ

§8.1. Библиографик ахборот – ҳужжатлар ва уларнинг истеъмолчилари мулоқоти тизимида воситачи

8.2. “Китоб-китобхон” муносабати – библиографик ахборотни вужудга келтирувчи омил

9 боб БИБЛИОГРАФИЯ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ СИФАТИДА

§9.1. Фаолият соҳаси сифатида библиография ҳақида умумий тушунча

§9.2.. Фаолият соҳаси сифатида библиографиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

ЎЛКАШУНОСЛИК ВА КУТУБХОНА ЎЛКАШУНОСЛИГИ АСОСЛАРИ

§7.1.. Кутубхона – ўлкашунослиги: моҳияти, мақсади, мазмуни, ички ва ташқи алоқалари

§7.2 Ўлкашунослик ҳужжатлари: нашр хиллари ва турлари

§7.3. Ўлкашунослик фонди: шаклланиши ва тўлдириш йўллари

§7.4. Ўлкашунослик ҳужжатларининг китобхонлари

8-боб.ЎЛКАШУНОСЛИК БИБЛИОГРАФИК ФАОЛИЯТНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

8.1. Ўлкашунослик библиографияси кутубхона ўлкашунослигининг таркибий қисми сифатида

8.2. Ўлкашунослик библиографик фаолиятнинг ташкил этилиши

9-боб ЎЛКАШУНОСЛИК БИБЛИОГРАФИК РЕСУРСЛАРИ

9.1. Ўлкашунослик маълумот-библиографик аппарати (ЎМБА)

9.2. Ўлкашунослик библиографик қўлланмалари тизими

9.3. Ўлкашунослик адабиётларини библиографиялаш методлари .

9.4.Ўлкашунослик библиографик қўлланмалари тўзиш босқичлари ва иш жараёнлари

9.5. Қўлланмаларнинг алоҳида турларини тўзиш услублари

10.-боб ЎЛКАШУНОСЛИК КУТУБХОНА-БИБЛИОГРАФИЯ ХИЗМАТИ

10.1.Ўлкашунослик кутубхона-библиография хизмати кўрсатиш

10.2.Кутубхонада ўлкашунослик ишларини ҳисобга олиш ва режалаштириш

10.3.Ўлкашунослик кутубхонашунослиги ва библиографияшунослиги

СЎЗ БОШИ

Миллий истиқлол шарофати туфайли мустақил юртимизда 28 йилдирки, мазмуни ва кўлами асрларга қиёс қилгудек улуғвор, ҳайратомуз ўзгаришлар, салмоқли ижтимоий силжишлар юз бермоқда. Халқимизнинг турмуш тарзи, маънавий қиёфаси сифат жиҳатидан ўзгариб, камалак рангларидек янги жилолар кашф этиб бормоқда. Бу шубҳасиз, замондошларимизнинг олға томон харакатларида, интилишларида самарасини намоён этмоқда. Ғолибона босиб ўтилган 28 йиллик йўлга назар солсак, бу ўзгаришлар ахборот кутубхоначилик соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан бошлаб то шу бугунги кунгача ахборот кутубхоначилик соҳаси мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, яқин 28 йил ичида ахборот кутубхоначилик соҳаси ривожи 4 та муҳим босқични босиб ўтди. 1-босқич 1991 йилдан то 2000 йилларнинг бошигача бўлган давр. Бу даврда мазкур соҳа тикланиш, янгиланиш даврини бошидан кечирди. 2-босқич 2000 йилларнинг бошидан 2011 йилларгача давом этди. 2002 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасига “Миллий кутубхона” мақоми берилиб, замонавий техника воситалари билан таъминланиб, жахон андозаларига мос янги бинога кўчирилди.

2011 йилнинг 23 февралида “Ахборот комуникация технологиялар дастур” 2001 йилнинг 13 аппрелида эса Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта“Ахборот кутубхона фаолиятини ташкил этиш”тўғрисидаги Қонун қабул қилиниши билан мазкур соҳанинг 3-даври бошлаб берилди. Бу даврда соҳага оид жуда кўплаб қонун ости хужжатлари, меъёрий хуқуқий хужжатлар қабул қилиниб соҳа ривожига муносиб хисса қўшилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тўзиш тўғрисида”ги фармойиши ва мазкур фамойиш ижроси юзасидан 2017 йилнинг 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларининг нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ПҚ-3271-сон қарори билан ахборот кутубхоначилик ва нашриётчилик соҳаларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинганлиги мазкур соҳасининг ривожланишини 4-босқичга олиб чиқди.

Кутубхоначи кадрлар тайёрлаш масалаларида ҳам жиддий ўзгаришлар кузатилди. Собиқ Тошкент давлат маданият институтида “2001 йилгача “кутубхоначи-библиограф”, 2001 йилдан “кутубхонашунослик ва ахборот тизимлари” йўналиши бўйича кадрлар тайёрланган бўлса, 2006 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши билан йўналиш номи ”ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” га ўзгартирилди ҳамда бу йўналишда кадрлар тайёрлаш Тошкент ахборот технологиялари университетига юклатилди. Шунингдек, республикадаги мавжуд оммавий кутубхоналар талимида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Республиканинг 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида жойлашган илмий-универсал кутубхоналари Ахборот кутубхона марказларига, туман ва шахалар марказий кутубхоналари ахборот

ресурс марказларига айлантирилиб, касб-хунар коллежлари тасарруфига ўтказилди. Бироқ бу амалиёт ўзини оқлаган эмас. Чунки, таълим муаасаслари қошидаги ахборот ресурс марказлари ахолини барча қатламларига ахборот кутубхона хизмати кўрсатишини чеклаб қўйди.

Ушбу “Библиография назарияси , услубиёти ва библиография ишини бошқариш” ўқув қўлланмаси библиографияшунослик фанининг энг кенг тадқиқ қилинган қисмини илк маротаба ўзбек тилида ёритади.

Ҳар бир соҳанинг ҳолати ҳақида, унинг яратилиши ва унинг ривожланиши тарихини ўргангач, тўла тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу борада библиография ҳам бундан мустасно эмас.

Ушбу дарсликда амалий библиографик фаолиятнинг барча асосий йўналишлари, бу фаолиятнинг маъмурий бошқарув ва илмий- методик раҳбарлик масалаларига тегишли умумий ва хусусий ташкилий технологик масалалари ёритилади.

Фанни ўрганиш натижасида талаба: библиографик фаолиятини ташкил қилиш назарияси, услубиёти ва бошқаришнинг умумий тамойиллари, шунингдек библиография хизматининг аниқ ташкилий – функционал тўзилмаси тўғрисида аниқ тушунча олиши; библиографик фаолиятнинг асосий негизи – маълумот – библиографик аппаратдан унинг таркибига кирувчи муҳим маълумотнома ва библиографик манбалар билан, уларни ташкил этиш, мазмуни ва фойдаланиш имкониятлари билан танишиши лозим.

Дарсликда асосий эътибор ўз статусини деярли сақлаб қолган ва аҳолининг барча гуруҳларига хизмат кўрсатишда барча тизимида етакчи ўринни эгалловчи муассаса бўлган АКМларининг библиографик фаолиятига қаратилади. Ўқув қўлланмаси Кутубхона – ахборот фаолиятини бошқарув факультетида ўрганиладиган махсус фанлар мазмунини ҳисобга олган ҳолда ёзилди. Айниқса, у китобхонларга хизмат кўрсатиш, тармоқ библиографияси фанлари билан узвий боғлиқ.

Дарслик институтнинг “Кутубхона – ахборот фаолиятини бошқарув” факультети талабаларига мўлжалланган. Шунингдек, у кутубхоналар библиографик фаолиятида бу йўналишга маъмурий ёки методик раҳбарлик қилаётган ўқитувчилар ва амалий ходимларга ҳам фойдали бўлиши мумкин.

1-Боб : Библиография тарихи: библиография тушунчаси, келиб чиқиши, замонавий талқини. Библиографиянинг аҳамияти

§1.1..Қадимги Греция ва Римда библографиянинг пайдо бўлиши

§1.2. Қадимги Мисрда библиографик ахборот мавжудлигининг шакллари

§1.3. «Библиография” атамасининг кейинги қўлланила бошланиши ва тарқалиши

Қадимги Греция ва Римда библиографиянинг пайдо бўлиши

Қадимги Шарқ халқларида бой адабиёт (илмий, диний, лирик, эпик) мавжуд бўлган. Уларда катта китоб сақлаш омборлари (шох сарой кутубхоналари) бўлганлиги ҳам китоб тарихидан маълум. Бизгача у китоб сақлаш омборларининг баъзи бир бўлакчалари (масалан, Уссурия бу шохлик ҳозирги Сурия ҳудудида бўлган машҳур кутубхонаси) етиб келган холос.

Қадимги Шарқ халқларида справка аҳамиятига эга бўлган – кейинги энциклопедияларга ўхшаш адабиётлар ҳам бўлган. Бироқ қадимги Шарқнинг Қадимги Миср, Уссурия ва бошқа давлатларида библиографиянинг бошланғич шаклларини тасдиқловчи ҳеч бир далил йўқ ва яна бу нарса «библиография» сўзининг «кутубхона каталоги» билан тенглаштириш натижасида юз берган.

«Библиография» сўзи Қадимги Грецияда эрамиздан аввалги V асрда пайдо бўлган бўлиб, у «библион» китоб, «грапо» - ёзаман, яъни, «китоб ёзиш»

деган маънони англатган. Дастлаб китобни кўчириб ёзиш иши библиография деб аталган. Эрамизнинг дастлабки асрларидаги ёзувчилар Поданлий Диоскорид, Диоген Лаэртский асарларида бу сўзнинг маъноси шундай келтирилган. Бироқ антик маданиятнинг емрилиши билан бу сўз қўлланилмай қолган.

Қадимги Греция ва Римнинг эрамиздан аввалги IX – VIII асрлардаги ва эрамизнинг IV – V асрлардаги жамияти антик дунё деб аталган. Грек жамиятида саводхонлик кенг тарқалган эди. Қадимги грек алифбоси асосида лотин алифбоси яратилган, эрамизнинг 863 йилида эса славян алифбоси - кириллитса яратилган. Шундай қилиб, ҳозирги Европа, Америка, Австралия, Осиёнинг катта қисми ва Африканинг бир қисмида ёзув қадимги грек ёзув асосида пайдо бўлган.

Греклар томонидан фаннинг кўпгина муҳим соҳаларига асос солинган. Астрономия, зоология, тарих, математика фанларининг номлари грекчадан келиб чиққан. Шунингдек, эрамиздан аввалги V асрда пайдо бўлган библиография сўзи ҳам китоб кўчириб ёзувчи, ҳаттотни англатган, бироқ бу сўзнинг пайдо бўлиши мумтоз Грецияда ҳозирги библиография тушунчасини англатадиган библиографиянинг мавжудлигига асос бўла олмайди.

Бу даврда китобга муносабат ўзгарган. Агарда Платон даврида Афинада саводхон, фанни, санъатни севувчилар, китобхон ва тингловчилар кўп бўлган бўлсада, билим олишнинг асосий шакли оғзаки мулоқот бўлган, эрамизгача бўлган эллинистик III, II асрда (қадимги юнон ва Миср маданиятларининг қўшилиб ривожланган даври) эса грекларнинг Шарққа кириб борган даври, китоб кенгайиб бораётган дунё тўғрисида маълумот олишнинг зарур манбаи бўлган давр эди. Китобга бўлган бу тарихий эҳтиёж кўплаб китобларни (ва оқибатда библиографиянинг) пайдо бўлишига олиб келди.

Бу даврда Александрия ва Пергам кутубхоналари - фан ва маданиятнинг ажойиб марказлари пайдо бўлди. Александрия китобни тадқиқ қилган, ўрганилган илмий ва нашриётчилик маркази бўлиб қолди. Александрия кутубхонасида 700 минг ўроғлик қоғоздан грек, Рим, Миср, Сурия, ҳинд, яҳудий

коллекцияси бўлган, бу коллекцияга алифбо ва системали каталоги бор эди. У ердан кўчириб ёзилган китоблар бутун цивилизациялашган дунё бўйлаб тарқала бошлаган.

Қадимги грек библиографияси дунёга асосан анъанавий библиографик қўлланмалар турлари: миллий библиографик кўрсаткичлар (Каллимахнинг “Таблитси кўрсаткичи), тармоқ ва мавзули кўрсаткичлар (драматик асарлар рўйхатлари), шахс библиографик қўлланмалари (Аристотель асарларининг рўйхати), ёрдамчи кўрсаткичлар (Победи на Дионисиях) кабиларни яратиб берди.

Қадимги Грецияда библиография миллий адабиётни ўрганишнинг илмий услубларидан бири сифатида вужудга келди. Биринчи библиографлар дуч келган асосий қийинчиликлар қўлёзма асарларда кўпинча муаллифлар, асар сарлавҳаси, яратилган вақти ва жойи ўрсатилмаганлиги эди. Сарлавҳа ўрнига одатда асарнинг бошланиш ўзи келтирилган эди.

Сарлавҳадаги чалкашликлар илмий ишлаш ва кўчириб ёзишда асар турлича номланиши билан янада кўпаярди. Шунинг учун библиографиялар пайдо бўлгандан кейин унинг асосий вазифаси муаллифлар ва уларнинг асарларини идентификациялаш (яъни тенглаштириш) бўлган.

Қадимги Грециянинг биринчи библиография ёдгорлиги библиографияга яқин бўлган асар Аристотелнинг “Дидаскали” асаридир. Бу Афинада драматик асарлар беллашувида кўрсатилган асарларнинг рўйхати эди. Номи “дид аскеин“ (ўқитмоқ) ёки дидасъҳалас (ўқитувчи) сўзидан келиб чиққан бўлиб, одатга мувофиқ муаллиф актёр ва хони ўргатиши, яъни ўз асарининг намойишини қўйиши лозим эди. Беллашув тугагач, иштирокчи – шоирлар ўз пьесасининг номи, уларга берилган мукофот ва асосий актёрларнинг номлари кўрсатилган расмий баённома шаҳар архивига топширилар эди. Шундай қилиб, баённомани давлат рўйхати акти деб ҳисоблаш мумкин.

“Дидаскали” ларни Аристотель эрамизгача бўлган 335 ва 323 йилларда шу архив маълумотлари асосида яратган. У асар тахминан 1580 фожиавий ва 970

комедия асарлари ҳақида маълумотни ўз ичига олган, бу драматик беллашувлар натижалари эрамизгача бўлган 500 йил атрофида давлат рўйхатига олинган.

“Дидаскали” ларда материаллар беллашувлар ўтказилган йилларнинг хронологияси бўйича жойлаштирилган. “Дидаскали” нинг тўзилиши Аристотель мактабининг бошланишидаги илмий ҳаракатнинг бир қисми деб қаралиши зарур. Бу асар фақат рўйхат бўлибгина қолмай, архив материалларини адабий-тарихий тадқиқотлар мақсадида системалаштириш ва ишлов беришнинг натижасидир.

Аристотелнинг “Дидаскали” сидан бошлаб библиография соф кўринишга эга бўлди: ҳужжатлар ҳақида ахборот (матнда) ҳужжатнинг ўзисиз ҳам фойдаланиш мақсадида тўзилган.

Аристотелнинг драматик беллашувларга бағишланган ва библиографик характерга эга бўлган яна бир асари бор. “Дионисиялардаги ғалабалар” (“Победи на Дионисиях”) бўлиб, унинг айрим бўлаклари бизнинг давримизгача етиб келган. Бу “Дидаскали” ларга тўзилган ўзига хос исмлар ёрдамчи кўрсаткичларидир. У фақат “Дидаскали” ларда мавжуд бўлган исмлар ғалаба қилган вақтига қараб хронологик тартибда жойлаштирилган.

“Дидаскали” лар кейинги библиографик ва адабий-тарихий асарлар учун грек муаллифларининг ҳаёти ва асарлари тўғрисида фактографик ахборотнинг ишончли манбалари бўлиб қолди. Улар ёрдамида асарларнинг хусусиятлари ҳал қилинган, муаллифларнинг камол топган вақти, пьеса қўйилган аниқ вақтлар аниқланган.

Кейинчалик грек дунёси библиографияси китоб санъатининг ривожланиши, муаллифлар ва китобхонлар сонининг ошиши ва йирик кутубхоналар, айниқса, ҳеч бир кутубхона тенг кела олмаган Александрия кутубхонасидек йирик кутубхоналарнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Александрияда филолог олимлар мактаби вужудга келди, улар грек адабий асарларини ўрганиш ва у асарлар муаллифларининг библиографиясини тўзиш билан машғул бўлганлар.

Александрия кутубхонасининг биринчи кутубхоначиси шоир Зенедот Колхидалик шоирлар Александр Этомейский ва Ликофронлар биргаликда Александрия кутубхонасида йиғилган ҳамма грек поэтик асарларини тартибга келтирдилар.

Ликофронга комедиялар тўпламини каталоглаштириш топширилган бўлиб, у “Комедиялар тўғрисида” (“О комедии”) илмий асарини ёзган. Бу асарда кўп тушунарсиз сўзларга изоҳлари билан “Дидаскали” белгилари (пьесалар муаллифлари, номи ва қўйилиши тўғрисида маълумотлар) мавжуд эди.

Ликофрон асарининг “Дидаскали” қисми Аристотель анъаналарини давом эттирган, улар ўз навбатида антик дунёдаги библиографияга яқин биринчи асарлар эди.

Ҳар икки жанр Каллимах ижодида ривожлантирилди (у эрамиздан аввалги 310-240-йилларда яшаган). Олим ва шоир, грек поэтика макатабининг бошлиғи Каллимахни кўп тадқиқотчилар “библиографиянинг отаси” деб атайдилар. 260-240-йиллар давомида Каллимах Александрия кутубхонасида ишлади. У “Фаннинг барча соҳаларида машҳур бўлганлар жадвали” (“Таблитси тех, кто прославился во вцех областях знаний”) “Маълум даврларда машҳур бўлган драматик асарлар муаллифларининг рўйхати ва кўрсаткичи” ва бошқа кўп библиографик асарлар муаллифи саналади. Уларнинг энг машҳури “Таблитси” асари бўлиб, у эрамиздан аввалги 250-йилда яратилган.

Каллимах 400.000 китоб фондидан 90.000 мазмунан энг яхши ва ташқи безатилишига кўра ноёб бўлган, кутубхоналар учун қизиқарли нусхаларни танлаб олди. “Таблитси” да ҳар бир муаллифнинг исми, отасининг исми, туғилган жойи ва муҳим библиографик маълумотлар берилган. Ҳар бир асарнинг сарлавҳаси текшириб кўрилди. Классификация жадвали қўлланилди. “Таблитси” да материаллар 3 синф бўйича жойлаштирилди: поэзия, проза ва турли муаллифлар. Хусусан, бадиий адабиёт 6 бўлимга

(элегия, фожиа, комедия ва ҳ.к.), илмий адабиёт 5 га (тарих, фалсафа, тиббиёт,) бўлиб берилган ва ҳ. к.

Каллимахнинг “Таблитси” си грек миллий библиографик кўрсаткичи ҳисобланади.

Каллимахнинг 2-чи асари “Драматик асарлар муаллифларининг кўрсаткичи” (“Указателъ авторов драматических произведений”) Аристотелнинг “Дидаскали” си билан боғлиқ. Муаллифлар тўғрисида мақолалар унинг биринчи асарининг саҳнада қўйилиши билан боғлиқ ҳолда хронологик тартибда жойлаштирилган.

Каллимахнинг яна бир асари “Демокрит асарларининг кўрсаткичи” (“Указателъ произведений Демокрита”) бизгача етиб келмаган. У библиографик рўйхат билан ёзилган монография эди.

Александрия кутубхонасининг ходими Византиялик Аристофан (эрамиздан аввалги 280-257 йилларда яшаган) “Каллимах жадвалига қарши” (“Против таблитс Каллимаха”) асарини ёзади. Асарнинг номи унга қарши дейилган бўлса-да, унга қўшимча эди. Каллимахдан кейинги йилларда Александрия кутубхонасига янги материаллар олинган ва қатор тарихий – адабий тадқиқотлар ўтказилган. Аристофан “Жадваллар” ни янги библиографик ахборот билан тўлдирди.

Каллимахдан кейин библиография ривожлана борди. Библиографик материалда муаллифнинг биографияси ёки унинг асарлар тўпламига кириш маълумотлари ҳам берилар эди. Бизгача файласуфлар асарларининг рўйхатлари етиб келган. Масалан, Диоген Лаэртский тузган Аристотель асарларининг 2 та рўйхати асосан араб тилига таржима қилинган ҳолда етиб келган. Диоген Лаэртский Аристотелнинг асарлари рўйхатини системали жойлаштириб берди. Лаэртскийнинг кейинчалик яратган библиографияси “Машҳур файласуфлар ҳаёти, таълимоти ва фикрлари тўғрисида” (“О жизни, учениях и изречениях знаменитих философов”) асаридир. Уни тўзишда ўзидан аввалги 5 асрда яратилган манбалардан фойдаланган. Мақолаларда биографик маълумотлар, асарлар рўйхатлари, таълимотнинг баёни, ҳужжатлар матнлари, шу номдаги бошқа муаллифлар рўйхати берилган.

Бизгача Эсхил, Эврипид, Аристофанларнинг драматик асарлари рўйхатлари етиб келган.

Қадимги библиография тарихида антологиялардаги ёки эпиграммалардаги библиографик материаллар (рўйхатлар ва йўналтиришлар) муҳим рол ўйнаган.

Библиография тарихида “Гулчамбар” (“Венок”) деб номланган антология қизиқарлидир, уни Мелеагр ва Филипп Фессалоникскийлар тузганлар. Мелеагр жами 47 шоирни тилга олган.

Эллинистик библиографияда Деметрий Магнесийскийнинг (эрамиздан аввалги I асрдаги) “Исмдош шоирлар ва ёзувчилар тўғрисида” ёки “Исмдошлар” асари алоҳида ўрин тутади. Бу қўлланма ҳозирги миллий муаллифларнинг обрўли картотекасини эслатади ва улар бир хил исмга эга бўлган кўп сонли грек муаллифларини ажратиш қийинлигидан пайдо бўлди. Асарда муаллифларни бир-биридан ажратиб олишга ёрдам берувчи қисқача маълумот билан шу муаллифлар рўйхати берилган.

Маълумки, биринчи йирик китоб тўплами эрамизгача бўлган 168-йилда пайдо бўлган. Бу Македониянинг энг сўнги шоҳи Персейнинг кутубхонаси эди, у Римга ташиб олиб келинган эди. Бу кутубхонанинг Римда пайдо бўлиши катта маданий аҳамиятга эга бўлган.

Эрамиздан аввалги 86 йилда Римга яна Аристотель ва унинг шогирди Теофрастнинг кутубхонаси келтирилди. Бу ўша даврдаги Рим саркардаларининг мағлуб бўлган халқлар китоб бойликларини олиб келиши билан Рим китоблар билан бойитилган.

Александрияда бўлган ва Александрия кутубхонасининг бир қисмининг йўқотилиши сабабчиси бўлган Сезар ўз ҳаётининг сўнгида Римда оммавий кутубхона ташкил этиш режасини тузди. Бу режани Сезар ҳалокатидан 5 йил кейин саркарда, нотиқ ва тарихчи Азиний Поллион амалга оширди. Кейинчалик Сезарнинг асранди ўғли Октавиан Август опаси Августа Октавий шарафига оммавий кутубхона ташкил этди.

Август даврида Италияда оммавий кутубхоналар билан бир қаторда деярли ҳар бир сенатор ёки чиновник, чавандознинг уйида хусусий китоб сақлаш жойлари пайдо бўлди.

У библиофилларнинг фалсафа, қишлоқ хўжалиги, тиббиётга қизиқишлари кўзга ташланарди. Китобларга ишлов бериш, каталогларни тўзиш одатда қулларга топширилар эди. Уларни кутубхоначилар ёки китобчилар деб аташарди.

Адабиётларнинг системалаштирилиши тўғрисида маълумотлар кам.

Қадимги Греция ва Римда библиографик анъаналарнинг давомийлигига сақланган библиографик материаллар, чунончи Пергамда эрамиздан аввалги 129 йилларда туғилган ва 199 йилга яқин Римда вафот этган, императорлар Марк Аврелий, Люсий Вар, Коммодларнинг сарой шифокори бўлган машҳур медик ГАЛЕНнинг 2 асари гувоҳлик беради.

Гален антик медицинанинг бутун ютуқларини ягона тизимга сола олди. 400 га яқин турли асарлар яратди.

Библиографик ишларнинг мақсади асарнинг ҳақиқийлигини аниқлаш, бироқ муаллиф ўзи тузувчи сифатида келяпти, шу сабабли уларни автобиографик асар деб айтиш мумкин. Галеннинг биринчи асари “Ўз китобларим тартиби тўғрисида” (“О порядке собственних книг”) Галеннинг танланган асарларига унинг асарларини қайси кетма-кетликда ўқиш зарурлигини кўрсатиб берувчи тавсия билан ёзилган ўзига хос кириш ҳисобланади. Иккинчи асари “Ўз китобларим тўғрисида” (“О собственних книг”) эса китобхонга Галеннинг ҳақиқий асарларини унинг асари деб тахмин қилаётган бошқа асарлардан ажратиб олишга ёрдам берадиган ишдир.

Қадимги Мисрда библиографик ахборот мавжудлигининг шакллари

Узоқ вақт давомида олимлар библиографиянинг объекти босма китоб, библиография китоб босиш кашф қилингандан кейин пайдо бўлган деган фикрни илгари сурадилар. Бироқ библиографик фаолиятнинг хусусиятлари,

унинг алоҳида белгиларини олимлар томонидан тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, библиография адабиёт пайдо бўлган ва уларни бир-биридан ажратиш ҳамда ўзига хос томонларини очиб бериш, жамиятда улар ҳақида ёдгорлик қолишини таъминлаш зарурати келиб чиққанда библиографик фаолият пайдо бўлган.

Қадимда библиографик қўлланмаларнинг бир тури кутубхона каталоглари бўлганлиги маълум. Қадимги бой кутубхоналарда ёрдамчи аппаратларсиз фойдаланиш мумкин бўлмаган. Бу кутубхоналар каталоглари бўлган. Археологлар қулдорлик тузуми давридаги Месопатамияда кутубхоналар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаганлар.

Эрамиздан аввалги III аср ўрталарида эллинистик Мисрда библиография мавжуд бўлган, деб айтиш мумкин.

Қадимги Миср тарихи 30 династияга бўлинади. Улар эрамиздан аввалги 3100 йилдан Птоломейлар грек династияси барпо қилингунга қадар бўлган эрамиздан аввалги 322 йиллар даврини ўз ичига олади. Библиография тарихи учун Миср тарихи даври III династиясидан бошланган давр (2686-2613 йиллар) эрамиздан аввалги ва рим даври муҳимдир.

Ҳозирги давр Россия олими, тарих фанлари доктори Б.А Семеновкер манбаларни ўрганиш давомида библиографик характерга эга бўлган қуйидаги Қадимги Миср матнларини аниқлаган:

библиографик кириш мақолалари, яъни асар матнининг бошланиши билан асар ҳақидаги маълумот (муаллифнинг исми, сарлавҳа**,** китобхонлик доираси ва ҳ.к);

-автобиографик хусусиятга эга асар бошида муаллиф тўғрисида маълумот;

-асарнинг сарлавҳаси асар матнида ва матндан ташқарида;

-матннинг якуний қисми ҳақида маълумот;

-матнлараро (ичи) йўналтиришлар;

-мемориал рўйхатлар ва библиографик рўйхатлар.

Библиографик кириш-бу ўзига хос титул варағи бўлиб, унда асар матни билан танишиб чиққунга қадар у ҳақида тасаввур (маълумот**)** берувчи ахборот бўлади**.**

Автобиографик хусусиятга эга асар бошида муаллиф тўғрисида маълумот - фақат муаллиф тўғрисидаги маълумотларни берувчи кириш сўздир. Бундай материаллар XII асрда пайдо бўлган.

Матнда ва матндан ташққарида сарлавҳа аноним китоблар ва тўпламларни кўрсатиш учун қўлланилган.

Матннинг якуний қисми ҳақида маълумотлар асосан қўлёзмаларни кўчириб ёзиш билан боғлиқ ёки тўлиқ қўлёзма билан боғлиқ маълумотлардир. Унда қуйидаги маълумотлар берилар эди: кўчириб ёзишнинг тугаганлиги, кўчирилган нусханинг олдинги қўлёзма билан мослиги, кўчириб ёзган шахс, буюртмачи, асл нусха эгаси, кўчириб ёзилган вақт ва яна кимда ким китобга зарар етказиш нияти бўлса-унга қарғишлар каби маълумотлар.

Қадимги Мисрдаги библиографик фаолиятнинг яна бир муҳим белгиси-матнлар ичи йўналтиришлар эди. Қадимда дастлаб асарлардан цитата келтирилар эди-ю, бироқ у фикр кимга тегишли эканини кўрсатмаслик мумкин эди, яъни цитата муаллифи кўрсатилмаса ҳам бу ҳол кечирилар эди. Кейинчалик матнлар Қонунлаштириладиган бўлганидан кейин йўналтиришлар мажбурий бўлиб қолди. Бундай йўналтиришларнинг пайдо бўлиши янги ахборот маданиятининг пайдо бўлиши эди.

Муаллифларнинг мемориал рўйхатлари маълум библиографик аҳамият касб этади. Шундай икки рўйхат маълум: шох Антеф сағанасидаги қўшиқлардаги муаллифларни кўрсатувчи ва Честер – Битти ИВ папирусида қадимги 8 донишманд рўйхати.

Кутубхона каталоглари анча кейинги давр, асосан грек даврига тааллуқли. Ждфе эхромидан 2 каталог жуда машҳур: 1 – сида 22 номдаги китоб, 2- сида 14 номдаги китоб рўйхати берилган. Бу асосан диний мавзудаги китоблар эди.

Китобларнинг мавзули рўйхатлари ҳам Қадимги Мисрда кенг тарқалган. Улар ҳам маълум мақсадга эга бўлиб, аниқ бир масалага бағишланар, аввало библиографик рўйхатлар деб аталиши лозим эди.

Қадимги Миср матнларини ўрганиш шуни кўрсатдики**,** библиографик фаолият китоб пайдо бўлган даврда юзага келди ва адабиётларни идентификациялаш (аслига мос маълумотлар билан тенглаштириш) зарур бўлган, жамиятда у китоблар ҳақида ёдгорликлар қолишини таъминлаш мақсадида зарур эди**.**

«Библиография" атамасининг кейинги қўлланила бошланиши ва тарқалиши

Антик дунё емрилгач библиография атамаси қўлланилмай қолди, деб айтган эдик.

Библиография сўзининг иккинчи марта пайдо бўлиши деярли 1,5 минг йил кейин, яъни XVII асрда француз билимдонлари доирасида юз берди. Улар унга бутунлай ўзгача маъно бердилар. Бу антик муаллифлар қўллаган ва иккинчи таркибий «графия» қисми тасвирлаш маъносини англатган «география», «орография» сўзларига асосланиб олинган деб хулоса қилишга имкон беради.

Марвликларнинг 1618 йил тасдиқлаган монах конгрегацияси Уставида «фанлар ва библиографияда тажрибали» бўлган монахлардан бири кутубхона бошлиғи бўлиш талаб қилинган.

«Библиография» сўзи китоб сарлавҳасида 1 – марта 1633 йилда машҳур француз кутубхоначиси, китобшунос ва кутубхонашунос Габриэл Ноденинг «Ҳарбий библиография» («Военная библиография») мақоласида такрорланади.

Ноде ҳаётлигида «библиография» сўзи Кармелит монахи, асосий касби кутубхоначи бўлган Луи Жакобнинг асарларида «китоблар рўйхати» маъносида қўлланилган. 1645-1654 йилларда Жакоб француз кундалик (йиллик) библиографиясининг дастлабки намуналарини умумий «Париж библиографияси» («Парижская библиография») ва «Умумий Галл

библиографияси» («Обшая Галлская библиография») номи билан босиб чиқарди.

Бир неча ўн йилликлардан кейин голланд китоб савдогари ва библиографи Корнелий Ван Бёгхем ўзининг ҳуқуқ, медицина, тарих ва математика бўйича библиографияларида шу библиография сўзидан фойдаланди (1680-1688 йиллар).

Шундай қилиб, XVII аср охирига келиб «библиография» сўзи ёрдамчи мақсаддаги илмий адабиётларнинг жанрини, «рўйхат», «китоблар рўйхати» сўзини ифодалай бошлади, шу давргача «библиография» сўзи «кутубхона», «каталог» сўзлари кўп қўлланилганлиги сабабли аниқ ўз маъносида қўлланилмаган эди.

XVIII асрда «библиография» сўзи турли тилларда кенг қўлланила бошлади, бироқ уларнинг маъноси бир – бирига тўғри келмас эди. Д. Феннингнинг «Инглиз қироллик луғати» («Королевский английский словар») (1741) ида «библиография» сўзи «китобларни кўчириб ёзиш» деб талқин қилинади, демак, унга қадимги, дастлаб пайдо бўлган даврдаги маъноси қайтиб берилган экан.

Дидронинг «Энциклопедия» сида «библиография» сўзи умуман келтирилмаган, «библиограф» сўзи эса «Қадимий қўлёзмаларни ўрганиш бўйича мутахассис» маъносида талқин қилинади. «Француз академияси луғати» («Словар Французской академии») (1762) нинг 4-нашрида «библиография» сўзи «библиография илми» сифатида, «библиограф» сўзининг ўзи эса «Энциклопедия» дагидек талқин қилинади.

Шундай қилиб, бу даврда «библиография» сўзига китобшунослик тадқиқотчилиги маъноси берилган.

Библиографиянинг биринчи назариётчиларидан - инкунабулшунос, император Мария – Терезанинг кутубхоначиси М. Денис ва китоб савдогари ва библиограф А.Ф.Не де ля Рошелнинг асарларида ҳам юқоридаги маъно библиографияга мустахкам талқин сифатида берилган. Денис Венада

«Китобшуносликка кириш» («Введение в книговедение») асарини нашр қилдирди (1777 – 1778). Унда библиография филология фанларидан бири сифатида талқин қилинган. У дипломатика, типографика (яъни литография санъати асослари ва унинг тарихи фани), кутубхонашунослик ва «китоблар каталоги» га бўлинади. Денишнинг фикрича, библиограф учун эски ва нодир китоблар билимга эга бўлиши учун муҳимдир.

Не де ля Рошел «Библиография фани тўғрисида мулоҳазалар» асарида Дебюрнинг «Намунали библиография» («ПоУчительная библиография») сида тасвирланган аноним китобларнинг алифбо кўрсаткичида библиографияни «ёзув олами» билан боғлиқ билимларни жамлаб берувчи фан сифатида, барча фанлар ичида энг кенг фан эканини аниқлади.

XIX асрда бу тушунча кейинги тавсифланган асарлар юзага келди. Китобшунос ва кутубхоначи Г. Пеню 1802 – 1804 йилларда «Китобшунослик бўйича изоҳли луғат» («Толковий словар по книговедению») ни нашр эттирди, унда библиография ва библиология (китобшунослик) ўртасидаги фарқни ажратиб берди. Пенёнинг фикрича, библиографиянинг вазифаси «китобларни техник тасвирлаш ва уларни классификациялаш» билан чекланади, библиология эса «Библиография назарияси» - инсон ақли идроки билан яратилган турли асарлар ва инсон билимининг бўлиниши ҳамда кетма – кетлиги, алоқасини ўрганувчи фандир». Бошқача қилиб айтганда, библиология китобларни тасвирлаш, уларни классификациялаш жадвалига қўйилиш лозим бўлган талабларни аниқлайди, библиография эса шу талабларга мувофиқ китобларни тасвирлайди ва библиология томонидан ишлаб берилган жадвал бўйича китобларни классификациялайди.

Пенёнинг қарашлари рус библиографи В. Г. Анастасевич томонидан ўзлаштирилди ва ривожлантирилди. У «Библиография тўғрисида» номли мақоласида библиографияни «китобни билиш ва уларни умумий мазмунини ёки қабул қилинган жадвал бўйича ажратиш фани деб, библиология эса

библиографиянинг фалсафий, ҳақиқий қомусий фани, олий библиография» сифатида таърифлайди.

Машҳур рус библиографи В.С.Сопикова библиографияга ўз қарашларини «Россия библиографияси тажрибаси» («Опит Российской библиографии») асарининг И – қисмида баён қилган. У библиография ва библиология ўртасидаги фарқни ажратмайди. Библиографияга қисқача шундай таъриф беради: «Халқ маорифи тарихиинг мухим қисмини ташкил этувчи китоб ҳақидаги асосли билимдир». Библиография унинг фикрича, умуман фаннинг ҳолати ва унинг аста секин ривожланиб боришини кўрсатади. Бу билан В.С.Сопиков библиографиянинг педагогик аҳамиятини таъкидлайди. Бу «китобхоннинг яхши асарга қизиқишини уйғотади» дейди.

Тарихий ёрдамчи фан сифатида библиографияга қарашлар машҳур немис библиография назариётчиси Саксония Қироли кутубхонасининг котиби Фридрих Эбертнинг асарларида тугалланган ифодасини топади. У ўзининг «Умумий библиографик луғат» («Всеобший библиографический словар») (1821 – 1830) асарининг И-томида берган сўз бошида «Библиография», «библиогнозия», «библиология» тушнчаларини турли мазмунга эга деб ҳисоблайди. Библиографияни у «ёзув тарихи бўйича ҳужжатлар тўплами, ёзув маданияти ва адабий фаолиятнинг даражаси ва ўсишининг энг ишончли ўлчови» деб таърифлайди.

XIX асрнинг 2-ярми ва XX аср бошларида библиография соҳасидаги эришилган катта ютуқларга қарамай, назария амалиётга мос эмас эди ва фақат 2-ярмидагина муҳим илмий ишлар қилинди, библиография атамашунослиги бўйича муҳим ишлар ўтказилди. Ҳозиргача библиография тушунчаси кўп маънолиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, антик библиография ёдгорликларини ўрганиш шуни кўрсатадики, Аристотелнинг «Дидаскали» асарларидан тортиб то кейинги даврлардаги библиографик справка қўлланмалари турли-туманлиги ва

библиографик ахборотнинг турли шаклларининг ривожланишдаги мерос бўлиб қолганлиги муҳимдир.

Библиографик фаолият инсон маданиятининг бир қисми сифатида келгуси авлод библиографлари томонидан ўтмиш тажрибасини ижодий ўзлаштириш ва янги услубларни таклиф қилиш йўли билан ривожланади.

Такрорлаш учун саволлар:

1.Библиография дастлаб қачон ва қаерда пайдо бўлган?

2.Қадимги Греция ва

3.Библиографиянинг дастлабки намуналари Римнинг асосий библиография ёдгорликларини гапириб беринг. ким томонидан яратилган?

4.Қадимги Мисрда библиография қачон пайдо бўлган?

5.«Библиография» сўзи қачон, ким томонидан асар номларида қўлланила бошланган?

6.Кейинчалик машҳур шахслар «библиография» сўзини қандай изоҳлаган?

II боб Кейинги антик дунё ва Ўрта асрлар даврида библиография: пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари

Биобиблиографик луғатлар Ўрта асрлар библиографиясининг алоҳида жанри сифатида

§2.1 . Биобиблиографик луғатлар Ўрта асрлар библиографиясининг алоҳида жанри

§2.2. Библиографиянинг бошқа турларини пайдо бўлиши

§2.2.1. Китоб савдоси библиографиясининг пайдо бўлиши

Қулдорлик тузуми тилчилик дини емирила бошлаган даврда черков билан ҳокимият бирлашади, янги христиан дини эскисининг устидан ғолиблигини кўрсата борди. Адабий оқим шу янги динни аввалги ва ҳозирги бошқа янги оқимлардан ҳимоя қилиши, бунинг учун шу дин ҳақидаги адабиётларни кенг

тарғиб қилиши керак эди. Бу вазифани машҳур Иероним Стридонский ўз зиммасига олди (340-420 йилларда яшаган).

У грек ва жуҳуд тилини яхши билган, тилчи, антик фалсафани, файласуфлар, ёзувчи ва нотиқларни яхши билган.

«Машҳур кишилар ҳақида китоб» («Книга о знаменатих мужах») асари билан машҳур бўлган Иероним, кейинроқ «Черков ёзувчилари ҳақида китоб» («Книга о серковних писателях») асарини яратади. Бу асар ўша даврда ундан кейинроқ тарқалган ёзувчиларнинг биобиблиографик луғатини биринчи тугалланган намунаси эди. Библиографиянинг бу турининг кенг тарқалишига сабаб, уни тўзиш махсус библиографик услубиёт ва кўникмани талаб қилмас эди. Уни тўзиш учун адабиёт тарихини, яъни ёзувчи, шоирнинг яшаган даври, унинг ҳаёти ва ижодини, асарларни яхши билиш кифоя эди. Унда материалларни жойлаштириш ҳам соддагина: ё алифбо ёки хронологик тартибда жойлаштириб қўя қолиш мумкин эди. Бундан ташқари биобиблиографик луғатлар тузувчига у ёки бу ёзувчига, адабий оқимга шахсий қарашларини ифодалашга имкон берарди. Биобиблиографик луғат танқидий библиография вазифасини бажара борган.

Кейинчалик Иеронимнинг бу асари кўпгина ёзувчилар учун намуна сифатида фойдаланилган. V асрнинг II – ярмида яшаган Геннадий Марселский ҳам шу номда асар яратган.

VII аср ўрталарига келиб Ғарбий Европада антик маданият анъаналари бутунлай йўқолди. Антик ёзувчилар асарлари кутубхоналарда тарғиб қилинмай сақланарди.

Фақат Европанинг 2 та давлати - Испания ҳамда Ирландия ва Англияда маданий ҳаёт бу даврдаги бошқа давлатларга нисбатан яхши эди.

Лекин Испанияда ҳам мавжуд диний оқимлар бир – бири билан қаттиқ кураш олиб борарди. Христиан дини кучлилик қилар, уни давлат ҳам қўллар эди. Дин давлатни қўллаб қувватлаши керак эди. Бу ишни епископ Исидор Севилский ҳал этди. Художўй, файласуф, филолог, ҳуқуқчи, тарихчи Исидор ўз замондошларига катта таъсир қила оларди. Ўқимишли тарғиботчи бўлган

Исидор ўзининг «Этимология или начала» асари орқали диний адабиётларни антик муаллифларсиз ўқишни кўрсатиб берди. Христианлар учун уларнинг ҳаммасини шу бир справка қўлланмаси, кенг энциклопедия ўрнини боса олар эди. «Этимология…» ўз китобхонига диншунослик, ҳуқуқ, тиббиёт, ботаника, зоология, агрикультура (қишлоқ хўжалиги), космография, география ва бошқа фанларни ўргатади. «Этимология» ундаи антик ёзувчилар асарларидан келтирилган кўплаб цитаталар билан бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини бир мунча сақлаб қолган (чунки кўпгина антик ёзувчиларни биз шу асарларда келтирилган цитаталар орқали биламиз).

Лекин бу асарни соф библиография деб бўлмайди.

Исидорнинг бошқа бир асари «Машҳур кишилар ҳақида китоб» («Книга о знаменитих мужах») ҳажми жиҳатдан кичик бўлса – да, юқоридаги асаридан қимматлироқдир.

Бу асар Иероним ва Геннадийларнинг шу номдаги асарларидан ҳажмининг кичиклиги билан фарқ қилади. Исидор бор-йўғи 47 ёзувчи ҳақида маълумот берган 48 – чиси ўзи бўлган. Исидорнинг бу асари, биринчидан, маҳаллий ёзувчиларга кўп эътибор берганлиги, иккинчидан, тузувчи томонидан онгли равишда асарга тавсиявий характер берилганлиги билан биз учун қимматлидир.

Сўз бошида Исидор асарига алоҳида диққатга сазовор бўлган ёзувчиларнигина олганлигини ёзади.

Исидорнинг кичик замондоши архиепископ Толедский (607-667) ҳам «Машҳур кишилар ҳақида китоб»ни тузган. Ҳажми жиҳатдан у жуда кичик асар, жами 14 номни ўз ичига олган, холос. У ҳам Исидор сингари фақат маҳаллий ёзувчиларни ҳисобга олган. Унинг асарида диний ёзувчилар ҳақида маълумот берилган, кўп ҳолларда уларнинг асарлари тўғрисида умуман ҳеч қандай сўз бормайди.

Янги библиографик асарларнинг пайдо бўлиши Ғарбий Европада XI аср охирига, яъни ривожланган феодализм даврига тўғри келади. Ҳукмрон феодализм мафкураси ичида алоҳида оқимларнинг ўзаро кураши тинимсиз боради. Шундай диний вазиятда черков ёзувчиларининг янги биобиблиографик

луғатлари пайдо бўлди: монах Сигебертнинг “Черков ёзувчилари ҳақида китоб” асари; Монте-касино монастирининг кутубхоначиси Петр Диаконнинг монах ёзувчилар ҳақида китоби ва ҳ.к.

XII аср бошида яшаган ёзувчи Гонорей Отенскийнинг «Четире книги о светочних или о серковних писателях» асари катта аҳамиятга эгадир. 4 китобдан иборат бу асарга сўз бошида у шундай беради (материални): 1 – китоб «Иеронимдан парча», ва 2-китоб «Геннадийдан кўчирма», 3- китоб «Исидордан кўчирма» ва 4-китоб «Турли авторлардан тўплам» деб атайди. 4-китобда жами 17 та муаллифнинг номи берилган, 17-си Гонорейнинг ўзи.

XIII асрда яшаган Генрих Гентскийнинг «Черков ёзувчилари ҳақида китоб»и ҳам маълум аҳамиятга эга.

Бу даврда биобиблиографик луғатлар кўплаб тўзилди, лекин уларнинг тўзилиш услубида ҳеч қандай ўзгариш, услубий мукаммаллик кўзга ташланмади.

XIII аср ўрталарида яшаган магистр Ришар де Фурнивал (1200-1250 йиллар)нинг «Книгозаконие» («Библионономиа») асари босилди. Фурнивал фалсафага қизиққан, алгебра, астрономия, алхимияга оид асарлари бўлган. Черков иерархиясида кўзга кўринган Ришар де Фурнивалнинг бу асари ХИИИ асрда ёзилган ва у бизгача жуда ёмон сақланган бўлсада етиб келган. 3 томдан иборат бу қўлланма эртакка ўхшаш кириш сўзи билан бошланади.

3 бўлимда жойлаштирилган адабиётларни у боғдаги 3 эгатга ўхшатади, қўлёзмаларни шу эгатдаги ўсимликлар дейди.

1 – эгат – фалсафа, грамматика, филология, риторика, геометрия ва арифметика, мусиқа ва астрономия, физика-математика, шеърият ҳақидаги адабиётлар, бадиий адабиётларни қамраб олган.

2 - эгатни фойдали ўсимликлар деб атайди. Унга тиббиётга оид, бир неча шахс ҳуқуқи ва диний ҳуқуқ бўйича китоблар киритилган.

3 - эгатга эса художўйлик адабиётлари йиғилган.

Ришар де Фурнивал бу асарига шахсий кутубхонасига йиғилган асарларини киритган, лекин ҳаммасини эмас. Унинг бу асарида Аристотель, лотин

шоирлари Вергилий, Горатсий, Лукан, Овидий, Сицерон, медиклар Гиппограт, Гален, Пикерлар билан бир қаторда шарқ олимлари Абу Али Ибн Сино, Ал-Форобий, Ибн Ватфиқ ва бошқаларнинг асарлари кўплаб киритилган. Улар асарларининг кўплигидан XI асрда Европада тарқалган Шарқ ани билан Фурнивал жуда қизиққанлигини билиш мумкин.

«Библиономия» даги классификация ўрта асрлар университетлар ташкил этилишига мос, яъни « факультетлар классификацияси» дейиш мумкин.

XIII аср охиридан бизнинг давримизгача ўрта мактаб дастури ва педагогик мақсадга мўлжалланган библиографияга ўхшаш бир асар етиб келган. У Тримберглик Гугонинг «Кўпгина муаллифлар рўйхати» («Перечен многих авторов») асаридир. 1280 йилда тўзилган бу асарнинг XV асрда кўчирилган ягона нусхаси бизгача етиб келган. Гуго Баварияда мактаб ўқитувчиси бўлган, ёзувчи сифатида 4 та лотинча ва 8 та немисча китоби бўлган.

Гуго ўз «рўйхати»ни 3 бўлимга бўлади:

1-бўлимда антик авторларни,

2-бўлимида тарихчи шоирларни,

3-бўлимда эса унча кўп танилмаган муаллифларни жойлаштирган, ҳар бўлим ичида хронологик тартибни қўллаган. У ўз асарига 65 қатор сўз боши ёзган. Охирида қисқача таржимаи ҳолини ва ўзининг асарлари рўйхатини беради. Ҳар бир шоирга қисқача тавсифнома берган, буни у муаллиф ва унинг асари билан танишиб чиққач ёзган.

Бу асар билан Гуго ўз даврида тавсия библиографиясининг педагогик турига асос солган ва библиография тарихида маълум ўрин эгаллаган.

Шу давргача тўзилган ҳамма библиографик луғатлар материаллар муаллифларнинг хронологияси тартибида жойлаштирилган эди. XV аср бошида Жон Бостон «Черков ёзувчилари каталоги» («Каталог серковних писательей») асарида материалларни шахсларнинг алифбоси тартибда жойлаштирган. У 195 инглиз монастир кутубхоналари китоб фондининг йиғма каталоги ҳисобланади. Унда 673 муаллиф берилган, лекин у нашр этилмаган, ҳозирда унинг қўлёзмаси Кембриж кутубхонасида сақланади.

Черков ёзувчиларининг биобиблиографик луғатларини тўзишни 1494 йили Базелда нашр қилинган Иоанн Триттенгемский (1462-1516 йилларда яшаган) «Черков ёзувчилари ҳақида китоб» («Книга о серковних писательей») и билан давом эттирган. Бундай библиографик луғатларни Иероним Стридонский ва Геннадий Марселскийлар тўзишган эди. Бу шундай луғатларнинг охирги ва шу билан бирга 1-босма библиографик асар эди. Унинг бу асари унгача тўзилган шундай библиографик луғатлардан энг мукаммал, пухта ишлангани эди. У 963 ёзувчининг 9000 асарини рўйхатга олган. Материалларни ёзувчилар яшаган даври хронологияси бўйича жойлаштирган, қисқача биографик маълумот ва асарларига ҳам қисқача изоҳлар берилган.

Унинг бу асарининг ўзигача тўзилган шундай библиографик луғатлардан фарқи - у муаллифларнинг исмлари алифбоси кўрсаткичини берган. Бу билан асарнинг аҳамияти янада ошган. Унинг бу асари справка характерида, тарғиботчилик, тарихий, адабий мақсадда тўзилган. Унинг бу асари XVI асрнинг 1-ярмидаёқ уч марта қайта нашр қилинган. Охирги марта эса 1718 йилда Гамбургда қайта нашр қилинган. Бу асар китоб босиш анча тарқалган пайтда юзага келди, аммо унда ўрта асрлар қўлёзма китоблари асосий ўринни эгаллаган.

2.2. Библиографиянинг бошқа турларини пайдо бўлиши

Китоб босиш кашф қилингунга қадар ва ундан кейинги ўн йилда библиография жуда секинлик билан ривожланиб борган. Бир библиографик асар иккинчисидан ўн йил оралиқда яратилар эди. Бу даврга қадар шу биобиблиографик луғатларгина библиографиянинг бир тури сифатида кўзга кўринарли даражада тўзилган.

Аслида ривожланган феодализм даврида фан ва адабиёт кўпёқлама ривожланди. Кўп сонли диний адабиётлар билан бир қаторда файласуфлар бахсларини акс эттирган фалсафий адабиётлар сони ҳам анча ортди. Медицинага оид адабиётлар сони ортди. Ҳуқуқий адабиётлар, астрольогия ва алхимияга оид адабиётлар кенгайди. XIII аср олимлари буюк Алберт, Фома ва бошқаларнинг асарларида тирик табиат ҳақида адабиётлар пайдо бўлди.

XI аср охиридан бошлаб арабча ва грек тилларидан таржима қилинган асарлар кўпая борди. XII асрда Толедода арабчадан таржимонларининг бутун бир мактаби пайдо бўлди, энди Аристотель, Гален, Птолемей, Ибн Сино, Аверроэслар асарлари лотин тилини биладиган ҳар қандай китобхон ўқиши мумкин бўлган асарлар бўлиб қолди.

Лотин адабиёти билан бир қаторда халқ тилидаги адабиёт ҳам тараққий эта бошлади. Феодал жамияти олий табақалари учун рицар романлари, лирик адабиётлар яратилди. Шаҳарликлар ўз адабиётларини – сатирик эпослар, новеллаларни яратдилар.

Халқнинг миллий тилидаги адабиётлар фақат бадиий адабиётдан иборат бўлмай, яна илмий ва сохта фанлар – таржималар, бестиарлар, лапидарлар ҳам пайдо бўлди.

Китоб босиш техникаси ўсиб борган китобга бўлган талабга жавоб бера олмас эди. Китоб босиш техникаси юз йиллар ўзгаришсиз қолди. Бу эса аввалги қўлёзма китобнинг ноёблигини янада оширди ва у янада қимматлигича қолди. Китобни тайёрлаш секинлик билан борарди ва у ҳам жуда қимматга тушарди.

XI - XII асрда университетларда китобни бироз арзонлаштиришга қадам қўйилди. Париждаги университетларда китоб кўчирила бошлади ва ҳар бир кўчириб ёзилган қўлёзма учун алоҳида нарх белгиланадиган бўлди. Китобни кўчириб ёзувчилар қаттиқ назоратга олиниб, улар кўчириб ёзган китобни сота олмас эдилар.

Шундай оғир шароитда малакали китоб кўчирувчилар пайдо бўлдилар, улар университет билан боғлиқ эмас эдилар.

XV асрнинг биринчи чорагида Парижда бир неча минг шундай ёзувчилар бор эдилар.

Шу билан бирга китоб сотиш кенг суратда ўса бошлади. Қўлёзмалар буюртмага кўчириб ёзиб бериларди, аммо айрим китоблар бозор учун ҳам тайёрланарди. Лекин бу китоблар диний китоблар эди. Хуллас, китоб тайёрлаш ишида ўзгариш жуда кам эди, талаб ва таклифлар номутаносиб эди. Китоб

тайёрлашда ёғоч қолиплардан фойдаланила бошланди. Лекин у ҳам бу борадаги муаммони ҳал қила олмади.

Фаннинг ривожланиши, китобга ўсиб борган талаб, китобни тайёрлаш техникасининг такомиллаштирилиши библиографияни ривожланишини таъминлай олмади. Бунга кўп омиллар ҳалал берарди. Қўлёзма китобларниг ноёблиги, турли «китоблар ҳақида китоб»лар библиография ривожланишидаги тўсиқлар эди. Бу тўсиқларни Гутенберг томонидан китобни тайёрлашда эришган – киритган ўзгариши билан олиб ташлади.

Кашф қилинган китоб босиш ва тарқатиш турли давлатларда турлича эди. 1500 йилда Италия китоб босишни ихтиро қилган Германияни ортда қолдирган эди. Китоб босиш иши катта рақобат билан борар эди. Китоб босишнинг кашф этилиши турли - туман адабиётларни тарқатиш учун фойдаланилди. XV-XVI асрларда китоб босишнинг аниқ ҳисобини олиб бўлмай қолган эди.

Бу даврда библиография олдида янги вазифа – кўп сонли китобларни бозорда сотилишига ёрдам бериш эди, уларнинг ҳаммаси турлича нархга эга эди. Китоб босиш библиографиянинг бутунлай янги турини пайдо бўлишига олиб келди.

Европада икки бир - бирига қарама-қарши лагернинг пайдо бўлиши ва улар ўртасидаги кураш, бирининг иккинчиси устидан устунлиги.

Ўрта асрларда библиография китоб босиш ишига мос эмас эди Ўрта асрлар охирига келиб улар ўртасидаги номунаносиблик ортди. Кўп сонли художўлик (диний) асарлар билан бирга реалистлар, файласуфлар ва бошқа оқимлар ўртасидаги мунозаралар акс эттирилган адабиётлар кўпайди.

XI аср охирида таржима асарлар кўпайди.

Китоб босиш кашф этилгунга қадар бўлган даврда ва китоб босиш кашф этилгандан кейинги дастлабки ўн йилликда библиография жуда суст ривожланган. Феодализм босқичида диний, дунёвий асарлар, араб ва грек тилларидан таржима асарлар кўпайди. Рицарлар асарлари ва романлари, лирик асарлар кўплаб яратилди.

XV асрда китоб босишнинг кашф этилиши қўлёзма китоб қийинчиликларини бартараф этди.

Китоб босиш Ғарбий Европа ва Марказий Европа мамлакатларидан Ўрта Ер денгизи атрофидаги давлатларга тарқалди. Диний адабиётлар билан бирга оммабоп медицина адабиётлари, ўрта асрлардаги машҳур адиблар асарлари ҳам кенг босила борди. Китоблар сонининг кўпайиши ва савдода аниқ нархга эга бўлган китобларни сотиш зарур эди. Бунга библиография ёрдам берди.

2.2.1. Китоб савдоси библиографиясининг пайдо бўлиши

Библиографиянинг вазифаси савдога чиқарилган кўп сонли китобларни сотишга ёрдам бериш эди. Библиографиянинг мутлақо янги тури – «китоб савдоси библиографияси» пайдо бўлиб, ҳаридорларга турли давлатларда шаклланган китоб савдоси тармоқлари орқали хизмат қилиш эди.

Китоб босиш Европада биринчи миллий давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлди ва ривожлана борди.

Китоб савдоси библиографиясининг дастлабки кўриниши кезиб юрадиган китоб савдогарларининг эълонлари ҳисобланади.

Бу китоб савдогарлари – босма китобнинг биринчи юз йиллигидаги муҳим шахслар эди. Китобларни бозорга тайёрлаётган босмахона эгаси – ноширлар уларнинг ёрдамисиз иш қила олмас эдилар. Бу сотувчилар ё ноширларнинг ёки китоб омборлари бўлган ёки китобнинг улгуржи савдоси билан шуғуланувчи йирик савдогарларнинг бевосита вакиллари эдилар. Шу сабабли уларнинг эълонлари биринчи навбатда уларни китоб билан таъминлаган фирмаларнинг эълонларидан иборат эди. Бу китоб сотувчилар бирор аҳоли турар жойларига боргач, ўзининг келганлиги ҳақида ва келиши тўғрисида, шунингдек, уларнинг эътиборига қандай китоблар ҳавола этилаётани тўғрисида хабар бериш керак эди.

Афиша ёки плакат кўринишдаги бундай эълонлар у келган қишлоқ ёки шаҳарларда энг кўзга кўринарли жойга: университет, черков, монастрларнинг деворларига ёпиштириб қўйилар эди.

Бу эълонларга тадқиқотчилар кейинроқ эътибор бердилар. Уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган. Бу эълонлар жуда содда ёзилган бўлар эди. Уларда 20 дан ортиқроқ адабиётларнинг рўйхати бўлар эди. Кўп ҳолларда эълон биттагина китобга бағишланарди, эълоннинг охирида – пастда эса китоб сотувчи тўхтаган меҳмонхона манзили кўрсатилар эди. Плакат матни, сотиладиган китоблар рўйхати одатда босма, сотувчининг манзили қўлёзма бўлар эди. Матн лотинча ёки камдан – кам ҳолларда халқ тилида тўзилар эди. Бироқ уларда адабиётлар системалаштирилмас эди. Фақат 1484 йилда босилган Эрх Ратдолтнинг рўйхати бошқачароқ: теология, мантиқ, гуманитар фанлар ва поэзия, каноник ва граждан ҳуқуқи, медицина каби соҳаларга ажратиб берилган.

1498 йилда босмахона эгаси Алд Манусий ҳам ўз каталогини чиқарди. Унинг бу плакати ўзидан олдинги чиқарилган шундай плакатлардан бир белгиси билан фарқ қилади: унда Манусий ҳар бир китоб қаршисига унинг нархини кўрсатган, буни у китоб сотиб олувчиларнинг кўп сонли сўроқларига жавоб бериш қийинлиги сабабли бир йўла ҳамма саволларига жавоб бериш учун қилганини айтади.

Манусий каталогининг 2-нашри 1503 йилда чиқарилди, унда у фақат ўз китобларини эмас, балки унда комиссияда бўлган китобларни ҳам кўрсатади, шу сабабли унинг бу нашри ҳам нашриётчилик, ҳам китоб савдоси библиографияси ҳисобланади.

Алд Манусийнинг 3-чи каталоги 1513 йилда нашр қилиниб, у ҳақиқий нашриёт каталоги эди. Унда ўз станогидан чиққан адабиётларни беш сахифада тасвирлаган каталог эди. Китоб нашр қилиш кашф этилгандан юз йил кейин ўз даврининг йирик библиографи ўзининг «Пандекти» асарида сўз бошида кўп китоб савдогарларининг ўз омборларида бор бўлган китобларнинг босма каталогини босиб чиқарганлари муҳим ҳодиса бўлганлигини таъкидлайди, бу каталогларнинг кўпидан Геснер ўзи фойдаланган, уларнинг айримларини асарига киритган.

XVI асрда китоб савдоси библиографияси яна бир қадам олға силжиди. Бу даврда чиқиш даврийлиги белгиланган ярмарка каталоглари пайдо бўлди.

Бундай каталогларнинг биринчиси Франкфурт ярмаркасида пайдо бўлган. Бу ярмарка аллақачон жуда муҳим рол ўйнайдиган, шимолий ва жанубий Германия ўртасидаги, Германия ва Италия, Франция ва Нидерландия ўртасида савдо алоқаларини ўрнатишда муҳим рол ўйнаган.

Бу ярмаркалар каталоглари XVI аср бошларидаёқ тўзила бошлаган, бироқ чиқиш даврийлиги мунтазам белгилаб чиқарила бошлангани 1564 йилги ярмаркага тўғри келади. Аугсбурглик йирик китоб савдогари Георг Виллер «Франкфуртдаги 1564 илги кузги ярмаркага сотиш учун қўйилган янги китобларнинг каталоги» номли биринчи каталогни босиб чиқарди. Унда Виллер бу «каталогини бошқа шаҳарлик китоб савдогарлари ва китоб ишига содиқ шахслар фойдаланадиган ҳолда тузганини» айтади.

1565 – 1567 йилларда Виллер битта каталог тузди ва чиқарди. Кейинчалик ҳар бир (баҳорги ва кузги) ярмарка учун алохида каталог чиқара бошлади.

Каталогдаги китоблар тиллари бўйича – аввал лотин тилидаги, кейин немис тилидаги китоблар берилган. 1568 йилдан эса бошқа чет тиллардаги китоблар бўлими ҳам ажратилди. Бир тилни ичида фан соҳалари ажратилган, бўлимлар ичида эса тартиб йўқ эди. Тасвирлар мукаммал эмас эди. Асосан сарлавҳага эътибор берган, чиқиш жойи, ноширлар ҳам кўпинча кўрсатилмаган. Сарлавҳалар кўп ҳолларда қисқартирилган, аниқ бир белгиланган нарх бўлмаганлиги сабабли китобнинг нархи кўрсатилмас эди.

Виллер каталоглари ҳажми жиҳатдан ҳам ҳар хил эди. 1564 йилги 1-каталогда 256 китобнинг, 1593 йилгисида 898 китобнинг рўйхати берилган.

1598 йилдан расмий китоб савдоси каталоги чиқарила бошлади. Лекин Виллер каталоги Виллернинг шогирдлари томонидан яна 30 йил давомида чиқарилди. Расмий каталоглар Виллер каталогларидан тасвирларининг тўлиқроқлиги билан афзал эди. Классификациясида ҳам ўзгаришлар катта эди (Виллер ўша пайтда университетларда мавжуд бўлган 4 та факультетлар соҳалари - тарих, ҳуқуқ, математика, медицина бўйича берган эди). Виллер аввал нашр тили бўйича берган эди, расмий каталогда аввал фан соҳалари бўйича ажратилди.

Франкфурт ярмарка каталоглари 1749 йилгача чиқарилди. У каталоглар ҳозирги кундалик библиографиялар намуналари эди. Лекин камчиликлари кўп эди. Маълумотлар аниқ эмас эди, уларда фақат ярмаркага қўйилган китоблар ҳисобга олинган.

Виллернинг ҳар йилги каталоглари асосида 1592 йили йиғма ярмарка каталоглари 3 томда чиқарилди. Уни чиқаришни Виллер ўз ҳаётлигида бошлаб берган эди (у 1593 йилда вафот этган). У «Франкфурт ярмаркасида 1564 йилдан 1592 йилгача кузги ярмаркагача сотилган яҳудий, грек, лотин, шунингдек, немис, итальян, француз ва испан тилларида ёзилган китобларнинг 3 томлик тўплами» деб номланган.

Томлар ичида материаллар системали, ҳар бир бўлим ичида эса исмларнинг алифбоси бўйича жойлаштирилган.

Виллердан кейин бундай каталогларни Иоанн Клемм, Георг Драудлар ҳам тузганлар.

2.2.2. Тақиқланган адабиётлар библиографиясининг юзага келиши

XV – XVI асрларда китоб босиш жуда ривожланди. XV асрда босилган китоблардан бизгача 40 мингга етиб келган. XVI асрда, айниқса реформация даврида китоб босиш ўсди.

XVII асрнинг I – чорагига келганда Германия дунёда шундай тўлиқ маълумотни берувчи китоб савдоси библиографиясини асосий чиқарувчи давлат бўлиб қолди. XVI – XVII асрларда библиографиянинг энг ривожланган тури ҳам шу китоб савдоси библиографияси бўлди.

Европанинг икки қарама – қарши лагерга бўлиниши ва улар ўртасида курашнинг кучайиши ҳар иккала лагерь томонидан библиографияни ўз мақсадларида фойдаланишга олиб келди.

Ҳокимият, асосан черков дунёвий адабиётларни тарқалишига қарши мақсадда фойдаланди. Натижада яна бир библиография тури – «тақиқланган адабиётлар библиографияси» пайдо бўлди ва ривожланди. Биринчи тақиқланган адабиётлар кўрсаткичари 1544 йилда Париж университети илоҳиёт факультети томонидан нашр этилган. Кейинчалик уларнинг сони кўпая борди.

Бундай тақиқланган адабиётлар кўрсаткичлари католикларга қандай адабиётларни ўқиш таъқиқланганини кўрсатиб берар эди.

1559 йилда Римда папаси томонидан тасдиқланган «Тақиқланган китоблар индекси» кўрсаткичи чиқди. Кейинчалик бундай индекслар тўлиқ ва XX асрнинг бошигача махсус ташкил этилган конгрегация томонидан тайёрланиб, чиқарилиб борилди. Босма маҳсулот мавзусининг турли – туманлаша бориши библиография олдига харидорнинг махсус ва ихтисосли қизиқишини ҳисобга олиб китобларни танлаб бериш масаласини қўйди. Натижада тармоқ библиографиясининг пайдо бўлишига имкон яратилди.

2.2.3. Тармоқ библиографиясининг шаклланиши

Дастлабки, тармоқ қўлланмаси **тиббиёт**га оид бўлиб, Франция қироли Карл VIII нинг, кейинчалик Людовик XII ва Герцог Лоторингскийнинг шифокори Симфориан Шампе тузган «Тиббиёт бўйича машҳур ёзувчилар тўғрисида, беш трактатга бўлинган» номли кўрсаткичидир. У Лионда 1506 йилда босилган.

Лекин бу асар у қадар мустақил тўзилмай, олдинги тўзилган библиографик материаллардан кўп маълумотлар кўчириб олинган эди. Бу асар мавзуси ва энг биринчи тармоқ кўрсаткичи бўлиши билан библиография тарихида муҳимдир.

Ундан кейин 1530 йилда Отто Брунфелснинг «Машҳур медиклар каталоги ёки медицина бўйича биринчи ёзувчилар тўғрисида» («Каталог о знаменитих медиках или о первих медитсинских писателях по медитсине») кўрсаткичи; Пасхал Галлнинг «Медицина кутубхонаси» («Медитсинская библиотека») кўрсаткичи (1590 йилда); Израэл Шпахнинг «Медицина ёзувчиларининг исмлари кўрсаткичи» («Именной Указателъ медитсинских писательей») кабилар ҳам яратилди.

Ҳуқуққа оид биринчи библиографик қўлланма Иоанн Невитссано тузган «Ҳар икки (илоҳий ва граждан) ҳуқуқ бўйича китоблар рўйхати» («Список книг по обоих (гражданских и канонических) правах»)1552 йилда босилган.

1559 йилда Венецияда Дж. Бат. Дзилеттининг «Ҳозирги кунгача нашр қилинган ҳар икки (папа, император) ҳуқуқ бўйича барча китоблар кўрсаткичи»

босилди. Бу Невитссанонинг юқоридаги кўрсаткичини тўлдирибгина қолмай, унда янги системалаштириш қўлланилган.

Бу библиография қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда бир неча марта қайта нашр қилинган.

1598 йилда Израэл Шпах яна «Файласуф ва филолог ёзувчиларнинг исмлари кўрсаткичи» («Именной Указателъ писательей философов и филологов») ни чиқарди. Унда 400 га яқин предмет рукнлари остида Шпах 4000 дан ортиқ авторлар исмларининг алифбо ёрдамчи кўрсаткичини илова қилди.

Шундай қилиб, XVI асрга келиб библиографиянинг яна бир тури – тармоқ библиографияси мустақил нашр этилган библиографик кўрсаткичлар билан пайдо бўлди. Яна қатор китоб ичи библиографик рўйхатлари ҳам кўп босилди.

Бу даврга келиб Европа давлатларида библиографиянинг яна бир тури миллий библиография намуналари ҳам пайдо бўла бошлади (4-бобга қаралсин).

Такрорлаш учун саволлар

1.Биобиблиографик луғатларнининг яратилиш зарурати ҳақида гапириб беринг.

2.Биобиблиографик луғатларни кимлар тузганлар?

3.Ўрта асрлар бошларидаги тарихий шароит қандай эди?

4.Китоб савдоси библиографиясининг пайдо бўлишига нималар туртки бўлди?

5.Дастлабки тармоқ библиографиялари қачон пайдо бўлди ва уларни кимлар тузган?

3. боб Тикланиш даври универсал библиографияси

§3.1. Конрад Геснер – Европа библиографиясининг асосчиси

§3.2. Янги шароитда библиографик асарларнинг анъанавий хилларини вужудга келиши

Конгард Геснернинг «Умумий кутубхона» («Всеобшая библиотека») асарини олдинги дастлабки кўзга кўринарли 1- библиографик асар яратилган даврдан орадан ўтган юз йил ажратиб туради. Бу юз йил Европа маданиятида катта аҳамиятга эга. Албатта, Конрад Геснер шу ўтган юз йил ичида етишган, ўтган титанлар Леонардо да Винчи, Албert Дюрер, Макявелли, Лютерларга ўхшамас эди. Унда уларга ўхшаган кучли характер йўқ бўлса ажаб эмас.

Лекин ақлий қизиқиши турли туман бўлган. Эллинист – филолог, файласуф, шифокор, зоолог, ботаник ва ниҳоят библиограф Конрад Геснер юқоридаги номлардан кейин айтиладиган ва шу бошланган тикланиш давринининг кўзга яққол намоён бўлган шахси бўлиб қолди.

Геснернинг ранг-баранг илмий фаолиятининг тўлиқ тавсифномаси ушбу номи айтилаётган «Умумий кутубхона» («Всеобшая библиотека») асари мавзусидан четга чиқади.

У Сюрихда 1515 йилда туғилган. Медицина доктори бўлган. Ҳаётининг сўнги йилларида ўз она шаҳри Сюрихда шаҳар шифокори бўлиб ишлади. 1565 йил шу ерда вафот этган. Конрад Геснер бизга қолдирган «Всеобшая библиотека» асари 4 қисмдан иборат бўлиб, бу библиографик асар Конрад Геснерни бу давр Европа библиографиясининг «отаси» деб аташга сабаб бўлди.

Библиографиянинг биринчи қисми «Кутубхоналарда ҳозирги кунгача сақланган ва яширинган ёки очиқ бўлган янги ва эски 3 тилдаги:лотин, грек ва яҳудий тиллардаги ҳамма асарларнинг умумий кутубхонаси ёки тўлиқ каталоги» янги асар жамоат ва шахсий кутубхоналарини тўзиш учунгина эмас, балки ҳар қандай санъат ёки фанни яхши ўрганишни истаган ҳамма учун ўта фойдали. Сюрихлик медицина доктори Конард Геснер тузган. Сюрихда 1545 йил сентябрь ойида ношир Христофор Фрошовер босиб чиқарган» деб номланган.

Иккинчи қисми «Сюрихлик шифокор ва фалсафа доктори Геснер 21 та доктори Конрад Пандект (Свод-тўплам) и ёки умумий бўлинмалари. Китобхонларга. Бу том 2 чи кутубхонамиз, фалсафа ва бутун санъат ҳамда

умумий масалалар ва фанлар соҳаси ва шу билан бирга хусусий бўлинмалар. 1548 йилда Сюрихда Христофор Фрошовер босиб чиқарди” деб номланган.

Бу 21 дегани фанлар классификацияси назарда тутилган, шундан фалсафа, санъат, универсал ва умумий фанлар, хусусий бўлинмалар бўйича китоблар киритилган. 20-чи бўлимда медицина берилиши керак эди. Лекин уни алоҳида тайёрлашга улгурмади.

21-чи разрядга теология кириши керак эди. У кўрсаткичнинг 3- чи қисмида берилди.

Учинчи қисми “Конрад Геснер” умумий Пандектининг охирги теология бўлинмаси. Шу китобга ва олдинги 19 тасига алифбо кўрсаткичи илова қилинмоқда, у олдинги ваъда қилинган 3 томини тўлдиради. Сюрихда 1549 йилда Христофор Фрошовер босиб чиқарди” деб номланган.

Тўртинчи қисми “Конрад Геснер кутубхонасига қўшимча Сюрихда 1555 йил мартда Христофор Фрошовер босмахонасида босилди” деб номланган.

Ўзи сўз боши ёзади, унда китобхонга мурожаат қилади. Бу мурожаатини “Ўзим учун эмас, умумий фойдаланиш учун туздим буни мен, Асаларилар, ахир Сизлар ҳам асални ўзингиз учун тайёрламайсиз- ку!” деган 2 қаторлик шеър билан якунлайди.

Китобхонга кейинги мурожаатида империя бош маслаҳатчисига бу асарни яратишга нима мажбур қилганини тушунтиради: бу ҳаётда хамма нарса ҳалок бўлиши мумкин. Бой Александрия кутубхонасининг вайрон бўлгани, унинг даврида эса венгер қироли Матвей Корвиннинг ажойиб кутубхонаси йўқ бўлиб кетганини кўрсатиб, ўзи йиға олган китоблар ҳам изсиз йўқ бўлиб кетса, инсоният, унинг замондошлари, янги кашф этилган давлатларда ривожланиш ўрнига ёввойилашади, деб изоҳлайди.

Китоб босиш билимларни сақлашни осонлаштирди, лекин кўп ортиқча нарсалар босилиб, кўп қадимги қимматбаҳо асарлар босилмай қолмоқда.

Геснернинг гапи бўйича, олдин у фақат қадимий асарлар билан чекланмоқчи бўлди, кейин режасини кенгайтириб, “Кутубхона” сида қадимги ва янги асарларни, илмий ва илмий бўлмаган, босма ва, қўлёзма, ношуд монах

томонидан ёзилган ёввойи китобларгача киритишга қапоп қилди. Улардан ҳам фойдали нарсаларни олиш мумкин. Эннийнинг нопок ишларидан Вергилий олтин топган-ку. Ҳар бир китоб нимаси биландир фойдали деб Плиний ҳам айтганку.

Бунда Турк - осмонлар томонидан венгер пойтахти Буданинг ишғол қилиниши натижасида 1527 йилда Кирол Матвей Корвин кутубхонасининг ёниб кетиши ҳам бунга туртки бўлгани маълум.

Геснер материални авторлар исмларининг алифбоси бўйича беради. Кейин “Кутубхона” сини тўзишда фойдаланган манбалар кутубхоналар ва каталогларни келтиради. ҳар бир муаллифнинг босма асари тўлик тасвирланган, ҳатто нархи ҳам кўрсатилган. Аннотацияланган.

Геснер Иероним, Геннадий кўрсаткичлардан тўлиқ фойдаланган. Қўлёзма адабиётларнинг номи кўрсатилган холос. Олдинги библиографиялардан фарқи - қўлёзма асарлар билан босма асарнинг фарқини тасвирда кўрсатиб кетган.

Ўзидан олдинги тузувчилардан фарқ қилгани ҳолда Геснер ҳар бир ёзувчининг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот беради. Машҳур авторлар ҳақида биографик маълумот ўта тўлиқ (масалан, Аристотелга 40 бетдан иборат тўлиқ матн берилган, аввалги тузувчилар туғилган, яшаган йилларини берар эдилар, холос). Янги асарларнинг тасвирлари билан бирга унга кенг баҳолар ҳам берилган

Дунёвий илм асосчилари ҳақидаги маълумотлар биринчи, диний ёзувчилар 2- даражали ўрин тутиб, кейин берилган.

Тасвирнинг тўлиқлиги, бу асарни олдингилардан устун эканлигини кўрсатади. “Кутубхона” сўзини библиографик асарни номлашда қўлланилиши ҳам бу асарнинг олдингиларидан афзаллигини кўрсатади.

Биринчи томнинг ўзида 3 мингдан ортиқ муаллифнинг 12 мингдан зиёд асари рўйхатга олинганлиги Геснер кўрсаткичининг ютуқларидан биридир. Олдинги тузувчилардан яна бир фарқи: Геснер ўзи ёзган очеркларида ҳап бир ёзувчи ҳаёти ва фаолиятининг муҳим фактларини беради. Асарларини таҳлил қилиб, унга баҳо беради.

Геснер асарининг ҳап бир қисмини бирор бир ноширга бағишлаган, масалан, Фрошоверга ҳам, бундан унинг ноширлар билан яқин алоқада бўлганини кўриш мумкин.

Жами у “Кутубхона” сида 4-5 минг муаллифнинг 15 мингдан ортиқ асарларини йиққан. Замондошлари унинг асари билан асар босилгунча қизиққанлар. 1544 йил ноябрда фалкнейбурглик княз Отто Генрих турли ўртамчилар орқали “Кутубхонанинг варақлари босилиши билан юборишни талаб қилади...”. Карл В унга герб топширди.

Ҳажми катта бу асар қимматбаҳо нашр эди. Конрад Геснернинг замондоши Конрад Ликосфен томонидан Базелда 1551 йилда Опорин нашрида чиқди. Ликосфен Геснернинг асарини қисқартирибгина қолмай, балки яна бир неча юз янги ном билан тўлдирди, лекин муаллифлар тўғрисидаги Геснер берган маълумотлардан тўлиқ воз кечди, XVI аср ўрталарида китобхонга автор ҳақидаги эмас, китоб ҳақидаги маълумот муҳимроқ эди, буни Ликосфен билди.

Ликосфеннинг бу ишига - жавобан Геснернинг ўзи ва дўсти Иоспей Симлер тузган “Конрад Геснернинг Кутубхона” сидан аввал Конрад Ликосфен тузган, энди бошқатдан текширилган ва икки мингдан ортиқ авторга кўпайтирилган “Кўчирма” 1555 йилда Фрошовер нашри билан босилди. Унга Геснернинг ўзи сўз боши ёзган.

Лекин Симлер ҳам Ликосфен каби биографик маълумотлардан воз кечиб, соф библиографик маълумотни берди. Шу 1555 йилда Симлер тузган асар босилган вақтда Парижда Геснер асарининг 18 қисми кичик китобча шаклида Р. Константин томонидан тўзилган ва “Англия ва Галлия кутубхоналарида ёки босма нашр сифатида китоблари мавжуд бўлган машҳур ёзувчиларнинг исмлар рўйхати. Бу олим ва истеъдод эгаси К. Геснернинг “Кутубхона ва пандектларининг ҳаммасига кўрсаткич” («Указателъ библиотеки и всем пандектам»)деб номланган 180 варақли кичик нашри чиқди.

1574 йилда Геснер вафотидан 20 йил кейин Симлер “Кўчирма”сининг янги тўлдирилган нашри чиқди.

1583 йилда, 1585 йилда яна “Умумий” (универсал) кутубхона” билан

боғлиқ ҳолда асарлар чиққан, лекин бу билан бундай нашрлар тўхтамади.

XVII-XVIII асрда билимдон кишилар Геснер асарини эсламай қолмаганлар.

Бу асар библиография тарихини ўрганишда бизнинг давр учун ҳам катта қимматга эга.

3.2. Янги шароитда библиографик асарларнинг анъанавий хилларини вужудга келиши

XVIII асрга келиб библиографиянинг қадимги турлари – биобиблиографик луғатлар яна яратила бошланди. Улардан немис университети профессорлари ва ўқимишли журналистлар справка мақсадида фойдаланишади. Бундай луғатлардан бири «Олимларнинг умумий кўрсаткичи» («Обший Указателъ ученик»)ни Христиан Готлиб Ёхер тузган.

Христиан Готлиб Ёхер (1694 – 1758) Лейпсиг университетини тугатган ва бутун умри давомида у билан боғлангандек, шу ерда ишлаган. 1730 йил фалсафа фанини, 1732 йил тарих фанини ўқитди., 1735 йил докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1742 йил Университет кутубхонасининг раҳбари эди. У «Олимларнинг умумий луғати» («Всеобший словар ученик») га энг қадимги даврдан 1750 йил (луғат чиққунгача) гача бўлган даврдаги 76000 олимларни рўйхатга олган (7 минг йиллик даврдаги), лекин 17 мингга яқини йўналтиришлар, демак унда 60000 та ҳамма миллат олимларнинг асарлари ҳақида малумот берилган.

Тасвир бир хил эмас. Чет тиллардаги китобларнинг номи баъзан асл ҳолича, баъзан немис тилига таржимаси билан берилган. Ишнинг ҳажми катта бўлганлиги сабабли Ёхер ҳамма нашрлар тўғрисида маълумотни тўлиқ бермаган. Ўрта асрлар ва ўз замондошлари, ўзидан сал олдинги авторлар ҳақида батафсилроқ маълумот берган. Немис тилида тўзилган бу луғат Германияда катта қизиқиш уйғотган. Босиб чиқарилиши биланоқ у ер бу ерда унга қўшимчалар чиқа бошлади.

1784 – 1787 йилларда машҳур педагог, грамматик ва лексикограф Аделунг Ёхернинг асари чиққан Гредичнинг машҳур нашриётида «Христиан Готлиб Ёхер»нинг «Олимларнинг умумий луғати»нинг давоми ва қўшимча»ни

чиқарди.

Ўзининг сўз бошида Аделунг «Ёхернинг «Луғати» кўп камчиликларга эга ва у жиддий қайта ишлашни талаб қилади» деб изоҳлайди. У Ёхерга нисбатан библиографик маълумотларни аниқ ва ишонарли қилиб берган. Унинг бу асарини 2 томи чиқди, холос (уни давом эттирса ҳам бўлар эди, чунки у 2 томдан кейин яна 19 йил яшади).

Ёхернинг “Луғати” 1,5 аср ўз қизиқишини йўқотмади.

XVII асрнинг 2 чи ярмига келиб босилган китоблар сони улар ҳақидаги маълумотдан бир неча марта ошиб кетди.

Лейпсиглик китоб савдогари Теофил Георги “Китобларнинг Умумевропа умумий лексикони” номли 4 қисмдан иборат асарни яратди. Уларга яна 3 та қўшимча томини яратди. XVI асрдан 1757 йилгача чиққан немис ва лотин тилларидаги китобларни ҳисобга олган бу лексикон алоҳида безалган ҳолда чиқарилган. Китоблар 6 графадан иборат жадвалда тасвирланган. Асар 1753 йилда чиқди. Лексиконнинг 5 қисми ва 3 та қўшимча қисмларда жами 150000 дан ортиқ тасвир келтирилган. Справка аҳамиятга эга бу асарда тасвирлар мукаммалроқ эди. Фақат олдинги авторлар ҳақида тўлиқроқ маълумот берган. Масалан, XVI аср авторлари ҳақида.

Лексикон китоб бозорида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Лекин хатолари кўп бўлган бу асарни кейинчалик айрим библиографлар қаттиқ танқид қилганлар. Масалан, XIX аср ўрталарида машҳур бўлган библиограф Петсхолдт бу асар ҳақида “аниқлик ва ишонч бўлмаган асар, лекин унинг ўрнини босадиган бошқа тўлиқроқ библиографик асар бўлмагани учун, ундан бутунлай воз кечиб бўлмайди”, деб ёзади.

XIX аср охири XX асрнинг 1- ярмида Анри Стейн эса Георгининг “Лексикон” ини “Кенг ва эътиборга лойиқ репертуар” деб баҳолайди.

Библиографик тасвирлари стандартлаштирилгани билан Георги ўзидан олдинги библиограф Драуддан ўтиб кетган. Тасвирда у нархи ва бетлар сонини ҳам кўрсатган, шу вақтгача ҳеч бир библиографик асарда у маълумотлар йўқ эди: (аниқроғи тўлиқ берилмас эди).

Китоб савдоси, нашриётчилик тарихи билан шуғуланган мутахассисга Георги бошқа бирорта библиографик асарда йиғилмаган бой материални берган. Бу XV ва XVI аср китоб нашриётчилигини ўрганишда муҳим қўлланмадир.

Такрорлаш учун саволлар :

1.Конгард Геснернинг «Умумий кутубхона» («Весобшая библиотека») асари ҳақида гаприб беринг.

2.Янги шароитда библиографиянинг олдин анъанавий бўлган қандай турлари тўзила бошланди?

3.Бу тўзилган библиографияларнинг дастлабки библиографиялардан қандай фарқи ва устунлиги бор эди?

4.Кейинчалик Т. Георгининг «…Лексикони»га мутахассислар қандай баҳо берганлар?

4-боб. МИЛЛИЙ БИБЛИОГРАФИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

§4.1 “Миллий библиография” тушунчасининг изоҳланиши

§4.2. Биринчи ретроспектив библиографик тўпламларнинг яратилиши

§4.3. Кундалик миллий библиография тўзишга уринишлар

§4.4. Вақтли нашрлар миллий библиографиясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

“Миллий библиография” деб, бирор бир давлатнинг босма матбуотини универсал (тўлиқ) ҳисобга олиш вазифасини бажарувчи библиографияга айтилади.

Унинг пайдо бўлишига қатор сабаблар бўлган, уларнинг энг муҳими – миллатнинг пайдо бўлиши, миллий ўзликни англашнинг шаклланиши ва бундан миллий маданият ютуқларини аниқлаш ва умумлаштиришга эҳтиёжнинг келиб чиқиши эди.

Халқ тили (немис, француз, инглиз ва бошқ.)даги китобларнинг кенг тарқала бориши ва илгари ўрта асрда хукмрон бўлган тил – лотин тилининг аста секин сиқиб чиқарилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Китоб нашр қилишнинг тез суръатлар билан ўсиши (агарда 1500 йилда Европада 30 минг номда китоб нашр қилинган бўлса, 1600 йилда эса 285 мингдан ортиқ китоб босилган) ҳам муҳим рол ўйнади.

Миллий адабиётларнинг ретроспектив йиғма рўйхатлари XVI аср бошларидан юритиларди.Уларнинг 1- инглиз Жон Бейлнинг 1548 йилда босилган биобиблиографик асари ҳисобланади.

1550 йилда Венецияда публицист ва ношир Антонио Франческо Донининг «**Флоренциялик Донининг кутубхонаси»** (“Библиотека Флорентийса Дони”) асари босилди. Унда Италия ёзувчилари асарларининг рўйхати берилган бўлиб, у маҳаллий (итальян) тилидаги адабиётларни ҳисобга олишдаги биринчи тажриба эди. 2 қисмдан иборат бу кўрсаткич кейинчалик бир неча марта қайта нашр қилинган.

Чорак асрдан сўнг 1584 ва 1585 йилда Францияда француз тилида 2 та китоблар кўрсаткичи чиқди, уларнинг бири Ф.Дю Мен, иккинчиси А.Дю Верде томонидан тўзилган.

XVI асрнинг бу ва бошқа ишлари Европада, сўнгра бутун жаҳонда ретроспектив миллий библиографик нашрларнинг кенг тарқалишига замин тайёрлади.

XVI-XVIII асрлар ретроспектив библиографик нашрлари фақат китобларни ҳисобга оларди, лекин тўлиқ библиографияланмаган рўйхатлар эди, чунки адабиётларнинг кундалик ҳисоби олиб борилмас эди, шу сабабли тузувчилар чиқаётган асарлар тўғрисида маълумотларни тўплардилар, бунда ўзидан олдинги тузувчиларнинг ишларидан, кутубхоналар ва нашриётлар каталогларидан фойдаланганлар.

Бу даврда ретроспектив тўпламлар алоҳида шахслар ва библиографларнинг шахсий ташаббуси билан тўзиларди.

Кундалик миллий библиография XIX асрдагина пайдо бўлган, шунга қарамай, миллий библиография тушунчасини назарий изоҳлаш қийинчилик билан кечди ва унинг атрофида мунозаралар ҳозирга қадар ҳам давом этмоқда.

«Миллий библиография» тушунчаси XVIII асрнинг охирида Францияда пайдо бўлди, XIX асрдаги Халқаро библиографик Конгрессларда кенг тарқалди, бироқ тушунча изоҳланмади. Биринчилардан бўлиб француз тарихчиси ва библиографи Ш.В.ЛАНГЛУА «Тарихий библиография бўйича қўлланма» (“Пособие по исторической библиографии”) (1901 й.) асарида уни изоҳлашга ҳаракат қилган.

«Универсал библиографияларга доираси тор бўлган миллий библиографиялар қарши туради: бу нашр ҳозирда у ёки бу миллат – Германия, Франция, Италия ва бошқа давлатлар ҳудудида нашр қилинганлик белгиси билан бирлаштирилган китоблар репертуаридир», деб ёзади Ш.В.Ланглуа. Лекин бу таъриф миллий адабиёт тарихи репертуарига ҳам мос келади, улар ҳам **давлат вакиллари** ёки шу **давлат тилида** ёзилганлик белгиси билан бирлаштирилган (босма ёки қўлёзма) асарлар репертуаридир.Бунга қўшимча қилиб, бир давлат тўғрисида (Германия, Франция ва бошқалар) ги асарларни ҳисобга олувчи репертуарлар «миллий библиография» деб аталиши мумкин, деб айта оламиз.

XX асрнинг 1-ярми давомила «**миллий библиография»** тушунчасини аниқлаш устидаги иш илгари силжимади. Кўпгина библиографлар миллий библиографиянинг кўпёқлама хусусиятини тан олган ҳолда унинг бош, етакчи шакли – бирон-бир давлат доирасида нашр этилган адабиётларни ҳисобга олиш белгисини ажратдилар.

Библиографларнинг бир қисми миллий библиографиянинг асосий вазифасини бир миллат билан у ёки бу томонлама боғлиқ бўлган ва шу ҳудудда босилган адабиётларнинг бутун комплексини кенг акс эттиришда деб қарадилар ва

а) шу халқ тилида;

б) унинг вакили томонидан ҳар қандай тилда ёзилган ва ҳатто

в) муаллифи ёки тилидан қатъий назар шу халққа ёки давлатга бағишланган адабиётларни ҳисобга олиши керак, деб ҳисобладилар.

Миллий библиография шаклларининг фарқи аниқ тарихий вазият (шароит) тафовутлари билан боғлиқ бўлади. Кўпгина давлатларда кундалик ва ретроспектив миллий библиография нашрлари ўз давлат адабий махсулотларини акс эттириб, ҳудудий тамойиллар асосида шаклланди. Россияда ҳам, АҚШда ва қатор бошқа давлатларда ҳам шундай бўлди. Аммо баъзи давлатларда, хусусан Германияда ҳудудий тамойилни қўллаш мумкин бўлмади. Маълумки, 1871 йилги француз-прусс урушидан кейин немис давлатлари Пруссия номи остида бирлаштирилиб, Германия империяси яратилди. Бироқ миллий бирлик тушунчаси немисларни, К.Р.Симоннинг фикрича, давлатнинг бўлинишини «енгиш зарур бўлган умуминсоний кулфат» деб қарашга мажбур этди. Нашриётчилик ва китоб савдоси немис тилидаги китобларни нашр этиб ва тарқатиб, мавжуд чегарани ҳисобга олмай, умумнемис маданий марказлари ва китоб савдоси ташкилотларини ташкил этиш орқали бу билан курашдилар. Бундай шароитда миллий библиография китоб савдосининг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун зарур бўлган биргина тамойил – йил белгиси бўйича тўзилиши зарур эди.

Бошқа давлат тили ва маданияти билан боғланган миллий гуруҳлар йиғиндисини билдирувчи давлатлар (инглиз-француз Канада, француз-немис, итальян Швейсарияси ва ҳ.к.) ёки босма маҳсулоти кам бўлган давлатлар ёки сунъий равишда тўзилган давлатлар (Исроил) алоҳида тоифани ташкил этадилар. Бу ҳолларда, шунингдек мажбурий бўлиб юборилган ва ўтмишда миллий эзилган, ҳудуд жиҳатидангина эмас, балки тил чегараси ҳам тор бўлган давлатлар тўғрисида гап кетганда мамлакат вакиллари ёзган ёки унга бағишланган чет эл асарлари тўғрисида қўшимча ахборотга эҳтиёж пайдо бўлади. Масалан, кўп йиллар мобайнида парчаланиб келган Польшада миллий библиографиянинг вазифаси давлат тарқоқлигига, аҳолисининг эминрациясига қарамай поляк маданияти ютуқларини аниқлаш ва акс эттириш бўлган

Шундай қилиб, **«Миллий библиография»** тушунчаси адабиётни ҳисобга олишнинг турли мавжуд шаклларини бирлаштиради, деб таъкидлаш мумкин:

1.Ҳудудий белгилари бўйича ҳисобга олиш (шу давлат ҳудудида барча тилларда нашр қилинган ҳужжатлар ҳисобга олинади).

2.Тил белгиси бўйича ҳисобга олиш (нашр жойидан қатъий назар, аниқ бир тилда босилган асарлар ҳисобга олинади).

3.Ушбу давлат билан ҳудудий, тил, муаллифлик ва мазмун белгиси билан боғлиқ бўлган – комплекс тамойилига кўра барча материалларни ҳисобга олиш (бу гуруҳ «патриотика» ёки «экстериорика» деб аталади). Миллий библиографиянинг ҳам кундалик миллий библиография, ретроспектив миллий библиография турлари ажратилади.

Кундалик миллий библиографияга ҳудудий тамойил мақсадга мувофиқ деб топилган, бу тил ёки комплекс белгилар бўйича ҳисобга олишнинг аҳамиятини камайтирмайди, лекин улар ҳозирги даврда мамлакатшунослик библиографиясининг объекти ҳисобланади ва кундалик миллий библиография нашрларига қўшилмаслиги керак.

4.2. Биринчи ретроспектив библиографик тўпламларнинг яратилиши

Миллий библиографиянинг пайдо бўлишига Ренесанс (Уйғониш) даврига хос бўлган миллий ўз-ўзини англашнинг шаклланиши сабаб бўлди. **«Миллий библиография»** деганда унга киритилган ёзувчиларнинг миллати белгиси бўйича материал танланган библиографик асарлар тушунилган.

Миллий библиографиялар шундай кетма-кетликда: Германия, Англия, Италия, Франция, Испания, Польшада пайдо бўлди. Уларнинг биринчи шакллари ретроспектив кўрсаткичлар бўлган. Бироқ бу даврда ҳам айрим кичик библиографик материал деб айтиш мумкин бўлган нашрлар пайдо бўлди. Масалан, Корнелий Лосс **«Германиянинг машхур ёзувчилари каталоги, қайсики ҳаёти ҳам, бир вақтнинг ўзида ўз таълимоти ва тақводорлиги билан машхур бўлган шахслар ва (уларнинг) асарлари**» ни тузган. Унда

1500 йилдан 1581 йилгача бўлган адабиётлар, яъни католиклар ўқиши мумкин бўлган (таъқиқланган адабиётлар кўрсаткичлари билан бир вақтда яратилган) адабиётлар (танлаб) олинган (Миллий библиографияда ҳужжатлар тўлиқ олиниши керак, лекин бу библиография тузувчиси айнан католиклар ўқиши мумкин бўлган адабиётларни уларга кўрсатиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги учун шундай олган). Шахсларни яшаган даври хронологияси бўйича берган.

ГЕРМАНИЯда китоб босиш ривожлангани маълум. Миллий библиография ҳам биринчи бўлиб шу давлатда вужудга келган.

Биринчи миллий библиографиянинг намунаси Иоанн Триттенгемскийнинг 1495 йилда Базелда босилган «**Ўзининг иқтидорлари ва машғулотлари билан Германияни машхур қилган машхур кишилар каталоги»** («Каталог тех, кто прославил Германию своим занятием и талантом») қўлланмасидир. Иоанн Триттенгемский ўзининг «Черков ёзувчилари ҳақида китоб» асари билан маълумдир. Унда 300 га яқин (миллати бўйича) немис ёзувчиларининг 2000 га яқин асарлари ҳисобга олинган. Библиография амалиётида янги ходиса – каталогнинг миллий хусусияти, айниқса қизиқарли. Германияда XVI аср бошларигача миллий давлат йўқ эди.

Бир неча юз йиллар давомида тўлиқ ҳисобга олувчи миллий ретроспектив библиографияси бўлмаган. Босма китоб махсулотлари камлигига қарамай Франция ва Англияда миллий библиография пайдо бўлган.

АНГЛИЯда (шунингдек, бутун Европада) ўрта асрларда асосий китоб бойликлари йиғиладиган жойлар монастирлар эди. Англияда ретроспектив кўрсаткичлар Генрих VIII хукмронлиги даврида у инглиз монастирлари кўчмас мулклари ва бошқа мулкни давлат мулкига айлантириш бўйича тадбирини ўтказган даврига тўғри келади.

Бу даврда, яъни 1536-1539 йилларда 800 га яқин монастирлар тугатилган, улар билан бирга 800 га яқин кутубхоналар ҳам тугатилган. Уларнинг катта қисмини китоб фонди ёндириб юборилган ёки йиртиб юборилган. 1540 йилда ГенрихVIIIнинг одамлари шубҳали кутубхоналарни тозалаш бўйича ўз

ишларини жуда фаол олиб бордиларки, натижада фақат Оксфорд, Кембриж ва бошқа бир неча эски соборлар кутубхоналаригина сақланиб қолди. 1549 йилда Эдуард даврида университет кутубхоналари «тозаланди». Оксфорд кутубхонаси батамом йўқ қилинди. Биринчи инглиз китоблари, кўпчилиги қўлёзмалари рўйхатини тўзиш ишини антиквар Жон Леленд (1506-1552 йй.) бажарди. У «**Британ ёзувчилари тўғрисида шархлар**» (“Комментарии британских писательей”) асари бўлиб, 1545 йилда яратилган, бироқ 1,5 асрдан кейин (1709 йилда) нашр қилинган. Бу иш ҳам материаллари хронологик тартибда жойлаштирилган биобиблиографик луғатдир. Унда материаллар авторларнинг миллати бўйича (миллий тамойил асосида) танланган бўлиб, Леленд эрамиздан олдинги VI асрларда яратилган асарларни ҳам олган. Асарларнинг ёзилиш тарихини кенг берган, 593 бобдан иборат бу библиографияда ҳар бир боб бир ёзувчига бағишланган: 80 боби фантастик материалларга бағишланган (чунки инглиз адабиётининг бошланишини Леленд бардлар-қасиданавис шоирлар, друидлар, сеҳргарлар ёзган китоблардан деб ҳисоблади).

Ундан кейин унинг дўсти Жон Бейл (1495-1563) кўп вақт давомида (дарбадарликда сургунда юрган кезларда) инглиз адабиёти ҳақидаги маълумотларни йиғиб, 1-инглиз миллий ретроспектив библиографиясини тузган. У «**Буюк Британия, яъни Англия, Уэлс ва Шотландиянинг машхур ёзувчилари рўйхати»** («Список знаменитих писательей Великобритании, т.е. Англии, Уэлса и Шотландии»)деб номланади. Унда Бейл 3000 йилги инглиз адабиёти тарихини беришга уринган, 600 га яқин ёзувчилар тўғрисидаги биографик маълумотларни кенг берган, материалларни хронологик тартибда жойлаштирган, охирида исмлар кўрсаткичини берган. 1548 йилда босилган бу библиография 1557 йилда қайта ишланиб, «Ҳозирги Англия ва Шотландия деб номланувчи Буюк Британиянинг машҳур ёзувчилари каталоги» номи билан нашр қилдирди. 1559 йилда унинг давомини чиқарди. Уларнинг ҳаммасида 1400 га яқин ёзувчилар номлари берилган.

Леленд ҳам, Бейл ҳам қўлёзма китобларни олганлар.

XVI асрда ва XVII асрнинг бошида Англия китоб махсулоти жуда кам эди. Асосан йилига 70-75 китоб чиқарилар, улар инглиз тилидаги китоблар бўларди.

1556 йилда Лондонда китоб савдогарлари ва нашриёт эгаларининг бирлашмаси ташкил топди. Бу бирлашма ҳамма нашриётларнинг маҳсулотларидан Лондон епископи тасдиқлаши учун оларди ва унга (мажбурий нусха сифатида) рўйхат тузар эдилар. Бу иш миллий китоб савдоси библиографиясининг пайдо бўлиши ва тез ривожланишига имкон берди. Лекин китоблар сонининг камлиги бу библиографияни кундалик нашр сифатида эмас, фақат ретроспектив шаклда чиқишини таъминлади. Масалан, Эндрю Маунсел 1595 йилда 2 қисмдан иборат «**Илоҳиётга тегишли фанлар ёки бизнинг ўз тилимизда ёзилган ёки бошқа ҳар қандай тилдан унга таржима қилинган инглиз босма китобларининг каталоги**» деб номланган миллий ретроспектив библиографияни чиқарди.

Маунсел ҳар бир адабиёт билан яхши танишиб чиққач олган. У китоб савдоси талабларига мос келадиган ҳолда тасвир қоидаси бўйича маълум стандартни 1-бўлиб ишлаб чиқди, китоб тасвирлаш техникасини илгари сурди. Материални жойлаштиришда ҳам бошқача йўл тутиб, системали тартибни қўллади, йирик бўлим ичида кичик рукнлар ёки жанрлар бўйича берди. У фақат босма китобларни олган, 1-қисмида 2639 тасвир, 2-қисмида эса 321 тасвир берилган. Унинг вафоти туфайли 3-қисми тугалланмаган. Унинг режасига кўра бу қисмга гуманитар фанлар бўйича китоблар ва бадиий асарлар киритилиши керак эди.

Маунселнинг бу библиографияси XX асрнинг 1-ярмига қадар яратилган библиографияларнинг бошида бўлган.

Франциянинг 1-миллий библиографияси юқорида тавсифланган Леленд, Бейл, Дониларнинг кўрсаткичларидан тўзилиш услуби ва техникаси томонидан бир поғона юқори бўлган, бунга сабаб, француз миллий библиографияси инглиз ва итальян миллий библиографиясидан бир неча ўн йилликлар кейин пайдо бўлганлиги туфайли француз миллий библиографияси тузувчилари аввалги

библиография тўзиш тажрибаларидан фойдаланганлиги, XVI асрда Францияда умуммаданий юксалиш даври бўлганлигидир.

Делакруа дю Меннинг 1584 йилда Парижда чиққан «**Француз кутубхонаси**» (“Французская библиотека”) кўрсаткичи ва дю Верденинг 1585 йилда Лионда чиққан «**Француз кутубхонаси**» кўрсаткичи бир-бирини тўлдирувчи, XVI аср француз адабиёти ва ундан олдинги давр қадимий француз адабиёти ҳақида маълумот берувчи мухим манба ҳисобланади. Делакруа асарида 2000 дан кўпроқ муаллифлар, дю Верде асарида унга икки баравар кўп асарлар тўғрисида маълумот берилган. Улар библиографик луғатлардир. Тузувчилар ҳозиргача тикланиш даври француз адабиёти тадқиқотчилари фойдаланиб келаётган фойдали ва мухим асарларни яратдилар. Кейинчалик XVIII асрда бу икки библиографик қўлланма бирлаштирилиб, қайта нашр қилинган.

РОССИЯ. XVII асргача рус босма китоблари библиографиялаш объекти бўлмаган. Рус китобларини библиографик ҳисобга олишга XVII асрнинг 2-ярмида Силвестр Медведев (1641-1691**) «Китобларнинг тузувчилари билан мундарижаси»** (“Содержание книг с составителями**”)** кўрсаткичини тўзиш билан ҳаракат қилган (уни 1846 йили Ундалский нашр этган). У монарх, Москва босма саройининг китоб сақловчиси бўлган.

1665 йилда ўзининг катта шахсий кутубхонаси материаллари бўйича кўрсаткич тузди, унинг мақсади – «ким қайси китобларни йиққан ва ёзганлигини билиш мумкин бўлган справка қўлланмасини тўзиш» бўлган. 1800 номни ўз ичига олган бу ишда авторлар тўғрисида қисқача биографик маълумотлар берилади, китобларнинг мазмуни очиб берилади. Автор ишни кўрмаган бўлса, буни алохида белги билан кўрсатиб кетган.

Рус китобларининг 1-репертуари А.М.Богдановнинг «**Умуман барча умумий сўзлар, асарлар ва уларнинг бошланиши тўғрисида қисқача кириш ва тарихий изланиш**» кўрсаткичидир (1755 йилда тўзилган, қўлёзма, ҳозиргача нашр қилинмаган). Унинг биринчи бўлими «Россиядаги барча босмахоналар босма китобларининг қисқача тўплами» деб номланиб,

босмахоналар бўйича гуруҳларга бўлинган ва китобларнинг номлари ва чиқиш йили кўрсатилган хронологик тартибда жойлашган рўйхати берилган.

XVIII асрохирида Россияда рус тарихи ва рус китобларига қизиқиш ортади, катта миқдорда янги китоблар пайдо бўлади. Жамиятда рус китобларининг тўлиқ репертуарини тўзиш ғояси мухокама қилина бошлайди.

Репертуар тўзиш устида бир вақтда ва бир – бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда Бантиш Каменский ва епископ Дамаскин (Семенов-Руднев) ишладилар.

Бантиш Каменскийнинг рус китоблари репертуарини тўзиш бўйича иши тугалланмаган, кенг, ўзига хос тасвирланган китоблар форматига мос турли ҳажмдаги 4000 карточкадан ташкил топган картотека ҳолида сақланган. Карточкаларда матннинг тўлиқ нусхаси ва график маълумотлар билан титул варақлари ишланди. Картотека XVII аср охиридан 1805 йилгача босилга рус тилидаги китобларни ўз ичига олган. Карточкалар номларнинг биринчи сўзлари алифбоси бўйича ажратилган ва ҳарфлар бўйича тикилган.

Рус китоблари репертуарини тўзишга иккинчи уриниш епископ Дамаскин томонидан «**Россия кутубхонаси ёки Россиядаги босмахоналар пайдо бўлгандан буён босилган ҳамма китоблар тўғрисида маълумот**»(«Российская библиотека или сведения о вцех книг, изданних с появления вцех типографий в России») номли иши билан бўлган. Унда китобларнинг тасвири хронологик тартибда жойлаштирилган. Бу Россияда хронологик тартибни биринчи бўлиб қўллаш ҳолати эди. Дамаскин «Кутубхона» асарида ёзув ва матбуот тарихини асос қилиб олиб, рус маданияти тарихини биринчи даврлаштириб берди.

4.3. Кундалик миллий библиография тўзишга уринишлар

XVII асрнинг 2-ярми ва XVIII асрда кундалик миллий библиографияни, яъни маълум даврда чиққан нашрларни ҳисобга олувчи ва вақтли нашр сифатида чиқарилувчи библиографияни ташкил этишга уринишлар бўлди. Бундай уринишлар 3 давлатда- Англия, Франция, Голландияда бўлган.

АНГЛИЯ. Маунсел томонидан асос солинган «Каталог» билан миллий библиографиянинг китоб савдоси хусусияти инглиз библиографиясида XVII-XVIII асрлар давомида сақланиб қолди. У.Жаперд томонидан «**Кейинги йилларда нашр қилинган ва ҳозирда сотувда бўлган инглиз китоблари каталоги**» («Каталог английских книг, изданних в последние годи и в настоящее время находяшихся в продаже») (1618 йил октябрь-1619 йил) ҳамда «Англияда босилган (ва ҳукумат рухсати билан нашр қилинган) айрим лотин ва шунингдек инглиз китоблари» (1621 йилдан 1631 йил ноябригача) қўлланмаларини тайёрлади. Бу каталогларнинг давоми ҳам бўлган.

Кундалик библиографик ахборотнинг кейинги ривожланиши китоб савдогари Уильям Лондон номи билан боғлиқ. У «**Англияда сотувда бўлган илоҳиёт (теология), тарих, табиблик ва хирургия, ҳуқуқ бўлимчалари остида алифбо бўйича тартибга келтирилган мактаблар ва олимлар учун яхудий, грек ва лотин китобларининг катта қисми каталоги**» нинг 3 нашрини (1657, 1658, 1660 йилларда) чиқарди.

1666 йилда Лондонда ёнғин юз берди, шаҳарда қурғоқчилик эди. Библиографлар олдида янги вазифа – ёнғиндан кейин чиққан китобларни ҳисобга олиш вазифаси турарди. Китоб савдогари Роберт Кивел 40 йилдан ортиқ, яъни 1668 йилдан 1711 йилгача оммабоплиги билан шухрат қозонган « ... даврга каталоглар»нинг 160 та сонини чиқарди. Бу нашр йилига тўрт марта чиқарилди (ярмаркалар ҳам ҳар кварталда ўтказилар эди).

1776 йилдан **«Бентлар каталоглари**” (“Каталог Бентов”) номли каталоглар туркуми нашр қилина бошлади, улар Лондон китоб савдогарлари Бентлар (олдин Уильям, 1824 йилдан эса унинг ўғли Роберт) томонидан босилган. Ҳар бир каталог маълум вақт оралигидаги материалларни акс эттирар, бир-бирини хронологик давом эттирар эди. Каталогларнинг номи тез-тез ўзгартирилар эди, лекин унда «Лондон» сўзи доимо сақланиб келди, бу Англияда китоб босиш ишлари асосан пойтахтда асосланганлигини кўрсатар эди.

ФРАНСИЯ. Францияда XVII аср охирида кундалик миллий библиография (Кермелит монархи) кутубхоначи Луи Жакоб томонидан тўзилиб нашр қилинди. «Жаҳонда мавжуд бўлган ва ҳозирда бор ажойиб оммавий ва шахсий кутубхоналар тўғрисида трактат» асарининг муаллифи Луи Жакоб «**Поп кутубхонаси**» (“Папская библиотека”) (Лион, 1643, Рим папалари библиографияси), «**Лалоннинг машхур ёзувчилари тўғрисида уч китоб**» («Три книги о знаменитих писательей Лалона»), шунингдек, Францияда чиққан китобларнинг 1-вақтли библиографияси **«Париж библиографияси»** (“Парижская библиография”) **ва “Галл библиографияси**» (“Галлская библиография”) каби библиографик асарларни тузган. Уларнинг 9 нашри чиққан, улар ҳам ярмарка каталогларига ўхшаб кетар эди.

Луи Жакоб ўз асарларини «библиография» деб атаб, «библиография» сўзини қўллай бошлади. Библиография сўзини биринчи бўлиб Жакобнинг замондоши Ноде ўзининг «Ҳарбий библиография», «Сиёсат библиографияси» асарларида қўллаган эди.

4.4. Вақтли нашрлар миллий библиографиясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Вақтли нашрлар миллий библиографияси Европада XVIII аср –XIX асрнинг бошида ноёб, ретроспектив хусусиятга эга тасодифий кўрсаткичлар шаклида пайдо бўлган. Ҳажм жиҳатдан катта бўлмаган ва мукаммал ишланмаган бу кўрсаткичлар ўзларининг справка қийматини тез йўқотган, уларнинг энг биринчилари бизгача етиб келмаган.

Францияда XVIII аср давомида, шунингдек, Италия, Буюк Британия, Германияда пайдо бўлган библиографик ишлардан ўз аҳамиятини сақлаб қолгани 1 та, немис педагоглари И Бойтлер ва Й. Гутс-Мутелар тузган Германияда ХУИИИ асрда чиққан энг мухим вақтли нашрларни тўлиқ рўйхати аналитик тасвирланган 3 қисмли **«Муҳим немис журналларининг предмет кўрсаткичи»** («Предметний Указателъ оновних неметских журналов»)дир**.** У Лейпсигда 1790 йилда чиққан.

XX асрда вақтли матбуот ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида мухим ўрин эгаллаган даврда мамлакат ривожи ўтмишда ва ҳозирда мавжуд ўз журнал махсулотларини библиографик қамраб олиш заруратига дуч келди. XIX аср давомида вақтли нашрларни ҳисобга олиш Европанинг 16 давлатида, АҚШда, Канадада ва Лотин Америкасининг бир неча республикаларида пайдо бўлди. Миллий вақтли матбуотни катта ёки кичик давр учун қамраб олувчи ретроспектив кўрсаткичлар билан бир қаторда вақтли нашрларнинг кундалик рўйхатлари ҳам юзага кела бошлади. Улар турли журналлар саҳифаларида унчалик мунтазам бўлмаган даврийлик билан ёки алохида китоб (кичик рисола) шаклида босилади. Газета ва журналларнинг мунтазам босилган рўйхатлари дастлаб Россияда (XIX асрнинг 1 чораги), сал кейинроқ (аср ўрталарига яқин) Германия ва Буюк Британияда, Франция, АҚШ, Чилида ва ҳ.к. давлатларда пайдо бўлди.

XX асрда вақтли нашрлар миллий библиографиясининг тарқалиш доираси анча кенгайиб, Европа давлатларидан ташқари яна Америка қитъасининг катта қисмини қамраб олди. XX аср ўрталарида Осиё ва Африка давлатларида ҳамвақтли нашрларни ҳисобга олиш бошланган.

Вақтли матбуотни ҳисобга олувчи нашрларнинг тўзилиш тамойиллари бир-биридан сифат жиҳатдан фарқ қилади. Айрим давлатларда вақтли нашрларни кундалик ҳисобга олиш миллий библиографиянинг бир бўғини ҳисобланиб, бу ишни давлат қўлга олган. Бунда у одатда мажбурий нусха тўғрисидаги қонунга асосланади ва марказлашган ҳолда амалга оширилади (Бельгия, Дания, Португалия, Швеция ва бошқа давлатлар).

Бошқа давлатларда китоб савдоси ва реклама манфаатлари, библиографиянинг давлат миқёсида мустахкам ташкилий негиз билан таъминланмаганлиги хусусий тадбиркорлар, нашриётлар ва китоб савдоси фирмалари, ахборот ва реклама бюролари, почта идоралари ва бошқаларни ташаббус билан чиқишига туртки бўлмоқда. Вақтли матбуотнинг шундай кўринишдаги ҳисоби АҚШ да, Буюк Британия, Норвегия, Финландия ва бошқа қатор давлатларда мавжуд.

Бундан ташқари, ҳамма жойда янги, номи ўзгартирилган, чиқиши тўхтатилганнашрлар тўғрисидаги ахборот йўлга қўйилган ва у китоб махсулотларини ҳисобга олувчи органларда баъзи кундалик вақтли нашрлар кўрсаткичларида бўлим сифатида ёки мустақил нашр қилинмоқда.

Кундалик ҳисобнинг тез суратлар билан ривожланиши библиографияларнинг вақтли матбуотни ретроспектив тўпламларига бўлган эътиборини пасайтирмади. Ретроспектив тўпламларнинг мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий ҳаётини ёритиш аниқлиги ўтмиш вақтли нашрларини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради. Шунинг учун XIX ва XX асрда ретроспектив миллий библиография муваффақият билан ривожланиб борди.

XIX аср **Россия** вақтли матбуотини ҳисобга олувчи мухим библиографик асарлардан А.А.Неустроев ва Н.М.Лисовскийнинг ишларидир.

Н.М.Лисовскийнинг «**Россия вақтли матбуоти библиографияси**» (“Библиография периодической печати России”) асари рус тилида чиққан энг яхши библиографиялардан бири бўлиб, 1901-1916 йиллардаги материаллар ҳисобга олинган. Унинг давоми ҳам «СССР вақтли матбуоти» номи билан чиққан, у 1917-1949 йиллардаги вақтли матбуот нашрларини ҳисобга олган.

Европа давлатларидан фақат **Франция**гина вақтли матбуотнинг тўлиқ репертуарига эга. 1866 йилда Э.Атен тузган «**Француз вақтли матбуотининг тарихий ва танқидий библиографияси»** (“Историческая и критическая библиография французской периодической печати**”)** кўрсаткичи нашр қилинган. Бу ерда вақтли нашрларни библиографиялаш давом этмоқда, у «**Атенга қўшимча**» (“Дополнение Атену”) номи билан унинг кўрсаткичини хронологик давом эттиради. У Париж Миллий кутубхонасининг ташаббуси билан бошланган. 1964 йилдан кўрсаткич алохида нашрлар сифатида чиқарилади, ҳар бири алохида департаментнинг вақтли нашрларини қамраб олади. Кейинчалик ҳамма нашрларга 4-5 томда ёрдамчи умумий алифбо кўрсаткичи чиқариш кўзда тутилган.

Миллий библиографиянинг тадқиқот ва кутубхоначилик ишида аҳамияти катта. Миллий библиография манбалари кутубхоналар фондини тўлдириш ва қайта тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади ва справка библиографик ишларда кенг фойдаланилади. Тадқиқотчи вақтли матбуотни бошланғич рўйхатга олиш органларида бошқа манбалардан топиш қийин бўлган маълумотларни, унутилган, нодир, кам нусхали нашрлар, шунингдек янги нашрлар тўғрисида маълумотларни топади.

Такрорлаш учун саволлар

1.Миллий библиографиянинг таърифини келтиринг.

2.Миллий библиографияда қайси белгилар асос қилиб олинади?

3.Миллий библиографиянинг дастлабки кўринишлари аввал қайси давлатда пайдо бўлди?

4.Дастлаб миллий библиографиянинг қайси турлари пайдо бўлди?

5.Қачон ва қайси давлатларда кундалик миллий библиографик материалларни тўзишга биринчи бўлиб ҳаракатлар бошланган?

6.Дастлабки тўзилган миллий библиографик материаллар кейинчалик тўзилганларидан нимаси билан фарқланар эди?

7.Миллий ретроспектив тўпламлар ҳақида маълумот беринг.

8.Вақтли нашрларнинг миллий библиографияси ҳақида гапириб беринг.

9.Миллий библиографик нашрларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти нимада?

5-БОБ. Жаҳоннинг йирик давлатларида библиографиянинг ривожланиши(XVIII-XX асрлар)

5.1. Матбуотнинг давлат библиографик ҳисоби

XIX-XX асрларда Европа ва Америка давлатларида китоб маҳсулотлари сони улкан даражада ўсдики, ҳатто уни икки жаҳон уруши ҳам тўхтатиб қололмади. Бу даврдаги китоб маҳсулоти сони урушдан олдинги барча китоб маҳсулотлари сонидан ортиб кетди.

Газета ва журналларнинг чиқиши ҳам шундай ўсди.

Бу ўсиш йирик-улкан кутубхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди. У нашриётчилик ва китоб савдоси ишларини ташкил этишга ва ноширлар ва китоб савдогарлари бирлашмаларининг юзага келишига туртки бўлди. Ҳаммадан ҳам бу XIX-XX асрларда библиографиянинг ривожланишига таъсир кўрсатди. Европада француз инқилоби ҳам бунга бир туртки бўлди.

XIX асрнинг биринчи ярмида дастлаб ФРАНЦИЯ да француз инқилоби йилларида китоб бозорини тўлдирган сиёсий мазмундаги адабиётлар оқимининг кўпайиши чиқиши тезкор вақтли библиографик нашрга эҳтиёжни кучайтирди. Лекин мунтазам чиқиб турадиган журналга эҳтиёжнинг йўқлиги туфайли бундай журналлар бир ёқдан пайдо бўлиб, дарҳол чиқмай қола борди.

1810 йилда Наполеоннинг Декрети билан матбуот ва китоб савдоси ишлари бўйича бош бошқарма таъсис этилди.

Давлат манфаатларига, талабларига жавоб бермайдиган бирор китоб ёки кичик рисола оммага чиқиб кетмаслиги керак эди.

Кундалик библиография шундай вазифани бажарар эди. 1810 йилда 1797 йилда Пер Ру томонидан асос солинган “Босмахона ва библиография журнали” (“Типографский и библиографический журнал”) ўрнига “ Матбуот иши ва китоб савдоси умумий журнали” номли нашр чиқарила бошлади. Бироқ, бир йил ўтгач юқоридаги журнал ҳам қайта ташкил этилиб, “Француз империясининг библиографияси” (“Библиография Французской империи”) номини олди. У ҳафталик цензура назорати журналди бўлиб қолди. Унда Францияда тарқатилишга цензура рухсат берган китоблар тасвири берилар эди. “Француз империяси библиографияси”да материаллар нашр тиллари бўйича, яъни аввал француз тилидаги, сўнгра бретон, баск тилидаги; кейин қадимги яхудий тилидаги, лотин тилидаги; грек ва итальян тилидаги; испан, португал, инглиз, немис, поляк, голланд тилларидаги адабиётлар жойлаштирилган.

1814 йилдан унинг номи “Франция библиографияси” (“Библиография Франсии”) деб ўзгартирилиб, тил чегараси ҳудуд билан чекланди. 1815 йилда у яна уч ой “Француз империяси библиографияси” номи билан чиқди.

1856 йилгача “Франция библиографияси” нинг мазмуни Ички ишлар вазирлигининг “расмий заҳира”сига келиб тушадиган китоблар тасвиридан иборат эди.

Демак, дастлабки 45 йил мобайнида “Франция библиографияси” ўзининг бевосита вазифасига кўра босма маҳсулотнинг давлат ҳисобини олиб борувчи миллий библиографик орган бўлиб қолди.

1827-1839 йилларда Жозеф Керарнинг “Адабий Франция” (“Литературная Франция”) ретроспектив миллий библиографик қўлланмаси чиқарилиб турилди. Унда Керар XVIII-XIX аср бошларидаги бадиий адабиётни, ижтимоий-сиёсий тематикадаги адабиётларни рўйхатга олган. Табиатшунослик, математика, техника фанлари бўйича адабиётлар тўлиқ ҳисобга олинмаган. Лекин бадиий адабиёт қисмида ёзувчиларга, айниқса Вольтер ва Руссоларга жуда тўлиқ биографик маълумотлар берган. Бу асар XVIII аср ва XIX асрнинг 1-чорагида яратилган бадиий адабиётларга тўзилган адабий библиографиянинг намунаси бўла олади.

1827-1849 йиллардаги барча адабиётни ҳисобга олган “Ҳозирги француз адабиёти” (“Современная французская литература”) номли 6 томлик библиография чиқарилди. Унинг 1-томи Керар томонидан тўзилган. Унда материал муаллифларнинг алифбоси бўйича, ҳар бир муаллифнинг асарлари эса хронологик тартибда жойлаштирилган.

1856 йилгача “Франция библиографияси” босма матбуотнинг давлат ҳисобини олиб борувчи орган эди. 1857 йилдан унинг бу вазифасига нашриётчилик ва китоб савдоси хроникаси, китоб савдоси библиографияси вазифаси ҳам қўшилди. Уни нашр этиш ноширлар ва китоб савдогарлари бирлашмасига топширилди. 1811-1856 йилларда чиққан олдинги “Франция библиографияси” “биринчи серия” бўлиб қолди, 1857 йилдан чиқа бошлаган ҳафталик “иккинчи серия” ҳозиргача чиқарилади.

1858 йилдан китоб савдогари ва ношир Шарл Рейнвалд “Француз китоб савдосининг ойлик бюллетени” (“Ежемесячний бюллетень французской книжной торговли”) ни чиқара бошлади. Уни чиқаришда унга Отто Лоренц

ёрдам берди. 1959 йилдан унга “Француз китоб савдосининг йиллик каталоги” қўшилди, биринчи кўрсаткич 1869 йилгача, иккинчиси эса 1873 йилгача чиқиб турди.

Отто Лоренц (немис, 1866 йилда француз фуқаролигига ўтган) “Француз китоб савдосининг умумий каталоги” (“Обший каталог французской книжной торговли”) ни чиқара бошлади. Бу каталогнинг дастлабки 4 томи ретроспектив хусусиятга эга эди. 11 томгача Лоренц ўзи чиқарди. Кўрсаткич 32 томдан иборат эди, 32-томи 1938 йилда чиққан. Унда 1840-1925 йиллардаги материаллар рўйхатга олинган. Бу каталог “Лоренц каталоги” деб ном чиқарди ва француз китобларининг ўша давр учун ягона кундалик йиғма библиографияси бўлиб қолди.

1933 йилдан Ашетт ноширлик ва китоб савдоси жамияти томонидан “Библио. Жаҳон бўйича француз тилида чиққан нашрларнинг ойлик библиографик бюллетени” чиқарила бошлади. Унинг йиллик сонларини йиғиб томларга бирлаштириб борди. 1948 йилдан унга адабий хусусият ҳам берилиб, ҳар бир сонида XIX ёки XX асрнинг бирор машхур ёзувчиси ҳақида (илгари босилмаган) ҳужжат, адабий очерк ва асарларининг библиографияси берила борди.

Бу нашр шу давргача тўзилган библиографик материаллардан ўзининг тўлиқлиги, материалларни қамраб олиш кенглиги, фойдаланишда қулайлиги, полиграфик безатилиши жиҳатдан Франциядагина эмас, балки жаҳон бўйича кенг тарқалди.

Бу даврда Франция миллий библиографияси Жозеф Керарнинг “Адабий библиография” (“Литературная библиография”) номли ретроспектив библиографияси билан машхур бўлди, холос. Давлат томонидан тўзилган қўлланмалар ҳам, алоҳида тузувчилар тмонидан тўзилган қўлланмалар ҳам ҳеч бир келишувсиз, ўзиқ, тарқоқ, бир-бирини тўлдирмаган ҳолда тўзилган. Улар библиография ёдгорликлари бўлиб қолади, холос, XVIII-XIX асрнинг тўлиқ миллий библиографиясини бера олмайди.

ГЕРМАНИЯда бу даврда цензура кучайган, давлат бир нечта бўлакларга бўлиб юборилган эди. Бу даврда мажбурий нусха оладиган бирорта кутубхона йўқ эди. XIX асрда йилига 4минг босма махсулот чиққан бўлса, 1848 йилда йилига 10-11 минг асар чиқаётган давр эди. Шунга қарамай, миллий библиография ривожланди. Биринчи миллий библиографик қўлланма Вилгелм Хейнзиуснинг «Умумий китоб луғати» («Всеобший книжний словар») бўлиб, у 1700-1892 йиллардаги китоб маҳсулотларини акс эттирган 19 томлик қўлланмадир (4 томини Хейнзиус ўзи тузган, 1817 йилда у вафот этгач, бошқа тузувчилар унинг ишини давом эттирганлар). Охирги 19-томи 1894 йилда чиққан.

1798 йилдан “Немис китоб савдосида юзага келган китоблар, географик хариталар ва бошқаларнинг ярим йиллик каталоги” (“Полугодовой каталог книг, карт и т.д., появившихся в неметской книжной торговле”) номли нашр Хинрихс китоб савдоси фирмаси томонидан чиқарила бошлади. У 1915 йилгача мунтазам чиқиб турди. Ундан кейин у немис Китоб савдогарлари биржасининг расмий нашри сифатида “кўрсаткич”номи билан чиқарилди.

Маҳаллий китоб савдогарлари бирлашмалари томонидан ҳам кўрсаткичлар чиқарилиб турилди. Лейпсиг китоб савдогарлари уюшмасининг “Немис китоб савдосининг биржа варақаси “ (“Биржевой листок немецкой книготорговли”) босма органи 1834 йилдан чиқа бошлади. Ҳафталик бу нашр 1837 йилдан ҳафтада 2 марта, 1852 йилдан ҳафтасига 3 марта, 1866 йилдан кундалик нашр бўлиб қолди.

Демак, 1835 йилдан немис миллий библиографияси тез чиқадиган нашрлар билан бойиди. 1856 йилдан Албрехт Кирххоффнинг Лейпсиг нашриёти “Китоб каталоги” (“Книжний каталог”) ни чиқара бошлади. 1851-1860 йиллар учун 2 та “каталог” чиқарилди. Кейин у Хинрихсга ўтди ва Хинрихс уни беш йиллик нашр сифатида чиқара бошлади. “Хинрихснинг беш йиллик каталоги”, “Беш йил учун Хинрихс каталоги” ва ниҳоят, “Хинрихс каталоги” номлари билан 1913 йилгача чиқарилди.

XVIII асрнинг 80-йилларида К.Георгнинг немис тилида гаплашадиган давлатлар бир неча йиллик адабиётларининг ретроспектив кўрсаткичи «Урғули сўзлар бўйича каталог” (“Каталог по ударним словам”) пайдо бўлди. Унинг номи уни ўзидан олдин тўзилган бошқа кўрсаткичлардан фарқини кўрсатади. Унда 36000 китобларнинг рўйхати предмет рукнлари бўйича жойлаштирилган.

1900 йилдан чиқа бошлаган “Ҳафталик кўрсаткич” номи билан чиққан биринчи миллий библиографик кўрсаткичи 1931 йилга келиб китоб савдоси маҳсулотларини ҳисобга олиш билан бирга, одатдаги китоб бозорига тушмайдиган китоблар, алоҳида шахсларнинг нашрлари, кам нусхали нашрлар, ноталар ва гравюралар, яна мухими расмий нашрлар, диссертациялар, олимлар жамиятлари ва олий ўқув юртларининг нашрлари ҳам ҳисобга олина бошланди.

Кейинчалик бу библиографиянинг номи “Немис миллий библиографияси” деб ўзгартирилди ва “А ” ва “В” қисмларда чиқарилди. Бу нашрларнинг чиқиши 1944-1945 йилларда тўхтаб қолди.

II жаҳон урушидан кейин 1946 йилда Германия Демократик Республикасида “Биржа варақаси” (“Биржевой листок”) тикланди ва у олдинига ҳар ўн кунликда, кейинчалик ҳафталик нашр сифатида чиқди. “Немис китоблари кўрсаткичи” (“Указателъ неметских книг”) олдингидек беш йиллик эмас, ўн йиллик (1941-1950 йиллар учун) нашр сифатида тикланди, кейин яна олдинги даврийлиги (1951-1956 йиллар учун) тикланиб чиқди.

АНГЛИЯ да 1815 йилдан китоб маҳсулотининг узлуксиз ўсиш даври бошланди. XIX аср ўрталарига келиб йилига 5000 дан, 1897 йилда 7516 китоб, 1914 йилга келиб эса бу кўрсаткич 11537 китобга етди. 1938 йилда 16091 китоб, 1951 йилда 18066 та китоб босилди.

XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида Англияда миллий библиография кундалик библиография шаклида мавжуд эди. Бу китоб маҳсулотининг ўсиши ва у ҳақидаги ахборотга эҳтиёж кучайиши туфайли бўлди. Бу эҳтиёжни китоб савдогари ва ноширн Семпсон Лоу ҳисобга олиб, 1837 йилдан икки ҳафталик (кейинчалик 1891 йилдан ҳафталик) “Ноширлар циркуляри” (“Циркуляр издательей”) журналини чиқара бошлади. Унда китоб, нашриётчилик хроникаси

берилар эди. Унинг 1-бўлими “Ҳафталик китоблар” бўлиб, унда янги инглиз адабиётлари келтирилар эди. У 1959 йилгача шу номда чиқарилди.

1835 йилдан Лоу циркуляри асосида “1835 йил январидан 1863 йил январигача ... инглиз китоблари каталоги ” 3-5 йиллик тўпламлар ҳолида чиқарилди. 1906 йилдан у 5 йиллик тшпламларда чиқди.

1857 йилгача бу “Циркуляр” тез чиқадиган ягона даврий инглиз миллий библиографик нашри эди.

1858 йилдан Уитекер китоб савдоси фирмасининг “Китоб савдогари” (“Книготорговетс”) нашри юқоридаги “циркуляр” га рақобатчи сифатида пайдо бўлди. У 1858-1908 йилларда ойлик, 1909-1915 йилларда ҳафталик, 1916-1921 йилларда (1-жаҳон уруши даврида китоб маҳсулотининг камайиши сабабли) ойлик нашр бўлиб, кейинроқ яна ҳафталик нашр сифатида чиқарилди.

1950 йилдан миллий библиографияни яратиш мақсадида махсус тўзилган Британ миллий библиографияси кенгаши томонидан ҳафталик “Британ миллий библиографияси” (“Британская националная библиография”) чиқарила бошлади. У мажбурий нусха асосида тўзилар эди. Унда тасвирлар тўлиқ берилар, Ўнли классификация жадвали асосида системалаштирилган, бу - китоблар, кичик рисолалар, журналлар, расмий нашрлар эди. Унинг ҳар бир сони муаллифларнинг алифбо кўрсаткичи билан таъминланган. Ойлик охирги сонида авторлар, сарлавҳалар ва предмет рукнларининг луғатий ёрдамчи кўрсаткичи берилган.

Бу библиографиянинг чиқиши Билан бошқа нашрлар тўхтаб қолмади, улар ҳозирда ҳам чиқиб келмоқда, фақат “Ноширлар циркуляри” олдингидек ҳафталик эмас, 1959 йил декабридан ойлик нашр бўлиб “Британ китоблари” номи билан чиқмоқда.

ИТАЛИЯда XVII-XVIII асрларда миллий (умуман давлат) библиографик кўрсаткичлари тўзишга уриниш бўлмади ҳам. Уруш туфайли мамлакат майда бўлакларга бўлиб юборилган эди.

Наполеон ҳокимлиги остидаги қисқа бирлашиш даври (1807-1811 йиллар)да умумиталия кундалик библиографиясини уриниш бўлиб, Миланда “Умумий

библиографик журнал” номли янги адабиётларнинг кварталлик кўрсаткичи чиқди. Унда материаллар муаллифларнинг алифбоси бўйича жойлаштирилган.

Ношир Жакомо Стелла Миланда ўзининг “Итальян кутубхонаси” журналида 1916 йилдан Италияда янги чиққан китоблар рўйхатини бериб борди. Кейинчалик “Италия библиографияси” (“Итальянская библиография”) ойлик кўрсаткичини чиқара бошлади. Унда Италияда чиққан барча босма маҳсулот билан бирга, мамлакат ташқарисида итальян тилида чиққан ҳамма босма маҳсулотни тўлиқ ҳисобга олишга уринди. Материаллар муаллифларнинг алифбоси бўйича жойлаштирилган. Йил охирида йиғма авторлар ва предмет кўрсаткичи берилган. Бу кўрсаткични 1835-1844 йиллар учун Жакомо Стелланинг ўзи тўзиб нашр этган. 1845 йил Стелланинг ўлимидан сўнг унинг беваси ва ўғли кўрсаткични давом эттиришга ҳаракат қилдилар. XI ва XII томини йиллик йиғма кўрсаткичисиз чиқардилар. Лекин олдинги сифати пасайган эди. Унинг муассасаси ҳам ёпилгандан сўнг 15 йил ичида итальян миллий библиографик нашри чиқарилмади.

Молининг хусусий босмахонаси ташаббуси билан “Италия умумий библиографик журнали” пайдо бўлди. Журнал 5 йил чиқиб турди.

Бир йилдан кейин давлат ташаббуси билан Флоренция миллий марказий кутубхонасига кутубхона фондига янги олинган адабиётларнинг кундалий библиографиясини тўзиш топширилди. Дастлабки 3 йил (1867-1869 йиллар) ичида у “Италия библиографияси” (“Библиография Италии”) деб номланди. 1870 йилдан кўрсаткични Италия китоб савдоси ассоциацияси чиқара бошлади. 1886 йилдан у “Матбуот тўғрисида қонунга мувофиқ (Флоренциядаги миллий марказий кутубхонада) олинган итальян нашрлари бюллетени” (“Бюллетень итальянских изданий, полученних (националной сентралной библиотекой во ФЛоренции) согласно законодателству о печати”) номи билан бир қисмда чиқарила бошлади, материаллар системали тартибда жойлаштирилган. Ҳар бир сони муаллифларнинг алифбо кўрсаткичи билан таъминланиб, йил охирида улар йиллик кўрсаткич қилиб бирлаштирилган. 1925 йилдан эса ойлик ва йиллий предмет кўрсаткичи чиқарила бошлади.

1911 йилдан муқованинг ички томонида нотолар ва шу ойда чиққан вақтли нашрларнинг 1-сони ҳам ҳисобга олина бошлади.

Бу кўрсаткичнинг камчилиги – материаллар тўлиқ ҳисобга олинмас ва чиқиши кечикар эди.

Бу даврда китоб савдоси библиографиясига талаб катта эди. Буни йирик итальян библиографи, профессор Аттилио Плинио Паляйни ҳисобга олиб, 1847 йилдан “Итальян китоб савдосининг умумий каталоги” (“Всеобший каталог итальянской книжной торговли”) ни тўзиб чиқара бошлади.

РОССИЯ да дастлабки библиографик материаллар вақтли нашрлар саҳифаларида босилган. XVIII асрнинг 2-чорагида библиографияда жонланиш бўлди, бироқ у китоб савдоси ва кутубхоначилик иши доирасида чекланган эди, улар ҳам вақтли нашрлар саҳифаларидаги рўйхатлар эди.

Биринчи босма каталогнинг чиқиши 1725 йилда ташкил этилган Россия Фанлар академияси (ФА) фаолияти билан боғлиқ. 1742 йилда ФА томонидан 15 минг номдаги рус ва чет тиллардаги китобларни ўз ичига олган системали “Камер каталоги” (“Камерний каталог”) нашр қилинди.

XVIII асрнинг 60-80 йилларида китоб босишнинг ниҳоятда ўсишига хусусий босмахоналарнинг пайдо бўлиши ҳам таъсир этди, китоб савдоси каталоглари сони ҳам кўпая борди, Янги чиққан китоблар рўйхатлари газета ва журналларда, китобларнинг муқоваларида ҳам босилар эди.

Журналлар саҳифаларидаги бундай библиографияларнинг пайдо бўлиши вақтли нашрлар саҳифаларида махсус библиографияни юзага келтирди, улар тақризлар билан берилар эди.

Қатор махсус библиографик журналлар ҳам пайдо бўлди.

XVIII асрда биобиблиографик луғатлар тўзишга уринишлар ҳам бўлди. 1772 йилда маърифатпарвар Н.И.Новиковнинг 300 фан ва адабиёт вакиллари номларини ўзида акс эттирган «Россия ёзувчилари тўғрисида тарихий луғат тажрибаси” (“Опит исторического словаря о российских писателях”) номли машхур нашри чиқарилди. Уни соф библиография деб бўлмасада (унда қатор

машхур ёзувчи ва олимлар асарларининг рўйхати тўлиқ берилмаган), лекин у библиографиянинг ривожланиши учун туртки бўлди.

Бу асрда яна рус китобларининг тўлиқ репертуарини машхур библиограф В.С.Сопиков тузди. У “Россия библиографияси тажрибаси” (“Опит Российской библиографии”) деб аталиб, 5 жилддан иборат бу қўлланма китоб босиш кашф қилингандан бошлаб, то 1813 йилгача рус ва черков-славян тилларида босилган 13 мингдан ортиқ китоб ва журналлар тасвирини ўз ичига олган. Унинг 1 жилди черков китобларига, қолган 4 жилди фуқаро матбуоти китобларига бағишланган, унда ҳамма материаллар сарлавҳаларнинг алифбоси бўйича жойлаштирилган.

Бу библиографик репертуар тавсия кўрсаткичи, справка қўлланмаси, ўзига хос хрестоматия асари эди. Бу асар библиографияда классик асар, унинг тузувчиси эса рус библиографиясининг асосчиси бўлиб қолди.

1825 йилда П.И.Кеппеннинг янги чиққан китобларни рўйхатга олиб, баҳолашга бағишланган махсус вақтли библиографик нашри – «Библиографик варақалар” (“Библиографические листы”) чиқди.

XIX асрнинг 2-ярмида вақтли нашрлар саҳифаларидаги библиографик ахборот танқидий библиографик ахборот, кундалик ахборот рўйхатлари, обзорлар, тармоқ библиографик асарлар жанрлари билан бойиди.

Журналлар саҳифаларидаги библиографиялар фан ва маданиятни ривожлантиришга таъсир этиш ва Россияда халқ таълимининг ютуқларини ҳукумат ва жамоатчилик олдида намойиш этиш вазифаларини бажаришга қаратилган эди. Бу даврда журналларда танқидий-библиографик материаллар кенг тарқалди.

XIX асрнинг 2-чорагида тармоқ библиографияси ривожланди.

Ўлкашунослик библиографияси маҳаллий арбобларнинг луғатлари кўринишидаги материаллар билан ўзининг дастлабки қадамларини бошлади.

XIX асрнинг 50-60 йилларида тавсия библиографияси пайдо бўлиб, кенг тарқалди. 80-йилларга бориб ижтимоий-сиёсий мавзуларни қамраб олган тавсия кўрсаткичлари кўпайди. 80-90 йилларга келиб эса мустақил билим олишга

мўлжалланган тавсия библиографияси ривожланди. Уларнинг энг яхшиси «Китоблар ҳақида китоб” (“Книга о книгах”) кўрсаткичи (1892 й.) эди.

Бу даврда фан ва китоб савдосининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари, кенг жамоатчиликнинг адабиётга қизиқиши тўлиқ библиографик ҳисобга заруратни келтириб чиқарди. Бу ишни фақат давлат муассасалари бажара оларди. Бундай рўйхатга олувчи библиографик материаллар 1896 йилдан 1902 йилгача расмий “Ҳукумат ахбороти” (“Правителственний вестник”) нашрида босилиб боради.

Тармоқ библиографияси тарихий адабиётларга тўзилган ака-ука П.П. ва Б.П. Ламбинларнинг “Рус тарихий библиографияси” (“Русская историческая библиография”) (1855-1884 йиллар адабиётларини қамраб олган) кўрсаткичи ва В.И.Межовнинг ”1865-1876 йиллар учун рус тарихий библиографияси” (“Русская историческая библиография за 1865-1876 гг.”) кўрсаткичи билан бойиди. Кейинги кўрсаткич юқоридагисининг давоми бўлиб, у 60 минг номдаги адабиётни қамраб олган.

Ўлкашунослик библиографияси Россиянинг турли туманларида турлича ривожланди. Бош штаб маёри М.М.Миансаров «Кавказ ва Закавказе библиографияси” (“Библиография Кавказа и Закавказя”) номли кўрсаткични; В.И.Межов “Туркистон тўплами” (“Туркестанский сборник”) га 3 томлик ёрдамчи алифбо-системали кўрсаткичини тузди.

Давлат библиографиясини ислох қилиш натижасида 1907 йилдан “Китоб солномаси” (“Книжная летопис”) чиқарила бошлади ва у ҳозирда ҳам чиқади. У матбуот нашрларининг ҳамма турларини ҳисобга олар эди. Кейинчалик журнал ва газета мақолалари алоҳида ҳисобга олинадиган бўлди ва бу солномалар ҳозирда ҳам чиқарилади.

В.С.Сопиков тузган рус китоблари репертуарини С.А.Венгеров давом эттирди. 1708 йилдан 1892 йилгача у “Рус китоблари” (“Русские книги”) кўрсаткичини тузди, унда 250 мингга яқин материални йиғди.

Рус вақтли нашрларининг репертуари ҳам тўзилган. Уни Н.М.Лисовский тузган. 1-варианти “Рус вақтли матбуоти. 1702-1900 йиллар” (“Русская периодическая печат 1703-1900 гг.”) 4 қисмда чиқарилган. 2-варианти “Рус

вақтли матбуоти библиографияси 1703-1900 йиллар” (“Библиография русской периодической печати 1703-1900 гг.”) ... томда чиқди.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ (АҚШ) да Х1ИХ аср бошларида нашриётчилик иши эндигина пайдо бўлаётган эди. Кам сонли Америка китобхони Англиядан келтирилган китоблардан фойдаланар эди. Америкада йилига бир неча ўнлаб китоблар босилар эди, холос.

1820 йил Ф.Купер ва Вашингтон Ирвингларнинг китоблари чиқди. Бу асарлар Америка адабиётининг шаклланишига асос бўлади. 1823 йилда 120 та китоб чиққан бўлса, 1853 йил (30 йил ичида) бу кўрсаткич 733 тага етди, 1880 йилда 2000 китоб босилди, 1890 йил эса бу рақам 5000 га яқинни, 1910 йилда 13470 тани ташкил этди.

Америка библиографияси XIX асрнинг 1чи-ўн йилликларида ўзининг дастлабки қадамини қўйган эди.

Биринчи библиографик кўрсаткич Чарлстонлик (Жанубий Каролина штати) китоб савдогари Орвин Рурбахнинг “Америка кутубхонаси ” (“Американская библиотека”) кўрсаткичи бўлиб, унинг 1-томи 1820 йилдан 1852 йил сентябригача чиққан Америка китоб маҳсулотларини ҳисобга олган. 5 жилддан иборат бу кўрсаткичда 1820-1861 йиллардаги китоблар ҳисобга олиниб, ҳар бир жилдда материаллар алифбо тартибида жойлаштирилган. Унинг камчилиги – библиографик тасвирлар тўлиқ эмас эди.

Дж.Келлининг “Америка китобларининг каталоги” (“Американский каталог книг”) қўлланмаси юқоридаги библиографиянинг давомидир. У 1861-1870 йиллар китобларини акс эттирган.

ХИХ асрнинг 50-йилларидан Америкада тезкор библиографик қўлланмалар ҳам пайдо бўлган. Бироқ тузувчиларнинг тажрибасизлиги туфайли бу кўрсаткичлар узоқ чиқарилмай қолган.

Филаделфиялик китоб савдогари Чайлдс “Америка ноширлари циркуляри” (“Циркуляр Американских издательей”) номли ойлик нашрни 1863 йилдан чиқаради, у ўн йиллар мобайнида чиқиб турди.

XIX аср охирида АҚШ ижтимоий ҳаётида кутубхоналар очилиши мухим аҳамият касб эта бошлади. Бу кутубхоналар китобхонларининг библиографик ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун библиографик қўлланмалар зарур эди. Буни тушунган китоб савдогари Ҳасли Уилсон 1898-1907 йилларда «Китобларга йиғма кўрсаткич” (“Кумулируюший Указателъ к книгам”) миллий кўрсаткичини тўзиб чиқарган.

Уилсон яна “Қўшма Штатлар каталоги.Сотувдаги китоблар” (“Каталог Соединенних Штатов. Книги, находяшиеся в продаже”) кўрсаткичининг 1-2-нашрини 1900 ва 1903 йилларда чиқарди. Булар кундалик кўрсаткичлар эди. 3, 4-нашрлари ретроспектив бўлиб, 1912 ва 1928 йилда босилган. 3-4-нашрларида АҚШ да XVII ва XVIII асрларда босилган китоблар тўғрисида маълумот олиш мумкин. 1927 йилгача бу “Каталог”да фақат АҚШ ва Канадада нашр қилинган китоблар тасвирланар эди. 1928 йилдан эса “Инглиз тилидаги жаҳон китоблари кўрсаткичи”(“Мировой Указателъ книг на английском языке”) номи билан чиқа бошлади. Аммо унда бу адабиётлар тўлиқ ҳисобга олинмас эди, тасвирларда ҳам камчиликлар кўп эди.

XVII-XIX асрларда Америка китоб маҳсулотлари сони жуда кам эди. Шу сабабли 1820 йилгача бўлган давр китоблари кўп сақланиб қолмаган, улар «Америка инкунабуллари” ҳисобланади. XVII асрдан 1820 йилгача чиққан китоблар кўрсаткичини тўзишни Чарлз Эванс ўзининг “Америка библиографияси” (“Американская библиография”) қўлланмаси билан бошлади. Унинг 12 жилдини чиқарди, холос (1935 йилда у вафот этди). Уларда 1799 йилгача бўлган китобларни ҳисобга олди. 1955 йилда Америкадаги икки йирик жамоат ташкилоти “Америка библиографияси”нинг 1800 йилги китобларни ҳисобга олган 13 жилдини чиқарди. 1959 йилда шу 13 жилд учун йиғма ёрдамчи кўрсаткич нашр этдилар.

Шундай қилиб, XVIII- XIX асрларда жаҳоннинг кўпгина давлатларида библиография кўп турларни ўз ичига олган ҳолда ривожланди. Айниқса Европадаги Германия, Англия, Франция, Италия каби давлатларида кундалик, ретроспектив, тармоқ, тавсия, ўлкашунослик библиографиялари, вақтли

нашрлар библиографиялари (айримлари жуда яхши, айрим турлар эндигина пайдо бўлсада, айримлари эса) кўзга кўринарли даражада ривожланди.

5.2. Тармоқ қўлланмалари тизимининг яратилиши

XVIII аср охирларида тармоқ библиографияси ижтимоий-гуманитар фанлар: филология, тарих, ҳуқуқ бўйича ривожланди. Яна тиббиёт фанининг қадимийлиги ва у бўйича адабиётлар кўп бўлганлиги сабабли бу соҳа библиографияси ҳам жуда ривожланган эди.

XVIII асрда математика фани бўйича библиография жуда кам эди. XVIII аср охири ва XIX аср бошида математикага оид қатор кўрсаткичлар чиқарилди. Масалан, Ёх.Эфр.Шейбелнинг «Математика китобларини ўрганишга кириш" ("Введение в познание математических книг") номли 20 та қисмда 3 та жилдда (1-12 қисмлари математикага, 13-20 –астрономияга оид) чиққан ретроспектив кўрсаткични олиш мумкин. Унда китоб босиш ихтиро қилингандан тортиб то XVII асрнинг биринчи ярмигача бўлган адабиётлар ҳисобга олинган.

Фр.В.Авг.Мурхарднинг "Математика фанлари адабиёти" ("Литература математических наук") номли 5 жилдлик кўрсаткичи; 1871 йилдан 1944 йилгача чиққан "Математика ютуқлари тўғрисида йилнома" ("Ежегодник об успехах математики") қўлланмаси; 1803 йилда француз астрономи Лаланд чиқарган «Астрономия библиографияси" ("Астрономическая библиография") номли XV-XVII асрларда нашр қилинган адабиётларни ўзида акс эттирган кўрсаткичи кабилар бу соҳалар бўйича дастлабки библиографиялар эди.

Астрономия бўйича кундалик библиография XIX аср охирларида пайдо бўлди. 1891 йилда Лейпсигда астроном Клейн раҳбарлигида "Астрономия ва геофизика бўйича йилнома" ("Ежегодник по астрономии и геофизики") номли обзор типидаги нашр пайдо бўлди. Унинг вафотидан сўнг унга "Астрономия ва геофизика бўйича Клейн йилномаси" деган ном берилди. 1-жаҳон уруши туфайли у тўхтаб қолди.

ФИЗИКА ва ХИМИЯ фанлари XIX асрда ривожланди, бу шу соҳалар бўйича библиографияда ўз аксини топди. Фаннинг ривожланиши соҳа бўйича

кундалик библиографияга эҳтиёжни келтириб чиқарди. Лекин бундай библиография кейинроқ яратилди.

Ен университети профессори Г.Ф.Хр.Фуке 1806-1812 йилларда «494 йилдан то Христос Рождествосигача – 1806 йилгача химия адабиётларининг реперторийси” (“Репертoрий химической литературы от 494 г. До Рождества Христова до 1806 г. …”) номли кўрсаткични чиқарди (у бу кўрсаткичнинг муҳаррири эди), лекин бу иш 1806 йилгача эмас, 1800 йилгача бўлган 5000 адабиётни ҳисобга олди. Фуке вафот этгач, бу иш тўхтаб қолди. Бу кўрсаткич бир неча ўн йилликлар давомида химия бўйича ҳақиқий ретроспектив библиография бўлиб қолган.

XIX аср охирида Америкада ҳам химия адабиётларига кўрсаткичлар пайдо бўлди. Г.К.Болтон Колумб Америка қитъасини кашф қилган давр 1492 йилдан то XIX аср охирида (1892 йил) бу сананинг 400 йиллик юбилейи нишонланган давргача бўлган адабиётларни рўйхатга олган “Кимё бўйича танланган библиография” (“Виборочная библиография по химии”) кўрсаткичини тўзиб чиқарди.

Химия соҳасида амалий иш билан шуғулланувчи ходимларга 1907 йилдан икки хафталик “Химия бўйича рефератлар” журнали чиқа бошлади. Унда йилига 60000 тасвир берилган.

1830 йилдан чиқа бошлаган “Марказий химия варақаси” (“Централъный химический листок”) (1897 йилдан уни немис химия жамияти чиқаради) юқоридаги реферативжурналга нисбатан кўп материал берувчи реферативнашр ҳисобланади. Бу журналга 31 тилда чиқадиган 4300 Америка журналларидан материаллар олинган.

1-жаҳон урушидан кейин АНГЛИЯда ҳам “Химия бўйича Британия рефератлари” номли ойлик журнал чиқарила бошлади.

Юқоридаги реферативжурналларда химия соҳасидаги кўплаб ихтиролар патентларини ҳам рефератлашга эътибор берилган.

ФИЗИКА бўйича адабиётлар химияга нисбатан кам ривожланганлиги сабабли библиографияси ҳам кейин пайдо бўлган. Берлин физика жамияти

(кейинчалик немис физика жамиятига айлантирилган) нинг обзор нашри “... йилда физика ютуқлари” (“Успехи физики в … году”) йилномаси пайдо бўлди. У 1847-1919 йилларда чиқди. Бу жамият унинг ўрнига “Физика бўйича ҳисоботлар” реферативикки хафталик нашрини чиқара бошлади.

ГЕОЛОГИЯ-ГЕОГРАФИЯ фанлари XX асрнинг бошларида пайдо бўлди. Лейпсигда 1901 йили геология бўйича ”Марказий геология варақаси” (“Централъный геологический листок”) номли системали реферативнашри чиқа бошлади. Унда йилига 5-6 минг матераил берилган. II-жаҳон уруши туфайли у тўхтатилди.

1923 йилда Француз геология жамиятининг “Геология фанлари библиографияси” (“Библиография геологических наук”) кварталлик реферативжурналини чиқара бошлади. 1948 йилдан у соҳанинг ички бўлинмалари бўйича турли қисмларда чиқарила бошлади.

1866 йилдан Германияда Пертес нашриётида обзор типидаги “Географик йилнома” (“Географический ежегодник”) чиқарила бошлади.

Бу кўрсаткичлар ҳудудий жиҳатдан кенг давлатлар бўйича адабиётларни акс эттирган.

БИОЛОГИЯ бошқа фанларга нисбатан кеч ривожланди. 1859 йилда Ч.Дарвиннинг буюк асари яратилгандан кейин бу фанга муносабат ўзгарди.

XIX асрнинг 60-80 йилларида бу соҳадаги ютуқлар натижасида махсус кундалик библиографик нашрлар пайдо бўлди.

XIX асрнинг охирида Парижда “Биологик йилнома” (Биологический ежегодник) номли икки ойлик нашри чиқа бошлади ва у ҳозирда ҳам чиқарилади.

Бу даврда **ТИББИЁТ** бўйича Биллингс ва Флетчерлар «Тиббиёт кўрсаткичи” (“Указателъ медитсини”) ойлик библиографик журналини чиқардилар. У 1879-1899 йилларда 22 жилдда чиқарилган. 1903 йилгача тўхтаб қолди, 1903-1920 йилгача Яна 18 жилди, кейин эса яна 6 жилди 1921-1926 йилларда чиқарилди.

1872 йилда Берлинда Шпрингер нашриётида «Офталмология бўйича йиллик ҳисобот” (Годовой отчет по офталмологии), 1874 йилда эса шу нашриётда “Хирургия бўйича марказий фарақа” (“Централъный листок по хирургии”) хафталик нашри, 1877 йилдан хафталик “Гинекология бўйича марказий варақа” («Централъный листок по гинекологии») нашрлари чиқарила бошланди.

XX асрнинг бошларида, I Жаҳон урушигача тиббиётнинг турли масалаларига оид , тиббиётга оид махсус библиографик нашрлар сони кўпая борди.

I жаҳон уруши даврида юқоридаги Шпрингер нашриёти фаолияти тўхтаб қолди. 1920 йилдан 1939 йилгача бу фирманинг библиографик фаолияти юқори даражада ўсди. Кундалик ва давомли библиографик нашрлар билан бирга ўз нашрлари учун 600 дан ортиқ немис ва 1000 чет эл журналларини тасвирлади.

II жаҳон уруши туфайли Шпрингер фирмаси нашрлари ва бошқа немис библиографияси инқирозга юз тутди

Бу даврда ТЕХНИКА фанлари бўйича библиография ҳам йилномалар кўринишида кенг тарқалди. Германияда 1916 йилда икки хафталик “Техника китоблари ва журналлари обзори” («Обзор технических книг и журналов») кўрсаткичи Немис инженерлари жамиятининг нашри сифатида чиқа бошлади.

II жаҳон уруши туфайли бу нашр ҳам тўхтаб қолди.

Урушдан кейинги даврда АҚШ ва Англияда техникага оид реферативбиблиографик нашрлар чиқди. 1944 йилда Огаё штатида “Металлар бўйича адабиётлар обзори – китоблар ва мақолаларнинг аннотацияли кўрсаткичи”(“Обзор литературы по металлам – аннотированний Указателъ книг и статей”); Лондонда “Олмоснинг саноатда фойдаланилиши бўйича библиография” (“Библиография по исползованию алмаза в промишленности”); 1951 йилда Берлинда “Марказий техника варақаси” (“Централъный технический листок”) номли 2 қисмли (1957 йилдан 5 қисмда) кўрсаткичи ва бошқа нашрлар босилди.

ФАЛСАФА бўйича библиография XIX асрнинг 3 чораги давомида кам бўлиб, унчалик аҳамиятга эга бўлмаган.

XIX асрнинг 60-йиллари охирларида вақтли нашрлар саҳифаларида кундалик библиография материаллари берила бошлади.

XX аср бошларида фалсафага оид кундалик библиография тўзишга уринишлар бўлди. 1923 йилдан 1932 йилгача Эдфуртда "Фалсафа соҳасидан адабий ҳисоботлар" ("Литературние отчёты из отраслей философии") номли немис китоблари, мақолалари, диссертацияларини ўз ичига олган кўрсаткич чиқди.

1949 йилда Германияда "Фалсафа бўйича адабиётлар кўрсаткичи" номли 2 ойлик рефератив нашр чиқа бошлади.

1824 йилда Берлинда китоб савдогари Т.Хр.Фр.Энслин томонидан "Ҳуқуқ кутубхонаси" ("Правовая библиотека") кўрсаткичи чиқди. XIX – XX аср бошларида Германияда ҳуқуқ бўйича кундалик библиография китоб савдоси ва ретроспектив хусусиятга эга бўлган.

Англияда китоб савдогари Жон Кларк 1810 йилда "Қонунлар кутубхонаси" номли кўрсаткич чиқарди.

1888 йилда Америкада "Ҳуқуқий мазмундаги вақтли адабиётга кўрсаткич" ("Указателъ к периодической литературе правового содержания") қўлланмаси чиқди. Унинг 1-жилдида бу соҳа вақтли нашрлари чиқарила бошлагандан то 1887 йил январигача бўлган материаллар ҳисобга олинган. 2-жилди 1899 йилда чиқди, унга 1887-1898 йиллар мақолалари киритилган. Жами 6 жилдда чиққан бу кўрсаткичларга 1937 йилгача бўлган материаллар киритилган.

XIX-XX асрларда еапитализмнинг энг юқори даражада ривожланиш босқичига кўтарилган, империализмга ўтган даврда иқтисодиёт, сиёсат, синфий кураш жуда мухим эди ва аҳамияти кучайди.

1905 йилда Берлинда ойлик «Ижтимоий фанлар библиографияси» («Библиография обшественних наук») номли нашр пайдо бўлди. У ҳуқуқ, социология, ички ва ташқи сиёсат, иқтисод ва молия, статистика бўйича адабиётларни ўзида жамлаган.

XVIII аср охирида Германиянинг алоҳида Герцогликлари, князликларига бағишланган регионал тарихий библиографик материаллар кўп эди. Шундай библиографиялардан бири Нюрнберг шаҳрига бағишланган ва 1772-1793 йилларда Алтдорф ва Нюрнбергда 8 қисмда чиққан «Виллиан Норийск кутубхонаси”(“Виллианская Норийская библиотека”) номли кўрсаткичдир. Уларнинг 5 қисми асосий қисмлар, 6-8 қисмлари эса юқоридагиларга қўшимча ва ёрдамчи кўрсаткичлардир.

1951 йилда Гюнтер Франснинг «Немис тарихи бўйича библиография” (“Библиография по немецкой истории”) кўрсаткичи чиқди. Унда Германиянинг қадимги даврдан то Веймар республикаси тарихигача бўлган тарихига оид мухим адабиётлар қамраб олинган. Бу кўрсаткич асосан университет талабаларига мўлжалланган.

Университет ўқитувчилари ва талабаларига мўлжалланган кўрсаткич АҚШда ҳам пайдо бўлди. Гарвард университети профессорлари Эд Ченнинг ва А.Б.Хартларнинг “Америка тарихини ўрганишга қўлланма” (“Пособия к изучению истории Америки») номли қўлланмасининг 1-нашри 1896 йилда чиқди. Уларда адабиётлар шу давлат тарихини ўрганиш доираси учун танлаб олинган.

Бу кўрсаткичлардан материални тўлиқ қамраб олиш томонидан фарқ қиладиган кўрсаткичлар – Л.Финкелнинг “Польша тарихи бўйича библиография” (“Библиография по истории Полши”) ҳамда Сирбтнинг “Чех тарихи библиографияси” (“Библиография Чешской истории”) асарини олиш мумкин. Бу қўлланмаларда юқоридагиларга нисбатан адабиётлар тўлиқроқ олинган.

XIX-XX асрларда яна тарих соҳасида алоҳида воқеалар ёки даврлар тарихига оид библиографиялар ҳам яратилди. Бундай воқеалар сифатида алоҳида олинган давлат ҳаётида туб бурилиш қилган воқеалар олинган. Масалан, Германия учун бу - реформация ва деҳқонлар уруши, Англия учун XVII аср буржуа инқилоби, Франция учун - Буюк француз буржуа инқилоби

мухим ҳисобланади. Библиография ҳам шу воқеа-ходисани акс эттириши лозим эди.

1915-1923 йилларда Густав Волфнинг “Германияда Реформация тарихининг манбашунослиги” (“Источниковедение истории Реформатсии в Германии”) номли 3 жилдлик тадқиқоти чиқди.

Ундан кейинроқ Мюнхен Давлат кутубхонасининг қадимий немис китоблари бўйича кўзга кўринган мутахассиси Карл Шоттенлоэр 6 жилдлик “Диний ҳаракатлар давридаги Германия тарихи бўйича библиография, 1517-1585” (“Библиография по истории Германии в эпоху религиозного раскола, 1517-1585”) қўлланмасини чиқарди. Унда 50000 га яқин тасвир берилган.

XVIII аср охирида Француз буржуа инқилобига бағишланган энг мухим библиографиялардан бири Пер Кароннинг “Француз инқилобини ўрганиш учун амалий қўлланма” (“Практическое руководство для изучения Французской революсии”) кўрсаткичи 1912 йилда чиққан. Унда Карон шу масалага бағишланган қўлёзма ва босма манбаларни уларнинг сақланиш жойи билан кўрсатган. 1947 йилда у бу ишининг қайта тўлдирилган 2-нашрини чиқарди.

ФИЛОЛОГИЯ бўйича библиография XIX-XX асрда бошқа тармоқларга нисбатан анча ривожланди. Бу соҳада классик филология умумий таълим тизимида юқори ўринда турганлиги сабабли библиографияси ҳам ўзига хос ривожланишга эга бўлди. Бу, айниқса, Германияда яққол намоён бўлди. Китоб савдогари Энслиннинг 1817 йилдан ишланган “Мумтоз грек, шунингдек лотин ёзувчилари кутубхонаси” (“Библиография классических писательей, как греческих, так и латинских”) номли кўрсаткичи 1700-1878 йиллардаги грек (1-нашри) то 1880-1882 йилларгача (охиргиси) 8 та қайта -лотин муаллифлар асарларини ўзида акс эттирган.

Бу кўрсаткичга қўшимча сифатида Энслин 1826 йилда “Филология кутубхонаси ёки грек ва лотин тилларини ўрганишга оид бўлган грамматика, луғат, хрестоматия, ўқиш китоблари ва бошқа асарларнинг алифбо кўрсаткичи” (“Филологическая библиотека или альфавитный Указателъ грамматик,

словарей, хрестоматий, книг для чтения и других произведений, относяшихся к изучению греческого и латинского языков…”) ни чиқарди.

Кейинчалик 1840 йилда бу нашрни Энслиннинг издоши Энгелман қайта ишлаб нашр этди.

Бу кўрсаткичлар асосан ўрта мактаблар – гимназия ўқитувчиларига мўлжалланган эди.

Францияда машхур филолог Жюл Марузо кенг аннотацияланган “Классик библиографиянинг ўн йиллиги” (“Десятый лет классической библиографии”) номли 2 жилдлик қўлланмасини чиқарди. Унда 453 та турли тиллардаги вақтли нашрлар мазмунини акс эттирди. Унинг 2-жилди чиққандан кейиноқ “Филология йилномаси” (“Филологический ежегодник”) номли кундалик библиографиясини чиқаришга киришди. Унда 400-500 журналлардан 8000 гача номдаги материаллар тасвирланган. Кейинчалик бу нашр ЮНЕСКОнинг органи ва маблағи билан таъминланган нашр бўлиб қолди.

Мумтоз филологиядан бошқа филология фанлари бўйича библиография XVIII аср охири XIX аср бошларида пайдо бўлган эди.

XIX асрнинг 40-йилларидан Германияда славяншуносликка қизиқиш ортди, бу борада библиографик мазмундаги журналлар чиқаришга уринишлар ҳам бўлди. 1847-1848 йилларда, кейинроқ 1855-1856 йилларда “Славян библиографияси” (“Славянская библиография”) журнали чиқди.

1876 йилда Хорват Ягич “Славян филологияси бўйича архив” («Архив по славянской филологии») журналига асос солди. Унда тадқиқот характеридаги мақолалар билан бирга славян филологияси бўйича кундалик библиографияни ҳам бериб борди. 1892 йилда бу журналга илова сифатида чех Фр.Пастржнекнинг “1876-1896 йиллар учун славян филологияси бўйича библиографик обзор” (“Библиографический обзор по славянской филологии за 1876-1896 гг.”) и чиқди. Унда славян халқларининг тилшунослик, адабиёт тарихи, фольклор ва археологияси бўйича асарлар берилган. Ҳар бир бўлимда материал тил белгиси бўйича жойлаштирилган.

XX асрда II – жаҳон урушигача Европанинг кўпгина давлатларида славяншунослик журналлари чиқарилди, лекин улар орасида биргина Чех фанлар академиясининг “Чехословакия тилшунослик ва филологик асарларининг библиографияси” (“Библиография чехословатских языклведческих и филологических работ”) асарини соф библиографик нашр дейиш мумкин. У 1930-1938 йилларда йилнома сифатида 1929-1935 йиллар учун чиқарилди. Унда материаллар икки: тилшунослик, адабиёт бўлимларида қисқача аннотациялар билан берилган, бўлимлар ичида шу бўлимнинг ички системаси бўйича келтирилган.

II-жаҳон уруши туфайли тўхтаб қолган бу нашр 1950 йилда беш йиллик жилдларда Зденек Тил томонидан “... йиллар учун Чех тилшунослик библиографияси” (“Чешская языковедческая библиография за … годи”) номи билан тикланди.

1940 йилда Англияда Ф.У.Бетсон таҳрири остида 4 жилдлик “Инглиз адабиётининг Кембриж библиографияси” (“Кембриджская библиография английской литературы”) чиқарилди, 1957 йилда эса 5 жилди Жорж Уотсон таҳрири билан чиқди. Унда материал 3 хронологик даврга бўлиб берилган: 1 жилди 600 йилдан бошлаб 1660 йилгача; 2 жилди XVII аср ва XVIII асрдаги; 3 жилди XI аср асарларини ҳисобга олган. 4 жилди ёрдамчи кўрсаткичлар; 5 жилди (қўшимча бўлиб) 1901-1944 йиллардаги инглиз адабиёти тарихи ҳақидаги энг янги адабиётлар ҳақида ахборот беради. Бироқ, бу библиографияда тасвирлар жуда қисқа берилган эди (нашр жойи, нашриёт, сахифалар сони каби мухим маълумотлар кўп ҳолларда тушириб қолдирилган).

Австрияда, Польшада ҳам шундай қатор камчиликларга эга бўлган библиографиялар юзага келган. Аммо улар ҳозирда ўша хато-камчиликлари билан айтарли қимматга эга эмас.

XVII аср охирида математика, механика, табиатшунослик фанларига қизиқиш кучайиши натижасида Англия ва Францияда фалсафий материализм пайдо бўлди. Натижада олимлар томонидан кўплаб асарлар яратилди ва улар вақтли нашрлар сахифаларида ёритиб борилди. Нашрга тайёрланган

китобларнинг кўплари чиқариб бўлмай қолган (нашриётлар улгурмай қолаётган) эди.

XVII-XVIII асрларда илмий журналларда янги илмий адабиётлар ҳақида ахборот кўплаб босилар эди. Бу ахборотда баъзан янги адабиётнинг нашр этилганлиги ҳақида соддагина ахборот, баъзан эса унинг қисқача мазмунини очиб берувчи аннотация ҳам тасвирга қўшиб берилар эди. 1-1,5 аср мобайнида у журналлар библиографик характерда бўлган.

Журналлар Академия билан ҳамкорликда иш олиб борар эдилар. Францияда 1665 йил 5 январдан чиқа бошлаган “Олимлар журнали” (“Журнал ученых”) кейинчалик академия пайдо бўлгач, Академия журнали бўлиб қолди. Журналда фаннинг турли соҳаларига оид янги китоблар тақризланарди ва рефератлар ёзилиб босилар эди.

Кейинчалик бундай журналлар мундарижаларига кўрсаткичлар ҳам тўзила бошланди. Биринчи шундай кўрсаткич 1663 йилда Ван Бёйгем томонидан “Олимлар журнали”нинг 15 йиллик тўпламига тўзилган. Унда тузувчи 231 бетда шу журналнинг ҳар бир сони мундарижасини очиб беради. Ундан кейин эса 100 варақдан ошиқроқ материал исмлар кўрсаткичидан иборат.

“Олимлар асарлари” (“Труды ученых”) журналига ҳам 1665-1750 йиллар учун Аббат де Клаустче 10 жилдлик кўрсаткич тузган. У кўрсаткич 12 йил мобайнида чиқарилган.

Журналларнинг мундарижасига тўзилган кўрсаткичлардан ташқари вақтли нашрларнинг алоҳида тури бўлган газеталарнинг ўзини ҳисобга олган библиографик қўлланмалар тўзилди. 1631 йилда Францияда 1-бўлиб чиқарилган “Газета де Франсе ” («Француз газетаси”) номи билан тижорат эълонлари варақаси чиқарилган. Шундай варақаларда эълон берувчиларнинг қизиқиши газеталар ёки вақтли нашрларнинг 1-справочнигини пайдо бўлишига сабаб бўлди.

1790 йилда Тейлор ва Ньютонлар 200 номдаги инглиз газеталарининг номларини ҳисобга олган “Газеталар бўйича справочник” (“Справочник по газетам”) варақани чиқардилар. Кейинчалик бундай нашрлар кўплаб чиқарилиб,

бора-бора улар йилда 1 марта чиқариладиган бўлди. 1846 йилдан бизнинг даврмизгача Лондонда Митчел нашриётида чиқиш вақти камдан-кам бўзилган йиллик “Газеталар бўйича справочник” ва “ЭЪлон берувчилар йўл кўрсаткичи” номли нашр чиқарилган.

1869 йил Роуэл АҚШда 1-чи “Америка газеталари справочниги” (“Справочник Американских газет”) ни яратди. У 20 йил давомида чиқиб турди.

1907 йилда АҚШда “Қўшма Штатлар ва Канада кундалик вақтли нашрлари ва журналлари бўйича йўл кўрсаткич” (“Путеводител по текушим периодическим изданиям и журналам Соединенних Штатов и Канади”) номли справочник Северенс томонидан тайёрланиб чиқарилди.

XIX асрнинг 2-ярмида ва XX асрда Европанинг кўпгина давлатларида шундай справочниклар пайдо бўлган. Бироқ, уларнинг ҳаммаси деярли тижорат мақсадларига хизмат қилишга мўлжалланганлиги сабабли уларни соф библиография деб айтиб бўлмайди.

Вақтли нашрларга кундалик кўрсаткичлар билан бир қаторда ретроспектив қўлланмалар ҳам тайёрланган ва чиқарилган. Бу иш XIX асрнинг ўрталарига келиб кўп мутахассисларда қизиқиш уйғотди.

1859-1861 йилларда Францияда Эжен Атеннинг “Францияда матбуот тарихи ” (“История печати во Франсии”) номли йирик асари чиқди. Лекин бу иш жуда кўп камчиликларга эга эди. Кейинчалик Атен ўзининг “Француз вақтли матбуотининг тарихий ва танқидий библиографияси” (“Историческая и критическая библиография французской периодической печати”) номли нашрини чиқарди ва унда юқоридаги хато ва камчиликларни бартараф этишга муваффақ бўлди. Унда 1631-1864 йиллардаги вақтли нашрлар чиқиш вақти хронологияси бўйича берилган. Атен унда жуда қимматли, кенг материалларни берган.

Англияда 1920 йилда “Таймс” газетаси томонидан “Инглиз ва Уэлс газеталари, адабий ва танқидий журналарнинг 300 йил учун справка рўйхати” (“Справочний список английских и уэлских газет, литературних и критических

журналов за 300 лет”) номли рўйхати Англияда 1-газета пайдо бўлганининг 300 йиллиги муносабати билан тўзилиб, эълон қилинди. Британ музейи кутубхонаси фондида йиғилган газеталар унга асос қилиб олинган. Материаллар хронологик жойлаштирилган.

5.3. Библиография назариясининг ривожланиши

XIX аср охирида библиографиянинг ривожланишида янги босқич бошланди. Француз инқилоби даврида **библиографиянинг назарияси** кўзга ташланадиган даражада ривожланди. Француз революсионерларининг назарий қарашлари бу даврда кенг тарқалди.

Инқилоб туфайли тубдан қайта ташкил этилган кутубхоначилик иши каталоглаштириш ва библиография ишига ҳам катта таъсир этди. Жойларда вақтинчалик “адабиётларни сақлаш жойлари” ташкил этилди. Бу муассасалар ўзларига келиб тушган адабиётдарнинг каталогини 2 нусхада тўзишлари керак эди. Каталогнинг 1-чи карточкали нусхаси Парижда 1791 йил ташкил этилган “Библиография бюроси”га тушиши зарур эди. Бу карточкали каталоглар асосида “Библиография бюроси”га умумфранцуз йиғма каталогини тўзиши юклатилган эди. Бюро зарур карточкани ололмагани сабабли бу вазифани бажара олмади.

Бу бюро бошлиғи Юрбен Домерг 1793 йилда “Умумий библиография тўғрисида” (“Об обшей библиографии”) номли маърузаси билан Ижтимоий таълим қўмитасига чиқди. Унда у белгиланган тадбирларнинг ташкилий тўзилиши ва кетма-кетлигини ёритган эди.

1794 йили Ижтимоий таълим қўмитасининг яна бир ходими аббат Грегуар “Библиография ҳақида маъруза” (“Доклад о библиографии”) билан чиқди. Лекин у шароитда уларда қўйилган таклиф ва вазифаларни бажариш қийин эди.

Улардан кейин Дону, Юбер Амеён Камю, Лер, Габриэл Пенё, Ш.Ашар, Жак Шарл кабилар библиографияни ташкил этиш ва тўзилиши ҳақида назарий материаллар – мақолалар ёзган ва маърузалар қилганлар. Улардан Лер 2 йиллий кутубхоначиларни ўқитиш курсини ташкил этди ва унинг дастурини ишлаб чиқди. Габриэл Пенё эса “Китобшунослик бўйича изоҳли луғат” (“Толъковий

словар по книговедению”) номли асарини ёзди. Унда у китобшунослик ва библиографиянинг ўзаро муносабати масалаларини ёритишга уринди.

Нашриётчи ва китоб савдогари Булар “Библиография тўғрисида оддий трактат” (“Элементарний трактат о библиографии”) номли асарини ёзди. “ Китобнинг адабий ва тижорат қимматини ўрганиш билан шуғулланадиган шахс библиограф бўла олади. Библиографлар 3 тоифага бўлинади: китобни севувчилар, кутубхоначилар ва китоб савдогарлари”, деб ёзган Булар.

Француз назариётчиларининг асарлари бошқа давлатлар библиограф - назариясига кириб келаётган шахсларни ҳам бу майдонга келишини тезлатди. Масалан, 1814 йилда Англияда Т.Х.Хорннинг “Библиографияни ўрганишга кириш” (“Введение в изучение библиографии”) китоби чиқди. Польшада И.Лелевел ёзган “Библиография ҳақида икки китоб” (“Две книги о библиографии”) номли китоб чиқди.

XIX аср бошида Германияда библиография назарияси ривожланди. Фридрих Адолф Эберт – йирик назариётчи бўлиб, “Умумий библиографик луғат” (“Всеобиий библиографический словаръ”) китобини ёзган. Унда ўзига қадар ҳали хеч бир мутахассис томонидан кўрилмаган назарий масалаларни ёритди. У “Библиография мамлакат ёзув маданиятини унинг тарихий ривожланиши билан даражасини ўлчашнинг энг ишончли воситасидир ”, деб ёзган.

Шундай қилиб, бу кўриб ўтилган давр библиография тарихида жуда улкан ўзгаришлар, жумладан библиографияда ҳам турли (универсал кундалик ва ретроспектив, тармоқ, вақтли нашрларга тўзилган) йирик – йирик библиографик қўлланмаларнинг яратилиши, библиографиянинг назарий масалалари жиддий кўрилган давр бўлиб қолди.

Такрорлаш учун саволлар :

1. Бу даврдаги ижтимоий маданий ҳаёт қандай эди?

2. Босма махсулотнинг давлат ҳисобини олиб бориш ишининг ҳолати қандай эди?

3. Бу даврда библиографиянинг қайси тури жуда яхши ривожланди?

4. Бу даврда тўзилган тармоқ қўлланмалари тармоқ библиографияси алоҳида тур сифатида пайдо бўлган даврда тўзилган қўлланмалардан қандай фарқ қилар эди?

5. Библиографиянинг назарий масалаларига нима сабабдан эътибор кучайди?

6. Бу йирик даврда тўзилган библиографик материалларнинг ҳозирги давр учун аҳамиятини гапириб беринг.

7. У тўзилган кўрсаткичларнинг қайсилари бизгача етиб келган?

6-БОБ. БИБЛИОГРАФИЯ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

§6.1. Халқаро библиографик ҳамкорлик тарихи

§6.2. Ҳозирги халқаро дастурлар

Ҳозирда интеграцион тенденцияларнинг аҳамиятитинмай ўсиб, кўплаб муаммолар улкан, умуминсоний хусусият касб этмоқда. Илмий техника тараққиёти, хусусан электроника, ҳисоблаш, ахборот, кўпайтириш технологиялари соҳасидаги ривожланиш асрлар давомида инсонлар ўртасида алоқани қийинлаштирган тўсиқларни бартараф этди ва этмоқда, улкан халқаро лойиҳаларни (шу жумладан, библиографик лойиҳаларни) амалга оширишни таъминламоқда.

Ҳар томонлама халқаро ҳамкорлик мумкин бўлибгина қолмай, балки зарур бўлмоқда.

Фан, техника, бадиий маданиятнинг келгуси тараққиёти, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ишончнинг ортиши турли-туман ахборот манбаларини кенг ва тез алмашлашсиз мумкин эмас. Шу сабабли халқаро ахборот, (жумладан, библиографик) ҳамкорлик, халқаро ва кичик ахборот таъминлаш тизимини

яратиш–ҳозирги жаҳонхалқаро алоқалар комплексининг мухим бўғинидир. Бу мухим ишда фаол иштирок этиш, халқаро лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллашда жаҳоннинг кўплаб давлатлари иштирок этади.

Халқаро библиографик ҳамкорликда халқаро библиографик дастурлар ва тизимларни ишлашда ва жорий қилишда турли давлатлардан давлат ва нодавлат ташкилотлари иштирок этади.

6.1. Халқаро библиографик ҳамкорлик тарихи

Кутубхоначилик-библиографик фаолият соҳасида ҳамкорликка XIX аср охирларида замин ҳозирланган. Юрист-библиографлар Пол Отле ва Анри Лафонтенларнинг ташаббуси билан 1895 йилда Брюсселда Халқаро библиография институти ташкил этилган. Унинг вазифаси библиография масалаларини ишлаб чиқадиган илмий-тадқиқот маркази сифатида тадқиқот ишларини олиб боришдан иборат бўлган. Уларнинг ҳар иккиси бу институтнинг директори бўлганлар. 1895 йилда бу институтнинг филиали Швейцарияда, 1898 йилда Францияда ва бошқа шаҳарларда ташкил қилинган.

Бу институт томонидан жуда кўп нашрлар чиқарилган.“Ўнли классификация жадвали” (УЎК), қатор давлатлар босма маҳсулотининг картотекаси, “Всемирнўй библиографический репертуар” тўзилган. УЎК нинг тўлиқ (33 минг бўлимдан иборат) матнини босиб чиқарган. Ундан жаҳон бўйича кутубхоналарда фойдаланилган, ҳозирда ҳам фойдаланилмоқда.

1914-1921 йилларда бу институт ўз ишини тўхтатган. 1931 йилда институтнинг ҳужжатлаштириш бўлими Халқаро ҳужжатлаштириш институтига айлантирилди ва 1938 йилда бунинг негизида **Ҳужжатлаштириш бўйича халқаро федерация** ташкил қилинган.

Халқаро библиография институтининг 1-конгресси 1910 йилда Брюсселда бўлиб ўтди, унда 30 давлатдан 300 киши қатнашган. Унда асосан библиография иши усулларининг ягоналиги, библиографик кўрсаткичлар тўзишда кооперация масалалари кўрилган. Шу конгрессда ҳамма давлатлар ва халқлар

библиографларининг ҳамкорлигини ривожлантириш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилинган.

Халқаро кутубхоначилик ташкилотлари турли тармоқ кутубхоналари бўйича ташкил этилган. Унинг мақсади – турли давлатларнинг кутубхоналари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро стандартларни тайёрлаш, биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, тажриба ва ихтисосли алмашиш бўлган. Унинг давлат ва нодавлат, жамоатчилик ташкилотлари бор.

Давлат ташкилотига **ЮНЕСКО** (Маориф, Фан ва маданият бўйича Бирлашган Миллатлар ташкилотининг бўлими) киради. У Бирлашган Миллатлар ташкилотининг ихтисослаштирилган ташкилоти сифатида 1946 йилда ташкил этилган. Библиография, кутубхоначилик иши ва илмий-ахборот фаолиятининг тивожланишига ката таъсир кўрсатади. Унинг уйи Парижда. Вазифаси – турли халқаро кутубхоначилик-библиографик ташкилотлар ишини мувофиқлаштириб боради, халқаро библиографик нашрларни маблағ билан таъминлайди. Универсал библиографик ҳисоб (УБУ – универсалний библиографический учет) дастури бўйича тадқиқотда иштирок этади, илмий ва илмий-техника ахбороти соҳасида Халқаро дастурда ҳамкорлик, ривожланаётган давлатлар кутубхоначилик-библиография иши қурилишида ёрдам беради.

ЮНЕСКО нинг энг сўнгги - ҳозирги даврда мухим аҳамиятга эга бўлган дастурларидан бири “Ҳамма учун ахборот” (“Информация для всех”) бўлиб, у 2000 йилдан ишлана бошлаган. Унинг асосий мақсади ва вазифаси - фуқароларнинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг хуқуқий-ахборот сўроқларини замонавий ахборот технологиясидан кенг фойдаланган ҳолда ташкил этилган расмий ҳуқуқий ҳужжатлар фонди асосида қондиришга шароит яратишдан, улкан ахборот жамияти ва билимлар жамиятини қуриш учун асос бўладиган элементларнинг инструментарийсини ишлаш ва улардан келгусида самарали фойдаланишни ташкил этиш, ахборот ва билимларни жаҳон бўйича эркин алмашишдан иборат. Бу дастур доирасига яқин “Жаҳон хотираси” (“Памят

мира”) дастури ҳам бор. Унинг мақсади – инсониятнинг ҳужжатли меросини сақлаб қолишдир.

Нодавлат, жамоат ташкилотлари кўп. Улардан энг йириги – **ИФЛА** (Халқаро кутубхоналар ассоциацияси ва муассасалари федерацияси**)** 1927-1929 йилларда ташкил топган. 1965 йилда унинг қошида доимий Библиография комиссияси тўзилган. Дунёдаги 130 дан ортиқ давлатлардан 150 дан ортиқ кутубхоначилик ассоциациялари ва 600 дан ортиқ кутубхоналар ва кутубхоначилик муассасаларини, шунингдек, 5 та халқаро кутубхоначилик ташкилотларини бирлаштирган йирик ташкилотдир. Штаб-квартираси Гаагада. Унинг вазифаси – библиографик жараёнларни автоматлаштиришнинг аҳволи ва истиқболларини ўрганиш, библиография соҳасидаги миллий ва халқаро мувофиқлаштириш ва кооперация имкониятларини тадқиқ қилиш, кутубхоначилик маълумоти, библиография, ахборот ишларини ҳам ўз ичига олувчи кутубхоначилик фаолиятининг ҳамма соҳасида тадқиқотлар, мунозаралар, ўзаро кооперацияни рағбатлантиришдир. Унинг таркибида – УБУ (универсал библиографик ҳисоб) дастури бўйича ИФЛА маркази, 8 та бўлими, нашриётчилик бўлими, Халқаро абонемент бўлими бўйича ИФЛА маркази мавжуд.

Ҳозиргача ИФЛА нинг 70 та сессия-кенгаши бўлиб ўтган (70-кенгаши 2004 йил 27-28 августда Буэнос-Айрес (Аргентина) да бўлди). Халқаро кенгашлар чақиради, кўргазмалар ташкил қилади, ёш тадқиқотчиларга мукофотлар беради, қатор халқаро стандартларни ишлашда қатнашади.

ИФЛА нинг тадбирлари доирасида 11 йилдан буён “Кутубхоналар ва ассоциациялар ўзгараётган дунёда: янги технологиялар ва ҳамкорликнинг янги шакллари” мавзусида “Қрим” халқаро конференцияси бўлиб ўтади. Унда жаҳоннинг кўплаб давлатларидан йирик кутубхоналар, ассоциациялар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчи-олимлари, илмий-техника ахбороти марказлари ва китоб палаталарининг ходимлари, архивлар, музейлар ходимлари илмий маърузалари билан иштирок этадилар.

ИФЛА президенти дастури ҳам бор. 2003-2005 йилларга мўлжалланган “Кутубхоналар таълимни узлуксиз ривожлантиришни қўллашга” дастур бўлиб, бу дастур халқаро ҳамжамият аъзоларининг жисмоний, минтақавий, ижтимоий ва маданий чегараларидан қатъий назар ахборот айрибошлашда қатнашиш учун бир хил имконият яратиб беришни кафолатлайди. Фойдаланувчининг бутун ҳаёти давомида билим, таълим олиш, саводхонликни давом эттириш, сақлаш кўзда тутилади. Дастур курслар, лекторийлар, семинарлар ташкил қилиш, фикр алмашиш, инсон ҳуқуқларини, айниқса, катталарнинг айби билан билим олишдан махрум бўлиб, азият чекаётган болалар ва ёшлар ҳуқуқига ҳурматни тарғиб қилиш, малака ошириш, фуқароларнинг ахборот билимларини ошириш бўйича олиб борадиган ишларида кутубхоначиларнинг имкониятларини кенгайтириш орқали амалга оширилади.

Ҳужжатлар бўйича халқаро федерация Халқаро библиография институти ўрнига ташкил этилган нодавлат ташкилоти деб юқорида айтилди. Маъмурий органи, 8 та муаммоли қўмитаси ва 2 та минтақавий комиссиядан таркиб топган. Унинг ишида 500 га яқин ташкилотлар, 70 дан ортиқ миллатлар аъзолари иштирок этадилар. Унинг доимий котибияти Гаагада. Кенгаши ҳар йили, Бош ассамблеяси 2 йилда бир марта йиғилади.

Бу Федерация илмий-ахборот фаолиятини бошқаради, информатика соҳасида илмий тадқиқотлар йўналишини белгилайди, мутахассисларнинг ахборот талабларини ўрганади, кадрлар тайёрлашни ташкил қилади, жаҳоннинг қатор мамлакатларидаги йирик ахборот марказлари ва махсус кутубхоналар, шунингдек, соҳанинг йирик мутахассислари ва олимларини бирлаштиради, УЎК ни мунтазам кўриб чиқади. Бюллетенлари, йилномалари, махсус журналлари, конференциялар, конгресслари материаллари, мақолалар тўпламлари, УЎК нинг расмий нашрлари чиқариб турилади. Федерация ЮНЕСКО билан ЮНИСИСТ (Илмий-техника ахбороти жаҳон тизими) ни ишлаб чиққан, уни ишлашда 30 давлат вакиллари иштирок этган.

6.2. Ҳозирги халқаро дастурлар

ЮНИСИСТ дастурининг мақсади – ҳужжатларнинг турлари бўйича ахборот тизимини яратишдир. Бу дастур бўйича 1973 йилда серияли нашрлар тўғрисида маълумотларнинг автоматлаштирилган Халқаро тизими ташкил этилди.

Ҳозирда турли халқаро дастурлар жуда кўп. Улардан яна бири “Возрождение” халқаро жамғармасининг “Кутубхоначилик дастури”дир.

Унинг мақсади – кутубхоналараро кооперация асосида очиқ ахборот-кутубхона инфратўзилмасини яратишга кўмаклашишдан иборат. Уни амалга ошириш тамойиллари: хокимият бўлимлари, халқаро ташкилотлар ва ахборот марказлари, мустақил фуқаровий ташкилотлар билан ҳамкорлик; мавжуд меёрий ҳужжатлар, стандартларни фуқаровий таҳлил қилиш имконига эга бўлган адораларо экспертлар гуруҳини тўзишга ёрдам бериш.

Яна Евраазия жамғармаси ҳам борки, унинг ҳам кутубхоначилик, ахборот хизмати, соҳаси, библиография масалаларини ўз ичига олган дастурлари мавжуд. Улардан бири “Ахборот жамияти технологиями” номли энг йирик дастуридир. Унинг мақсади – ахборотдан фойдаланишни яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва мувофиқлигини, аниқ талабларга мослигини таъминлаш; хизматчилар, тадбиркорлар, мижозларга жамиятда улар бажараётган роллари учун катта имкониятлар яратиш; ижоднинг ривожланишига ёрдам бериш; ўқишга кенг имкониятлар яратиш, олимларга ахборотни қисқа вақт ва кам ҳаражатлар билан олиш имконини яратиш, электрон ахборот ресурсларини яратиш ва унинг интеграцияси, ундан эркин фойдаланишдан иборат. Яна у ҳамжамият давлатларининг ўзаро ҳамкорлигини талаб қилади.

Юқоридагилардан ташқари бизга энг таниш бўлган ИРБИС дастури ҳам ҳамкорлик дастури бўлиб ҳисобланади. У 1994 йилда ишланган (Россияда Давлат илмий-техника кутубхонаси, 1997 йилдан амалга жорий қилина бошлаган). Ҳозирда ундан МДҲ давларлари кутубхоналари, АҚШда, Буюк Британияда айрим кутубхоналар, Халқаро кутубхоначилик ахборот ва таҳлилий Марказида фойдаланмоқдалар. Унинг 5 та дастури мавжуд.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Халқаро ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз?

2. Библиография соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил этувчи ташкилотларни сананг.

3. Биринчи ҳамкорлик ташкилоти қачон ва қаерда ташкил этилган?

4. Давлат ва жамоатчи ҳамкорлик ташкилотларининг мақсади ва вазифасини айтиб беринг.

5. ЮНЕСКО нинг вазифаларини гапириб беринг.

6. ИФЛА қандай ташкилот ва унинг вазифалари нималардан иборат?

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида: Тарих. Маърифат. Маънавият.- Т.: Ўзбекистон, 1998. -420 б.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Ж.8.- Т.: Ўзбекистон, 2000.- 110 б.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Ж. 10.- Т.: Ўзбекистон, 2000.- . 332 б.

Бердиева З. ва бошқ. Библиография: (Умумий библиография): Маданият коллежлари учун ўқув қўлл./ З.Бердиева, Ҳ.Маматраимова, Т.Зокирова, О.Эраҳмедова. - Т.,2007.- 208 б.

Долгополова И.В., Шамсиев Ш.М. История библиографии в период средних веков: (до изобретения книгопечатания): Учеб. пособие.- Т.,2003.- 56 с.

Здобнов Н.В. История русской библиографии.- 3-е изд.- М.1955.- 608 с.

Коршунов О.П.Библиографоведение: Обший курс: Учебник для вузов.- Москва: Кн. палата, 1990.- 238 с.

Маматраимова Х. Библиография // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. Бешик-гидрофизика.-Т., 2001.- Б.16-17.

Машкова М.В. История русской библиографии начала XX века.- Москва: Книга, 1969.

Семеновкер Б.А.Библиографические памятники Византии.- Москва: Археогр. сентр, 1995.- 222 с.

Симон К.Р. История иностранной библиографии.- Москва,1963.- 736 с.

Турапов М.М. Развитие библиографического дела в Узбекистане (1852-1970).- Т.,1983.- 128 с.

2. -Мавзу: БИБЛИОГРАФИЯШУНОСЛИК ФАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВЗИФАЛАРИ

Режа:

1.Библиографиянинг объекти – ҳужжатеканлигининг тахлили.

Босма маҳсулотларни классификациялаш.

1. Библиографик фаолиятнинг предмети
2. Библиографиянинг ижтимоий вазифасига кўра турларга таснифи
5. Кутубхоналарда библиографик фаолиятининг асосий вазифаси

Тушунчалар: ҳужжат, ахборот истеъмолчиси, матбуот асари, босма маҳсулот,вақтли матбуот нашри, давомли нашр, расмий нашр, илмий-оммабоп нашр, ўқув адабиётлари нашри, маълумотнома нашрлари.

1. Библиографик тасвир. Библиографик ёзув: Умумий талаблар ва тўзиш қоидалари: Ўз ДСт 1215: Расмий нашр: 2009 й. 14 апрелда № 05-143 рўйхатга олинган ва 2009 й. 20 апр.амалга жорий этила бошлаган / Тузувчилар: Х.Маматраимова, Д.Қудратова; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги.- Т.,2009.- 86 б.

2. Ахборот-библиография фаолияти, библиография. Атамалар ва тушунчалар: Ўз ДСт 1214: Расмий нашр: 2009 й. 14 апрелда № 05-143 рўйхатга

олинган ва 2009 й. 20 апр.амалга жорий этила бошлаган / Тузувчилар: М.Х.Махмудов, А.Ш.Мухамадиев; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги.- Т.,2009.- 86 б.

3. Коршунов О.П. Библиографоведение: основў теории и методологии: учебник / О.П.Коршунов, Т.Ф.Лиховид, Т.А.Новоженова; под ред. О.П.Коршунова.- Москва: Изд-во ФАИР, 2009.- 335 с.: ил., фот., табл.- (Спетсиалнўй издателский проект для библиотек).

4. Бахтурина Т.А. Новўй стандарт по библиографическому описанию: К внедрению ГОСТа 7.1-2003 // Библиогр.- 2004.- № 1.- С. 23-36.

5. Берестова Т.Ф. Законў формирования структурў информационного пространства и функсии информатсии // Библиогр.- 2009.- № 5.- С. 32-47.

6. Калинина Г.П. Правила описания: современнўй подход // Библиогр.- 2003.- № 1.- С. 30-33.

7. Керзум А.П. Библиография - технология, наука и творчество // Библиогр.- 2008.- № 5.- С. 35-38.

8. Савичев В.В. Как, когда и зачем появляется библиографическая информация // Библиогр.- 2002.- № 3.- С. 3-11.

Библиографик фаолият ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар йиғиндиси-библиографик ахборот бериш эканлиги мутахасислик адабиётларида кенг тахлил қилинган. Бундай адабиётларни ўрганиб, библиографиянинг объекти – ҳужжатеканлигини кўрсатишимиз мумкин.

Ҳужжат – бу сотциал ахборот манбаи бўлиб, сақлаш ва тарқатишга мўлжалланади.

Ҳужжат хусусияти ундаги ахборотнинг ижтимоий аҳамиятга эгалиги, унинг яратилаётган тарихий давр, шарт-шароит билан узвий боғлиқлигида кўринади.

1964 йил ҳужжацўзи ахборотнинг моддий ташувчиси сифатида белгилаб берилди. Ҳозирда ҳужжацўзи ахборот билан боғлиқ, кишилар томонидан уларни тўплаш, фойдаланиш, узатиш, сақлаш ва ҳисобга олиш билан боғлиқ

моддий объекцифатида тушунилади. Ҳужжацўзи аҳамиятига кўра кенг тушунча. Ҳужжатларда реал ҳаёт воқеликлари, фактлари ва барча маълумотлар ўз аксини топади, ҳужжатда у яратилаётган даврнинг маълум бир қирраси ҳақидаги ахборот тўпланади.

“**Ҳужжат”** атамасии қоғоз, кинолента, турли хил кўринишдаги тасмалар, электрон дисклар, компакт дисклар кўринишидаги ахборот ташувчи материални англатади. Давр ўтиши билан, тараққиёт натижасида янги-янги ахборот ташувчилар қўшилиб бораверади. Ҳар бир ахборот ташувчи ёки ахборот ресурслари ўзига хос хусусиятга эга ва булар ахборотни тайёрлашда ҳисобга олинади. Шу боис белгилари, аҳамияти, мазмуни ва шаклига кўра турланади.

Ахборот истеъмолчиси – мустақил билим олиш, ўқув малакасини ошириш, илмий билим олиш ва илмий салоҳиятини ошириш, ишлаб-чиқариш малакасини ошириш ва бошқа мақсадларда ахборотдан фойдаланувчи шахс. Юқори даражада ахборот-кутубхона ва библиографик хизмат кўрсатиш учун ҳужжатлар илмий асосланган ҳолда классификация қилиниши лозим. Шахснинг профессионал-ишлаб чиқариш фаолияти, эгаллаб турган лавозими, маълумот даражаси, ёши, жинси, оилавий аҳволи, ўқиш маданияти даражаси, библиографик манбалардан фойдалана олиш қобилияти, руҳий ва бошқа хусусиятлари классификация асосига олинади. Чунки инсон - китобхон ҳам библиографиянинг объектидир.

Ҳужжат ва ахборот истеъмолчиси мазмун моҳиятига кўра матбуот асари (китоб,нашр) ва китобхон (библиографик ахборот истеъмолчиси) тушунчаларидан фарқланади. Илмий ахборот фаолияти фақатгина матбуот асари билан эмас, балки барча кўринишдаги ахборот ресурслари (электрон ресурслар) билан ҳам боғлиқ. Библиография ҳам ҳозирда ҳам матбуот асари (китоб, газета, журнал), ҳам ҳужжатларнинг бошқа турлари билан ҳам ишлайди.

Китоб, газета ва журналлар тарихан инсоният билимининг манбаи, унинг билимларини акс эттирувчи, тўпловчи ва сақловчи восита ҳамда инсон

билимини ошириш ва руҳий таъсир воситаси бўлиб келган. Китобнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Аммо, кейинги пайтда бошқа ахборот ташувчи ресурслар ҳам библиографик фаолият доирасига сингиб бормоқда. Демак, **китоб-китобхон тизими** ҳам библиографиянинг объектидир. Бу кейинги пайтда ҳужжат-ахборот истеъмолчиси тизими билан бойиди.

Босма наширлар турларга ажратилиши бўйича китоб, журнал, газета, варақага; белгисига кўра матнли, нотали, картографик ва тасвирий нашрларга ажратилиб уларни библиографиянинг обьекти сифатида тахлил қилишимиз мумкин.

Библиографиянинг обьекти сифатида тахлил қилинаётганда энг муҳим белгилардан бири бўлиб, бу нашрларнинг давомийлиги ёки нашир қилишнинг мақсадини аниқлаш мухим хисобланади. Обьекцифатида тахлил қилинганда наширларнинг асосий белгиси қилиб куйдагиларни кўрсатиш мумкин:

- нодаврий (бир марталик);
-вақтли
- давомилиги.

Шунингдек шу ернинг ўзида нашрларга тайёрловчи ташкилотлари, чиқараётган мамлакатлакатлари бўйича ҳам наширларни тахлил қилишимиз мумкин.

Бир марта нашретилган асар нодаврий дейилади, зарур бўлган ҳолдагина қайта нашретилиши мумкин, бунда ҳам албатта қайта нашретилгани ҳақидаги маълумот кўрсатилади. Қайта нашрда тўлдирилгани, қисқартирилгани, тузатилгани, ўзгартиришлар киритилгани кўрсатилади. Китоб 48 саҳифадан ортиқ бўлган матнли нашр. Рисола эса 48 саҳифагача бўлган матнли нашр. Варақалар 1 саҳифадан 4 саҳифагача ҳажмда бўлади. Вақтли бўлмаган нашр бир томлик ёки бир неча томлик бўлади. Кўп томлик нашр бир мақсадга, бир мавзуга ёки бир йўналишга, полиграфик безатилишга эга бўлган бир неча китобдан иборат бўлади.

Вақтли нашрлар - газета, журнал ва бюллетенлар бўлиб, уларнинг хусусияти нашрдан чиқишда маълум бир тартибда рақам кетма кетлигига

эгалигидир. “Периодика”- сўзи грекча сўздан олинган бўлиб, вақтли, яна бошланган, қайтаётган деган маънони англатади.

Давомли нашрлар - тўпланган материалнинг ҳажмига кўра мунтазам бўлмаган чиқиш тартиб рақамига эга бўлади. Давомли нашрлар тор йўналишдаги илмий ахборот учун муҳим манба ҳисобланади. Унда бирор бир ташкилот ёки муассасанинг илмий-тадқиқот фаолиятига оид маърузалар, хабарлар, мақола ва бошқа материаллар берилади. Давомли нашрлар асосан “Илмий ишлар”, ”Асарлар”, “Илмий хабарлар”, “Хабарлар” каби умумий номлар билан чиқарилади. Ҳар бири чиқиши эса алоҳида тартиб рақамига эга бўлади.

Даврий нашрлар маълум бир даврда чиқиш рақами билан чиқарилади. Ана шундай нашрлардан бири “Қизил китоб” йўқолиб бораётган ёки йўқолиш хавфида бўлган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини қайд этиб борувчи ва улар ҳақида маълумот берувчи маълумотнома характеридаги давлат ҳужжати. Унда аввал ўсимлик ёки ҳайвон ҳақида маълумот берилади, унинг йўқолиб боришига сабаб ва омиллар ҳақида, йўқолишининг олдини олиш учун тавсиялар берилади.

Нашрларнинг яна бир тури **туркумли** нашрлар бўлиб, улар умумий мазмунга, йўналишга, китобхонлар гуруҳига, мақсадга эга бўлиб, умумий туркум номи билан чиқарилади. Аммо ҳар бири алоҳида муаллиф, алоҳида ном, чиқиш маълумотларига эга бўлади. Масалан, “ХХ аср ўзбек романи” туркумида А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, А.Қаҳҳорнинг “Сароб”, “Қўшчинор чироқлари”, Ш.Рашидовнинг “Ғолиблар”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Ойбекнинг “Навоий” романи ва бошқа асарлар нашретилди.

3. **Нодаврий нашрларнинг турланиши.** Бундай нашрлар мақсадига, ахборотнинг характерига кўра расмий, илмий, илмий-оммабоп, ўқув, касбий-ишлаб чиқариш ва маълумотнома нашрларига ажратилади. Мемуар ва кундалик нашрлари алоҳида гуруҳга киритилади.

Расмий нашрлар давлат органлари, ҳукумат ташкилотлари номидан чиқарилади. Улар қонуний, меъёрий ва директив ҳужжатлар ва мазмуни

давлат органи фаолияти билан боғлиқ бўлади, масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ахборотлари, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ахборотлари каби ашрлар.

Илмий нашрлар фан, техника, маданиятнинг турли соҳаларидаги илмий –тадқиқот ишларининг натижасини акс эттирувчи материаллардир. Бундай нашрлар илмий-техник тараққиёт кўрсаткичлари ҳақидаги, мутахассислар томонидан ўтказилган тадқиқот ишлари ҳақидаги ахборот материалларидан иборат, таркибига, мазмуни, характери, аҳамиятига кўра фан арбобларининг асарлари; кўп томли шаклда нашретиладиган фан тарихига оид асарлар; долзарб мавзулардаги илмий асарлар тўпламлари; монографиялар; илмий анжуманлар, симпозиумлар, конгресслар материллари ва бошқалар чиқарилади.

Илмий-оммабоп нашрлар фан, техника, маданияцоҳаларидаги ютуқларни, янгиликларни мутахассислардан бошқа кенг китобхонлар оммаси тушунадиган тилда ва услубда баён этган асарлардир. Улар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланади, китобхонлар ўзларининг билим савиясини ошириб боради, ҳозирги замон фан ва техника ютуқларидан хабардор бўлади, мустақил билим олиш кўникмасини эгаллайди. Бундай нашрларнинг адади илмий нашрларга нисбатан катта бўлади, турли хил мазмунга ва характерга эга бўлади. Ҳозирда тиббиётга, табиий-илмий билимларга, мамлакатимиз тарихига, сиёсий муаммоларга, маънавиятга оид илмий-оммабоп адабиётлар, биографик материаллар нашретиш кенгайган.

Ўқув нашрлари фаннинг, амалий фаолият соҳасининг маълум бир тизимда акс этган ахборотини ўз ичига олади. Ўқув нашрларига ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий қўлланмалар, кўргазмали материаллар киради.Улар мазмунига кўра соҳали ёки ихтисослашган адабиётдир. Улар мактаб, коллеж-лицей, олий ўқув юртларининг ўқувчилари ва талабаларига, малака ошириш курсларининг тингловчиларига ва ўқитувчиларга мўлжалланган бўлади. Ҳозирда электрон дарсликлар ҳам яратилмоқда.

Касбий ишлаб чиқаришга оид адабиётлар халқ хўжалигининг турли соҳасидаги ишлаб чиқариш технологияси, техникаси ва уни ташкил этишга бағишланган адабиётлардир. Уларнинг китобхонлари олий ва ўрта махсус маълумотли ишлаб чиқариш мутахассислари-мухандислар, агрономлар, инженер-техниклар. Улар учун мўлжалланган адабиётлар илмий-ишлаб чиқариш адабиётлари дейилади. Ишлаб чиқаришдан ташқари ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, иқтисодчилар, юристлар, кутубхоначи-библиографлар учун касбий адабиётлар- амалий қўлланмалар, услубий қўлланмалар, хатлар, турли мавзуларга оид тавсия адабиётлари нашретилади. Оммавий-ишлаб чиқаришга оид адабиётлар турли касбдаги ишчилар, мутахассислар, усталар, ишлаб чиқариш фирмалари ва фермер раҳбарлари учун мўлжалланади.

Маълумотнома нашрлар - қидирилаётган ахборотни топиш учун қулай бўлган тартибда жойлаштирилган илмий ва амалий характердаги қисқа, аниқ ва лўнда маълумотларни ўз ичига олади. Маълумотнома нашрларининг кенг тарқалган турларидан - қомусномалар, қомусий луғатлар, луғатлар, справочниклар, тақвим (календар) лар, йўл кўрсаткичлар ва бошқа нашрларни кўрсатиш мумкин.

Қомусномалар (энтциклопэдиялар) бир ёки бир неча томлик бўлиб, барча ёки бир неча билим соҳасига оид универсал характердаги назарий ва амалий билимларнинг умумлашган кўринишидаги қисқа мақолалардан ташкил топади.

Мазмунига кўра қомусномалар универсал, мавзули, тармоқ ва шахсга оид бўлади. Қадимги Мисрда қомусий луғатлар тўзиш милоддан аввалги иккимингинчи йилларнинг 2-чорагидан бошланган. Юнонистонда Аристотел, Демокрит асарлари энтциклопэдик характерда бўлган.

Ўрта Осиёда Абу Носир Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино асарлари ҳам энтциклопэдик мазмунга эга эди. Форобийнинг “Фанлар таснифи”, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Ибн Синонинг “Донишнома”си, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Алишер Навоий-нинг “Мажолис ун

нафоис”, Бобурнинг “Бобурнома”си ҳам энтциклопэдик характердаги асарларэди.

19 аср охири XX аср бошларида Англия, Франтсия, АҚШ, Германия, Италия, Испанияда ҳам универсал энтциклопэдиялар чиқарилди. XX аср бошларида Россияда ҳам турли фан соҳаларига оид энтциклопэдиялар нашретила бошланди. 1950 йилларга келиб собиқ иттифоқдош республикаларда ҳам бу иш бошланди. 1968-1977 йилларда 14 жилдлик “Ўзбек советентциклопэдияси” чоп этилди. Бу нашрга 40 мингдан ошиқ атама ва мақолалар, 10 минг сурат ва 800 та харита илова қилинди.

1981 йилдан бошлаб ўзбек қомусчилари 2 жилдлик энтциклопэдик луғат, тиббиёт, пазандачилик, болалар, уй-рўзғор, саломатлик, меҳнат ҳуқуқи, 2 томлик қомусий луғат, 2 томлик русча-ўзбекча луғат, ўзбекча-русча луғат, рус тилида Ўзбекистон Республикаси, Пахтачилик, 2005 йилда 2 томлик "Одам анатомияси" қомусномалари нашретилди.

“Ўзбекистон миллий энтциклопэдияси” Ўзбекистон Республикасининг биринчи универсал миллий энтциклопэдияси бўлиб, 1996 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қомусини нашретиш тўғрисида” ги қарори асосида нашретилди.

ЎзМЕнинг умумий ҳажми 1600 нашриёт-ҳисоб табоғини ташкил этади ва қарийб 69 минг мақола берилди, 12 мингдан ортиқ сурат ва безаклар, 1000 га яқин харита,150 рангли харита берилди. Унда белгиланган йўналишга кўра ЎзР ҳақида мақолалар билан бирга умум-башарий аҳамиятга эга бўлган мақолалар ҳам берилди. Ҳар бир жилдда 125-130 нашриёт-ҳисоб табоғида материал берилди; 800-1200 атрофида безаклар, рангли ва оқ-қора суратлар, хариталар ўрин олган; 800 дан зиёд муаллифлар, тақризчилар қатнашган.

1997 йилда “**Ўзбекистон Республикаси**” уиверсал энтциклопэдия чоп этилган.

“Ўзбекистон Миллий энтциклопэдияси” 12 томдан иборат универсал характердаги, “Одам анатомияси” номли 2 томлик қомуснома фақат

билимнинг бир соҳасига ёки унинг тор бир йўналишига бағишланган. Материаллар алифбо тартибида жойлаштирилган.

Лотин ёзувида нашретилган бир томлик **“Болаларентциклопэдияси”** ҳам универсал характердаги нашр ҳисобланади. Тармоқ қомусномалари мазмуни ва китобхонлик гуруҳига кўра универсал характердаги қомусномалардан фарқ қилиб, фаннинг бир тармоғига ва аниқ китобхонлар гуруҳига эга. “Одам анатомияси” қомусномаси тиббиётга оид ва тиббиёт ходим-ларига, шу соҳада билим олаётган талабаларга мўлжалланган. 6 жилдлик “**Қишлоқ хўжалик энтциклопэдияси**” ҳам тор доирадаги мутахассислар учундир.

Ўлкашунослик характеридаги қомусномалар ҳам катта аҳамиятга эга. Булар шу ўлканинг тарихи, маданияти, санъати, иқтисоди ва бошқа барча соҳаларини қамраб олади, йирик шаҳарлари, вилоятлари, буюк ва таниқли кишилари ҳақидаги маълумотларни тўплайди. Миллий энтциклопэдия универсал ҳам ўлкашунослик характеридаги нашрдир. Бундан аввал нашретилган “Ўзбек советентциклопэдияси”, “Сибирентциклопэдияси”, “Урал энтциклопэдияси” кабиларни мисол келтириш мумкин. “Тошкент” энтциклопэдияси айнан универсал ўлкашунослик қомусномасидир.

Шахсга оид энтциклопэдиялардан Москвада нашретилган “Лермонтов энтциклопэдияси”ни олиш мумкин. Бунда Лермонтов қаламига оид ва у ҳақдаги барча материаллар жой олган. Унинг номи билан аталган жойлар ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Қомусий луғатлар универсал ва тармоқ характерида бўлади. “Фалсафа” қомусий луғати тармоқ характерига эга, чунки у фақат билимнинг бир соҳасига оид. “Сотсиология” луғати фақацотсиология фани соҳасида қўлланиладиган тушунчаларнинг изоҳини берган.

Маълумотномалар (Справочниклар) турли хил маълумотларни акс эттиради. Улар мазмунига, мақсадига ва китобхонлик гуруҳига кўра ажратилади. Билим соҳасининг турлари бўйича кўплаб муаммо ва масалаларга оид маълумотномалар, биографик характерда ҳам справочниклар мавжуд.

Турли ишчи мутахассисликлари бўйича ишлаб-чиқариш масалаларига оид, фан тармоқларига оид материаллар маълум бир тизимда жойлаштирилган ҳолда маълумотномалар нашретилади. 2005 й. нашретилган А.И.Кормилициннинг "Ўзбекистоннинг машҳур кутубхонашунос ва библиографлари" номли биобиблиографик характердаги маълумотномаси кутубхона ходимлари, шу йўналишда таълим олаётган талабалар, профессор – ўқитувчилар учун тайёрланган.

Кутубхона ходимлари, библиографлар бахтга қарши ўз соҳасига оид маълумотномалар билан жуда ёмон таъминланган. Нисбатан тўғри профессионал билимлар "Кутубхоначи маълумотномаси"да берилган. 1-марта "Кутубхоначи маълумотномаси" 1930 йил нашретилган. 1985 йил Москвада нашретилган "Кутубхоначи маълумотномаси" 1- мукаммал қўлланма бўлиб, катта мутахассислар жамоаси томонидан тайёрланган ахборот ва тавсиялар мавжуд. Маълумотнома кутубхона ишини ташкил этиш ҳақидаги систелаштирилган маълумотлар тизимини беришни мақсад қилиб қўйган.

Маълумотнома 15 та бўлимдан иборат бўлиб, маълумотлар мавзулар бўйича ички алифбо тартибида жойлашган. Бўлимлар сўнггида тавсия қилинган адабиётлар рўйҳати берилган.

1964 й. нашрдан чиққан "Ўзбекистоннинг йирик кутубхоналари", 1970 й. нашрдан чиққан "Ўзбекистоннинг техника кутубхоналари", 1982 й. чиққан Тошкент шаҳар кутубхоналари", 2006 й. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси илмий-услубий бўлим томонидан чиқарилган "Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари кутубхоналари" йўл кўрсаткичидир. Уларда ҳар бир кутубхона ҳақида ахборот, унинг тўзилиши, асосий вазифалари, манзили кўрсатилган.

1970 й. А.Қосимова, Я.Қодироваларнинг "Кутубхона иши ва библиография бўйича қисқача изоҳли терминлар луғати" номли кичик ҳажмда бўлсада нашрдан чиқди. Унда 400 га яқин сўзлар изоҳи берилган. 1983 й. ТДМИ жамоатчилиги Ҳ.Абдураҳмонов, Н.Маҳмудов, Р.Шукуровлар муаллифлигида "Маданият ходимлари учун қисқа изоҳли луғат", 1990 й.

Н.Маҳмудов, Б.Каримов, И.Йўлдошев, Н.Абдуғаффоров тузувчилигида “Маданий-маънавий ишлар” номи билан луғат нашретилди.Буларда кутубхоначилик ва библиографик атамалари унча кўп берилмаган, маданият, маърифацоҳасидаги атамаларга кўпроқ ўрин берилган. Айнан мана шу ишлар кейинчалик шу соҳада йирик илмий-тадқиқот ишининг юзага чиқишига сабаб бўлди. 1987 й. И.Йўлдошев “Ўзбек тилининг кутубхоначилик-библиографик атамашунослиги” мавзусида номзодлик, 2004 й. “Ўзбек китобатчилиги терминологиясининг шаклланиши” мавзусида докторлик илмий даражаси учун ишини ҳимоя қилди.

ТДМИ профеесор ўқитувчилари З.Неъматова, Ш,Шамсиев, Э.Исломовлар томонидан 2002 йилда “Кутубхоначилик ва библиография атамаларининг изоҳли луғати” нашретилди. Уни яратишда рус тилида аввал мавжуд бўлган луғатлар танқидий ўрганиб чиқилган ва фойдаланилган.

Турли изоҳли ва тилга оид луғатлар ҳам кенг фойдаланиладига нашрлардир. “Русча-ўзбекча”, “Инглизча-русча-ўзбекча”, “Русча-немисча”, “Ўзбекча-тожикча луғат” ва бошқа шу кабилар сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва тил ўрганиш мақсадига хизмат қилади.

Тақвимлар китобхонларни шу йилда ёки яқин вақт оралиғида нишонланадиган энг муҳим воқеалар, саналар, уларнинг тарихи, мазмуни, аҳамияти билан таништиради.Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон МК республика кутубхона-лари учун ҳар йили кейинги йилда нишонланиши мўлжалланган воқелар, саналар, байрамлар, турли хил тадбирларнинг тақвимини тузади. Унда тадбирларнинг қисқача тарихи саналар бўйича тўғри хронологик тартибда берилади, уларнинг мазмуни, шу кун учун аҳамияти ҳақида ахборот олиш мумкин.

Йўл кўрсаткичлари (путеводители) музейлар, кўргазма заллари, йирик шаҳарлар, машҳур кишилар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган тарихий жойларга мўлжалланган бўлади. Булар мазмун- моҳиятига кўра ўқув адабиётларига қўшимча адабиёцифатида аҳамиятли. Улар ҳам матнли ва ҳам

иллюстратсияли бўлиб, китобхонга ўша жой ёки ташкилот ҳақида тўла маълумот беришда аҳамиятга эга.

Нашрларни матн таркиби ва тўзилишига кўра ҳам турларга ажратиб ўрганилади. Улар кичик нашрлар, тўпламлар, танланган асарлар, асарлар тўпламлари.

Кичик нашрлар - тугалланган яхлит асар бўлиб, энг кўп тарқалган ва оммавий нашрдир.

Тўпламлар - бир йўналишдаги, бир тизимдаги, бир муаллиф ёки бир неча муаллиф ижодига мансуб асарларнинг йиғиндиси, улар расмий, илмий-ахборот нашрлари ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, “Ўзбек шеърияти анталогияси” жанр хусусиятига кўра, “Истиқлол умидлари” муаллифларнинг ёши ва ижод савиясига кўра, Ў.Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” ҳам бир муаллиф ижодига оид бўлиб, фақат ҳикматли сўзлардан иборат.

Танланган асарлар - у бир томлик ва бир неча томлик ҳам бўлиши мумкин. Асосан, бир муаллиф ижодига оид бўлади.Тўплам мазмунини бир ёки бир неча йўналишдаги энг муҳим асарлар ташкил этади. Масалан, А.Қаҳҳорнинг 3 томлик “Танланган асарлари”, Т.Маликнинг 3 томлик “Танланган асарлари”, М.Қориевнинг 3 томлик “Танланган асарлари”, Ойбекнинг “Танланган асарлари”. Уларда муаллифнинг турли йилларда маълум бир йўналишда яратган асарлари ёки энг сара асарлари жамланади.

Асарлар тўплами - муаллифнинг жами ижодини ёки ижодининг бир қисмини жамлаштиради. Шунга кўра тўла асарлар тўплами, асарлар тўплами, асарлар деб турланади ва бир ёки бир неча томдан иборат бўлади.

Тўла асарлар тўплами муаллифнинг бутун ижодини ёки адабий меросини қамраб олади, тугалланган асарлари, мақолалари, хатлари, таржималари, нашрга тайёрлаган материаллари, қўлёзмалари, конспектлари, эслатмалари ҳам берилади ва китобхонга ва тадқиқотчиларга муаллиф ижодини мукаммал ўрганишга, тўла танишишга ёрдам беради.

Нодаврий нашрларнинг асосий қисми ёрдамчи илмий-маълумот аппарати билан таъминланади. У қанчалик кўп бўлса, китобхонга шунчалик фойдаланиш осон бўлади.Илмий-маълумот аппаратлари китобхонга нашр тўзилиши, таркиби, мазмуни билан чуқурроқ танишиш имконини беради. Булар кириш сўзи, сўз боши, мундарижаси, сўнгги сўз, изоҳлар, эслатмалар, шарҳлардан иборат. Илмий-ёрдамчи аппаратга ёрдамчи кўрсаткичлар-исмлар кўрсаткичи, хронологик кўрсаткич, предмет, географик кўрсаткичлардир.

4. Вақтли матбуот нашрларининг классификацияси.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ишига алоҳида эътибор билан қаралади, тўртинчи ҳокимият деб юритилувчи воситалар оммани дунё ва мамлакатимиз ичидаги сиёсий аҳвол,оддий, маданий-маърифий янгиликлар, воқеалар, фан, техника тараққиёти, кашфиёт ва ихтиролар билан таништиради, кишиларни уларда фаол иштирок этишга жалб қилади, улар бадиий, эстетик дидининг шаклланишига ёрдам беради.Вақтли матбуот нашрлари оммавий ахборот воситалари ва умуман ахборот ресурслари орасида алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатимизда 1200 дан ошиқ номда ўзбек, қозоқ, тожик, рус тилларида турли ёшдаги истеъмолчиларга мўлжалланган бўлиб, давлат ва хусусий ташкилотларнинг органлари-газета ва журналлар нашретилади. Нашрнинг ҳар бир чиқишида унинг номи, қачондан бошлаб чиқа бошлагани, санаси, тартиб рақами, таъсисчи ташкилот номи, муҳаррир исми шарифлари, газеталарда яна чиқишга рухсат берилган сана, ҳар бир чиқиш сони учун жавобгар шахс, нашрнинг индекс рақами, таҳририёт манзили, телефон рақамлари, факс рақами, баҳоси, нашриёт ёки босмахона номи, манзили кўрсатилади.

Газеталар **-** чиқиш сонлари ва вақти турлича: ҳафталик, кунлик, бир ҳафтада бир неча марта чиқадиган газеталар. Масалан, “Афанди”, “Оила ва жамият” ,“Маърифат”, “Ташкентская неделя”, “Ватанпарвар”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Даракчи” газеталари ҳафталик, “Тошкент оқшоми”,”Вечерный Ташкент”, “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталари кунлик. Газеталар ҳудудий қамраб олиш даражасига кўра республика, вилоят,

шаҳар ёки туман газеталарига, мазмунига кўра универсал ёки ихтисослаштирилган газеталарга ажратилади. Масалан, “Маърифат” ва “Учител Узбекистана” газеталари ўқитувчиларга мўлжалланган ва ихтисослашган. Газеталар кундалик воқеалар, саналар, муҳим янгиликлар ҳақида ахборот беради, шунинг учун ундаги маълумотлар тез эскиради ва тезкорлик билан ўз вақтида тарқатишни талаб қилади.

“Ўзбекистон овози” - Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг мамлакатдаги ҳафтада 3 марта нашрдан чиқадиган газета, рус тилидагиси – “Голос Узбекистана” ҳафтада бир марта чиқарилади. Газетанинг 1-сони сони 1918 й. 21 июнда ”Иштирокиюн” (“Коммунист”) номи билан нашрдан чиққан. 1920 йилдан газета “Қизил байроқ” номи билан, 1922 йилдан “Туркистон”, 1924 йилдан “Қизил Ўзбекистон”, 1964 йилдан “Совет Ўзбекистони” номи билан, 1991 йилдан “Ўзбекистон овози” номи билан нашретилмоқда.А.Авлоний, А. Қодирий, Ҳ.Олимжон, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Ойбек, М.Шайхзода, Зулфиялар шу газета таҳририятида ишлаганлар.

“**Ўзбекистон адабиёти ва санъати”-** Ўзбекистон Маданият ва спорт ишла-ри вазирлигининг ҳафталик мамлакатдаги газетаси. 1- сони 1956 йил 4 январда чиққан.Шу йилдан бошлаб “Ўзбекистон маданияти” номи билан ҳафтада 2 марта чиққан. 1981 йилдан 8 саҳифада чоп этилади. Саҳифаларида адабиёт ва санъат масалалари, шунга боғлиқ ҳаётимизнинг барча жабҳаси, маънавий меросимизга оид тадқиқотлар, адабий танқид ва адабиётшунослик, китоб ва китобшуносликка, нашриётчилик ишига оид мақоалалар бериб борилади. Маънавий эҳтиёжга, иймон-эътиқодга оид, кино санъати, мусиқа, дизайнга оид материаллар ҳам бериб борилади. Унга О.Ёқубов, М.Муҳамедов, Р.Файзий, В.Зоҳидов, Л.Қаюмов, А.Мухтор, А.Мелбиоев,А.Жўраевлар муҳаррирлик қилганлар.

“Китоб дунёси” Ўзбекистон республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ойда 1 марта чиқадиган ахборот-маълумот газетаси. 2001 йил 8 декбрдан нашретилади.

Журналлар **-** универсал ва ихтисослашган мазмунга эга бўлади, айрим билим соҳаларига оид журналлар ҳам нашретилади. Журналлар китобхонлар гуруҳи, мақсади ва бошқа белгиларига кўра турланади. Улар илмий, касбий, ишлаб-чиқариш, илмий-оммабоп, адабий-бадиий деб ҳам ажратилади.

Илмий журналлар - турли билим соҳасидаги илмий ишларга, илмий тадқиқот ишларининг натижалари ҳақидаги асосий ахборот берувчи манба бўлиб, мутахассислар ва олимларга, илмий ходимларга бағишланади. Масалан, “Тафаккур”,”Ижтимоий фикр”,”Фан ва турмуш” журналлари илмий журналлардир. “Фан ва турмуш”- ЎзФАнинг илмий-маърифий, оммабоп журнали бўлиб, турли даврларда даврнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда турлича номланган. 1933-1935 йй. “Сотсиалистик илм ва техника”, 1939-1941 йй. “Сотсиалистик фан ва турмуш”,1941 й. июлидан 1957 й.февралигача маълум бир сабабларга кўра нашретилмаган. 1957 й.дан “Фан ва турмуш” деб нашретилади. Журналга дастлаб мамлакатимизнинг кўзга кўринган олимлари, ижодкорлари, биринчи журналистлар муҳаррирлик қилади. Отажон Ҳошим, Қори Ниёзий, И.Исломов, И. Мўми-нов, М.Ўрозбоев, Ё Тўрақуловлар муҳаррирлик қилган. Журналда фаннинг барча соҳаларига оид мақолалар, хабарлар, мулоҳазалар, кашфиётлар ва ихтиролар ҳақидаги ахборотлар, турли хил янгиликлар ҳақида маълумотлар берилади. Журнал рангли иллюстратсияланган ҳолда нашретилади.

“Ибн Сино”(Авитсенна) Ибн Сино Халқаро жамғармасининг илмий-амалий журнали 2000 й.бошлаб Тошкентда 1 йилда 4 марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашретилади. Журналнинг асосий вазифаси Ибн Синога оид, унинг машаққатли ҳаёт йўли, илмий-ижтимоий фаолияти, сермазмун ва кўп қиррали ижоди, синошунослик соҳасида дунё миқёсида олиб борилаётган ишлар, изланишлар, илмий-тадқиқот ишларининг натижалари билан журналхонларни таништириб бориш. Журнал 1000 нушада нашретилади.

“Ўзбекистон тарихи” Ўзбекистон ФА Тарих институтининг илмий-тарихий журнали бўлиб, 1998 й. асос солинган. Унинг 1-сони 1999 йил январда чиқди. Ҳар 3 ойда 1 марта рус ва ўзбек тилидаги материаллар нашретилган

ҳолида чиқади. Журнал тарихчи мутахассислар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган. “Ўзбекистон давлатчилиги тарихидан”, “Тарихий шахслар”, “Тарихий атамалар”,”Тарихшунослик” каби рукнларда илмий мақолалар бериб борилади.

Касбий ишлаб чиқаришга оид журналлар мутахассис амалиётчиларга мўлжалланган, шу касб доирасидаги материаллар ҳақида ахборот беради. “Ўзбекистон матбуоти”, “Китоб дунёси”, “Ибн Сино”, “Библиотека”, “Библиотековедение”,”Библиография”, “Клуб”,”КПР” “Кутубхона.Уз” каби махсус журналлар.

“Инсон ва қонун” Ўзбекистон республикасининг ҳуқуқий, ижтимоий оммабоп журнали Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил январдан аввал ойда бир марта, 1998 йил январидан мустақил ҳафталик газета сифатида нашретилади.Вазифаси жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий мада-ниятни шакллантириш, аҳолини Ўзбекистон ва жаҳон қонунчилигидаги ўзгаришлар билан таништириб бориш, уларни тушунтириб бориш, шархлаб бориш, жиноятчилик илдизларини очиш ва бу ишга кенг жамоатчиликни жалбетишдан иборат. “Қонунларни шархлаймиз”, ”Суд залидан”, “Ҳуқуқшунос минбари”, “Қонун ва ижро”, ”Ҳуқуқингизни биласизми?” каби рукнларда мамлакатимизда ҳуқуқ соҳасининг барча қирраларига оид материаллар, ахборотлар берилади.

“Ўзбекистон матбуоти” Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбе-кистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси таъсис этган 2 ойда бир марта чиқадиган маънавий-маърифий, илмий-сиёсий журнал. Журнал дастлаб “Туркистон матбаачиси” (“Туркестанский печатник”, 1918-24 йй.) номи билан ўзбек ва рус тилларида яхлит ҳолда ойда 2 марта чиқа-ди. Кейинчалик унинг ўрнига 1928-38 йиллар ўзбек тилида “Мухбирлар йўлдоши”, 1939-1941 йиллар “Болшевистик матбуот “, 1924-25 йиллар рус тилида “Наш рабкор”, 1927-28 йиллар “Трибуна рабкора”,1952-1964 йиллар ўзбек ва рус тилларида “Маҳаллий матбуот

ходимларига ёрдам” (“В помош работникам местной печати”),1965-68 йиллар “Ўзбекистон матбуоти” (“Печат Узбекистана”) , 1969-1990 йиллар “Мухбир” (“Корреспондент”) номи билан нашретилди. 1991 йилдан яна “Ўзбекистон матбуоти” номи билан чиқа бошлади.

Журналда республика оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари, нашриётлар, босмахоналар, китоб савдоси, ижодий уюшмалар фаолияти ҳақида материаллар берилади. Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларидаги янгиликлар, уларда қўлланилаётган замонавий ахборот технологиялари, уларнинг аҳамияти, журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, бошқа хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик, ижодий ва амалий тажриба алмашув соҳасидаги ишлар, журналист кадрларни тайёрлаш, дунё миқёсидаги ОАВлари фаолиятидаги ўзгаришлар ва илғор тажрибалар ҳақида материаллар бериб борилмоқда.

“Кутубхона.Уз” журнали Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг кварталлик илмий-назарий, амалий журнали. 2009 йил 3 февралда 0059 – рақам билан рўйхатга олинган ва чиқа бошлаган. Журналнинг “Муҳаррир сўзи”, “Актуално”, “Ахборот технологиялари”, “Касбга оид”, “Ахборот-кутубхона тизими”, “Ахборот жамияти”, “Халқаро алоқалар”, “Фондлар. Колектсиялар. Китобхонлар”, “Таълим. Касб”, “Жамият. Маданият. Китоб”, “Унутилмас ва муҳим саналар” рукнлари мавжуд.

Журналда Республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти, кадрлар тайёрлаш, ҳужжат фондларини ташкил этиш ва сақлаш, адабиётлар тарғиботи, ахборот технологияларининг кутубхоначилик соҳасида қўлланилиши, библиографик манбаларга шархлар, хорижий тажрибалар ёритилган мақолалар босилади.

“Ўзбекистон тиббиёт журнали”-Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги. Вилоятлар бўлимлари,Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси 1 й.да 6 марта ўзбек ва рус тилларида нашр қиладиган илмий-амалий журнал. 1922 й.дан “Туркистон тиббиёт журнали”,”Ўрта Осиё тиббиёт

журнали” номи билан, 1926 й.дан “Ўзбекистон тиббиёт журнали” номи билан чиқади.1941-1953 йй вақтинча нашретилмаган. Журналнинг асосий вазифаси Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни, илмий-амалий ютуқларни тарғиб қилиш, эпидемиология, санитария, экология, доришунослик масалалари ва соғлом турмуш тарзини ёритиб тарғиб қилишдан иборат. Четел мутахассислари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ишлар самараси ҳақида ҳам мақолалар бериб борилади. 2005 йилдан 2200 нушада нашретилмоқда.

“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” 1991 й.дан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалигининг аграр-иқтисодий, илмий-оммабоп журнали. 1-сони 1922 й. “Янги қишлоқ “ номи билан Туркистон Маориф халқ комиссарлигининг органи сифатида нашретилган. 1925-71 йй.да “Деҳқон”, “Қишлоқ хўжалиги турмуши” ,”Пахта учун кураш”,”Ўзбекистон сотсиалистик қишлоқ хўжалиги”, “Ўзбекистон колхоз-совхозлар ишлаб чиқариши” номи билан ўзбек ва рус тилларида,1971 йилдан ҳозирги номда нашретилади. Унда қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, қишлоқда ислоҳотларни жадаллаштириш, пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, пиллачилик, сув хўжалиги, фермер хўжаликлари фаолияти, қишлоқ хўжалигини замонавий технологиялар билан такомиллаштириш, қишлоқ турмуш тарзига оид материаллар бериб борилади. Илмий мақолаларга рус ва инглиз тилларида аннотатсия берилади.

“Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” (“Общественные науки в Узбекистане”) –Ўзбекистон ФАнинг ижтимоий-гуманитар фанлар масалаларини ёритувчи илмий журнали. 1 йилда 6 марта ўзбек ва рус тилларида яхлит ҳолда нашретилади.1957-60 йиллар “Ўзбекистон ФА ахбороти. Ижтимоий фанлар серияси” номи билан,1960 йил октябрдан ҳозирги номда нашретилади. Журналнинг ташаббускори ва биринчи муҳаррири И.Мўминов. Унда иқтисодиёт, фалсафа, ҳуқуқ, шунингдек, шарқшунослик ва тарих фанларига оид “Илмий ахборот”, ”Фан янгиликлари”, ”Тарих саҳифалари”, “Тарихнавислик”, ”Манбашунослик” рукни остида илмий мақолалар бериб

боради. Охирги сонида йил давомида нашретилган мақолаларнинг мавзулар ва соҳалар бўйича рўйҳати берилади.

Адабий-бадиий, адабий-ижтимоий журналлар - улар кенг китобхонлар оммасига мўлжаллан турли хил мавзуларга оид материаллардан ташкил топади. Улар китобхонларни мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар муаллифларининг энг янги асарлари, таржима асарлари билан таништиради. Масалан, “Шарқ юлдўзи”, “Гулистон”, “Театр”, “Санам”, ”Саодат”, “Жаҳон адабиёти” каби журналлар. Уларнинг айримлари аниқ китобхонлар аудиториясига мўлжалланган бўлсада, кенг китобхонлар оммаси учун ўқимишли журнал бўлиб қолган.

“Мулоқот” журнали-Ўзб.ХДП Марказий кенгашига қарашли миллий, мамлакатдаги ва тарихий-бадиий журнал. 1991 йил январдан нашретила бошланди. Журнал саҳифаларида мамлакатдаги , сиёсий-маданий, иқтисодий-маънавий - маърифий ҳаёт ёритилади. Журналнинг ўқувчилари асосан, илмий ходимлар, аспирантлар, тайёргарликка эга бўлган китобхонлар.

“Шарқ юлдўзи” – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий-бадиий ва ижтимоий журнали. 1932 й. июн-июл ойида “Ўзбекистон шўро адабиёти” номи билан,1935 й. январдан “Совет адабиёти”, 1935 йилдан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” номи билан чиққан. 2-жаҳон уруши йилларида моддий тақчиллик сабабли нашретилмаган. 1946 йилдан бошлаб “Шарқ юлдўзи” номи билан чиқади. Саҳифаларида ўзбек, қардош халқлар, хорижий адабиёт намуналари, адабиётшуносликка оид материаллар нашретилади. Журналга Ойбек, А.Қаҳҳор, Уйғун, А.Мухтор, Ҳ.Ғулом, Мирмуҳсин, Ў.Ҳошимов, О.Мухтор муҳаррирлик қилган. 2005 йилдан Минҳожиддин Мирзо муҳаррирлик қилмоқда.

Нашрлар, матбуот асарлари ва бошқа ҳужжатлар библиографиялаш объекти ҳисобланади.

Библиографиянинг предмети

Библиографиялаш– библиографик ахборотни тайёрлаш жараёнидир. Бу иш кутубхонанинг у ёки бу бўлимига маълум даражада хос бўлган библиографик ишининг таркибий қисмидир.

Библиографиянинг предмети - *ахборот истеъмолчиси* ва босма маҳсулотларни библиографиялашни йўлга қўйилишини ўзганиш деб олишимиз мумкин..

Демак, бу ҳужжатларга АКМ да библиографик ишлов берилиши зарур.

Библиографик ишлов – библиографик ёзувни кутубхонанинг анъанавий каталогида, картотекаларда, библиографик кўрсаткичларда, қўлланмаларда ва замонавий электрон каталогда акс эттириш учун бажариладиган жараёнлар йиғиндиси. Библиографик ишлов библиографик ёзув элементларини аниқлаш, тавсиф бошини шакллантириш, библиографик тавсифни тўзиш, индекслаш, аннотатсиялаш ёки реферат тўзиш ва бошқа элементларни бериш ва бош мақсади ҳужжатни танлаш, ўрганиш, ўқиш, кўриб чиқиш, қўшимча материллар билан танишиш, асар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш, танқидий мақолаларни кўриб чиқиш жараёнида у ҳақда тўлиқ ахборот тайёрлаш ва уни истеъмолчига етказиш мақсадида чиқиш маълумотларини тайёрлашдан иборат.

Бу иш дастлаб библиографик ёзув элементларини аниқлаш, тавсиф бошини шакллантириш, библиографик тавсифни тўзиш билан бажарилади.

Библиографик тавсиф – соҳалар ва элементларнинг келиш тартиби ва тўлдирилишини белгилаб берувчи ва ҳужжатни умумий тавсифлаш ҳамда идентификатсиялаш (айнан тенглаштириш) учун мўлжалланган ҳужжат ҳақидаги библиографик маълумотларнинг йиғиндисидир” деб таърифланади.

Унда ҳужжатни қидириш учун зарур бўлган ҳамма маълумотлар, яъни китоб ёки мақоланинг муаллифи, сарлавҳаси, босилган жойи, йили, жилдлари, саҳифалари берилади. Масалан:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ

референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг ХЙИИИ, ХИХ, ХХ, ХХИИИ бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган).- Т.: Ўзбекистон, 2003.- 40 б.

Бу тавсифда келтирилган маълумотлар юқоридагии стандарт талаби асосида олинган маълумотлардир ва улар ҳужжатни идентификатсиялашни таъминлайди (яъни ҳужжатнинг ўзисиз ҳам у тўғрисида дастлабки зарур маълумотни олиш имконини беради.

Адабиётларга илмий ва техник ишлов бериш ишлари қуйидагилар:

- Ҳужжатга умумий тавсиф бериш ва уни таниш учун мўлжалланган кутубхоначилик маълумотлари йиғиндисини ифода этувчи библиографик баёнини тўзиш.

- Ҳужжатнинг мазмунини етарли даражада тўлиқ ва аниқликда акс эттирадиган системалаштиришнинг таснифий индексларни аниқлаш йўли билан амалга ошириш.

- Ахборот-ресурс маркази китоб фондини кўп аспектли библиографик очиб бериш мақсадида анъанавий ва электрон ташувчиларда каталоглар системасини юритиш.

- Кутубхоначилик каталогларини: алфавит,систематик катологларни ташкил этиш,уларнинг ички расмийлаштирилиш жараёнларининг йиғиндисини акс эттириш.

- Ахборотни машинада ўқиладиган шаклда фойдаланувчилар ихтиёрига тақдим этадиган, библиографик қайдларнинг киритилишини таъминловчи электрон каталони яратиш;

-библиографик қайдларни таҳрир қилиш ва, зарур бўлганда, уларни электрон каталог хотирасидан ўчириш;

- ахборотни китобхонлар сўровига қараб қидириш ва уни сайлаб оммалаштириш, шунингдек, ахборотни бошқа библиографик маълумотлар базалари билан алмаштириш, шу жумладан Интернет тармоғига уланиш имкониятини таъминлаш.

- вилоят,республика йиғма катологларини, шу жумладан, китобхонларга автоматлаштирилган ҳолда турли хил хизматларни оператив тақдим этиш имконини берувчи электрон каталогларни яратишда қатнашиш.

Бадиий, илмий-оммабоп, ўқув, методик, илмий адабиётларга, даврий нашрларга ва кутубхона фондига ахборотнинг анъанавий ва ноанъанавий ташувчиларида келиб тушаётган бошқа ҳужжатларга техник ишлов беришни амалга ошириш вазифаларини бажаради. Шунингдек, ахборот-библиографик маълумотнома ишлари қуйидагича амалга оширилади:

- Ахборот-библиографик ишлар таълим муассасаси ахборот-ресурс маркази фаолиятининг таркиби қисми бўлиб, қуйидагиларни ифода этади:маълумотнома-библиографик хизмат кўрсатиш, библиографик руйхатлар тўзиш, кутубхоначилик-библиографик билимларни тарғиб қилиш.

- Библиографик ва ахборот хизмати кўрсатиш аҳоли назарида марказ образини ҳосил қиладиган замонавий ахборт-ресурс марказларининг етакчиси хисобланади, унинг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот билан ишлашнинг турли шаклларида: уни олиш, тўплаш, кодлаштириш ва унга қайта ишлов бериш, шу асосда сифат жиҳатидан янги ахборот яратиш ва бошқаларда кутубхоначилик хизмати турларини кенгайтириш йўлида кутубхоначи фондни шакллантириш , тўплаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларни таълим жараёни иштирокчиларига етказиш ишларини самарали бажариши лозим. Ахборот-ресурс маркази фаолияти шакллари, методлари ва технологияларини белгилаш-режалатиришнинг навбатдаги босқичи бўлиб, у амалда марказнинг устувор йўналишларини белгилаш саналади.

Библиографиянинг ижтимоий вазифасига кўра турларга таснифи

Библиографияни турларга ажратишда библиографик маҳсулотнинг бирон белгисига кўра таснифлаш асосида библиографияни турларини шакллантириш мумкин. Бунда библиографик маҳсулотнинг ижтимоий

вазифаси ва мақсади бош белги бўлиши мумкин. Библиографик фаолиятнинг ижтимоий вазифаси ва мақсади мазмун жиҳатдан бир - бирига ўхшаш.

Библиографияни библиографик ахборотнинг асосий ижтимоий вазифаларини амалга оширилиши бўйича икки турга - умумий библиография (қидириш ва хабар бериш вазифасининг амалга ошуви натижасида) ва махсус библиография (баҳолаш вазифасининг амалга ошуви натижасида) турларига ажратиш мумкин.

Умумий библиография. Библиографик ахборотнинг қидириш ва хабар бериш вазифалари табиатан расмийдир. Умумий библиография доирасида тўзиладиган библиографик ахборот манбалари аниқ мақсадга ва китобхонлик доирасига, ма'лум хизмат кўрсатиш доираси билан бевосита алоқага эга эмас.

Умумий библиография - бу библиографик фаолиятнинг аниқ бир китобхонлик доирасини кўзлабемас, балки умуман жамиятда кенг китобхонлар доирасини ҳужжатлар ресурслари тўғрисидаги библиографик ахборот билан та'минлаш, ҳужжатларни қидириш ва библиографик ма'лумотларни тайёрлашни та'минлайдиган соҳасидир.

Демак, бу библиография - ҳамма учун тўзилган библиографиядир.

Таснифнинг кейинги поғонасида умумий библиография қидириш ва хабар бериш вазифасини амалга ошуви нуқтаи - назаридан турларга ажртилади. Улар:

а) давлат библиографияси

б) репертуар библиография

с) оммавий ахборот библиографияси.

Давлат библиографияси билан китоб палаталари, масалан, Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси миллий китоб палатаси шуғулланади. Китоб палатаси давлат ҳудудида нашр қилинган барча босма маҳсулот турларини алоҳида тўлиқ давлат ҳисобини олиб боради ва бу ҳисоб асосида давлат библиографик қўлланмалари тизимини яратади (масалан, китоблар ва кичик рисолалар - “Ўзбекистон Республикаси матбуоти солномаси”га кирган “Китоб солномаси” да; газета ва журналлар мақолалари - юқоридаги

кўрсаткичга кирган “Журнал мақолалари солномаси” ҳамда “Газета мақолалари солномаси”да рўйхатга олинади ва ҳоказо).

Умумий библиография доирасида мамлакатнинг бутун тарихи давомида нашретилган босма маҳсулотини тўлиқ ҳисобга олиб борувчи умумий ретроспектив библиографик нашрлар манбаи ҳам тўзилади. Улар **репертуар** библиографик манбалар деб аталади. Бу библиографияга 1917 - 1975 йилларда Ўзбекистонда нашреилган ҳамма китоб ва кичик рисолаларни тўлиқ рўйхатини ўз ичига олган “Совет Ўзбекистони китоби” номли кўрсаткични мисол келтириш мумкин.

Умумий библиография доирасида яна **оммавий ахборот** библиографияси тури ҳам ажратилиб, у кенг китобхонлар оммасини янги чиққан адабиётлар ичидан энг муҳим аҳамиятга эга нашрлар билан таништириб боради. Бу библиографияни тарқатиш каналлари асосан вақтли матбуот нашрларидир. Унга “Книжное обозрение” газетасида босиладиган “Сигнал нусхалар” рукнида бериладиган янги китобларнинг системали рўйхатини, Ўзбекистонда эса “Китоб дунёси” газетасида бериладиган янги нашрлар рўйхатини мисол олиш мумкин.

Махсус библиография. Умумий библиографиядан фарқ қилгани ҳолда махсус библиография ма'лум хизмацоҳаси билан узвий боғлиқ бўлади, шу сабабли бу библиографияда тўзилаётган ва исте'молчига етказилаётган библиографик ахборот ўзининг аниқ мақсади ва китобхонлик доирасига эга.

Бу библиографиянинг ички табақаланиши хизматнинг асосий 6 та доираси билан боғлиқ: фан, ижтимоий тараққиётни бошқариш, ишлаб чиқариш, маориф - та'лим (ўрта ва олий, умумий ва махсус), мустақил билим олиш (умумий ва ихтисосли), ғоявий - трбиявий (ғоявий) иш.

Хизмат кўрсатишнинг ҳар бир доираси спетсификаси библиография ишининг аниқ мақсади, мазмунини, услубиятини, ташкил этишни белгилаб беради.

Демак, умумий библиография ва махсус библиографиянинг асосий фарқи шундаки, биринчиси ҳужжатга қаратилган бўлиб, унга мақсад ва

китобхонлик доирасининг аниқлиги хос эмас; иккинчиси аниқ исте'молчига қаратилган ва ҳар доим аниқ мақсад ва китобхонлик доираси унга хосдир.

Умумий библиография манбалари махсус библиографияга боғлиқ бўлмаган ҳолда тўзилади.

Махсус библиография доирасида эса яна хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳисобга олган ҳолда илмий - ёрдамчи ва тавсия библиографияси турлари ажратилади.

Илмий - ёрдамчи библиография ихтисосли ишлаб - чиқариш фаолиятига, я'ни фан, бошқарув ва ишлаб чиқариш соҳаларини библиографик та'минлашга қаратилган библиографиядир. Бу библиографияда библиографик ахборотнинг асосан қидириш ва хабар бериш вазифаси амалга оширилади. “Қарши чўли” (“Каршинская степ”), “Мирзачўл” (“Голодная степ”) кўрсаткичларини бу турга мисол олиш мумкин.

Тавсия библиографияси эса маориф, мустақил билим олиш, тарбия масалалари ва билимлар тарғиботига библиографик ёрдам беришга қаратилган библиографиядир. Тавсия библиографиясида библиографик ахборотнинг баҳолаш вазифаси яққол шаклда амалга оширилади. Бу албатта қидириш ва хабар бериш вазифаларига асосланган ҳолда келади. Бу турга “Самарқанд ҳақида нималарни ўқиш керак” ёки “Сибир на пороге XX1 века” номли кўрсаткичларни олиш мумкин.

Умумий библиография манбаларидан махсус библиография манбаларини яратишда кенг фойдаланилади (шу сабабли ҳам умумий библиография ба'зан “асосли библиография” деб аталади).

Шундай қилиб, умумий библиография - бу аниқ мақсадсиз ҳужжатларни қидириш ва улар тўғрисида хабар бериш, кейинчалик улардан махсус фойдаланишни та'минлайдиган библиографик қўлланмалар тўзиш бўйича фаолияцоҳасидир.

д) Библиографиянинг бошқа белгиларига кўра таснифланиши

Ижтимоий вазифаси - библиографияни таснифлашда муҳим, лекин ягона бўлмаган белгисидир. Шу сабабли библиографиянинг бошқа белгилари бўйича ажратилган турлари ҳам мавжуд.

Хронологик чегарасига кўра библиография уч тургa:

1) кундалик

2) ретроспектив

3) перспектив

турларига бўлинади.

Кундалик библиография - янги чиққан ҳужжатлар тўғрисида мунтазам ахборот бериб бориш вазифасини бажаради ва бу билан исте'молчиларга ўз соҳаси бўйича ҳужжатлар оқимини мунтазам кузатиб бориш имконини беради. Бу библиографияда белгиланган чегарада тўлиқлик, мунтазамлик ва ахборотнинг тезкорлиги талаблари зарурий шартлардир. Кундалик библиографик ахборот манбаси исте'молчига катта бўлмаган ва бир хил вақт оралиғида (келиб тушиши) етказилиши зарур.

Кундалик библиографик ахборот манбалари ҳафталик, икки ҳафталик, ойлик, кварталлик бўлиши мумкин. Бу библиографияда даврийлик катта бўлмаслиги, кундалик библиографик ахборот билан та'минлаш тезкорлиги талабларига мос келиши зарур. Бунга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг “Мустақил Ўзбекистоннинг маданий ҳаёти” номли кварталлик ахборот нашрини олиш мумкин.

Ретроспектив библиография - (ретроспексия - бу “ўтмишга қараш” деган ма'нони англатади) иккита асосий вазифани бажаради: бу библиография ма'лум ўтган давр учун ҳужжатлар оқимининг ривожланишига якун ясайди ва библиографик хизмат кўрсатишда йиғилган ҳужжатлар массивида ретроспектив қидиришни та'минлайди.

Якунловчи характердаги ретроспектив библиографик асарлар ҳамиша аниқ, асосли ҳисоб даврига эга бўлади. У давр жуда катта ёки кичик бўлиши мумкин. Масалан, “Совет Ўзбекистони китоби” 1917 - 1975 йиллар учун бир неча бир - бирини хронологик давом эттирувчи кўрсаткичлар ёки “Ўзбекистон

ҳақида диссертатсиялар” номли 1936 - 1968 йилларда ёқланган докторлик ва фан номзодлиги диссертатсияларини рўйхатга олган кўрсаткич.

Ретроспектив библиографик қўлланмаларни яратиш ҳужжатларни аниқлаш, танлаш ва ташкилий баҳолаш, илмий тизимлаштириш бўйича катта (тадқиқот характеридаги) меҳнатни талаб қилади. Бундай асарлар вақт ўтиши билан ма'навий маданият ёдгорлиги бўлиб қолади.

Перспектив библиография - нашрга таёрланаётган, лекин ҳали нашретилмаган ҳужжатлар ҳақида библиографик ахборот манбаи ҳисобланади, шу библиографик ахборот исте'молчига етказилади. Бу манбалар ма'лумотларнинг аниқлигига кафолат бера олмайди, чунки нашрга тайёрланаётган материал таҳририй тайёргарлик давомида ўзгартириб юборилиши ёки у ёки бу сабабга кўра бутунлай чиқмай қолиши мумкин. Шу билан бирга перспектив библиография манбалари келгусида чиқадиган материаллар билан олдиндан танишиш имконини беради ва улар бу борада муҳимдир. Улар кутубхоначилар ва библиографлар, илмий - техника ахбороти органларининг ходимлари, китоб савдоси ва нашриёт ходимлари учун қизиқарлидир.

Бу библиографияга нашриётларнинг йиллик тематик режаларини мисол қилиб олиш мумкин. Массалан, “Ибн Сино номидаги нашриётнинг 2008 йил учун тематик режаси”.

Библиографиялаш об'екти (ҳужжат) нинг мазмунига кўра библография универсал ва соҳа библиографиясига бўлинади. Бу турлари билан кўп тармоқли, тематик, комплекс, персонал, ўлкашунослик ва мамлакатшунослик библиографияси тушунчалари узвий боғлиқдир.

Универсал библиография - библиографиялаш об'ектининг расмий белгиларига таянадиган ва библиографияланадиган ҳужжатнинг мазмуний таркиби шу расмий белгилари орқали намоён бўладиган библиографиядир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси миллий китоб палатасининг “Ўзбекистон китобларининг йилномаси” кўрсаткичи. У фақат Ўзбекистонда чиққан китоб ва кичик рисолаларни (бошқа нашрларни эмас) ҳисобга олади. Шу танлаб

олинган китоб ва кичик рисолалар қўлланмада жойлаштиришда мазмунан системали тартибда группалаштирилади.

Соҳа библиографиясида эса аксинча, ҳужжатнинг мазмуни биринчи даражали аҳамиятга эга, расмий белгилари эса зарур ҳолларда қўшимча сифатида чеклаш мақсадида фойдаланилади. Масалан, тармоқ кундалик библиографик қўлланма тўзишда шу соҳага оид янги чиққан адабиётлар, я'ни бир ҳафта, икки ҳафта, бир ой, бир квартал ёки ярим йил (қўлланманинг хронологик белгиланишига қараб) олинади. “Геология Средней Азии”, ёки “География Узбекистана” кўрсаткичлари бу турга мисол бўла олади.

Республикамизда тармоқ библиографик қўлланмалари тармоқ илмий кутубхоналари томонидан тайёрланади. Масалан, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, чўлларни ўзлаштириш масалаларига оид адабиётлар библиографияси Республика марказий илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонаси томонидан; Ўрта Осиё табобати, соғлиқни сақлаш масалаларига оид библиографик материаллар Республика Марказий илмий тиббиёт кутубхонаси томонидан; табиий фанлар бўйича библиографик нашрлареса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонаси ва Тошкент Давлат университети АРМ лари томонидан тайёрланади. Библиографиянинг бу турини яна вилоят АКМ лари ҳам тайёрлайдилар.

Комплекс библиография - фан, халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳаларини ўрганишга ва ҳал қилишга комплекс ёндошишни талаб қиладиган муаммо - мавзулардан ахборотни жалб қилувчи библиографиянинг тури ҳисобланади. Масалан, мамлакат ижтимоий - иқтисодий ва илмий - техника тараққиёти узоқ муддатли комплекс дастурларни библиографик та'минланиши вазифалари билан боғлиқ бўлган (энергетика, машинасозлик ва ҳ. к.) масалалардир. Бу библиография ўз ичига юқорида келтирилган библиография турларидан бир нечтасини жамлаши, я'ни бир вақтнинг ўзида бир неча библиография иштирок этиши мумкин. Улар ичида шахс, ўлкашунослик, мамлакатшунослик библиографиялари алоҳида ўрин эгаллайди.

Шахс библиографияси ма'лум бир шахснинг асарлари ва у ҳақида ёзилган асарларни ўзида акс эттиради. Шахснинг асарлари олинганда (универсал библиографиядаги каби) расмий белгилари асос қилиб ҳужжатлар олинади (я'ни, бир шахснинг ҳамма асарлари); мазмун белгиси бу шахс асарларини жойлаштиришда э'тиборга олиниши мумкин. У шахс ҳақидаги асарлареса мазмун белгиси бўйича олинади. "Мақсуд Шайхзода" кўрсаткичи.

Ўлкашунослик ва мамлакатшунослик библиографияси турларини ажратишда мазмун - ҳудуд (мазмун - расмий) белгисига асосланилади. Биринчи ҳолда мамлакатнинг ма'лум бир олинган жойи (туман, шаҳар, вилоят, географик зона ва ҳ.к.) билан мазмунан боғлиқ бўлган адабиётларни библиографиялаш тушунилади. Иккинчи ҳолда эса бутун бир олинган давлат, мамлакат ҳақидаги адабиётларни библиографиялаш демакдир. Бундай адабиётлар мазмунан турли-туман бўлиши мумкин, масалан, шу ўлка ёки давлатнинг тарихи, халқ хўжалиги, фани, маданияти ҳақида. Ўлка ёки мамлакат ҳаётининг ҳамма томонлари ҳақидаги адабиётни ўз ичига олганлиги ҳолда бу библиография универсал ўлкашунослик ёки мамлакатшунослик библиографияси; ма'лум бир томонини, масалан, ўлка тарихини ёритса тармоқ ўлкашунослик библиографияси бўлиши мумкин. "Тошкент" кўрсаткичи.

Библиографиянинг библиографияси библиографиянинг алоҳида тури ҳисобланади.

Библиография "Ҳужжат исте'молчи" тизимида воситачилик вазифасини бажаради. Бироқ библиографик ахборот манбалари ҳам ўзида қидиришни талаб қиладиган, исте'молчилар тушуна олиши зарур бўлган ҳужжатлардан иборат бўлади. Бу турга "Ўзбекистон библиографик қўлланмалари" кўрсаткичи мисол бўлади.

Текшириш учун саволлар:

1. Библиографиянинг ташкилий-маҳкамали турларини изоҳлаб беринг.
2. Библиография ижтимоий вазифасига кўра қайси турларга бўлинади?

3. Библиографиянинг мақсади ва китобхонлик доирасига кўра турларини айтинг.

4. Библиографиянинг хронологик чегарасига кўра турлари қайсилар?

5. Библиографияланаётган ҳужжатнинг мазмунига кўра турлари ҳақида ма'лумот беринг.

6. Библиографиянинг комплекс турлари қайсилар ва улар нима учун шундай турга бўлинган?

Текшириш учун саволлар:

1.Библиографик ахборот таркиби нималардан ташкил топган?

2.Библиографик кириш нима?

3.Олдинги даврдаги библиографик кириш билан ҳозирги даврдаги библиографик киришнинг фарқи?

4.Ахборот нимани англатади ?

5.Библиографик хабар нима?

3-Мавзу: БИБЛИОГРАФИЯ НАЗАРИЯСИ

Р е ж а :

1) Ҳужжатлар коммуникацияси тизими,
2) БА шаклланишининг манбалари,
3) БА мавжудлигининг шакллари.

Т а в с и я э т и л а д и г а н а д а б и ё т л а р :

1. Библиографик тасвир. Библиографик ёзув: Умумий талаблар ва тўзиш қоидалари: O`z DSt 1215: Расмий нашр: 2009 й. 14 апрелда № 05-143 рўйхатга олинган ва 2009 й. 20 апр.амалга жорий этила бошлаган / Тузувчилар: Х.Маматраимова, Д.Қудратова; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги.- Т.,2009.- 86 б.

2. Ахборот-библиография фаолияти, библиография. Атамалар ва тушунчалар: O`z DSt 1214: Расмий нашр: 2009 й. 14 апрелда № 05-143 рўйхатга олинган ва 2009 й. 20 апр.амалга жорий этила бошлаган / Тузувчилар: М.Х.Махмудов, А.Ш.Мухамадиев; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги.- Т.,2009.- 86 б.

3. Коршунов О.П. Библиографоведение: основы теории и методологии: учебник / О.П.Коршунов, Т.Ф.Лиховид, Т.А.Новоженова; под ред. О.П.Коршунова.- Москва: Изд-во ФАИР, 2009.- 335 с.: ил., фот., табл.- (Специальный издательский проект для библиотек).

4. Бахтурина Т.А. Новый стандарт по библиографическому описанию: К внедрению ГОСТа 7.1-2003 // Библиогр.- 2004.- № 1.- С. 23-36.

5. Берестова Т.Ф. Законы формирования структуры информационного пространства и функции информации // Библиогр.- 2009.- № 5.- С. 32-47.

6. Калинина Г.П. Правила описания: современный подход // Библиогр.- 2003.- № 1.- С. 30-33.

7. Керзум А.П. Библиография – технология, наука и творчество // Библиогр.- 2008.- № 5.- С. 35-38.

8. Савичев В.В. Как, когда и зачем появляется библиографическая информация // Библиогр.- 2002.- № 3.- С. 3-11.

9. Фокеев В.А. Библиография: Экспликация понятия // Мир библиогр.- 2002.- № 5.- С. 12-19.

Босма сўз, яъни китоб ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилидир. Китоблар ўзида қадимда яшаган кишилар ва замондошларимизнинг билим ва

тажрибалари, ақл-заковатлари ва ижодий фикрлари ҳамда ҳаёлий орзуларини акс эттиради. Қисқаси, китобда инсоният ақл-заковатининг ютуқлари акс эттирилади.

Қадимда инсонлар китобсиз яшаганлар. Улар бир-бирлари билан оғзаки фикр алмашиш билан чекланганлар. Жамият тараққиёти ва тнсон билимининг кенгая бориши туфайли оддий сўз билан фикр алмашиш камлик қилган. Кишиларда олган билимлари ва тажрибаларини бир-бирига узатишнинг, авлоддан-авлодга қолдиришнинг мураккаброқ шаклини вужудга келтириш эҳтиёжи туғилган.

Кишилар инсоният билимини сақлаб қолиш, тарқатиш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлган воситани – ёзувни, қўлёзма китобни яратдилар. Биринчи қўлёзма китоб ва унинг китобхонларини пайдо бўлиши ҳужжатлар коммуникацияси (алоқа йўллари) тизимининг пайдо бўлишини англатади.

Аммо қўлёзма китоб ўзининг ноёблиги, улкан моддий қиммати ва етиб бориши қийин бўлганлиги туфайли жуда чекланган ҳолда билим манбаи вазифасини бажарарэди, холос.

Китоб ишлаб чиқариш ва тарқатиш усулини тубдан ўзгартириш зарурэди. Бу ўзгаришни китоб босиш иши, яъни босма китобнинг яратилиши киритди. Босма китобнинг вужудга келиши ижтимоий ҳаётнинг тақозоси эди.

Қўлёзма китоб, кейинчалик босма китоб вужудга келмаганда асрлар оша йиғилиб борилган моддий бойликлар бизгача етиб келмаган бўларэди. Босма китобнинг яратилиши “китоб-китобхон” тизимини вужудга келтирди, улар ҳужжатлар алоқа йўллари тизимида бош ролни эгаллади. Лекин шунинг билан бирга социал ахборотни ўзида акс эттириб борувчи, турли усулда қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш воситалари ҳам яратила борди. Натижада ҳужжатлар ва ахборот истеъмолчилари мулоқоти тизимида уларнинг асл хилма-хиллиги ортади. Ҳозирда бу тизим инсон фаолиятининг кенг кўламдаги, фавқулодда мураккаб тўзилишга эга бўлган, кенг тарқалган ва

табақалашган соҳаси ҳисобланади. Уни кўриб чиқиш учун у билан боғлиқ бўлган асосий тушунчаларнинг таърифини келтириш зарур.

1. Ҳужжат (Ҳ) - инсоният яратган социал ахборот манбаи бўлиб, сақлаш ва тарқатиш вазифасини бажаради.

2. Ахборот истеъмолчиси (талабчиси) – ахборотдан турли (илмий, ишлаб чиқариш, ижодий, ўқув ва ҳ.к.) мақсадларда фойдаланувчи шахс ёки гуруҳ (жамоа).

3. Ҳужжатлар коммуникацияси (ҳужжатлар ахборот тарқатиш – алоқа йўллари) жамиятда ҳужжатлар ёрдамида ахборотни тарқатиш (етказиш) усуллари ёки жараёнлари.

4. **Ҳужжатлар коммуникацияси тизими** (ҳужжатлар ва ахборот истеъмолчилари мулоқоти тизими) умуман жамиятда ҳужжатлар мавжудлиги ва ахборот истеъмолчиларига уларни етказиш тизимидир.

Кенг ахборотлар мулоқоти тизимининг кичик тизими ҳисобланган у социал ахборотни тарқатувчи сифатида ҳужжатларни қидириш, аналитик-синтетик қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш ва фойдаланишни таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда, **ҳужжатлар ва ахборот истеъмолчилари мулоқоти тизими** ҳамма ҳужжатлар, ҳужжатлаштирилган ахборотнинг истеъмолчилари ва улар ўртасидаги ички ва ташқи шарт-шароитларга хос муносабатларнинг мажмуасидир.

Ҳужжатли ахборот алоқа йўллари тизими инсон фаолиятининг барча соҳаларига хизмат қилади. Ҳозирги кунда унинг аҳамияти катта. Ҳужжатлар алоқа йўллари тизимига махсус бу тизимнинг мавжудлиги ва ривожланишини таъминловчи, махсус шу мақсад учун тўзилган қатор ижтимоий институтлар, жумладан, нашриёт-таҳририят иши, китоб савдоси, кутубхоначилик иши, архив иши, илмий-ахборот фаолияти ва ниҳоят, библиографик фаолият киради.

Шуни таъкидлаш керакки, матбуот асари юқори даражада инсоннинг социал ахборотни қабул қилишда физик имкониятлари ва руҳий хусусиятларига мос келади ва шу маънода улар тенги йўқ. Шу сабабли, фан-

техника тараққиёти ахборотни ҳужжатли акс эттиришнинг узоқ муддатли янги технологияларини вужудга келиши билан ўзгартиришлар киритмасин, босма асар ҳужжатлар алоқа йўллари тизимининг энг асосий таркибий қисми бўлган, шундай ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

Китоб, журнал, газета ва ахборотнинг бошқа ҳужжатли манбалари (ҳозирда, айниқса электрон ҳужжатлар) жаҳон бўйича тўхтовсиз ўсмоқда. Босма китоб тахминий ҳисоб бўйича 1500 йили 30800 номдаги (инкунабул) китоблар, XYI асрда 285800, XYII асрда 972000 ва ҳ.к. 1908 йилда жаҳонда 10 378 500 номдаги босма китоб ҳисобга олинган. Ҳозирги кунда жаҳонда чиққан китобларнинг аниқ ҳисобини олиш қийин, тахминий маълумотларга кўра у 50-70 миллионгача номга етади.

Шунингдек, жаҳон бўйича чиқаётган журнал ва газеталарни ҳам аниқ ҳисобини олиш қийин. Турли маълумотларни умумлаштириб кўрилганда жаҳон бўйича 70-80 минг номда журнал ва давомли нашрлар, 50 минггача кунлик газеталар чиқариларекан. Ҳозирда инсониятега бўлган матбуот асарларининг умумий ҳажми улкан миқёсдадир. Шу билан бирга бизнинг ахборотни қабул қилиш имкониятларимиз чекланган.

Ҳар куни юз бетдан ўқиган китобхон бир йилда ўртача 300 сахифалик китобдан 120 тасини ўқирекан. Энди 40 та тилни биладиган химик-олим бир хафтада жаҳон бўйича чиқаётган химияга оид илмий журналларни кўришга 40 соацарфласа, бунда у бир соатда 3 тадан мақола кўра олса, 50 йиллик тинмай ишлаши натижасида у фақат шу соҳага оид бир йиллик журналлар тўпламини кўриб чиқишга улгурарекан. Айни вақтда бундай ҳужжатлар ичидан нимани ва қандай ўқиш керак, деган савол туғилади. Инсон қўлига тушган ҳамма ҳужжатни бирор бир тартибсиз ўқиши ҳам мумкин эмас. Академик С.И.Вавиловнинг ибораси билан айтганда “ҳозирги замон кишиси кутубхоналар гималайи олдида қумлар орасидан олтин заррасини қидириб топиши керак бўлган олтин қидирувчидек аҳволдадир”.

Бу ҳолатда у зарур ахборот манбаини топиш ва аниқ танлашни ьаъминловчи ихтитсосли ёрдамга муҳтождир. Ўз навбатида ҳужжат ва

истеъмолчи ўртасида жамиятда йиғилган улкан ҳужжатлар ресурсларини самарали ва оқилона фойдаланишга таъсир кўрсатувчи махсус воситачига эҳтиёж сезилади. Шу **воситачи б и б л и о г р а ф и я д и р .**

“Китоб-китобхон” муносабати – библиографик ахборотни вужудга келтирувчи омил

“Китоб-китобхон” муносабати таҳлил қилинганда китоб китобхонга қарши туради, чунки китобда инсон онгида бўлмаган, лекин у ўзлаштириб олиши мумкин ва (ёки) зарур бўлган ахборот мавжуд. Бу қарама-қаршилик мавжуд экан, “китоб-китобхон” муносабати ҳам мавжуд ва сақланади. Китобхон китобни ўқиб бўлгач, улар орасидаги зарур алоқа йўқолади, китобнинг мазмуни китобхон онгига сингийди, у билан тенглашади.

Қуйидаги сабаблар “китоб-китобхон” муносабатини вужудга келтиради: 1-мисол: оддий “Ўзбекистон тарихи” мактаб дарслигини ва шу соҳада ишлаётган олимни олайлик. Бу ҳолда ҳужжат истеъмолчи онгида бўлмаган ахборотни акс эттирмаган ва улар орасидаги дарсликни ўқиб бўлгунгача бўлган бир хиллик йўқ.

2-мисол: китобхоннинг қулида у тушунмайдиган тилда ёзилган китоб. Китоб китобхонни қизиқтирадиган ахбортни акс эттирадиган бўлса ҳам у бу ахборотни ўзлаштира олмайди.

3-мисол: китобнинг мазмуни тушунарсиз бўлганлиги сабабли ҳам китобхон уни ўқий олмайди.

Мана шу уч мисол китоб ва китобхон ўртасида мувофиқлик йўқлигини билдиради. Лекин мувофиқликнинг бундай йўқлиги мутлақ, ўткинчидир. Олим билан тарих дарслиги орасида муносабат агар олим бу китобни тақризлаш мақсадида ундаги далилларнинг илмийлигини, тўлиқлиги, материалнинг баён қилиниш шакли нуқтаи-назаридан баҳо бермоқчи бўлган ҳолда пайдо бўлади. Хорижий тилдаги китоб билан эса китобни китобхоннинг она тилига таржима қилинганда ёки китобхон бу тилни ўрганган ҳолда пайдо бўлади. Мазмуни тушунарсиз китоб билан китобхон ўртасида ҳам китобхон

бу соҳада энг юқори маълумот даражасини эгаллаб тушуна оладиган бўлган ҳолда муносабат пайдо бўлади.

Ўқиш жараёни ахборотни қабул қилиш жараёни сифатида шахс билимини кенгайтиради ва чуқурлаштиради, унинг китобхонлик қизиқишларини ва имкониятларини ривожлантиради.

Демак, ҳужжат ва истеъмолчи ўртасидаги мувофиқлик библиографик ахборот назарияси учун муҳимдир. У ҳужжат ҳар доим қандайдир истеъмолчига, маълум ахборот талабчилари гуруҳига қарши туришини кўрсатади. Улар орасидаги бу мувофиқлик “ҳужжат-ахборот истеъмолчиси” муносабатининг пайдо бўлиши ва мавжудлигининг зарур шартидир.

Юқоридаги муносабатлар ҳар доим ҳам бевосита алоқа йўли билан ҳал қилинмайди, акс ҳолда хеч қандай воситачига эҳтиёж бўлмас эди.

Ҳужжатлар алоқа йўллари тизимида зарур ахборотни олишга тўсиқлик қиладиган ички сабаблар – қарама-қаршиликлар мавжуд бўлади. Бу қарама-қаршиликлар, тўсиқлар ҳужжатлар сонининг кўплиги ва турли-туманлиги, ахборотнинг ҳужжатли манбалари аҳамиятининг ўсиши натижасида пайдо бўлади. Бу тўсиқлар – макон, географик, сон, мазмун, сифат, тил, қидириш-стратегик, вақт, иқтисодий, корхона, нашриёт-таҳририят, кутубхона-библиографик тўсиқларидир. Бу тўсиқлар ҳужжатлар алоқа йўллари тизимининг тартиб-қоида асосида ҳаракатланишига, ривожланишига тўсқинлик қилади.

Шундай қилиб, “ҳужжат-ахборот истеъмолчиси” муносабати ўзининг ички хусусиятларига кўра ҳужжат ва ахборот истеъмолчилари орасидаги мувофиқликни амалга ошириш мақсадида ўзида вужудга келадиган ахборот тўсиқларини бартараф этувчи махсус воситага заруратни келтириб чиқаради.

Библиографик фаолият - бу кутубхоналар, илмий - техника ахбороти органлари, нашриётлар ва ҳужжатлар алоқа йўллари тизимидаги бошқа жамоат институтлари томонидан илмий ёрдамчи, ишлаб чиқариш, тарбиявий, тарғиботчилик ва бошқа мақсадларда библиографик ахборотга бўлган

эҳтиёжни ҳар томонлама қондиришга хизмат қилувчи ҳужжатли ахборот фаолияти соҳасидир.

Библиографик фаолиятнинг ташкилий функсионал тўзилиши ички ва ташқи омилларга боғликдир.

Ички омиллар: кутубхонада мавжуд бўлимлар сони, уларнинг жойлашиши, штатдаги ходимлар сони, уларнинг тайёргарлик даражаси, ма'лумоти, автоматлаштириш воситаларининг фойдаланилиш даражаси кабилар.

Ташқи омиллар: кутубхонанинг типи, уларнинг асосий вазифалари, бўйсунувчи ташкилоти, якка ва жамоавий абонентлари таркиби, фондининг турли таркиби ва ҳажми кабилар.

Демак, кутубхонада библиографик фаолиятни ташкил этилишида мана шу омиллар чуқур ўрганилиб, э'тиборга олиниб, иш юритилади.

Амалий библиографик фаолиятнинг ма'лум ўзига хос хусусий белгилари мавжуд. Улар предметлилик, ижтимоий мақсадлилик, суб'ективлик кабилардир.

Унинг предметлилиги - бу фаолият йўналтирилган ўзига хос предметнинг мавжудлиги (“ҳужжат - исте'молчи” ижтимоий тизими) ва унга йўналтирилган та'сирлар остида бу предметнинг ўзгариши билан, ижтимоий зарур бўлган маҳсулот - библиографик қўлланмаларнинг яратилиши билан, фаолиятнинг махсус воситаларининг қўлланиши билан яққол намоён бўлади.

Амалий библиографик фаолиятнинг муҳим белгиси - унинг ижтимоийлиги, я'ни у табиатан ижтимоий хусусиятга эга. Унинг мазмуни ижтимоий эҳтиёжларнинг хусусиятлари, аниқ шарт-шароит ва ҳолатлар, моддий воситалар билан белгиланади.

Бу фаолиятнинг мақсадлилиги - унинг сўнгги натижага қараб ҳаракатланишидир. Я к у н и й н а т и ж а - бу исте'молчининг унга зарур бўлган ҳужжатга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Библиографик фаолиятнинг ҳамма жараёнлари шу натижага эришишга бўйсундирилгандир. Бу натижа мақсадда акс эттирилган талаб - эҳтиёжга бўйсундирилган.

Библиографик фаолиятнинг асосий м а қ с а д и - кутубхоналар фондини ташкил этувчи матбуот асарлари ва бошқа ҳужжатлар ҳақидаги библиографик ахборот (БА) га бўлган талабни тўлиқ қондириш асосида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ма'навий ривожлантиришни жадаллаштиришга ёрдам беришдир. Бу мақсад библиографик фаолиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи - с у б ' е к т и томонидан шаклланади ва юзага келади. Библиографик фаолиятнинг бош суб'екти бу - м у т а х а с с и с б и б л и о г р а ф д и р. Библиографик фаолиятнинг сифати ва самарадорлиги библиографнинг амалий тайёргарлиги ва назарий билим даражасига боғлиқ.

Умумий я к у н и й м а қ с а д - жамият а'золарининг ахборот эҳтиёжларини қондиришга та'сир этишдир. Бу мақсад библиограф томонидан мустақил мақсад сифатида (қидириб топиш, хабар бериш, тавсия этиш) ҳам тушунилиши мумкин. Бу мақсад ичида библиографик фаолиятнинг йўналиши ва турли соҳалари билан боғлиқ бўлган янада аниқроқ мақсадлар ажралиб чиқади.

Библиографик фаолиятнинг мақсадида 2 босқич ажратилади: биринчисида библиографик ахборотни ишлаб чиқиш; 2-чисида эса уни кейинги исте'мол қилиш мақсади кўзланади. Уларнинг ҳар бирида асосий м а қ с а д - библиографик ахборот яратиш ва уни исте'мол қилиш мақсадига эришишга қаратилган ма'лум изчилликдаги жараёнлар амалга оширилади.

Ҳар бир босқичда яна кичик хусусий мақсадлар келиб чиқади ва улар асосий мақсадга қаратилган жараёнларни амалга ошириш воситаларини келтириб чиқаради. Масалан, библиографик ахборотни ишлаб чиқиш босқичида янги библиографик ахборотни ишлаб чиқиш ва мавжудларидан амалда фойдаланиш мақсади келиб чиқади. Библиографик ахборотдан фойдаланиш босқичида эса библиографик ахборотни исте'молчига етказиб бериш, исте'молчини библиографик тайёрлаш, я'ни ўқитиш, библиографик ахборотдан фойдаланиш кичик мақсадлари юзага келади. Библиографик ахборотдан эса ҳам исте'молчи, ҳам библиограф фойдаланиши мумкин.

У м у м и й м а қ с а д фаолиятнинг ривожланишини, х у с у с и й м а қ с а д л а р эса фаолиятнинг алоҳида йўналишларини ривожланишини белгилайди.

Библиографик фаолиятни таҳлил қилиш учун унинг оддий бирлигини аниқлаб олиш зарур.

Бу бирлик мақсадни амалга оширишдаги шарт бўлиб ҳисобланади. Библиографик фаолиятнинг ягона мақсади - исте'молчига ҳужжат ҳақида ма'лумот беришдир. Уни амалга оширишда б и б л и о г р а ф и к х а б а р библиографик фаолиятнинг бирлиги сифатида келади, я'ни биз юқоридаги мақсадимизни библиографик хабар кўринишида амалга ошира олар эканмиз. Библиографик хабар - библиографик ахборот мавжудлигининг асосий шаклидир. Яна уни библиографик ахборотни яратиш ва уни исте'молчига етказишга қаратилган библиографик ҳаракат кўринишидир, деб айтиш тўғри бўлади.

Библиографик хабар оддий библиографик ҳаракат шакли сифатида ҳамма библиографик жараёнларнинг асосида бўлади, я'ни ё библиографик хабарни яратишга, ёки уни исте'мол қилишга ёки ҳар иккиси билан баравар шуғулланишга қаратилган ҳаракат ҳисобланади.

У м у м и й м а қ с а д - ҳужжатга бўлган эҳтиёжни қондириш - бу библиографик фаолиятга тўлиқ хосдир, х у с у с и й м а қ с а д эса алоҳида бир жараённи, я'ни библиографик ахборотни ишлаб чиқиш (библиографиялаш) ва уни исте'мол қилиш жараёнини ифодалаб, шу алоҳида жараённи амалга ошиши учун хосдир.

Б и б л и о г р а ф и я л а ш - бу библиографик ахборотни яратиш ва қайта тайёрлаш жараёнидир ёки бошқача қилиб айтганда библиографик ахборотни яратиш - бу бирламчи ҳужжатлар оқимини ўрганиш асосида библиографик ахборотни ишлаб чиқиш, қайта тайёрлаш эса мавжуд библиографик ахборот асосида янги библиографик ахборотни яратиш (масалан, каталог бўйича адабиётларнинг библиографик рўйхатини, кўрсаткич бўйича китобхонлар учун справкаларни тўзиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ.

МБА ни яратиш фаолиятини библиографиялаш жараёнига киритишнинг тўғрилиги қатор қоидаларга асосланади, масалан, турли библиографик қўлланмаларнинг бириктирилиши натижасида тўзилиши жиҳатдан янги библиографик манба яратилади, ундаги библиографик ахборотлар шу аппарат доирасида бир-бири билан боғланган ҳолда ма'лум бир тартибга келтирилган бўлади. М Б А - бу библиографик ахборотни ма'лум бир тартибга келтирилган сақлаш шакли бўлиб, унга зарур ҳолда ма'лум ўзгартириш киритиш ва қайта тўзиш мумкин бўлади (масалан, у янги библиографик хабарлар билан тўлдирилади, эски библиографик ахборотдан тозаланади, янги бўлим ва бўлимчалар билан бойитилиши мумкин). Библиографик ахборотни исте'молчига етказиш (бошқача қилиб айтганда бибилиографик ахборотни тарқатиш - библиографик хизмат кўрсатиш) - бу библиограф амалга оширадиган жараёндир. Ф о й д а л а н и ш - китобхоннинг библиографик ахборот билан танишиш ва уни ўз амалиётида қўллаш бўйича фаолиятини тавсифловчи жараёндир.

Библиографик ўқитиш (библиографик билимлар тарғиботи) ҳам библиографик фаолиятга киради. Библиографик ахборотни исте'молчига етказиш самарадорлиги исте'молчининг библиографик тайёргарлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Библиографик фаолиятнинг фаоллаштирилиши библиографик ўқитиш, кутубхоначилик фаолиятини бошқариш ва библиографик мулоқот жараёнларида амалга оширилади.

Ахборот-кутубхона муассасалари библиографик фаолиятининг а с о с и й й ў н а л и ш л а р и қуйидагилардан иборат:

- маълумотнома - библиографик аппарати (МБА) ни ташкил этиш ва юритиб бориш;
- турли мазмундаги, мақсаддаги, турли гуруҳ китобхонларига мўлжалланган библиографик қўлланмалар тўзиш;
- библиографик ахборот билан та'минлаш;
- маълумот-библиография хизмати кўрсатиш;

- тавсия библиографик фаолияти;
- маслаҳатли ва методик иши;
- библиографик билимларни тарғиб қилиш;
- илмий тадқиқот иши.

Юқоридаги йўналишларни муваффақиятли амалга оширишда қуйидаги қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда иш олиб бориш зарур:

- кутубхона олдида турган муҳим вазифаларга амал қилиш;
- библиография ишини ташкил қилишда марказлаштириш ва детсентрализатсия (бир марказдан бошқаришнинг акси) ни биргаликда олиб бориш;
- кутубхона хизматидан фойдаланувчи ҳамма китобхонлар учун библиография хизматини ташкил қилиш.

Ахборот-кутубхона муассасасининг библиографик фаолиятини оқилона ташкил қилиш эса:

- бу ишнинг ҳамма йўналишларини илмий асосланган ҳолда режалаштириш;
- библиография ишини олиб борувчи бўлинмалар ўртасида вазифаларни оқилона тақсимлаш;
- бўлинмалар ичида кадрларни тўғри жойлаштириш;
- бошқа кутубхоналар, илмий техника ахбороти органлари, бошқа муассасалар билан библиография ишини ўзаро мувофиқлаштириш ва кооперацияси (меҳнат тақсимоти асосида ишни тақсимлаш) ни ташкил қилиш;
- меҳнатни илмий, янги технология ва усуллар, ишлаб чиқариш тажрибалари асосида ташкил қилиш; библиография жараёнларида илмий асосланган ме'ёрлардан фойдаланиш;
- автоматлаштириш ва механизатсиялашни қўллаш;
- библиографик фаолият билан шуғулланувчи ходимлар малакасини ошириш ишлаига бевосит боғлиқдир .

Ахборот-кутубхона муассасалари библиографик фаолиятининг асосий в а з и ф а л а р и қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси, давлатимиз тарихини ва сиёсатини тарғиб қилиш;

б) халқни ғоявий - сиёсий, меҳнат, ахлоқий, эстетик тарбиялашга; уларда кенг дунёқарашни, миллий онг ва миллий мафкурани шакллантиришга; уларнинг умумта'лим, маданий ва касбий билим даражасини ўстиришга ёрдам бериш;

с) фаннинг, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришга;

д) давлатимизнинг иқтисодий сиёсатини, бозор иқтисодиёти ва унинг қийинчиликларини, унга ўтиш даврининг ўзига хос муаммоларини тушунишга ёрдам бериш;

э) илмий билимларни хўжалик фаолиятининг, бозор иқтисодиёти шароитида бозор инфратўзилмасини шакллантиришга тадбиқ қилишга, мамлакатимиздаги илмий - техника ва ишлаб чиқариш, заҳира потенсиалларидан самарали фойдаланишга ёрдам беришдан иборатдир.

Бу вазифалар ҳар бир кутубхона жойлашган шароитни ҳисобга олган ҳолга аниқлаштирилади.

Ҳозирда кутубхоналарда библиография иши жараёнлари шу қадар мураккаблашиб кетганки, машҳур библиограф В.С.Сопиковнинг ибораси, фикри билан айтганда: библиограф деган шарафли номга эришиш анчайин қийинлашиб қолди, чунки б и б л и о г р а ф и я инсоният билими ичида энг кенг фандир.Ўзини унга бағишлаган шахс қадимги, ҳамда ҳозирги замон ёзувчилари асарларини тинимсиз қараб бориш билан шуғулланиши зарур”.

Ахборот-кутубхона муассасалари Библиография иши ташкил этиш деганда – ахборот-кутубхона муассасасининг ўз олдида турган вазифаларини бутун мавжуд библиографик воситалардан фойдаланган ҳолда бажаришга қаратилган тадбирлар комплекси тушунилади.

Библиографик фаолият давомида библиограф ва китобхоннинг библиографик ахборот алмаштириш жараёнидаги ҳамкорлиги, я'ни библиографик мулоқот юз беради.

Ҳар қандай ахборот-кутубхона муассасаси библиографик фаолиятининг асосий қисми Библиография бўлими томонидан ташкил этилади.

Библиография иши билан ахборот-кутубхона муассасасининг бошқа бўлимлари ҳам шуғулланади. Масалан, фондни тўлдириш бўлими перспектив библиографик материаллар (нашриётнинг мавзули режалари) дан фойдаланган ҳолда иш олиб борадилар.

Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими содда сўроқларга библиографик справка беради, тавсия библиографик қўлланмаларидан фойдаланиб китобхонларнинг сўроқларини бажаради.

Библиография ишининг энг асосий қисми библиография бўлими томонидан бажарилади. Бу бўлимнинг вазифаси турли-тумандир: кутубхонанинг справка-библиографик аппаратини юритиш, таҳрир қилиш, такомиллаштириб бориш; библиографик қўлланмалар тўзиш; китобхонларнинг, ташкилот ва муассасаларнинг сўроқларини ёзма ва оғзаки справкалар бажариш йўли билан қондиради; ҳамма тармоқ бўлинмалари, секторлари ишларини мувофиқлаштириб, уларга методик раҳбарлик қилиш вазифасини бажаради.

Кутубхоналараро абонемент бўлими ходимлари эса мураккаб мавзули сўроқларни бажаришда доимо ёрдамга эҳтиёж сезадилар. Айрим бўлимлар, масалан, тўкислаш бўлими справка ишлари билан шуғулланмайди, бироқ адабиётлар танлашда библиографиядан кенг фойдаланадилар.

Ишлов бериш бўлими кутубхонанинг китоб фонди бўйича асосий справка ва йўл кўрсаткичлари бўлган каталогларни тўзиш билан шуғулланади. Ма'лумки, каталоглар қанчалик яхши ташкил этилса, китобхонлар томонидан жон деб фойдаланилади, библиографларнинг справка ишларини олиб боришлари ҳам осонлашади. Шу сабабли янги рукнларни муҳокамасида, каталогларни таҳрир қилишда, мазмунини кўриб чиқишда, эскирган адабиётлар тасвиридан уларни тозалашда библиографларнинг иштироки муҳимдир.

Библиографлар ва ишлов бериш бўлими ходимлари каталоглар ёнида навбатчилик қилиш ва маслаҳатлар беришда, каталог ва картотекаларининг тўзилишидаги мувофиқлик бўйича ишларда узвий алоқада иш олиб борадилар.

Хуллас, кутубхонанинг барча бўлимлари томонидан олиб бориладиган библиография ишлари библиография бўлими ходимлари томонидан мувофиқлаштирилиб борилади ва ёрдам берилади.

Ўзбекистонда библиографиянинг назарий масалаларининг ўрганилиши

Барча соҳаларда бўлгани каби библиографияда ҳам унинг мунозарали, асосланмаган масалалари илмий жиҳатдан ишланади.

Жаҳон бўйича ҳозирги кунда миллий библиография яратиш муаммоси жуда долзарб масала бўлиб турибди.

Юқоридаги ташкилот ИФЛА нинг ҳар йилги сессиясида бу масала кўтарилади ва алоҳида шўъбада муҳокама қилиади.

ИФЛА нинг тадбирлари доирасида 16 йилдан буён “Кутубхоналар ва ассотсиатсиялар ўзгараётган дунёда: янги технологиялар ва ҳамкорликнинг янги шакллари” мавзусида “Қрим” халқаро конференсияси бўлиб ўтади. Унда жаҳоннинг кўплаб давлатларидан йирик кутубхоналар, ассотсиатсиялар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчи-олимлари, илмий-техника ахбороти марказлари ва китоб палаталарининг ходимлари, архивлар, музейлар ходимлари илмий маърузалари билан иштирок этадилар.

Бизнинг Ўзбекистондан ҳам бу конференсияда ҳар йили бир неча мутахассислар иштирок этадилар. Масалан, бу йилги конференсияда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан У.Ф.Каримов ва У.О.Тешабоева; Урганч Давлат университети АРМ раҳбари Х.Шихова иштирок этдилар.

Халқаро конференсияда библиография масалаларининг муҳокама қилиниши бу илмий ишланиш натижасини олиб чиқиш деганидир.

Ўзбекистонда умуман бу борадаги изланишлар XX асрнинг 80-йилларида бошланган. Унгача ҳам илмий ишлар қилинган, бироқ, улар кутубхонашунослик йўналишидаги ишлар эди.

1973 йилда Ш.М.Шамсиев “Вақтли нашрларни библиографиялаш муаммолари” мавзусида; 1974 йилда М.М.Туропов “Ўзбекистон библиографияси” мавзусида; 1982 йилда А.В.Носирова “Адаптатсия қилинган адабиётлар библиографияси” мавзусида; 1983 йилда .П.Шуманова “Республикашунослик библиографияси: ташкилий-методологик масалалари” мавзусида; О.Г.Шабалина “” болалар адабиёти библиографияси” мавзусида; М.К.Мирзаахмедова “Ўзбек таржима адабиёти: нашр қилиниши ва библиографияланиши” мавзусида; 1986 йилда М.И.Витенсон “Ўзбекистонда йиғма каталогларнинг ташкил қилиниши” мавзусида; 1987 йилда И.В.Долгополова “Ўзбекистонда таржимонлик иши ва таржима адабиётлари тарихи” мавзусида; Х.Маматраимова “Ўлкашунослик СБА маҳаллий библиографик ресурсларнинг таркибий қисми сифатида” мавзусида; 1990 йилда Т.Д.Бойтўраев “Ўзбекистонда тарихий- ўлкашунослик адабиётларининг нашр қилиниши ва библиографияланиши” мавзусида; Ғ.А.нарзуллаев “Ўзбекистонда вақтли нашрларни библиографиялаш муаммолари” мавзусида номзодлик диссертатсияларини ҳимоя қилганлар.

Демак, бизнинг йўналишимиз бўйича охирги диссертатсия 19 йил олдин ҳимоя қилинибди экан. Кутубхонашунослик йўналиши бўйича ҳам қилинмаган эди, 2009 йилда Б.И.Ғаниева номзодлик диссертатсиясини ҳимоя қилди.

Библиография муаммолари бўйича монографиялар, илмий мақолалар ҳам чоп этилган.

М.М. Туроповнинг “Ўзбекистонда библиография ишининг ривожланиши” номли; М.Р.Рашидованинг “Ўзбек табиий илмий китоби: нашр

қилиниши ва библиографияланиши” номли; М.К.Мирзаахмедованинг “Ўзбек таржима китоби” номли монографияларини олиш мумкин.

Илмий мақолалар эса институтимиз тўпламларида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг анъанавий тарзда бир неча йиллардан буён ўтказиб келаётган “Бетгерхонлик” семинари тўпламларида; “Марказий Осиё” халқаро конференсияси материаллари тўпламларида; ҳамда ихтисослик журналимиз “Кутубхона.Уз” саҳифаларида ўз аксини топмоқда.

Енг асосийси библиография атамашунослиги, библиографик тавсифнинг ишланиши масаласи. Бу борада қатор стандартлар Совет мустабид тузуми даврида ишланган эди. МДҲ давлатлари томонидан ҳозирда давлатлараро стандартлар ишлаб чиқилиб, фойдаланилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда бу йўналишда қатор стандартлар ишланмоқда. Уларнинг дастлабкиси тўзилиб, тасдиқланиб, 2009 йил 20 апрелдан амалиётга жорий қилина бошлаганлигидан хабарингиз бор (стандартлаштириш фанидан ўтганмиз).

Библиография соҳасидаги илмий масалаларлар факултетимиз талабалари томонидан битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертатсияларида ҳам ишланмоқда.

Келгусида: Ўзбекистон миллий библиографияси, Ўзбекистонда миллий тилдаги адабиётларни библиографиялаш, исмларнинг танланиши, Октябр тўнтаришигача бўлган давр босма маҳсулотининг библиографиясини яратиш, репертуар библиография, электрон библиографияларни яратиш, ўлкашунослик библиографиясининг қатор масалалари илмий ишланишни, ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар ҳисобланади. Бунга албатта, факултетимизни битириб чиқаётган ёш мутахассислар ўз ҳиссаларини қўшади, деган умиддамиз.

Текшириш учун саволлар

1. Босма маҳсулотларни классификациялашни тушунтиринг?
2. Нодаврий нашрларнинг турланиши ҳақида қандай маълумотларни биласиз?.

3. Вақтли матбуот нашрларининг классификация деганда нимани тушунасиз?
4. Босма маҳсулотларни тавсифлаш, библиографик тавсиф ва библиографик ёзув ҳақида гапириб беринг?.

4-Мавзу: СОҲА ВА МУТАХАСИСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА БИБЛИОГРАФИК АХБОРОТНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИ

Режа:

1.Соҳа библиографияси

2.Ижтимоий-сиёсий библиография

3.Библиографик қўлланмалар тўзишнинг умумий масалалари ва услублари;

4. Библиографик қўлланмалар тўзишнинг тайёрлов босқичи:
   - мавзу танлаш ва уни ўрганиш;
   - қўлланманинг проспект-режасини тўзиш;
   - адабиётларни аниқлаш.
5. Библиографик қўлланмалар тўзишнинг асосий босқичи:
   - ҳужжатларни библиографик таҳлил қилиш;
   - библиографик тавсифномаси;
   - адабиётларни танлаш;
   - библиографик ёзувларни жойлаштириш;
   - ёрдамчи кўрсаткичларини тўзиш.
6. Библиографик қўлланмалар тўзишнинг якунловчи босқичи:
   - справка-методик аппаратини тўзиш;
   - қўлланмани таҳрир қилиш ва расмийлаштириш.

Таянч иборалар: *библиография лаш, библиографик қўлланма, проспект режа, методика, қидириш, таҳлил, аниқлаш, ёрдамчи кўрсаткич, тизимлаштириш.*

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Коготков Д.Я. Библиографическая деятелност библиотеки: организация, технология, управление: учебник. - Санкт-Петербург, 2003.- С. 154- 191.

2. Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф: Умумий талаблар ва тўзиш қоидалари: Ўз ДСт 1215: Расмий нашр: 2009 й. 14 апрелда № 05-143 рўйхатга олинган ва 2009 й. 20 апр.амалга жорий этила бошлаган / Тузувчилар: Х.Маматраимова, Д.Ўудратова; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги.- Т.,2009.- 86 б.

3. Библиографирование. Создание библиографической записи // Справочник библиографа.- 3-е, перераб. и доп. изд.- Санкт-Петербург: Профессия, 2005.- С. 322-415.

4. Виггинс Б. Отбор материалов для националнўх библиографии в сифровую эру // Библиогр.- 2008.- № 1.-С.147-149

5. Калинина Г.П. Новўе правила библиографического описания в ГОСТе 7.1.-2003 // Мир библиогр.- 2004.- № 2.- С. 39-51.

6. Пархомчук Т.В. Создание библиографических пособий с помоҳю системў ИРБИС // НТБ.- 2007.- № 11.- С. 86-92

7. Платонова О.Я., Андреева Г.Л. Библиография - процесс творческий // Мир библиогр. - 2002.- № 5.- С. 39-41.

8. Ратманова С.Б., Ахметова О.Д. Научно-методическое обеспечение подготовки и вўпуска библиографических серий: теория, методика, инновационнўй опўт // НТБ.- 2009.- № 11.- С. 15-25.

9. Создание библиографической продуксии //Справочник библиографа.- 3-е, перераб. и доп. изд.- Санкт-Петербург: Профессия, 2005.- С. 416-429.

10. Создание и исползование националнўх библиографий // Библиогр.- 2008.- №.3. - С.119-124.

Соҳа библиографиясида эса аксинча, ҳужжатнинг мазмуни биринчи даражали аҳамиятга эга, расмий белгилари эса зарур ҳолларда қўшимча сифатида чеклаш мақсадида фойдаланилади. Масалан, тармоқ кундалик библиографик қўлланма тўзишда шу соҳага оид янги чиққан адабиётлар, яъни бир ҳафта, икки ҳафта, бир ой, бир квартал ёки ярим йил (қўлланманинг хронологик белгиланишига қараб) олинади. "География Средней Азии" (Ўрта Осиё геологияси), ёки "География Узбекистана" (Ўзбекистон георграфияси) кўрсаткичлари бу тургa мисол бўла олади. Республикамизда тармоқ библиографик қўлланмалари тармоқ илмий кутубхоналари томонидан тайёрланади.

Масалан, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, чўлларни ўзлаштириш масалаларига оид адабиётлар библиографияси Республика марказий илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонаси томонидан; Ўрта Осиё табобати, соғлиқни сақлаш масалаларига оид библиографик материаллар Республика Марказий илмий тиббиёт кутубхонаси томонидан; табиий фанлар бўйича библиографик нашрлареса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонаси ва Тошкент Давлат университети АРМ лари томонидан тайёрланади. Библиографиянинг бу турини яна вилоят АКМ лари ҳам тайёрлайдилар.

1. Ижтимоий-сиёсий библиографиянинг ўзига хос хусусиятлари.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси библиографик билимларни муҳим таркибий қисми бўлиб хисобланади. Унинг асосий мақсади, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик ахборотга бўлган талабларини ҳар тамонлама қондириш, шу билан биргаликда ижтимоий-сиёсий библиографияни ташкил қилиш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш. Бундай хусусият ижтимоий фанларнинг ривожланиши ва жамиятшунослик бўйича ҳужжатлар тизимини таъминлашдир.

Ижтимоий фанлар юзасидан қилинган библиографик ишлар жамиятда муҳим давлат аҳамиятига эга. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси

илмий тадқиқот ишларини муваффақиятли ривожланишида ва халқнинг дунё қараши ўзгаришида асосий қурол бўлиб хизмат қилади.

Олимларимиз томонидан қилинган бир қатор ишларда бутун мамлакат бўйлаб сотсиал-иқтисодий адабиётнинг библиографиясини ташкил этиш масаласи ва шунингдек иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган четел адабиёти библиографиясини ташкил этиш масаласи кўтарилмоқда.

Биринчи иқтисодий бибилографиянинг пайдо бўлиши 1922-1925 йилларга мансуб СТО «Меҳнат ва муҳофаза кенгаши» муассасаси бўлиб ҳисобланган «Экономическая газета» саҳифаларида «Иқтисодий масалалар бўйича материалларнинг тизимли кўрсатгичи» мунтазам равишда нашретилган.

Сиёсий ва иқтисодий долзарб масалалар бўйича тавсия библиографик кўрсатгичларни ташкил этишга жуда ҳам муҳим аҳамият берилган. Масалан, 1922 йил «Жаҳон хўжалигини ўткинчи босқичида РСФСРнинг электрофикатсиялаштириш» номли брошюрада тавсия адабиётлар рўйҳати илова қилинган.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясини янада яхши йўлга қўйиш ва услубий даражасини оширишга Президентимизнинг кўрсатмалари муҳим рол ўйнади. Ижтимоий фанлар бўйича бибилографик фаолиятнинг асосида илмийлик принтсипи ётади. Бу принтсип библиографиянинг асосий принтсипларидан бўлиб, ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан бирга бошқа ҳужжатларни акс эттирувчи сотсиал-ахборот иши билан шуғулланувчи библиография фаолияти асосида чуқур идеалогик мазмун ётади. Бу ғоя адабиётларни танлашда, уларни таснифлашда ҳужжатларни, библиографик қўлланмаларни мавзуси бўйича ажратишда, библиографик тарғиботнинг форма ва усулларини қўллашда замон тақозо этган сиёсат борасида ёндошишни назарда тутади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг аҳлоқий, тарбиявий принтсиплари билан бирга унинг илмийлиги, демократлиги мавжуддир. Аҳлоқий

принтсипни тарбиявийлиги, илмийлиги ижтимоий сиёсий адабиётлар библиографиясини ижтимоий фанлар билан бирга боғлаб олиб боришдадир.

Ижтимоий-сиёсий адабиётларни демократик характери бу библиографияни жамиятнинг барча синф ва сотсиал табақалари орасида тарқатилишида ва библиографияни механаткашларни сотсиал шароити, касбиий, миллий, хусусиятлари, ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб боришида ифодаланади. Ижтимоий-сиёсий адабиётларни давлат аҳамиятига эга бўлган характери бу библиографияни давлатнинг ички ва ташқи сиёсати асосида олиб борилишида ифодаланади. Давлат режа асосида библиографик ишни йўлга қўяди, уни координатсиялаштиради ва библиографик ахборот ишларини сифатини оширишда ёрдам беради.

Жамиятшунослик борасида ижтимоий ҳаёт ва библиографик фаолият ўртасида диалектик ўзаро муносабат мавжуддир. Шунинг учун ҳам ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси жамият тараққиётига қараб ривожланади ёки турғунликка учрайди.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясининг функсиялари қуйидагилар:

1.Илмий ёрдамчи функсия. 2. Идеалогик функсия. 3. Аҳлоқий функсия. 4. Ташкилий - бошқарув функсия. 5.Касбий ишлаб чиқариш функсияларидир.

Бу функсиялар библиографик фаолият жараёнида бир-бирлари билан боғланиб кетади. Бундай ҳолат ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясини иккита йирик бўлимларга бўлиниши ва шу тариқада кўриб чиқишни талабетади: а) илмий-ёрдамчи, б) тавсия библиографияси.

Илмий ёрдамчи библиографияда идеалогик, ташкилий бошқарув, маълум миқдорда малакали ишлаб чиқариш функтсиялари акс этади. Шундай қилиб илмий ёрдамчи библиография ахборот талабларини қондириб бориб улар илмий-текшириш, идеалогик, бошқарув фаолияти ва ижтимоий ишлаб чиқариш амалий фаолиятини бу ахборот билан таъминлаб боради.

Тавсия библиографияларда аҳлоқий ва идеалогик функтсиялар бирга олиб борилиб, бунда шунингдек касбий ишлаб чиқарув функтсияси ҳам қисман акс этади.

Ижтимоий-сиёсий тавсия библиографияси меҳнаткашларни умумтаълим даражасини, сиёсий маданиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий билимлар доирасини кенгайтириш, малакали билимларни такомиллаштириш ва бошқа хусусиятларни тарбиялашда хизмат килади. Илмий ёрдамчи ва тавсия библиографияларини бир-бирларидан ташкилий структураси бўйича, библиографик фаолиятларининг форма ва усуллари билан, библиографиянинг аниқ объекти ва библиографик хизмат қилиши билан фарқ қилади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясида фалсафа библиографияси, сиёсатшунослик, сиёсий тарих, иқтисод, умумтарих, давлат ва ҳуқуқ, сиёсий фанлар, халқаро муносабат ва мамлакатшунослик, аҳлоқшунослик, ҳарбий иш каби библиографик турлари ташкил топди ва ривожланди.

3.Ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик манбаларни асосий тизими.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси фаолиятининг воситаси ва сўнгги натижаси ижтимоий-сиёсий мазмундаги ахборот бўлиб ҳисобланади. Бу иш ҳужжатларни ёзма ёки оғзаки йўллари орқали ҳисобга олиш билан бирга олиб борилади. Бундай ахборотлар бошқа тур ахборотлар орасида таркибий қисми ва табиати бўйича энг мураккаб библиографик қўлланмаларда акс этган ахборотдир. Ижтимоий фанлар, ғоявий-тарбиявий ишлар, ўқув ва ишлаб чиқариш фаолияти мустақил билим олишларини библиографик таъминлашда библиографик қўлланмалар марказий ўринни эгаллайди.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар барча тармоқ библиографик - қўлланмаларга ҳам киритилади, аммо ижтимоий-сиёсий мавзуга оид библиографик қўлланмалар бундай адабиётлар ҳақидаги маълумотни

узлюксиз равишда ҳар томонлама тўлиқ акс эттиради. Бундай кўрсаткичларни тўзиш таснифи турли хусусиятларига қараб ажратилади. Мақсади ва китобхонларга мўлжалланиши бўйича бундай библиография илмий-ёрдамчи, касбий-ишлаб чиқариш, тавсия қўлланмаларига бўлинади. Илмий ёрдамчи библиография: илмий ходимлар, олий ўқув юртлари талаба ва ўқитувчилари, тарғиботчиларга, давлат, ёшлар иттифоқи, касаба уюшма раҳбар ходимлари, хўжалик раҳбарларига мўлжалланган бўлади. Касбий ишлаб чиқариш библиографияси юқори малакали амалий иш билан шуғулланувчи мутахассисларга мўлжалланади. Тавсия библиографик қўлланмалар ўқув жарёнини олиб боришга, маъруза ва бошқа жамоат ишларини олиб боришга ва шунингдек оммавий ахборот ишини ва мустақил билим олишга ёрдам бериш мақсадида тўзилади. Ёшлар учун мўлжалланган тавсия библиографик қўлланмалар алоҳида бўлимни ташкил этади. Фаол мақсадига кўра булар кундалик, ретроспектив ва переспектив библиографияга бўлинади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси орасида ретроспектив библиографик қўлланмалар салмоқли ўрин эгаллайди, чунки бундай библиографияга жамиятшунос олимлар талаби кўпроқдир.

Библиографиялаш объектининг мазмунига қараб соҳалараро, умумтармоқли мавзули (соҳа ичидаги), муаммо-мавзули (соҳалараро), персонал (бир шахсга бағишланган) мамлакатшунослик ва ўлкашунослик библиографик қўлланмаларга ажратилади.

Библиографик қўлланмаларни тўзиш пайтида уларнинг объекти сифатида китоблар билан бир қаторда нашретилмаган, экран ва товуш ахборот воситаларининг намоёндалари ҳам киритилади. (Кино, магнитафон ёзувлари, граммпластинка ва бошқ.) Булар билан бир қаторда мавзуни тўлароқ очиб беришга ёрдам берувчи библиографик қўлланмалар ҳам киритилади.

Библиографиялаш объектига қараб ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

– йирик файласуф, иқтисодчи, давлат арбобларининг кўрсаткичлар (обзорлари, рўйҳатлари).

– Давлат ҳужжатлари кўрсаткичлари:

– Давлатнинг кўзга кўринган арбоблари асарларининг кўрсаткичлари:

– Тарихий манбалар кўрсаткичлари:

– Справка адабиётлари кўрсаткичлари:

– Ижтимоий фанлар бўйича диссертатсиялар кўрсаткичлари:

– Депонирование қилинган қўл ёзмалар кўрсаткичлари:

– Кўргазмали қуроллар, экран ва товуш ахборот воситаларининг кўрсаткичлари.

Булар библиографик кўрсаткичлар шаклида ёки китоблар ён бағрида, журналлар, газеталар ичида библиографик материал сифатида нашретилиши мумкин. Бу кўрсаткичлар бирор кутубхонанинг фонди билан боғлиқ бўлиши шартемас. Улар маълум фондни тўлдириш ёки тўлмаслиги билан боғлиқ бўлмайди. қимматбаҳо китоблар йиғиндилари, вақтли матбуот, (кутубхоналарга келган янги ижтимоий-сиёсий адабиётлар рўйхатлари ва шунингдек, нашриёт ва китоб савдо библиографик қўлланмалари булардан истиснодир).

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳақидаги маълумотларни кутубхона, илмий ахборот муассасалари, китоб палаталари, архивлар, китоб савдо ташкилотларининг каталог ва катотекаларидан олинади. Бизнинг мамлакатимизда чиқариладиган библиографик қўлланмаларда Ватан адабиёти ва шунингдек четел адабиёти ҳам кенг акс эттирилади: кўпгина кўрсаткичлар бир, икки ва бир неча тиллардаги адабиётларни ёритиб беради.

Жамиятни ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси олдига қўйган асосий мақсадлари уларни характери, мазмуни, мавзуси-давлатнинг стратегияси ва тактикасига жавоб бера оладиган бўлишга, ҳаётимизнинг ички ва ташқи долзарб масалаларини ёрита оладиган, ижтимоий фанларни ривожлантирган меҳнаткаш халқ ва ёш авлодни ватанпарварлик рухида, миллий истиқлол ва миллий мафкуравий тарбиялаш ишига жавоб бера олишдадир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тарих институти 1999 йил “Шарқ” нашриёти орқали А.Шарафиддинов, З.Файзиева, Н.Л.Кравес тузувчилигида “Профессор Ҳамид Зиёевнинг илмий ва педагогик фаолияти” номли қўлланмани нашр этди. Қўлланмадаги ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида алоҳида жойлаштирилган. Олимнинг ижодий фаолияти ҳақидаги материал олим ижодининг қирралари бўйича алоҳида таърифланган. Масалан, “Ўрта асрлар даври тарихи” бўлимида олимнинг шу соҳадаги ишларига таъриф берилади. “ХУ1-Х1Х асрларда Туркистон ва Россия алоқалари тарихи” номли бўлимда ҳам айнан шу масалага оид ижодига баҳо берилади. Шу тарзда олимнинг шу кунгача давом этган ижоди яна бошқа бўлимларда очиб берилган.

“Собиқ Шўролар даврида нашр этилган китоб, рисола ва мақолалар (1952-1991 йиллар бошлари)” бўлимида асарларининг нашрлари тўғри хронологик тартибда жойлаштирилган. “Мустақиллик ва озодлик йилларида нашр этилган китоб, рисола ва мақолалар (1991-1999 йй)” бўлимидаги асарлари ҳам тўғри хронологик тартибда берилган. Кейин олимнинг муҳаррирлик фаолияти, ҳайъат аъзолиги сифатидаги ишларининг рўйҳати, унинг раҳбарлигида ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик ишларининг рўйҳати, Ҳамид Зиёев ҳақида маълумотлар бўлимларида ҳам ҳужжатлар шу бўлимларга мос гуруҳлаштирилган. Ундан кейин олимларнинг асарлари нашр этилган журналлар ва газеталарнинг рўйҳати берилган. Қўлланма олим ҳаёти ва ижоди ҳақида фотосуратлар билан таъминланган. Қўлланманинг иккинчи қисми рус тилида бўлиб, ўзбек тилидаги қисми каби адабиётлар гуруҳлаштирилган.

Республикамизда ёзувчи ва шоирлар ижодига оид биобиблиографиялар жуда кўп тайёрланган ва нашр этилган. Улардан Алишер Навоий, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаххор, Зулфия, А.П.Қаюмов, Ҳамза кабиларни мисол келтириш мумкин. 1989 йили Тошкент Давлат Маданият институти томонидан З.Ш.Бердиева тузувчилигида “Абдулла Қаххор” биобиблиографик кўрсаткичи нашр этилди. Бу асар тўзилиши юқорида келтирилган “Ҳамза” кўрсактичига

ўхшаб кетади. Аслида бундай шахсларга оид кўрсаткичларнинг тўзилиши деярли бир хил, аммо муаллиф ижодининг хусусиятларига кўра айрим бўлимлар ва бўлимчаларнинг берилишида фарқ қилади. Қўлланмада А.Қаҳҳорнинг юбилейлари, таржима қилган асарлари, унинг хотирасига бағишланган асарлар каби бўлимлар аввалги "Ҳамза" кўрсаткичида йўқ. Қўлланмага исмлар кўрсаткичи, асарларининг алифбо кўрсаткичи, бошқа тилларда нашр қилинган асарларининг алифбо кўрсаткичи, фойдаланган адабиётлар рўйҳати илова қилинган. Шунга ўхшаш биобиблиографик кўрсаткич Ойбек таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан "Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек" номли биобиблиографик кўрсаткич нашр этилди. Кўрсаткичнинг хажми катта, унда жами 1522 та номдаги библиографик ёзув мавжуд. Бошқа биобиблиографик кўрсаткичларнинг тўзилишига ўхшаш билан бирга ,улардан фарқли равишда "Ойбек –навоийшунос", "Ойбек ижодига оид диссертатсиялар", "Ойбекни мукофотлаш тўғрисида" номли бўлимчалар мавжуд.

Хуллас, биобиблиографик кўрсаткичлар истеъмолчини жуда катта ахборот оламига олиб киради. Аввало, бир шахсга оид барча турдаги ҳужжатларни бир жойга тўплайди, уни қидириш, топиш, тўплаш ва таҳлил қилиш ишини осонлаштиради, муаллиф ҳақида китобхон истаганидан кўра кўпроқ маълумот олади.

Библиографик қўлланмалар тизими шулардан келиб чиқиб ташкил топади. Лекин бундай ривожланиш, назарий ва услубий ўзаро муносабатлардан келиб чиқади. Шуни айтиб ўтиш керакки, илмий – ахборот ва тавсия библиографиясининг ривожланиши бир ҳил бўлмайди. Илмий-ёрдамчи библиография ривожланиш жараёнида ўзидан олдин мавжуд бўлган кўрсаткичлар орқали бойиди. Олдин чиққан илмий – ахборот библиографиялари одатда эскирмайди, балки маълум вақт ўтиши билан уларни қиммати ошади. Шунинг учун ҳам кутубхоналар ўзларининг справка - библиографик аппаратларида кўпрок олдин чиққан (10-20й. илгари чиққан) кўрсаткичларни киритадилар. Бу кўрсаткичлар асосан олимлар томонидан

фойдаланилади. Эски кўрсаткичларда акс эттирилган кўпгина адабиётлар янги кўрсаткичларда бўлмаслиги мумкин.

Олимлар назарига тушган олдин нашретилган кўрсаткичлар вақт ўтиши билан тўлдирилиб қайта нашретилади. Бир-бирини тўлдириб борувчи янги библиографик кўрсаткичлар тизимини тўзишда мавжуд бўлган кўрсаткичларда ишлатиладиган услубий принтсиплардан кенг фойдаланилади.

Ижтимоий-сиёсий мазмундаги тавсия библиографик қўлланмалар тизими доимо янгиланиш хусусиятига эга. Буларни тез-тез янгиланиб туришига жорий давлат ҳужжатларини қаблул қилиниши, йирик сиёсий ва хўжалик компаниялари ўтказилиши, халқаро ҳаётдаги муҳим воқеалар ва тарихий воқеаларни нишонланиши кабилар асосий сабаб бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси мазмуни, функтсияси, жойлашган жойи, типи, ташқи кўриниши ва бошқаларга қараб шаклланади. Унинг муваффақиятли мақсадга эришиши библиографик қўлланмаларни тўзишда унга фақат комплекс ёндашгандагина амалга оширилиши мумкин, чунки системанинг барча элементлари бир-бирлари билан узвий боғликдир. Бу эса библиографик ишларни жиддий координатсиялашга боғлик бўлади. Фақат шу масалаларга риоя қилинган пайтдагина библиографик қўлланмаларни мазмуни ва услубий акспектларини асосий бўлинмалари ва айрим элементлар бирлигига эришиш мумкин. Шу асосида ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясининг намунавий «Модели»ни яратиш мумкиндир. Бинобарин, шу йўл билангина библиографик фаолиятини яънада кўпроқ автоматлаштириш йўлига ўтишга эришилди. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳақида тўлароқ ахборот олиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳақидаги баъзи етарли бўлмаган маълумотларни бошқа тармоқ библиографиялардан ва шунингдек универсал библиографик манбалардан ҳам олиш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳақидаги маълумотларни библиографик қўлланмалардан ташқари, аналитик-синтетик обзорлардан, тарихшунослик

тақризлардан, ва манбаашунослик ишларидан вақтли матбуот асарларининг тарихига оид китоблардан ҳам олиш мумкин. Ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик ахборотни-салмоқли қисми кутубхоналарнинг кутубхона-библиографик ва илмий ахборот фаолияти натижасида яратилади ва тарқатилади.

Ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик ахборотни олиб бориш ишида ва меҳнаткашлар, ўқувчилар ва ёшларни библиографик таъминлашда етакчи ролни мамлакатимизнинг универсал ва маҳсус кутубхоналари, ҳужжат ресурслари марказлари олиб борадилар. 1970 йиллардан бери ижтимоий фанлар бўйича илмий-ахборот органлари ҳам шу билан шуғуллана бошлади.

Кутубхоналар аҳолининг барча табақаларига кутубхона ҳизматини кўрсатадилар. Улар ижтимоий-сиёсий адабиётларни жорий ахборотини олиб борадилар, маълумот библиографик фаолиятни маркази бўлиб ҳисобланадилар, ижтимоий-сиёсий масалаларга доиренг яхши Ватан ва четел адабиётларини тавсия библиографик методларидан фойдаланиб тарғибот қиладилар.

Илмий ахборот органлари олимлар, олий ўқув юрти ўқитувчилари, раҳбар ходимлар, мутаҳассислар ва амалий фаолият билан шуғулланувчи ходимларни иш соҳаларига қараб тегишли библиографик ахборот билан таъминлаб борадилар. Уларни ўзига ҳос хусусиятларидан бири китобхонларни ижтимоий-сиёсий мазмундаги барча нашретилган ва нашретилмаган манбалар билан аналитик-синтетик обзор ва рефератлар орқали таништиришади. Бутуниттифоқ ва халқаро тармоқли автоматлаштирилган тизимларни ташкил этилиши библиографик эҳтиёжларни тўлиқ ва тезкор таъминотига имкон яратади. Маҳсус тармоқли ва универсал нашриётлар олдиндан ҳабар берувчи библиографик – ахборот ишларини олиб борадилар. Бунинг учун улар чиқишга мўлжалланган адабиётлар рўйҳатини ўқув режаларини вақти-вақти билан нашриёт каталогларини нашретиб турадилар.

Китоб савдо шохобчалари ҳам ўз вақтида янги чиққан ёки фондида мавжуд бўлган олдинги нашрлар ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб

борадилар. Оммавий ахборот ва тарғибот органлари бўлиб ҳисобланган радио, телевидение, вақтли матбуот компютер сайтлари библиографик ахборотнинг эффектив каналларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясини ривожлантиришдаги мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бир қатор олий ўқув юртлари ва ўрта маҳсус ўқув юртлари керакли кадрларни, турли соҳа мутахассисларини тайёрлаб боради.

Ахборот-кутубхона муассасалари библиографик фаолиятидаги асосий вазифалардан бири ҳужжатлар тасвирини бериш ва турли белгиларига кўра уларни тартибга солишдан иборат, яъни библиографиялашдир.

Библиографиялаш - библиографик ахборотни тайёрлаш жараёнидир. Бу иш кутубхонанинг у ёки бу бўлимига маълум даражада хос бўлган библиографик ишининг таркибий қисмидир.

Библиографиялаш адабиётлар фондини тўлдиришда, адабиётларни қайта ишлашда ва китобхонларга хизмат кўрсатишда мажбурий белги сифатида ишлатилади.

Библиографик ё з у в л а р - бу ҳужжатлаштирилган библиографик хабардир. Улар каталоглар, картотекалар, рўйхатлар, справкалар учун мўлжалланган. Библиографик ёзув бир ёки бир неча библиографик тасвирдан ташкил топади, деб айтган эдик. Библиографик ёзувлар аннотация, реферат, индекс, жадваллар, предмет рукнлари, сақлаш шифри, изоҳлар ва ҳ.к.лар билан тўлдирилган бўлиши мумкин.

Библиографик ахборот мавжудлигининг энг тарқалган шакли-библиографик қўлланмадир. У турлича бўлади: библиографик нашр (вақтли бўлмаган, туркумли, вақтли, давомли), библиографик картотека, каталог.

Тўзилиш хилига кўра эса библиографик қўлланма библиографик кўрсаткич, библиографик обзор, библиографик рўйхатга бўлинади.

Кўрсаткич тўзиш кутубхоналар библиографик фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

У кўп омилларга: библиографиялаш объектининг шакли ва мазмунига, тўзилаётган қўлланманинг мавзуси, жанри, мақсади, китобхонлик доирасига боғлиқ бўлади.

Тўзиладиган кўрсаткич устидаги ишнинг ҳажми кутубхонанинг типологик хусусиятига боғлиқ. Кутубхона қанчалик катта бўлса, бу борада иши шунчалик турли-туман бўлади. Бундай йирик кутубхоналар қўлланмаларнинг ҳамма турларини тўзиш имкониятига эгадирлар. Улар турли хилдаги, универсал характердаги, муҳим масалалар ва мавзулар бўйича библиографик қўланмалар тузадилар ва нашретадилар. Кичик кутубхоналареса шу кутубхонанинг кенг китобхоналари оммасига мўлжалланган тавсия рўйхатлари, эсдаликлар, мутахасислар учун ахборот рўйхатларини тузадилар. Библиографик монографиялар, йирик кўрсаткичлар тўзиш учун имкониятлари етишмайди.

Библиографик қўлланмалар одатда муайян услубий талабга риоя қилинган ҳолда тўзилади. Қатъий методни қўллаш библиографик қўлланма тўзиш ва ундан фойдаланишни маълум даражада енгиллаштиради.

Библиографиялашда умумий ва хусусий услублар мавжуд. Умумий услуб - ҳар қандай библиографик қўлланмани яратишда қўлланиладиган услуб бўлиб, унда мавзу танлаш, қўлланманинг проспект - режасини тўзиш, адабиётларни қидириш, йиғиш, ўрганиш, танлаш, группалаш, ёрдамчи - методик аппаратларини тўзиш ва расмийлаштириш ишлари амалга оширилади. Хусусий услубнинг мақсади қўлланмани маромига етказиш бўлиб, у ҳар бир қўлланмани тўзишда фойдаланилади. Масалан, илмий - ёрдамчи ёки тавсия, универсал ёки тармоқ, шахс ёки ўлкашунослик кўрсаткичи қандай тўзилиши зарур бўлса, ўша даражага олиб бориш ишлари амалга оширилади.

Демак, умумий услуб ҳар қандай қўлланма учун умумий негиз (пойдеворни) яратади. Хусусий услубеса айнан шу қўлланманинг хусусиятларини (китобхонлик доираси, мавзуси, адабиётларни қамраб олиши,

хронологик чегарасини) ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган иш жараёнларидир.

Ҳар икки услубни яхши эгаллаш, уни амалда қўллай билиш библиографнинг ихтисосли тайёргарлигига боғлиқ. Библиограф қанчалик яхши тайёргарликка, билим, малака ва кўникмага эга бўлса, унинг тузаётган кўрсаткичи ёки обзори беками - кўст бўлиши мумкин.

Кутубхонада библиографиялаш - библиографик қўлланмалар тўзиш фаолияти ҳам ташкилий, ҳам моддий томондан бошқариб, унга раҳбарлик қилиб борилиши зарур. Бу ишда кутубхонада мутахассис-библиограф кадрларнинг мавжудлиги ҳам эътиборга олиниши зарур. Агарда кутубхонада мутахассислар етишмаса, бошқа кутубхоналар, ахборот органлари ёки бошқа соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб бориш мумкин. Библиографик қўлланма тўзишда такрорийликка, бир хилликка йўл қўймаслик учун қўлланмалар тўзиш фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириб бориш зарур. Бу иш мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини бажарувчи кутубхона томонидан олиб борилади.

Йирик библиографик кўрсаткични тўзиш 4 босқичда амалга оширилади: тайёрлов, аналитик, синтетик, якунловчи босқичлар.

Библиографиялашнинг тайёрлов б о с қ и ч и . Бу босқич мавзу танлаш ва уни ўрганиш, қўлланманинг проспект (режаси)ни ишлаб чиқиш, адабиётларни аниқлашни ўз ичига олади.

Кутубхона библиографлари тўзилажак қўлланманинг мавзусини танлаш ва уни кутубхонанинг тузувчилик ишлари режасига киритишда куннинг долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда долзарб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, Ўзбекистонда демократик давлат қурилишининг асосий йўналишлари ва вазифаларига, фан, техника, маданиятни ривожлантиришнинг асосий вазифаларига жавоб берадиган мавзуларни танлашлари зарур. Яна бўлажак қўлланманинг мавзуси кутубхонанинг профили ва имкониятларига, кутубхона хизмат кўрсатадиган китобхонлар талабларига мос бўлиши зарур. Масалан, йирик универсал кутубхоналар кенг ва комплекс мавзулар, йирик сиёсий

компаниялар, юбилей саналари, ички ва ташқи-халқаро ҳаётнинг муҳим воқеалари билан боғлиқ бўлган библиографик қўлланмалар, шунингдек, бир ёки бир неча кутубхона фондини акс эттирувчи каталог типидаги қўлланмалар тузадилар.

Вилоят АКМлари эса кўпроқ ўлкашунослик мавзусидаги қўлланмаларни тузадилар.

Мавзуни олдиндан ўрганиш 2 асосий аспектни ўз ичига олади. Тузувчи аввало мавзуга тааллуқли бўлган масалаларни тўғри ёритиш, хатоларга, камчиликларга йўл қўймаслик, малакасиз баҳо ва тавсиялар бермаслик учун тушуниб олиши зарур. Бунинг учун библиограф давлатимиз раҳбари асарларини, давлат ва ҳокимият органлари ҳужжатлари, шу фаннинг йирик олимлари яратган сўнгги асарлар, музокаралар, илмий анжуманларнинг материаллари, янги ўқув адабиётлари билан изчил танишиб чиқиши керак.

Мавзуни ўрганишнинг 2-аспекти унинг библиографик ёритилишини аниқлаш, яъни шу мавзуда ёки мавзуга яқин мавзуда тўзилган библиографик қўлланмалар билан танишишдан иборат. Бу иш мавжуд библиографиялаш тажрибаларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш учунгина бўлмай, балки шунингдек, ишда такрорийликни ва дублетлиликни олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Мавзу ўрганилиб ва тасдиқланиб бўлингач, қўлланма тўзиш бўйича ишни бундан буёнги йўналишини белгиловчи асосий ҳужжат -қўлланманинг проспекти (режаси) тўзилади.

Проспектда мавзу асосланади, қўлланманинг умумий ғоявий мазмуни шаклланади, унинг олдига қўйилган асосий ижтимоий вазифаси ва бош аспекти (тарихий, назарий, амалий ва бошқалар) очиб берилади, шунингдек, мақсади ва китобхонлик доираси тавсифланади.

Қўлланманинг мўлжалланиши, яъни китобхонлик доираси қўлланма тўзишда муҳим бўлиб, у қўлланмани тўзиш услубиётининг алоҳида хусусиятларини белгилаб беради. Қўлланманинг китобхонлик доираси аниқ ва кенг (илмий-тадқиқот ишига, мустақил билим олишга, тарғиботчилик

фаолиятига, касбий малакасини оширишга ва бошқалар) бўлиши лозим. Китобхонлик доираси қўлланманинг мақсадини белгилайди. Айниқса тавсия библиографик кўрсаткичлари тўзишда китобхонлик доирасини аниқ белгилаб олиш зарур. Асосий гуруҳдан ташқари яна бу қўлланмадан фойдаланиши мумкин бўлган гуруҳлар ҳам кўрсатилади. Масалан, ёшлар ташкилотлари фаолларига мўлжаллаб тўзилган тавсия кўрсаткчиларидан бошқа ёшлар ҳам (мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари) фойдаланишлари мумкин.

Проспектда қўлланманинг т у р и в а ж а н р и ҳам аниқ белгилаб олиниши керак (илмий-ёрдамчи, ретроспектив, системали, қисман аннотацияланган адабиётлар рўйхати, тавсиявий ўқиш доиралари, обзор шаклидаги қўлланма ва бошқалар).

Проспектда яна қўлланмани тўзиш услубиётига оид (мазмуний ва шаклий) материал танлаш критерийлари (чегаралари), аннотациялар характери (тавсиявий, справкали, гуруҳли, умумий, аналитик) ва киритилган адабиётларни тавсифлашнинг бошқа йўллари, материални группалаш методи, ёрдамчи кўрсаткичлари ва справка-методик аппаратлари рўйхати, адабиётларни аниқлашнинг асосий манбалари ҳақидаги маълумотлар ҳам берилиши шарт.

Проспектда қўлланманинг ҳажми, ишнинг тугалланиш вақти, тузувчилари ва м у ҳ а р р и р л а р ҳам кўрсатилади.

Агарда қўлланма бир неча тузувчилар жамоаси томонидан тайёрланаётган бўлса, у ҳолда проспектнинг роли муҳимдир. Бу ҳолда ўша жамоалар ўртасида проспект бўйича ишни тўғри тақсимланиши ва назорати таъминланади.

Проспект бўлимда ёки кутубхона кенгашида муҳокама қилиниши, хатто бошқа манфаатдор муассасалар (кутубхоналар, олий ўқув юртларининг кафедралари, илмий техника ахбороти органлари) га юбориб, уларнинг тақризини олиш мақсадга мувофиқдир. Бунда кўп сонли мутахассисларнинг танқидий мулоҳазаларини йиғиш ва ҳисобга олиш мақсад қилиб қўйилади.

Мавзуни ўрганиш ва қўлланманинг проспектини тўзиш билан бир вақтда библиограф а д а б и ё т л а р н и а н и қ л а ш (т ў п л а ш) ни ҳам бошлайди. Бу ишнинг бош вазифаси - олдиндан белгиланган (проспектда) чегарага кўра қўлланма мавзусига тааллуқли бўлган адабиётларни мумкин қадар тўла йиғишдир. Библиограф мавзу бўйича адабиётларни кейин диққат билан таҳлил қилиб чиқиш мақсадида шу адабиётларнинг ишчи карточкасини ташкил қилади. Қидириш (аниқлаш) услуби манбалар доирасини ва уларни таҳлил қилиш (кўриб чиқиш) методларини тўғри белгилашга имкон беради.

Аниқлаш м а н б а л а р и ўз хусусиятига кўра 2 гуруҳга бўлинади: иккиламчи ёки б и б л и о г р а ф и к (кундалик ва ретроспектив кўрсаткичлар, обзорлар, китоб ичи ва мақола ичи адабиётлар рўйхатлари, кутубхоналарнинг каталог ва картотекалари) ҳамда бирламчи ёки а д а б и й (аввало вақтли ва давомли нашрлар, маълумотномалар, йиғма асарлар, асарлар тўпламлари, хрестоматиялар, ҳужжатлар тўпламлари ва ҳ.к.лар) бўлади.

Кўриб чиқиш даражаси (чуқурлиги) га кўра қидириш манбалари а с о с и й ва қ ў ш и м ч а га бўлинади.

Асосий манбалар кенг, диққат билан кўриб чиқилади, қўшимчалари эса танланган ҳолда асосий манбалар бўйича қидиришнинг тўлиқлигини назорат қилиш мақсадида кўрилади.

Қандай манбани асосий ёки қўшимчага ажратиш тўзиладиган кўрсаткичнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, тармоқ ретроспектив ёки мавзули илмий-ёрдамчи кўрсаткич тўзиш учун матбуот асарларининг тўлиқ библиографик рўйхатини олиб борувчи нашрлар, яъни давлат кундалик библиографик нашрлари ёки тармоқ илмий ахборот нашрлари - сигнал бюллетенлари ва реферативжурнал (РЖ) дан асосий манба сифатида фойдаланилади.

Асосий бош манба сифатида мақолаларни аниқлашда мавзу бўйича илмий журналлар фойдаланилади, уларни ёппасига кўриб чиқиш мумкин. Лекин кўпгина турли илмий ва умумтехник журналларда материаллар тарқоқ ҳолда босилиши сабабли, бундай методда мақолалар тўлиқ олинмай қолиши

ҳам мумкин (чунки библиограф ҳамма журналларни тўлиқ кўриб чиқиш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин, кутубхонада ҳамма журналлар бўлмаслиги ҳам мумкин). Бу ҳолда бирламчи манбалар (журналлар) билан бирга иккиламчи манбалар (бизнинг ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатасининг “Ўзбекистон Республикаси матбуоти солномаси” қўлланмасида бериладиган “Журнал мақолалари солномаси”) ҳам асосий манба сифатида кўрилиши мумкин. Бошқа манбалареса қўшимча бўлиб кўрилади.

Тавсия кўрсаткичлари тўзишда асосий манбалар сифатида оммавий библиографик ахборот манбаларини (“Китобхон”, “Китоб дунёси” газеталари), мақолаларни топишда эса қўлланманинг мавзусига тааллуқли бир неча асосий вақтли нашрларни бевосита кўриб чиқиш зарур. Давлат библиографияси органлари, кутубхона каталоглари ва картотекалари ҳамда бошқа манбалар қўшимча манба сифатида кўрилади.

Кутубхона каталоглари ва картотекалари тавсия библиографиясининг “кичик шакллари” ни (қисқа рўйхатлар, ўқиш режалари, эсдаликлар, хатчўплар) тўзишдагина асосий манба сифатида қаралади, чунки улар шу кутубхоналарнинг китобхонларига мўлжалланган бўлади.

Кундалик библиографик ахборот манбаларини, вақтли ва давомли нашрларни тескари хронологик кетма-кетликда (олдин янгисидан бошлаб, масалан, 2009 йилги манбаларни кўриб бошлаб орқага қараб кетилади -2008, 2007, 2006 ва ҳ.к.) қараб чиқиш керак, чунки бу йўл билан энг янги материаллар 1-навбатда қидириб топилади.

Библиографик материалларни ёппасига ёки танлаб кўриб чиқиш мумкин. Материаллари расмий белгисига кўра жойлаштирилган (алифбо, хронологик, топографик, формати бўйича) манбалар ёппасига қаралади.

Материаллари системали ёки предмет тартибида жойлаштирилган манбалар танлаб қаралади, бу йўл самарали бўлиб, библиограф бир мазмундаги материалларни диққат билан кўриб чиқиши мумкин.

Адабиётларни аниқлаш давомида библиограф кўриб чиқилган бирламчи ва иккиламчи манбалар картотекасини тузади ва бу библиографга фойдаланилган манбалар рўйхатини тўзиш имконини беради.

Қўлланма устида ишлашнинг аналитик (таҳлилий) босқичи бирламчи ҳужжатда мавжуд бўлган ахборотни келгуси синтез қилувчи босқич учун зарур бўлган материалга айлантириш мақсадида ишлашдан иборатдир. Аналитик босқич ўзаро узвий боғланган ва бир вақтда бажариладиган бир неча жараённи ўз ичига олади. Улар:

- ҳужжатни умумий библиографик таҳлил қилиш,
- библиографик тавсиф тўзиш,
- аннотациялаш ва рефератлаш,
- индекслаш ва предметлаштириш,
- библиографик ёзувларни тайёрлаш.

Библиография иши билан кутубхонанинг ҳамма бўлимлари шуғулланади, деган эдик. Юқорида кўрсатилган индекслаш ва предметлаштириш ҳам библиографик иш жараёни ҳисобланарекан, фақат бу иш билан библиографларемас, балки адабиётларга ишлов бериш бўлими, аниқроғи каталогизаторлар шуғулланареканлар. Бу фанимизда, бу мавзуимизда қолган библиографик жараёнлар билан танишиб чиқамиз.

Ҳужжатларни у м у м и й б и б л и о г р а ф и к т а ҳ л и л қ и л и ш давомида библиограф ҳужжатнинг мазмуни ва шакли билан ҳар томонлама танишиб чиқади: муаллифнинг ғофвий йўналишини (йўлини) аниқлайди, асарнинг асосий ва яқин мавзуси, унинг мантиқий структурасини (тўзилиши), ижтимоий аҳамияти (илмий, ғоявий ва маданий), турлари, жанр и ва методик хусусиятлари, мақсади ва китобхонлик доираси, полиграфик безатилиши сифатини ўрганади, ҳужжатнинг қидириш белгиларини ажратади, асарнинг тўзилаётган қўлланманинг ғоявий мазмуни ва аниқ мўлжалланишига мувофиқлиги нуқтаи-назаридан унга баҳо беради.

Т а ҳ л и л н и н г б о ш м а қ с а д и - бошқа таҳлилий жараёнлар (тасвир, аннотациялаш, индекслаш, предметлаш, библиографик ёзувларни шакллантириш) учун зарур материални тайёрлаб беришдан иборатдир.

Таҳлил учун асосий манба ва воситалар: ҳужжатнинг ўзи, уни бевосита ўрганиш, муаллиф ва ҳужжатнинг мазмуни ҳақида бошқа (қўшимча) манбалар.

Ҳужжатнинг ўзини библиографик таҳлил қилиш ўз ичига: титул варағи, нашр маълумотлари ва аннотацияси, сўз боши ёки кириш сўзи, мундарижаси, изоҳлари, шарҳ (комментарий) лари ва зарур ҳолларда (юқорида айтилган манбалари камлик қилганда) асар матнини оралатиб ўқиш билан мантақий танишиб чиқишни олади.

Бошқа гуруҳ манбалари - танқидий мақолалар, тақризлар, бошқа муаллифлар асарларида унга берилган баҳолар, илмий музокаралар материаллари, справка нашрлари, нашриётлар проспектлари, илгари нашр қилинган библиографик қўлланмалар ҳам зарур ҳолларда кўрилади, олинади.

Библиографик таҳлил қилинаётган материалларнинг таркиби ҳужжат мавзусининг мураккаблигига, тўзилаётган қўлланманинг тури ва китобхонлик доираси, манбалар сонига боғлиқ бўлади.

Ҳужжатни тез, чуқур ва ҳар томонлама умумий библиографик таҳлил қилиш - библиографнинг муҳим касбий сифатлари кўламига боғликдир.

Библиографик қўлланмаларда, айниқса, тавсия кўрсаткичларида ҳужжатларни мазмунини очиб беришнинг асосий методи аннотация л а ш д и р.

А н н о т а ц и я - бу матбуот асарининг, ҳужжатнинг мазмуни, мўлжалланиши, шакли ва бошқа белгиларига кўра қисқача тавсифномасидир.

Аннотацияларнинг ҳажми, тўзилиши, мазмуни ва мўлжалланиши турлича бўлиши мумкин. Аннотациялар одатда 2 та асосий белгисига кўра услубий классификацияланади: 1) бажараётган вазифаси ва мўлжалланишига, 2) аннотацияланаётган материалларни характеристикалаш усули бўйича.

Биринчи белгиси, яъни вазифаси ва мўлжалланишига кўра аннотациялар с п р а в к а ва т а в с и я аннотацияларига бўлинади.

С п р а в к а а н н о т а ц и я с и асарнинг ноаниқ сарлавҳасини аниқлайди ёки муаллиф ҳақида, ҳужжатнинг шакли, жанри, мазмуни, мўлжалланиши ва бошқа хусусиятлари ҳақида справка мақсадида библиографик тавсифда бўлмаган қўшимча (кўпроқ фактик) маълумотни беради. Справка аннотациялари имкони борича қисқача бўлиши зарур. Библиографик тавсифга нисбатан аниқловчи вазифани бажарувчи бу аннотациялар аннотацияланаётган ҳужжатга нисбатан муфассал (кенг, батафсил) ифодаланишни талаб қилади. Справка аннотациялари, айниқса умумий ва илмий - ёрдамчи библиографик кўрсаткичларида кенг қўлланилади. Тавсия қўлланмаларида справка аннотациялари асосан маълумотнома, ўқув-услубий адабиётларни, библиографик қўлланмаларни, Низомлар, йўриқномалар ва бошқа шу каби ҳужжатларни тавсифлашда фойдаланилади.

Т а в с и я а н н о т а ц и я с и мазкур библиографик қўлланма мўлжалланган китобхонлар гуруҳининг талаблари, тайёргарлик даражаси, ёши ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳужжатни тавсифлайди ва баҳолайди.

Тавсия аннотацияси яхши адабиётни фаол тарғиб қилишга, китобхонни қизиқтиришга, диққатини тортишга, тавсия этилаётган адабиётни ўқиш заруратига ишонтиришга, нафақат мантиқий, балки кўтаринки руҳда ўзлаштиришига ҳам таъсиретишга қаратилган. Тавсия аннотацияси адабиётни ўрганишда амалий ёрдам бериши, муттасил, мақсадли ўқишни тўғри ташкил этишга таъсир кўрсатиши зарур. Шунинг учун тавсия аннотацияларида педагогик элементлар, турли услубий маслаҳатлар ва тавсиялар муҳим ўринни эгаллайди.

Ҳужжатни баҳолашда библиограф танқидий мақолалар, обзорлар, тақризлар, илмий мунозаралар материаллари, справка адабиётлари, илгари нашр қилинган библиографик қўлланмалар ва бошқа манбаларга таянади, шунинг билан биргаликда кўп ҳолларда унинг ўз ғоявий йўлини тутиши,

маълумоти, аннотацияланаётган асарга нисбатан библиографнинг шахсий муносабати ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Тавсия аннотациялари ҳажми жиҳатдан справка аннотациясидан катта бўлади.

Тавсия аннотациялари илмий-маърифий, мустақил билим олишга мўлжалланган қўлланмаларда тўзилади, аммо улар (ҳужжатларни) илмий ва муҳим ҳужжатларни тавсифлаганда илмий-ёрдамчи қўлланмаларда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Справка ва тавсия аннотациялари ўртасидаги моҳиятли функционал фарқ шуки, справка аннотацияси библиографик ахборотнинг қидириш ва хабар бериш вазифасини, тавсия аннотацияси - баҳолаш вазифасини амалий қўллаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи белгиси - библиографияланаётган материални тавсифлаш методига кўра эса аннотациялар умумий, аналитик ва гуруҳли аннотацияларга бўлинади.

У м у м и й аннотация асарни тўлиқ (бутунича) тавсифлайди ва икки ҳолда қўлланилади: биринчидан, асар мазмунан кўрсаткич мавзусига тўла тааллуқли бўлса, иккинчидан, ҳеч қандай мазмуний чегара билан чекланмаган универсал қўлланмаларда.

Умумий аннотация турли-туман маълумотларни (муаллиф ҳақида биографик маълумотлар, асарни ёзиш вақти ва шароитлар ва ҳ.к.) акс эттириши мумкин, лекин ундаги бош масала - асарнинг фактли ва ғоявий мазмуни, бу мавзу учун у асарнинг аҳамияти аниқ умумий тавсифланади.

Аналитик аннотация ҳужжатнинг бирор бир қисмини мазмунан ёритиб, бу аннотацияланаётган асар қўлланма мавзусига тўлалигича эмас, қисман тааллуқли бўлгандагина қўлланилади. Бу аннотациянинг бош вазифаси - асарнинг бу қўлланма учун ёки қўлланманинг бирорта бўлими учун муҳим бўлган нима масалани ва қаерда кўтаришини аниқ кўрсатишдир. Аналитик аннотациянинг ҳам 2 тури мавжуд: асар мазмунининг маълум

аспектини (томонларини) ва асарнинг маълум қисмини (боб, параграф, алоҳида фикрлар) ажратиб берувчи аннотацияларга бўлинади.

Г у р у ҳ л и аннотация мазмунан (ёки маълум бошқа белгисига кўра) яқин бўлган ҳужжатларни умумлаш (бирлаш) тиради ва уларга умумлашган, умумлаштирилган тавсиф беради, бу аннотация шу асарлардаги умумий ва ўзига хосликни такрорламаган бўлиши, аниқ ва тушунарли бўлиши керак.

Шундай қилиб, аннотациялар ўз характерига кўра турли-туман бўлиши мумкин. Кўп омилларни ҳисобга олган ҳолда библиограф қўлланманинг мазмунига, аннотацияланаётган асарнинг мазмуни ва аҳамиятига қайси аннотация мос келишини танлаб ҳал қилади.

Аннотациялаш - ижодий жараён, у библиографдан кенг умумилмий, малакали билим, ақл-заковат, тажрибани, етарли адабий қобилият ва малака (кўникма) ни талаб қилади.

Яхши аннотациялай олиш ўз касбий маҳорати даражасини кўтариш устидаги сабот матонатли иш натижасида келади.

Демак, ҳар қандай библиографик қўлланма тўзишда юқоридаги аннотация турларининг бирини қўллаш зарурекан.

Юқорида кўриб чиқилган библиографиялашнинг аналитик (таҳлилий) жараёнини библиографик қўлланманинг асосий элементи - библиографик ёзув бирлаштиради.

Шу сабабли библиографик ёзувларни тўзиш таҳлилий босқичдан синтетик босқичга ўтиш жараёни ҳисобланади. Библиографик тавсиф намунаси: Жўшқин. Ҳаққим бор мани: қўшиқлар. - Урганч, 1995. - 64 б., расм.

Демак, бу тавсифни биз юқоридаги аннотацияларнинг бир тури билан тўлдиришимиз зарур экан.

Библиографик ёзувларни тўғри тўзиш муҳим аҳамиятга эга. Унинг ҳамма белгилари (библиографик тавсиф, аннотация ёки реферат, классификация индекси ва ҳ.к.лар) янги сатрдан бошлаб жойлаштирилади (дарвоқе, индекс белгиси ва шифри библиографик кўрсаткич учун у қадар

аҳамиятга эга эмас, шу сабабли ҳам биз қўлланма тўзишда бу ишларни бажармаймиз).

Қўлланма тўзишда синтетик босқичнинг бош вазифаси - аввалги таҳлилий (аналитик) босқични якунлаб бирлаштириш, библиографик қўлланмани аниқ китобхонлик гуруҳига ва мақсадга ҳамда умумий ғояга жавоб бера оладиган ягона библиографик асар сифатида тўзилишини шакллантиришдир.

Қўлланма устида ишлашнинг синтетик босқичи 3 жараённи ўз ичига олади:

1) адабиётларни танлаш,
2) библиографик ёзувларни группалаштириш,
3) ёрдамчи кўрсаткичларини тўзиш.

Адабиётларни танглаш - библиографиялашнинг муҳим методи ҳисобланади.

Танлаш жараёнида илгари аниқланган, тўзилаётган қўлланманинг мақсади ва умумий мазмунига жавоб бермайдиган адабиётлар чиқариб юборилади. Танлаш мақсади ва чегараси турли - тумандир. Танлаш жараёнида ҳужжатнинг мазмуни ва қиммати ғоявий нуқтаи - назардан ҳисобга олиб қаралади.

Турли -туман танлаш чегараси ичида асосий белги сифатида чекланган (расмий), мазмунан ва сифат белгисини ажратиш мақсадга мувофиқдир. Уларда библиографик ахборотнинг қидирув - хабар бериш ва баҳолаш вазифалари амалга оширилади.

Р а с м и й т а н л а ш д а библиографиялаш объектини ташқи чеклаш кенг (бир ёки бир неча кутубхонанинг фонди), расмий - нашриёт (нашр тури, нусхаси, ҳажми, кўпайтириш воситаси), хронологик (ҳисоб даври, ёзиш вақти), ҳудудий (нашр жойи), тили ва ҳ.к. лар бўлиши мумкин.

Библиографик фаолият амалиётида юқорида саналган расмий белгилар ҳаммаси бирга қўшилиб келади.

М а з м у н и г а к ў р а т а н л а ш жараёнида библиограф асарнинг мавзусига ўз диққатини қаратади. Йиғилган ҳужжатлар ичидан шу фан соҳаси, мавзу, муаммога, ҳудудий объектга, аниқ шахснинг (гуруҳнинг) ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган асарларни танлаб олади.

Танлашнинг энг юқори даражадаги методи с и ф а т и г а к ў р а т а н л а ш д и р, унда библиографик ахборотнинг баҳолаш вазифаси акс этади.

Сифатли танлашда аниқ контингент китобхонларининг мақсади, қизиқиш ва талаблари, тайёргарлик даражасига жавоб бермайдиган ахборот манбалари чиқариб ташланади.

Демак, сифат бўйича танлаш фақат тавсия (билим олиш, тарбия, тарғибот) мақсадида эмас, балки илмий-ёрдамчи мақсадларда ҳам амалга оширилади.

Бу танлаш методида библиограф китобхонлар қизиқиши руҳиятига кира олиши, уларнинг ахборот талабларини ўргана (тушуна) олиши зарур.

Ҳар бир танлаш усулларини бир-биридан ажралмаган ҳолда, бир-бири билан боғлиқ ҳолда қараш, қўллаш керак. Фақат бир метод асосий бош метод бўлиб, қолганлари қўшимча бўлиши мумкин. Ҳаммаси бириккан, бир-бирини тўлдирган ҳолда библиографик ахборотнинг асосий ижтимоий вазифалари (қидириш, хабар бериш, баҳолаш) нинг бирлигини акс эттиради. Буларни қуйидаги кўрсаткич мисолида кўриш мумкин.

“Ўзбекистон ССР тарихи” номли 4 томлик кўрсаткич. Мазмун чегараси танлаш асоси қилиб олинганлиги кўрсаткичнинг номидан ҳам маълум, шунинг билан биргаликда яна ички танлаш (яъни, қўшимча танлаш асоси ҳам мазмуний чегара бўлган, ҳамда хронологик рамка ҳам олинган асос сифатида: 1-томида 1917-1941 йилларгача бўлган тарих, 2-томида 1941-44 йиллар тарихи ва ҳ.к.).

Библиографик синтезнинг муҳим ишларидан бири библиографик ёзувларни группалашдир. У аниқланган ва танланган материалларни мантиқий ва бир тизимга келтириш, библиографик кўрсаткичда келтирилган босма асарлар ўртасидаги алоқани ўрнатиш кабиларни амалга ошириш

имконини беради. Материалларни группалаш ахборот истеъмолчисига ҳужжатлар манбалари ҳақида хабардор бўлишини таъминлайди, аниқ ҳолда ўзини қизиқтирган адабиёт ҳақида маълумотни тезроқ топишга ёрдам беради.

Материалларни группалаш (жойлаштириш) да раҳбар ва директив материалларни, мумтоз мерос ҳисобланган асарларни 1-ўринда бериш китобхоннинг диққатини тортади, бўлим ва бўлимчалар кетма-кетлиги уларнинг бир-бирига қарашлилиги улар ўртасидаги алоқаларни очиб беради. Библиографик тавсифлар кетма-кетлиги эса адабий манбалар билан танишиш кетма-кетлигини китобхонга кўрсатиб беради (айниқса тавсиявий жойлаштиришда).

Библиографик ахборотнинг бажарадиган асосий ижтимоий вазифасидан келиб чиққан ҳолда группалаш (жойлаштириш) нинг 3 методини ажратиш мумкин.

1) расмий, 2) мазмунига кўра,3) тавсиявий.

Р а с м и й ж о й л а ш т и р и ш аниқ бир ҳужжатни у ёки бу белгисига кўра қидиришга ёрдам беради ва у ҳужжатнинг ташқи белгиларига асосланади (тури, нашр йили ва жойи, нашр тили, муаллифи ва ҳ.к.). Бу жойлаштиришда асарнинг мазмуни ва сифат баҳоларига тўхталмайди. Масалан, бирор олим ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб тўзилган шахс кўрсаткичларида шахснинг асарлари нашр қилинган йили бўйича - хронологик тартибда жойлаштирилади, бу у шахс ижодининг ўсиш даражасини кўришга имкон беради.

М а з м у н и г а к ў р а ж о й л а ш т и р и ш маълум бир мавзу ёки соҳага оид матбуот асарларини аниқлашга ёрдам бериб, у системали, мавзули ва предмет тартиб бўлиши мумкин.

Системали жойлаштириш маълум бир тайёр универсал ёки соҳа классификация жадвалидан фойдаланиш билан амалга оширилади. Масалан, КБК ёки ЎКЖ (ўнли классификация жадвали).

М а в з у л и ж о й л а ш т и р и ш ички тўзилишининг камроқ қатъийлиги билан фарқ қилади (яъни, классификация жадвалининг бўлимларини,

бўлимчаларини номини тузувчилар ўз ҳоҳишлари билан ўзгартира олмайдилар, мавзули жойлаштиришда эса йиғилган адабиётларнинг мазмунига қараб, проспектда кўрсатилган бўлимча номи ўзгартирилиши мумкин). Бундай жойлаштиришда бўлимчалар сони, уларнинг тартиби, номларнинг шаклланиши кўпинча бир хил бўлмайди (ҳаттоки бир-бирига яқин мавзудаги кўрсаткичларда ҳам).

Предметли жойлаштириш ахборот истеъмолчисига аниқ, тор масала бўйича керак бўлган ҳужжатни тез топиш имконини беради. Бу тартиб кўпроқ мутахассисларга, тайёргарлиги етарли бўлган китобхонларга мўлжалланган тармоқ илмий-ёрдамчи библиографик кўрсаткичларда қўлланилади.

Т а в с и й а в и й ж о й л а ш т и р и ш аниқ матбуот асарни топиш, адабиётга қўлланмани тузувчиси нуқтаи-назаридан мурожаат қилиш тартибини кўрсатиш вазифасини бажаради. У педагогик мақсади билан характерланади. Амалиётда тавсиявий жойлаштиришнинг турли йўллари: умумийдан хусусийга қарата (мавзунинг ривожланишига кўра), тушуниш даражаси бўйича (энг осондан мураккабга қарата) ёки тавсия этилаётган асарнинг қийматига кўра жойлаштириш қўлланилади. Танланган тартиб албатта қўлланманинг сўз бошида асосланиб берилиши, бўлимларга изоҳларда зарур тушунтиришлар берилиши зарур.

Тавсиявий жойлаштиришда библиографик ахборотнинг баҳолаш вазифаси сўзсиз амалга оширилади. Библиографик ахборотнинг бу вазифаси умумий аҳамиятга эга бўлганлиги учун тавсиявий жойлаштиришни фақат кам тайёргарликка эга бўлган китобхонларгагина эмас, балки малакали ахборот истеъмолчилари - мутахассислар, илмий ходимлар учун мўлжалланган библиографик кўрсаткичларда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бу юқоридаги методлардан ташқари яна бошқа методлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, содда ёки мураккаб жойлаштириш. Масалан, кўрсаткич материаллари умумийдан хусусийга қарата жойлаштирилиши мумкин, бунда

материал бўлимларга бўлинмайди, кичик обзорларда шундай жойлаштирилиши мумкин.

Мураккаб жойлаштириш библиографияланаётган материални синфларга, бўлим ва бўлинмаларга бўлиниши билан характерланади. Ҳар бир кичик бўлинма ичида ҳам материал олдиндан ўйланган кетма-кетликда жойлаштирилади. Бунга “Китоб солномаси” да материаллар - библиографик ёзувларнинг жойлашуви мисол бўла олади.

Мураккаб жойлаштириш библиографиялаш объектининг мазмуни ва шаклини ҳар томонлама очишга ёрдам беради. Лекин бундай мураккаб жойлаштиришда китобхоннинг ҳамма сўроқларига ҳам жавоб топиш қийин. Масалан, маълум бир ҳудудга бағишланган ёки бирон-бир тилда чиққан адабиётни бундай мураккаб жойлаштиришда кўрсаткичнинг бошидан охиригача кўриб чиқиш керак бўлади.

Демак, ҳар қандай жойлаштиришнинг имкониятлари ҳам чекланган экан. Бундай камчилик қўлланмага ёрдамчи кўрсаткич тўзиш билан бартараф этилади. Бу кўрсаткичлар асосий жойлаштириш методининг мантиқий давоми бўлиб, у библиографик қўлланманинг қидириш ва топиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Шунинг учун ҳам ёрдамчи кўрсаткичларни тўзиш якунловчи босқич эмас, синтетик босқичга киради.

Ҳар қандай ёрдамчи кўрсаткич тушунчаларнинг ягона белгилари бўйича бир-бири билан боғланган маълум бир тартибдаги р ў й х а т и д и р. Бунда кўрсаткичнинг ҳар бир рукнидан асосий матн саҳифасига ёки рўйхатга олиш тартиб рақамига йўналтириш берилади.

Ёрдамчи кўрсаткичлар ҳар хил бўлади, уларни танлаш қўлланманинг мақсади, китобхонлик доираси, материалларни группалаш усулига қараб белгиланади.

Уларга қуйидагиларни айтиш мумкин: муаллифлар кўрсаткичи, исмлар, предмет, географик номлар, сарлавҳалар, тиллар, туркумлар, хронологик, вақтли ва давомли нашрлар, манбалар кўрсаткичлари. Яна айрим ҳолларда кўрсаткичнинг хусусиятига қараб бошқа ёрдамчи кўрсаткичлар ҳам берилиши

мумкин, масалан, тахаллуслар, минераллар, ўсимликлар номларининг рўйхати ва ҳ.к.

Муаллифлар кўрсаткичи кенг тарқалган. Унинг ёрдамида шу қўлланмада акс эттирилган у ёки муаллиф - шахснинг асари аниқланади. Лекин бу кўрсаткич орқали муаллифнинг аниқ бир асарини топиб бўлмайди. Шунинг учун бу кўрсаткичга муаллифнигина эмас, асар сарлавҳаларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир.

Исмлар кўрсаткичи эса умуман кўрсаткичга киритилган асарларни яратилишида иштирок этган муҳаррирлар, мусаввирлар, таржимонлар, муаллифлар, ҳамда алоҳида олинган шахслар - яъни бирор бир шахснинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги асарларни топиш имконини беради. Бунда муаллифдан бошқа шахсларнинг касбига оид маълумот кўрсатилади, яъни муҳаррир, мусаввир, таржимон сўзлари шу шахснинг фамилиясидан кейин қисқартирилган ҳолда берилади. Шахс ҳақидаги асар ҳам ажратилади, масалан, Ибн Сино ҳақидаги асарни топишда Ибн Синодан кейинги думалоқ қавс ичидаги рақам остида тасвирланган адабиётни топишимиз керак экан, агарда рақам думалоқ қавссиз берилган бўлса, у ҳолда бу рақам остида тасвирланган асар Ибн Синонинг ўзини асари ҳисобланади.

Комплекс ёки универсал характердаги қўлланмаларда шахснинг касби, мутахассислиги, унвони (масалан, артист, халқ ўқитувчиси, геолог, давлат қаҳрамони ва ҳ.к.лар) бўйича бериш мақсадга мувофиқдир.

Библиографик қўлланмаларда тор мавзу, тушунча ёки масалалар бўйича материал танлаш имконини берувчи предмет кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткични тўзиш библиографдан чуқур билимни, иш мобайнида фақат библиографик ёзувларгагина эмас, балки босма асарнинг ўзига ҳам мунтазам мурожаатетишни талаб қилади. Уни тўзишда библиографияланаётган ҳужжатда ёритилган мавзу ва масалаларни, рукнларни аниқ белгилаб олиш керак.

Ўлкашунослик библиографик қўлланмаларида, универсал кундалик ва ретроспектив қўлланмаларида алоҳида вилоятлар, шаҳарлар, туманлар,

қишлоқлар, дарё ва қўллар, йирик иншоотлар ҳақидаги адабиётларни тез топишга ёрдам берувчи географик номлар кўрсаткични ҳам бериш мақсадга мувофиқдир.

Туркумлар кўрсаткичи алоҳида туркумларда нашр қилинган адабиётларни қидириб топишни осонлаштиради. Бу кўрсаткич асосан китоб ва кичик рисолаларни тўлиқ ҳисобини олиб борувчи давлат библиографик кўрсаткичларида жуда муҳимдир.

Илмий-тадқиқот институтлари, ўқув муассасалари томонидан тайёрланган ишлар, вақтли нашрларни ёритувчи библиографик қўлланмаларда жамоа, асарлар нашретувчи ташкилот ва муассасалар кўрсаткичини бериш фойдали.

Мавзули, топографик, типографик, хронологик кўрсаткичлар библиографик қўлланмаларда кам учрайдиган ёрдамчи кўрсаткичлардир. Мавзули кўрсаткичлар асосан ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий адабиётларга тўзилган қўлланмаларда, хронологик кўрсаткич эса кўпроқ йирик репроспектив ёки шахс кўрсаткичларида тўзилиши мумкин.

Ҳажми катта бўлган библиографик қўлланмаларга ёрдамчи кўрсаткич тўзиш библиографдан катта меҳнат ва кўп вақт талаб қилади.

Ҳозирда кўпгина чет давлатларда библиографик қўлланамаларнинг йирикларини чиқариш тезлигини ошириш натижасида ёрдамчи кўрсаткичнинг янги тури - пермутацион кўрсаткич (инглизчадан переставлят - кўчирмоқ деган маънони англатади) вужудга келган. Бу кўрсаткичнинг энг яхши томони уларни ЭҲМ ёрдамида тез тўзиш мумкин.

Қўлланма устида ишлаш

1) қўлланманинг справка-методик аппаратини тайёрлаш,
2) қўлланмани таҳрир қилиш,
3) расмийлаштириш

ишлари билан якунланади.

Қўлланманинг ёрдамчи кўрсаткичларидан ташқари унга с п р а в к а - м э т о д и к а п п а р а т ҳам тўзилиб, у с ў з б о ш и , к и р и ш с ў з и (мақоласи) ва и з о ҳ л а р (кўрилган манбалар, шартли қисқартмалар рўйхати, методик маслаҳатлар ва ҳ.к.лар) ни ўз ичига олади.

С ў з б о ш и д а қўлланманинг мақсади, китобхонлик доираси, характери, уни тўзишда қўлланилган муҳим услублар ҳақида маълумот берилади. Сўз боши ҳам қандай библиографик қўлланма (йирик кўрсаткич, библиографик обзор, тавсия кўрсаткичи, эсдалик ёки ахборот бюллетени)да берилиши керак. Ундан китобхон фойдаланиш бўйича йўлланма олади.

К и р и ш м а қ о л а с и эса йирик ретроспектив кўрсаткичларда берилади. У қўлланманинг илмий муҳаррири томонидан ёзилади, у қўлланма мавзуси бўйича адабиётларнинг ривожланиш тарихи ва ҳозирги аҳволи ҳақида қисқача обзор сифатида бўлади. Кириш мақоласи мавзу бўйича қўшимча материал бўлмай, балки унинг таркибий қисми бўлиши зарур. Қўлланмада берилган адабиётларни таҳлил қилиш асосида берилган умумлашган статистик материаллар ва хулосалар берилиши муҳимдир.

Турли и з о ҳ л а р ичида (асосан кундалик ва ретроспектив кўрсаткичларда) к ў р и л г а н м а н б а л а р р ў й х а т и алоҳида аҳамиятга эга. У ушбу библиографик ишнинг қандай реал асосда бажарилганини кўрсатади. Унда ҳамма кўрилган манбалар берилади. Ундаги материаллар ҳажми кенг бўлса, уларни турлари бўйича группалаб бериш мақсадига мувофиқ: библиографик қўлланмалар, кутубхона каталоги ва картотекалари, вақтли ва давомли нашрлар, тўпламлар ва ҳ.к. лар.

Изоҳларга қ и с қ а р т м а л а р р ў й х а т и ҳам киради, қисқартиришлар қабул қилинган қоида асосида бажарилиши лозим.

Кўпгина тавсия кўрсаткичларида илова сифатида “Кутубхоначига маслаҳатлар” берилади. Унда қўлланмадан китоб фондини тўлдириш, кўргазмалар ташкил қилиш, китобхонлар конференцияси, адабий кечалар, обзорлар, суҳбатлар ўтказишда фойдаланиш бўйича методик тавсиялар берилади.

“Маслаҳатлар” да якка ўқишга раҳбарлик қилиш бўйича кўрсатмалар ҳам берилади.

Айрим қўлланмаларда алоҳида илова сифатида қўлланманинг фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш бўйича сўроқ варақаси, географик хариталар ёки жойларнинг схематик режалари (айниқса, географик, мамлакатшунослик, ўлкашунослик кўрсаткичларига), ҳайоти ва фаолийатининг асосий саналари (шахс кўрсаткичларига), иллйустратив материаллар ҳам келтирилади.

Библиографик қўлланманинг асосий мазмуни ва методик аппаратининг элементлари мундарижада келтирилади. Мундарижа қўлланманинг бошида ёки охирида берилади.

Библиографик қўлланмани нашрга тайёрлаш даври уни таҳрир қилиш ва расмийлаштириш билан якунланади.

Қўлланмани таҳрир қилиш мураккаб ва масъулиятли иш бўлиб, у 3 та бир-бири билан боғланган иш жараёнидан:

а) илмий, б) адабий, в) библиографик

таҳрирдан ташкил топади.

Библиографик қўлланмани илмий таҳрир қилиш - уни юқори илмий сифатини таъминлаш демакдир. Одатда илмий муҳаррир соҳани яхши билган, ҳар томонлама, чуқур ўрганган библиограф ёки соҳа мутахассиси (инженер, ИТИ нинг илмий ходими, ОЎЮ нинг ўқитувчиси) бўлиши мумкин.

Қўлланмани адабий таҳрир қилиш ҳам илмий таҳрир қилиш каби жуда мураккаб ва масъулиятли бўлиб, ҳар қандай матнни диққат билан ўқишни, имло хатоларини тузатиш, гаплар жумлаларини тўғри тўзилишини, сўзларнинг ортиқча такрорланмаслигига эришишни таъминлайди. Адабий муҳаррир филолог бўлиши, тил ва адабиёцирларини чуқур билиши мақсадга мувофиқдир. У асосан қўлланманинг сўз боши, кириш сўзи, библиограф томонидан ёзилган аннотация матнига кўпроқ аҳамият бериши лозим, чунки сўз боши ва кириш сўзи қўлланманинг асосий мазмунини акс эттиради. Бўлимлар, бўлинмалар, рукнлар номлари ҳам адабий муҳаррир томонидан

кўриб чиқилади. Бўлинмалар номлари киритилган адабиётлар мазмунидан дарак бериб турадиган, чиройли шаклланган бўлиши лозим.

Адабий таҳрирдан сўнг қўлланмани б и б л и о г р а ф и к т а ҳ р и р қ и л и ш бошланади. Биглографик таҳрир библиограф томонидан бажарилади, чунки библиографик қўлланмада тавсифларнинг тўғри ёки нотўғрилигини фақат библиограф ажрата олиши мумкин. Библиографик таҳрир ёки муҳаррирлик библиографик тавсифларнинг давлацтандарти бўйича ягоналигини таъминлайди. Бу муҳаррирликнинг қўлланмани нашрга тайёрлашдаги роли жуда муҳимдир.

Қўлланмани р а с м и й л а ш т и р и ш ҳам жиддий иш бўлиб, қўлланманинг фойдаланилиш фаоллиги кўп ҳолларда унга ҳам боғлиқ. Чунки кўп ҳолларда китобнинг ташқи безатилиши китобхоннинг диққатини тортганидек, библиографик қўлланманинг чиройли безатилиши, ранги ва номининг жарангдорлиги долзарблиги албатта истеъмолчини айрим ҳолларда диққатини тортишга хизмат қилади.

Ҳар қандай библиографик қўлланма муқовадан кейин титул варағи билан очилади. Титул варағида тузувчи (лар) нинг фамилияси ва исми - шарифи, унвонлари, илмий даражалари кўрсатилиши шарт. Айрим ҳолларда тузувчининг фамилияси ва исми-шарифи титул варағининг орқасида берилиб, кетилади. Яна титул варағида қўлланманинг номи ва унга тааллуқли маълумотлар (”китоблар ҳақида суҳбатлар”, “адабиётларнинг тавсия кўрсаткичи” ва ҳ.к.), нашрнинг такрорланиш маълумотлари, чиқиш маълумотлари (чиқиш жойи, нашриётнинг номи, йили), қўлланмани чиқараётган ёки нашрга тайёрлаган муассасанинг номи кўрсатилади. Асосий титул варағидан ташқари бошқа титул маълумотлари ҳам бўлиб, унда туркум ҳақида маълумотлар, матнни чет тилидан таржимаси ҳақидаги маълумотлар берилади. У контртитутл ҳисобланади. Шмутститулда қўлланманинг қисми, ёки бўлимнинг номи, колонтитулда эса ҳар бир саҳифа юқорисида рукнлар ва кичик рукнлар кўрсатилади.

Шу ҳамма титул варағидан сўнг юқорида айтилган сўз боши ва кириш сўзлари берилади.

Қўлланмани полиграфик безатилишида иллюстратив материаллар (расмлар) муҳим рол ўйнайди. Шахс ва библиографик кўрсаткичларда одатда шу шахснинг портрети берилиши мумкин. Муқовада, титул варағида ва бошқа варақларда ҳам қизиқарли ва муҳим аҳамиятга эга бўлган асарларининг расми, унинг ҳаётидаги энг қизиқарли учрашувлар туширилган расмлар берилиши мумкин.

Қўлланма мавзусига оид мусаввир томонидан чизилган суратлар кўпинча тавсия кўрсаткичларида учрайди, бундай расмлар муқовада берилади ва улар кўп ҳолларда нашрнинг ташқи кўринишини ҳам яхшилайди, шунинг билан бирга китобхонларнинг диққатини тортиб, унинг қизиқишини орттириши ҳам мумкин.

Ҳозирда библиографик қўлланмалар кўп ҳолларда нуша кўпайтириш аппаратлари ва оператив босма аппаратлари ёрдамида чиқарилади. Босмахона шакли ҳам катта аҳамиятга эга. Нашриётда босилган билан ротапринтда кўпайтирилган асарларнинг фарқи каттадир. Шунинг учун библиографик қўлланмаларни босиб чиқаришда, буларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниши зарур.

Қўлланманинг ҳажмига қараб унинг шакли аниқланади, қоғозлари танланади. Муқовада номини қандай харфлар билан бериш зарурлиги ва қўлланманинг умумий нусхаси белгиланади.

Шундай қилиб, ҳар қандай библиографик қўлланмани (библиографик кўрсаткич, адабиётлар обзори, библиографик картотекалар) тўзишда библиографиялашнинг бир-бири билан мантиқий боғлиқ бўлган ва бир-бирини давом эттирувчи 4 асосий босқичда иш олиб борилади: тайёрлов, библиографиялашнинг таҳлилий босқичи, синтетик ва якунловчи босқичлар.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Библиографиялаш жараёни ҳақида умумий маълумот беринг.
2. Библиографиянинг асосий босқичлари ва уларнинг вазифаларини гапириб беринг.

3. Библиографиялашнинг тайёрлов босқичи иш жараёнларини гапириб беринг.

4. Библиографиялашнинг таҳлилий босқичида қайси ишлар амалга оширилади?

5. Библиография лашнинг синтез босқичи иш жараёнларини тушунтириб беринг.

6. Якуний босқичда қандай ишлар амалга оширилади ва уларнинг аҳамияти нимада?

5-МАВЗУ. БИБЛИОГРАФИНИНГ ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИНИ БЕЛГИЛАШ

Р е ж а :

1. Ҳужжатлар коммуникацияси тизими,
2. БА шаклланишининг манбалари,
3. “Китоб-китобхон” муносабати - библиографик ахборотни вужудга келтирувчи омил,
4. Библиографик ахборотнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари,
5. БА мавжудлигининг шакллари.

Таянч иборалар: *ҳужжат, исте'молчи, ҳужжатлар коммуникацияси тизими; библиографик хабар, библиографик ёзув, библиографик тавсиф, библиографик ахборот, библиографик қўлланма.*

Ҳужжатлар коммуникацияси тизими

Босма сўз, я'ни китоб ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилидир. Китоблар ўзида қадимда яшаган кишилар ва замондошларимизнинг билим ва тажрибалари, ақл-заковатлари ва ижодий фикрлари ҳамда ҳаёлий орзуларини

акс эттиради. Қисқаси, китобда инсоният ақл-заковатининг ютуқлари акс эттирилади.

Қадимда инсонлар китобсиз яшаганлар. Улар бир-бирлари билан оғзаки фикр алмашиш билан чекланганлар. Жамият тараққиёти ва тнсон билимининг кенгая бориши туфайли оддий сўз билан фикр алмашиш камлик қилган. Кишиларда олган билимлари ва тажрибаларини бир-бирига узатишнинг, авлоддан-авлодга қолдиришнинг мураккаброқ шаклини вужудга келтириш эҳтиёжи туғилган.

Кишилар инсоният билимини сақлаб қолиш, тарқатиш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлган воситани - ёзувни, қўлёзма китобни яратдилар. Биринчи қўлёзма китоб ва унинг китобхонларини пайдо бўлиши ҳужжатлар коммуникацияси (алоқа йўллари) тизимининг пайдо бўлишини англатади.

Аммо қўлёзма китоб ўзининг ноёблиги, улкан моддий қиммати ва етиб бориши қийин бўлганлиги туфайли жуда чекланган ҳолда билим манбаи вазифасини бажарар эди, холос.

Китоб ишлаб чиқариш ва тарқатиш усулини тубдан ўзгартириш зарур эди. Бу ўзгаришни китоб босиш иши, я'ни босма китобнинг яратилиши киритди. Босма китобнинг вужудга келиши ижтимоий ҳаётнинг тақозоси эди.

Қўлёзма китоб, кейинчалик босма китоб вужудга келмаганда асрлар оша йиғилиб борилган моддий бойликлар бизгача етиб келмаган бўларэди. Босма китобнинг яратилиши “китоб-китобхон” тизимини вужудга келтирди, улар ҳужжатлар алоқа йўллари тизимида бош ролни эгаллади. Лекин шунинг билан бирга сотсиал ахборотни ўзида акс эттириб борувчи, турли усулда қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш воситалари ҳам яратила борди. Натижада ҳужжатлар ва ахборот исте'молчилари мулоқоти тизимида уларнинг асл хилма-хиллиги ортади. Ҳозирда бу тизим инсон фаолиятининг кенг кўламдаги, фавқулодда мураккаб тўзилишга эга бўлган, кенг тарқалган ва табақалашган соҳаси ҳисобланади. Уни кўриб чиқиш учун у билан боғлиқ бўлган асосий тушунчаларнинг та'рифини келтириш зарур.

1. Ҳужжат (Ҳ) - инсоният яратган сотсиал ахборот манбаи бўлиб, сақлаш ва тарқатиш вазифасини бажаради.

2. Ахборот исте'молчиси (талабчиси) - ахборотдан турли (илмий, ишлаб чиқариш, ижодий, ўқув ва ҳ.к.) мақсадларда фойдаланувчи шахс ёки гуруҳ (жамоа).

3. Ҳужжатлар коммуникацияси (ҳужжатлар ахборот тарқатиш - алоқа йўллари) жамиятда ҳужжатлар ёрдамида ахборотни тарқатиш (етказиш) усуллари ёки жараёнлари.

4. Ҳужжатлар коммуникацияси тизими (ҳужжатлар ва ахборот исте'молчилари мулоқоти тизими) умуман жамиятда ҳужжатлар мавжудлиги ва ахборот исте'молчиларига уларни етказиш тизимидир.

Кенг ахборотлар мулоқоти тизимининг кичик тизими ҳисобланган у сотсиал ахборотни тарқатувчи сифатида ҳужжатларни қидириш, аналитик-синтетик қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш ва фойдаланишни та'минлайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳужжатлар ва ахборот исте'молчилари мулоқоти тизими ҳамма ҳужжатлар, ҳужжатлаштирилган ахборотнинг исте'молчилари ва улар ўртасидаги ички ва ташқи шарт-шароитларга хос муносабатларнинг мажмуасидир.

Ҳужжатли ахборот алоқа йўллари тизими инсон фаолиятининг барча соҳаларига хизмат қилади. Ҳозирги кунда унинг аҳамияти катта. Ҳужжатлар алоқа йўллари тизимига махсус бу тизимнинг мавжудлиги ва ривожланишини та'минловчи, махсус шу мақсад учун тўзилган қатор ижтимоий институтлар, жумладан, нашриёт-таҳририят иши, китоб савдоси, кутубхоначилик иши, архив иши, илмий-ахборот фаолияти ва ниҳоят, библиографик фаолият киради.

Шуни та'кидлаш керакки, матбуот асари юқори даражада инсоннинг сотсиал ахборотни қабул қилишда физик имкониятлари ва руҳий хусусиятларига мос келади ва шу ма'нода улар тенги йўқ. Шу сабабли, фан-техника тараққиёти ахборотни ҳужжатли акс эттиришнинг узоқ муддатли янги технологияларини вужудга келиши билан ўзгартиришлар киритмасин, босма

асар ҳужжатлар алоқа йўллари тизимининг энг асосий таркибий қисми бўлган, шундай ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

Китоб, журнал, газета ва ахборотнинг бошқа ҳужжатли манбалари (ҳозирда, айниқса электрон ҳужжатлар) жаҳон бўйича тўхтовсиз ўсмоқда. Босма китоб тахминий ҳисоб бўйича 1500 йили 30800 номдаги (инкунабул) китоблар, ХЙИ асрда 285800, ХЙИИ асрда 972000 ва ҳ.к. 1908 йилда жаҳонда 10 378 500 номдаги босма китоб ҳисобга олинган. Ҳозирги кунда жаҳонда чиққан китобларнинг аниқ ҳисобини олиш қийин, тахминий ма'лумотларга кўра у 50-70 миллионгача номга етади.

Шунингдек, жаҳон бўйича чиқаётган журнал ва газеталарни ҳам аниқ ҳисобини олиш қийин. Турли ма'лумотларни умумлаштириб кўрилганда жаҳон бўйича 70-80 минг номда журнал ва давомли нашрлар, 50 минггача кунлик газеталар чиқариларекан. Ҳозирда инсониятега бўлган матбуот асарларининг умумий ҳажми улкан миқёсдадир. Шу билан бирга бизнинг ахборотни қабул қилиш имкониятларимиз чекланган.

Ҳар куни юз бетдан ўқиган китобхон бир йилда ўртача 300 сахифалик китобдан 120 тасини ўқирекан. Энди 40 та тилни биладиган химик-олим бир хафтада жаҳон бўйича чиқаётган химияга оид илмий журналларни кўришга 40 соацарфласа, бунда у бир соатда 3 тадан мақола кўра олса, 50 йиллик тинмай ишлаши натижасида у фақат шу соҳага оид бир йиллик журналлар тўпламини кўриб чиқишга улгурарекан. Айни вақтда бундай ҳужжатлар ичидан нимани ва қандай ўқиш керак, деган савол туғилади. Инсон қўлига тушган ҳамма ҳужжатни бирор бир тартибсиз ўқиши ҳам мумкин эмас. Академик С.И.Вавиловнинг ибораси билан айтганда “ҳозирги замон кишиси кутубхоналар гималайи олдида қумлар орасидан олтин заррасини қидириб топиши керак бўлган олтин қидирувчидек аҳволдадир”.

Бу ҳолатда у зарур ахборот манбаини топиш ва аниқ танлашни а'минловчи ихтитсосли ёрдамга муҳтождир. Ўз навбатида ҳужжат ва исте'молчи ўртасида жамиятда йиғилган улкан ҳужжатлар ресурсларини

самарали ва оқилона фойдаланишга та'сир кўрсатувчи махсус воситачига эҳтиёж сезилади. Шу воситачи б и б л и о г р а ф и й а д и р .

“Китоб-китобхон” муносабати - библиографик ахборотни вужудга келтирувчи омил

“Китоб-китобхон” муносабати таҳлил қилинганда китоб китобхонга қарши туради, чунки китобда инсон онгида бўлмаган, лекин у ўзлаштириб олиши мумкин ва (ёки) зарур бўлган ахборот мавжуд. Бу қарама-қаршилик мавжуд экан, “китоб-китобхон” муносабати ҳам мавжуд ва сақланади. Китобхон китобни ўқиб бўлгач, улар орасидаги зарур алоқа йўқолади, китобнинг мазмуни китобхон онгига сингийди, у билан тенглашади.

Қуйидаги сабаблар “китоб-китобхон” муносабатини вужудга келтиради:
1-мисол: оддий “Ўзбекистон тарихи” мактаб дарслигини ва шу соҳада ишлаётган олимни олайлик. Бу ҳолда ҳужжат исте'молчи онгида бўлмаган ахборотни акс эттирмаган ва улар орасидаги дарсликни ўқиб бўлгунгача бўлган бир хиллик йўқ.

2-мисол: китобхоннинг қулида у тушунмайдиган тилда ёзилган китоб. Китоб китобхонни қизиқтирадиган ахбортни акс эттирадиган бўлса ҳам у бу ахборотни ўзлаштира олмайди.

3-мисол: китобнинг мазмуни тушунарсиз бўлганлиги сабабли ҳам китобхон уни ўқий олмайди.

Мана шу уч мисол китоб ва китобхон ўртасида мувофиқлик йўқлигини билдиради. Лекин мувофиқликнинг бундай йўқлиги мутлақ, ўткинчидир. Олим билан тарих дарслиги орасида муносабат агар олим бу китобни тақризлаш мақсадида ундаги далилларнинг илмийлигини, тўлиқлиги, материалнинг баён қилиниш шакли нуқтаи-назаридан баҳо бермоқчи бўлган ҳолда пайдо бўлади. Хорижий тилдаги китоб билан эса китобни китобхоннинг она тилига таржима қилинганда ёки китобхон бу тилни ўрганган ҳолда пайдо бўлади. Мазмуни тушунарсиз китоб билан китобхон ўртасида ҳам китобхон

бу соҳада энг юқори ма'лумот даражасини эгаллаб тушуна оладиган бўлган ҳолда муносабат пайдо бўлади.

Ўқиш жараёни ахборотни қабул қилиш жараёни сифатида шахс билимини кенгайтиради ва чуқурлаштиради, унинг китобхонлик қизиқишларини ва имкониятларини ривожлантиради.

Демак, ҳужжат ва исте'молчи ўртасидаги мувофиқлик библиографик ахборот назарияси учун муҳимдир. У ҳужжат ҳар доим қандайдир исте'молчига, ма'лум ахборот талабчилари гуруҳига қарши туришини кўрсатади. Улар орасидаги бу мувофиқлик “ҳужжат-ахборот исте'молчиси” муносабатининг пайдо бўлиши ва мавжудлигининг зарур шартидир.

Юқоридаги муносабатлар ҳар доим ҳам бевосита алоқа йўли билан ҳал қилинмайди, акс ҳолда хеч қандай воситачига эҳтиёж бўлмас эди.

Ҳужжатлар алоқа йўллари тизимида зарур ахборотни олишга тўсиқлик қиладиган ички сабаблар - қарама-қаршиликлар мавжуд бўлади. Бу қарама-қаршиликлар, тўсиқлар ҳужжатлар сонининг кўплиги ва турли-туманлиги, ахборотнинг ҳужжатли манбалари аҳамиятининг ўсиши натижасида пайдо бўлади. Бу тўсиқлар - макон, географик, сон, мазмун, сифат, тил, қидириш-стратегик, вақт, иқтисодий, корхона, нашриёт-таҳририят, кутубхона-библиографик тўсиқларидир. Бу тўсиқлар ҳужжатлар алоқа йўллари тизимининг тартиб-қоида асосида ҳаракатланишига, ривожланишига тўсқинлик қилади.

Шундай қилиб, “ҳужжат-ахборот исте'молчиси” муносабати ўзининг ички хусусиятларига кўра ҳужжат ва ахборот исте'молчилари орасидаги мувофиқликни амалга ошириш мақсадида ўзида вужудга келадиган ахборот тўсиқларини бартараф этувчи махсус воситага заруратни келтириб чиқаради.

Библиографик ахборотнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари

Ҳужжатлар яратилиши билан жамият орасида кенг тарқалиб кетади. Ҳужжатлар сони, турининг кўпайиши натижасида бу ҳужжатларни узоқ

муддацақлаш ва фойдаланилишини та'минлаш учун биринчи навбатда инсоннинг қиладиган иши - бу шу ҳужжатларни ма'лум бир жойда тўплайди.Айнан қадимги кутубхоналар - ҳужжатлар алоқа йўллари тизимидаги дастлабки тарихий ижтимоий институтлар шу йўсинда пайдо бўлган.

Библиографик ахборотерамиздан аввалги уч минг йилликда Қадимги Шумерда вужудга келган. Шумер подшолиги кутубхоначилари катта ёпиқ қутиларда ёки саватларда миххат матнли лой табличкаларни сақлаганлар.

Ниппурдаги саройда шундай лой табличкаларнинг бир неча минги топилган. Шубҳасиз, шунча катта сонли табличкалар ичидан кераклисини топиш осон бўлмаган. Қадимги Шумер кутубхоначилари бу аҳволдан қутулиш йўлини топдилар. Улар ҳар бир қути ёки саватларни шу қути ёки саватда сақланаётган ҳужжатлар рўйхати берилган алоҳида табличка, ўзига хос ёрлиқ билан та'минладилар. Бу рўйхатлар ўша давр кутубхоналарида мавжуд бўлган ҳужжатлар мазмуни ва таркиби ҳақида тушунча берувчи ва уларни қидиришни осонлаштирувчи биринчи кутубхона каталоглари эди. Шундай қилиб, Шумер кутубхоначиси библиографик ахборотнинг биринчи каталог шаклини кашф этди.

Кейинчалик каталоглар йирик кутубхоналарнинг зарур воситаларига айланган.

Эрамиздан аввалги VI асрда ўша даврда Уссурия шохи Ашурбанипалга қарашли Ниневия кутубхонасининг каталоги бир неча ўн минглаб асарлар йиғилган тараққий этган кутубхонанинг каталоги эди. У фондда ўша даврда ма'лум бўлган фаннинг ҳамма соҳаларига оид лойдан жадваллари бўлган. Бу каталогни кутубхонада ишлаган олимлар ва хаттотлар тузганлар.

Қалимги Мисрнинг Эдфу шаҳрида “Дом папируса” (“Папирус уйи”) деб номланган кутубхона бўлган. Бироқ бу кутубхонанинг бирорта қўлёзмаси сақланмаган. Кутубхонанинг бизгача сақланиб қолган каталогидан унинг фонди қандай таркибда бўлганлигини айтиш мумкин. У каталог кутубхонанинг тош деворларидан бирига ўйиб ёзилган. У икки қисмдан

иборацистемали каталог эди. Унинг 1-қисми 12 қутининг, 2-қисми эса 22 қутининг мазмунини очиб берган.

Эллинистик Мисрнинг йирик кутубхоналаридан бири Александрия кутубхонаси бўлиб, ўз даврида энг тараққий қилган, миллионга яқин кўп тиллардаги ҳужжатларни ўз ичига олган.

Эрамиздан аввалги Ш асрда Александрия кутубхонасининг бош кутубхоначиси, олим ва шоир Каллимах “Фан соҳаларининг ҳаммасида машхур бўлган кишилар (ва улар ёзган асарлар) нинг жадвали” (“Таблитсы тех, кто прославился во вцех областях знаний (и того, что они написали)” номли адабий-тарихий ва библиографик асар яратган. У фақатгина системали каталог бўлмай, балки яна ўша давр грек адабиёти ҳам унда тасвирланган эди.

Қадимги Гретсияда ҳам эрамиздан аввалги ЙИ асрда Аристотел “Дидаскали” номли библиографик асарини яратган. Қадимги Римда машҳур шахслар (олимлар, ёзувчилар, шоирлар, императорлар, лашкарбошилар) ўз асарлари рўйхатини тузганлар. Масалан, Ситсерон ва антик дунё врачи Галенлар.

Антик дунёнинг емирилиши билан у яратган китоб маданияти ҳам емирилди, вайрон бўлди. Ҳужжатлар алоқа йўллари тизими ўзининг бошланғич даврига қайтди.

ХИИ асрда Европада университетлар, улар қошида эса кутубхоналар пайдо бўлди, уларда китоблар тасвирланди, энг яхши китобларнинг рўйхатлари ва каталоглари тўзилди. Ўрта асрлар охирига келиб Европада қўлёзма китоблар сони қадимги дунёдагидан ҳам кўп эди.

Бироқ, Европада ҳужжатлар мулоқоти тизимидаги ҳақиқий ўзгариш босма китобнинг кашф қилинишидан кейин юз берди. Бу янги тикланиг даврига тўғри келди. Антик дунё маданияти, инсон билимини акс эттирган ривожланишга якун ясовчи йирик библиографик асарларга эҳтиёж пайдо бўлди. Бу борада Швейсария олими ва библиографи Конрад ГЭСнер (1516-1565) тузган “Всеобщая библиотека” номли йирик библиографик асар диққатга сазовордир. Гэснер ўша давр жаҳон қўлёзма ва босма китобларининг

20 фоизга яқинини бу библиографиясида ҳисобга олишга эришган. Кейинчалик бирон та библиографик асарда ҳужжатларни қамраб олишда бунчалик юқори даражага эришилмаган.

Худди шу даврда Европада библиографик ахборот тўзиш ва тарқатишнинг муҳим воситаси бўлиб қолган яна бир жамоат институти - китоб савдоси пайдо бўлди. 1564 йилда кузги Франкфурт кўргазмасида биринчи марта кўргазмага сотиш учун қўйилган китобларнинг йиғма каталоги пайдо бўлди, бу китоб савдоси библиографиясининг биринчи манбаини вужудга келиши эди.

Шундай қилиб, ҳужжатлар ва ахборот исте'молчилари мулоқоти тизими мавжудлигининг дастлабки босқичида библиографик ахборот пайдо бўлди ва у икки асосий йўналишда ривожланди:

- Библиографик ахборотнинг каталог шакли (бу бир кутубхонанинг фонди ва унда ҳужжатларнинг жойлашган ўрни кўрсатилган бўлса),

- Библиографик ахборотнинг бошқа шакллари (бунда эса аниқ бир фондда библиографияланаётган ҳужжатларнинг сақланиш ўрни билан боғлиқ чекланишнинг йўқлиги билан характерланади).

Библиографик ахборотнинг библиографик воситачиликдаги ўзига хос хусусияти шундаки, библиографик ахборот ривожланишида ахборот исте'молчиларига ҳужжатнинг ўзи эмас, у ҳақидаги ма'лумот ҳаракати ташкил қилинади. Бу ма'лумотдан ҳужжатнинг ўзисиз, алоҳида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам библиографик ахбороцотсиал ахборотнинг алоҳида тури сифатида иккиламчи - ёрдамчи (воситачи) ҳисобланади.

Библиографик ахборот мавжудлигининг шакллари

Библиографик хабар

Библиографик ахборотнинг мавжудлик шакллари хилма-хил ва тарихий ўзаро боғлиқ. Лекин ҳар қандай библиографик ахборот таркиб топадиган бўлакча - библиографик хабар барча хилма-хил кўринишдаги библиографик ахборот учун умумий ҳисобланади.

Библиографик хабар библиографик ма'лумотдан, я'ни библиографияланаётган ҳужжатнинг муаллифи, сарлавҳаси, чиқиш ма'лумотлари ва бошқалар каби ҳужжатдан ёки бошқа манбалардан олинадиган ма'лумотлардан ташкил топади.

Ҳар бир алоҳида олинган библиографик ма'лумотлар библиографик хабар, демак библиографик ахборот ҳам бўла олмайди. Улар библиографик хабарнинг таркиб топиши учун зарур бўлган қисми, холос.

Демак, библиографик хабар библиографик ма'лумотлардан таркиб топадиган яхлит тўзилишдаги библиографик ахборотнинг кейинги бўлинмас қисмидир.

Библиографик хабар оғзаки ёки ёзма - ҳужжатлаштирилган шаклларда берилиши мумкин.

Оғзаки библиографик хабар кутубхона-библиографик амалиётда оғзаки библиографик ма'лумотлар беришда, китобхонларни библиографик ахборот билан та'минлашда, оғзаки библиографик обзорлар ва маслаҳатлар ўтказишда кенг қўлланилади.

Библиографик хабарнинг ҳужжатли қайд қилинган шакли б и б л и о г р а ф и к ё з у в д и р .

Библиографик ёзув қатор қисмларни ўз ичига олган мураккаб тўзилишга эга бўлиши мумкин. Библиографик ёзувнинг зарур кичик қисми ҳужжатнинг б и б л и о г р а ф и к т а с в и р и д и р . Масалан,

Носиров Р. Халқ қўшиқлари композитсияси: монография /Абдулла Қодирий ном. ТошДМИ; мас'ул муҳаррир Б.Саримсоқов.- Т.: Фан, 2006.- 180 б.

Бундай библиографик тасвир библиографик ёзувнинг қисқача шаклидир. Бошқа қисмлари - аннотатсия, рефереат, предмет рукнлари, сақланиш шифри ва бошқалар зарурий эмас ва улар библиографик ёзувга зарурий ҳолларда киритилади.

Библиографик тасвирларни тўзиш методлари - кутубхона-библиография фанларининг энг ривожланган қисмларидан биридир. Библиографик тасвир

мавжуд экан, демак, библиографик ахборот ҳам мавжуд, библиографик тасвир йўқ ҳолда эса библиографик ахборот ҳам бўлмайди.

Библиографик тасвир ҳам ҳужжат тўғрисидаги айрим ма'лумотлар йиғиндисидан ташкил топади, у бўлаклар ҳам мустақил равишда библиографик тасвир бўла олмайди.

Библиографик тасвирда бу ҳужжатни бошқа ҳужжатлар оқими орасида аниқ ва бир хил ма'ноли ўхшашлигини та'минлаш - асосий зарурий вазифа ҳисобланади. ГОСТ 7.1 - 84. “Библиографическое описание документа. Общие требования и правила составления” Давлацтандартида “Библиографик тасвир - ҳужжат, унинг таркибий қисми ёки ҳужжатлар гуруҳи тўғрисидаги ма'лум бир қоида бўйича келтирилган ва ҳужжатни умумий тавсифлаш ҳамда идентификатсиялаш (айнан тенглаштириш) учун зарур ва етарли бўлган библиографик ма'лумотларнинг йиғиндисидир” деб та'рифланади.*

Унда ҳужжатни қидириш учун зарур бўлган ҳамма ма'лумотлар, я'ни китоб ёки мақоланинг муаллифи, сарлавҳаси, босилган жойи, йили,жилдлари, саҳифалари берилади. Масалан:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг ХЙИИИ, ХИХ, ХХ, ХХИИИ бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган).- Т.: Ўзбекистон, 2003.- 40 б.

Бу тасвирда келтирилган ма'лумотлар юқоридагии стандарт талаби асосида олинган ма'лумотлардир ва улар ҳужжатни идентификатсиялашни та'минлайди (я'ни ҳужжатнинг ўзисиз ҳам у тўғрисида дастлабки зарур ма'лумотни олиш имконини беради).

Библиографик қўлланма

Б и б л и о г р а ф и к ёзув - библиографик қўлланманинг зарур таркибий қисми - ҳужжатлаштирилган библиографик ахборот мавжудлигининг бош усули ва унинг тарқатилиши ҳамда фойдаланилишининг асосий воситаси сифатида келади.

Б и б л и о г р а ф и к қ ў л л а н м а - мақсади, мазмуни, шакли бўйича бириктирилган кўп сонли библиографик ёзувлар (тасвирлар) нинг ма'лум бир тартибга солинган йиғиндисидир.

Бу кенг ма'нодаги та'рифи. Умуман олганда, ҳужжат ҳақидаги ҳар қандай ҳужжатлаштирилган (ёзма) ахборот библиографик қўлланма ҳисобланади: у хох ёзма ма'лумот, адабиётларнинг босма кўрсаткичи, ёки кутубхонанинг каталоги.

Библиографик қўлланма битта ёки мингта библиографик ёзувдан ташкил топиши мумкин, ундан ҳам кўп бўлиши мумкин.

Библиографик қўлланма ўз навбатида яна бир неча тоифа бўйича: шакли, хили, жанри, тури бўйича классификацияланади.

Библиографик қўлланмаларнинг қуйидаги асосий шакллари ажратилади:

- библиографик нашрлар - вақтли, давомли ва нодаврий (варақалар, плакатлар, хатчўплар) қўлланмалар;

- мустақил бўлмаган нашриёт шакллари (китоб ичи, журнал ичи, газета ичи, мақолалар ичи библиографик материаллар);

- карточкали шакллари (каталоглар ва картотекалар);

- мезанизатсиялашган ва автоматлаштирилган ахборот қидирув тизими (электрон библиографик ҳужжатлар).

Библиографик қўлланмаларнинг асосий хилларига: библиографик кўрсаткич, библиографик обзор, библиографик рўйхат киради:

1) Библиографик кўрсаткич - мураккаб тўзилишга эга бўлган, ёрдамчи аппаратлар билан та'минланган библиографик қўлланма;

2) библиографик обзор - библиографиялаш об'екти - ҳужжат ҳақида бир-бирига боғланган ҳолда ма'лумот берувчи библиографик қўлланма;

3) библиографик рўйхат - содда тўзилишга эга бўлган, ёрдамчи аппаратларсиз библиографик қўлланма.

Библиографик қўлланмаларнинг алоҳида хилларига:

а) нашрларига тўзилган кўрсаткичлар,

б) библиографик қўлланмаларга ёрдамчи кўрсаткичлар к и р а д и .

Нашрларига тўзилган кўрсаткичлар - нашрнинг таркибий илмий справка аппарати ҳисобланади. Алифболи, хронологик, сарлавҳалар кўрсаткичлари нашр таркибини ёритади ва алоҳида ҳужжатни қидиришни енгиллаштиради. Предмет, географик номлар кўрсаткичлари эса нашрга киритилган ҳужжатларнинг мазмунини очиб беради.

Исмлар кўрсаткичи ма'лум бир муаллифнинг бир асарини ёки асарларини, алоҳида олинган шахсга бағишланган асарларни, муҳаррирлар, мусаввирлар ва бошқа ҳужжатни яратишда иштирок этган шахслар ҳақида ма'лумотлдарни қидириб топишга ёрдам беради.

Нашрларига кўрсаткичлар ма'лум нашрдаги ҳужжатларнинг таркиби ва ахборот мазмуни негизи бўла оладиган ҳужжатлар оқимининг библиографик қидириш аппарати ҳисобланади. Бунда кўрсаткичларда библиографиялаш об'екти тўлиқ асаремас, балки мантиқ жиҳатдан тугалланган қисми, матн қисмлари, алоҳида қоидалари, фикрлар, мулоҳазалар бўла олади. Шу сабабли ҳам кўрсаткич тўзилаётган томларда жойлашган ҳужжатлар мазмунидан чуқур библиографик ҳамкорликда хабардорликда тенги йўқ воситадир.

Ёрдамчи кўрсаткичлар - нашрларига тўзилган кўрсаткичларга ўхшаш, лекин улар библиографик ахборот манбаларига тўзилади. Ёрдамчи кўрсаткичлар библиографик қўлланмаларда акс эттирилган ҳужжатлар ҳақида турли мазмунан ва расмий хабарларни турли бўлакларда бериб, уларни ҳар томонлама тушунишни та'минлайди. Ёрдамчи кўрсаткичлар ҳужжатларнинг библиографик тасвирини бермайди, улар қўлланманинг асосий қисмида берилган библиографик ёзувларга ҳаволаларни беради.

Библиографик қўлланмалар турли жанрларда бўлиши мумкин. Одатда мақсади ва мазмунининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда библиографик қўлланмалар қуйидаги жанрларда тўзилади:

- **библиографик монография** - катта ҳужжатлар оқимини диққат билан, чуқур ўрганиш асосида тўзилган илмий-ёрдамчи мақсадли йирик библиографик қўлланмадир;
- **библиографик луғатлар** - кўрсаткичда акс эттирилаётган шахсларнинг асарлари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги адабиётлар тўғрисидаги библиографик ахборотни шу шахснинг биографик ма'лумоти билан қўшиб ёритувчи нашр;
- **ўқиш режалари** - олинган масала бўйича ўқиш таркиби ва кетма-кетлигини аниқ белгилаб берувчи қўлланмалар, улар кўпроқ якка ўқишга раҳбарлик қилишда фойдаланилади;
- **китоблар ҳақида суҳбарлар** -
- **ўқиш доиралари** -
- **китобхонга эсдаликлар** -
- **варақалар ва бошқалар**.

Библиографик қўлланмаларнинг турлари тушунчаси жуда муҳим ҳисобланади. Қўлланмалар турли белгиларига кўра турларга ажратилиши мумкин. Бироқ, турли белгиларига кўра ажратилган қўлланмалар турларини бир қаторда бир-бири билан аралаштирмаслик керак.

Текшириш учун саволлар:

1. Библиографик ахборотнинг вужудга келишига қандай омиллар ва шарт-шароитлар сабаб бўлган?
2. Ҳужжат ва ҳужжатлар коммуникацияси тизимини таърифланг;
3. истеъмолчини ким ва у ҳужжатлар коммуникацияси тизимида қандай ролб ўяйди?
4. библиографик ахборотни изоҳланг;

5. библиографик хабар, библиографик ёзув ва библиографик тавсифни бир-биридан фарқланг;

6. библиографик қўлланмани тушунтиринг ва мисоллар келтиринг.

6-Мавзу: Ўзбекистонда библиографиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Режа :

1. Ўрта асрлар даврида библиографиянинг пайдо бўлиши

2.Ўрта ОсиёдаХ1Х асир охири ва ХХаср бошларидаги библиографиянинг пайдо бўлиш сабаблари

Ўрта Осиё библиографияси ўрта асрлар даврида пайдо бўлди. Х асрда устоздан шогирдга огзаки нутқ орқали билим бериш шакли пасая бошлади. Китобнинг мустакил билим олиш воситаси сифатидаги роли ошиб борди. Ўрта Осиё араб адабиёти асосан кулёзма китоблардан иборат булиб, китоб анъаналарини саклаб колишнинг бирдан бир юли китоб кучириб ёзишдан иборат булиб колди. Кулёзма китоблар Ўрта Осиёда узок ва машаккатли мехнат махсули булиб, у махсус билимни талаб килар, чевар куллар остида у санъат асари даражасига етарэди. Самаркандда Шарқда машхур бўлган когоз ишлаб чикарила бошланди. Китобни кучириб ёзиш якунида бадиий безаш ишлари бажарилган.

ХИИ асрдан бошлаб китоб иллюстрацияси пайдо булди. Китоблар, асосан, шогирдлар томонидан хаваскорлик юлида ва малакали кучирилган. Улар таълим олиш давомида савод чикариш билан бирга, матнни укиш, изохлаш, ёд олиш билан машгул бўлганлар, укув адабиётларни мажбуран кучирганлар. Бу эса мусулмон дунёсида китобларнинг купайишига сабаб булди. Араб ёзувидаги адабиётларни йигиш ва унинг такомиллашиб бориши бевосита ёзувнинг тараккиёти ва айрим асарлар нусхаларининг купайиши билан боглик. Ўрта асрларда кутубхоналар ривожланиб борди ва илм-фан хамда санъат билан шуғулланишга имконият кенгайди. Табиий-илмий ва

гуманитар фанлар ривожланди, маданият даражаси усди. Айникса, Сомонийлар ва Темурийлар даврида кутубхоначилик иши ривожланди. Сарой кутубхоналари фан учун хазина бўлган, уларда диний китоблар, математика, астрономия, тарих, хукук, географияга оид адабиётлар бўлган. Сомонийлар давлатида буюк олимлар ва шоирлар ижод этди. Бу даврда Ибн Сино уз ёшлик йилларини утказди, Рудакий ва Дакикий, Фирдавсий, Наршахийлар ижод килди. Ибн Сино Сомонийлар амири Нух ибн Мансур саройидаги кутубхонадан фойдаланади. Олим бу хакда шундай деб ёзади: „Мен бир неча хоналардан иборат кутубхонага кирдим, хар бир хонада китобларга тулдирилган сандиклар борэди. Бир хонада араб китоблари ва шеърий асарлар, бошкасида конунчиликка оид ва хар бир хонадаги китоблар билимнинг бирор бир сохасига оид алохида жойлаштирилган эди. Мен адабиётлар руйхатини кўриб чикдим ва ўзимга зарур китобларни сўраб олдим". Шунинг ўзи Ўрта асрлардаги кутубхоналарда китобларни жойлаштириш тартиби хакида, библиографик фаолият элементлари, айникса, аниқ бир китоб сақлаш хонасидаги каталоглаштириш хакида маълумот беради. Хар бир хонанинг марказида чиройли кутича булиб, унда фонддан фойдаланишга имкон яратувчи ва уларни хисобга олиб борувчи руйхатлар мавжуд бўлган. Китоблар билим сохалари бўйича тартибга солинган ва эхтиёткорлик билан сакланган. Китоб бозорлари олимлар, адабиётчиларнинг учрашув жойларига, мулокот масканига айланган, бу вактда қизиқарли бахслар, адабий ва илмий мунозаралар олиб борилган. Аммо хали китоб савдоси библиографиясининг пайдо булиши, китоб рекламаси учун имконият кам эди, сотувчиларнинг ўзи реклама билан шуғулланарди. Ибн Сино „Таржимайи хол" асарида ёзишича, Бухоро китоб бозорида бўлганида ўзига керакли адабиётни кидиришда, китоб сотувчининг баланд товушда ўзининг махсулотини (яъни китоб ларни) мактаётганини эшитган. Китоб бозорининг анъаналаридан бири шу эдики, китоб каторларида адабий, диний ва китобсеварлик сохасидаги турли хил масалалар юзасидан мухокамалар, бахслар утказиларэди.

Манбаларда айтилишича, Ибн Сино 997-йилда Бухоро хонлигининг кутубхонасидан фойдаланишга рухсат олади. Ибн Сино фойдаланган руйхат Ўрта Осиёда энг кадимги библиографик манба-Сомонийлар сулоласи кутубхонасининг каталоги бўлган. Ўрта аср китоб савдоси анъаналари мамлакатимизда бир неча юз йиллар давом этди. Китоб савдоси библиографияси тушунчасининг замонавий куриниши ХИХ аср охири ХХ аср бошларида хорижда пайдо бўлган. 1897-йили таникли самаркандлик археолог ва шарқшунос олим В. Л. Вяткин биринчи марта газетасида Бухоро китоб бозори хакида хабар беради. Уша пайтда нашретилаётган китобларнинг муковасида китоб дуконларида мавжуд китоблар ва нашрга тайёрланаётган китоблар хакида адабиётарнинг лар хам берила бошланди. Библиографик кулланмаларнинг бошка тури **фихрист** номи билан таркалган, бу тавсифлар хисобга олиниши керак бўлган мулк сифатида вакф кутубхоналарига топшириш пайтида тўзилган.

Бу даврда илмий ва бадиий адабиётнинг классик жанрлари ривож топди, кулёзма китобларнинг янги типлари шаклланди, улар Шарқ маърифатчиларининг ва олимларнинг маънавий эхтиёжларини кондириш ва интеллектуал фаолиятни ривожлантиришга ёрдам берарэди. Булар орасида турли хил универсал характердаги энциклопэдиялар, биобиблиографик лугатлар, адабий анталогиялар, тарихий-илмий ишлар хам мавжуд эди. Уларда, албатта, у ёки бу даражада библиографик адабиётарнинг бўлган. Уша даврдаёк арабтиллик ва эронтиллик олимлар, философлар, тарихчилар, филологлар, географлар, шифокорлар хакида автобиографик маълумотлар тупланди. Уларда муаллифлар ва ишларининг руйхати берилган. Хаммадан кура машхур саёхатчи Ибн Ёкутнинг „Иршад ал-ариб" асарида 1040 та олимлар хакида маълумот берилган. „Мужали ал-булдан" асарида („Мамлакатларнинг алифболи руйхати") уша мамлакат машхур кишиларининг асарлари номлари курсатилган. Уша даврнинг машхур биобиблиографик асари Ибн ан-Надимнинг „Китоб ал-фихрист" асаридир. Унда Х асргача арабтиллик адабиёт хакида маълумот берилади. Бу асар араб ёзувининг И –

ИИИ асрдаги минглаб асарлар хакида, сакланмаган кулёзмалар хакида адабиётарнинг бериши билан кимматлидир. Ўрта аср адабиёти анаъаналаридан бири, фан ва адабиётдаги утмишдошларнинг урни руйхати элементларидан бири бирор бир асарнинг муаллиф томонидан тўзилиши эди. Шундай килиб, библиографик фаолият билан олимлар ва шоирлар шуғулланишган. Хозирги кун талабига кура тула адабиётарнинг берувчи бундай ишлар тарихий асарларни уз ичига олган, тарихий манбалар билан тулдирилган, табиий илмий характерга эга булиб, улар тазкира ёки биобиблиографик лугатлар деб аталган.

2. Ўрта аср Шарқининг олимларидан бири, библиографик фаолияти илмий-амалий ахамиятга эга бўлган машхур комусий олим Абу Райхон Беруний машхур асарларида ўзининг турли-туман кизикишга, чукур билимга эга эканлигини, астрономия, геология, математика, фалсафа, ботаника, тиббиёт каби сохаларда хам бетакрореканлигини курсатди. Салкам 80 йиллик умри давомида 150 дан ошик асар ёзди, улардан 30 таси бизгача етиб келган. Беруний бир умр китобга катта хурмат ва мехр билан муносабатда бўлган, уни билимлар манбайи, кишининг маънавий кучи сифатида караган. Беруний буни „Фихрист" номли библиографик асарининг сузбошисида ёзади ва китобхонларга куйидагича мурожаат килади: „Сен менинг ёшлик даврымда ва кейинги пайтларда хам ёзган асарларимни билишинг шарт. Уларни хор килма ва уларга беписанд булма. Улар хаммаси менинг фарзандларим, зеро хамма уз фарзанди ва ижоди билан фахрланади. „Хинд фалсафаси”да курсатилган боблар ўзига хос библиографик шарх булиб, Хиндистоннинг фалсафаси ва диншунослиги, астраномик ва тилшунослик масалаларига багишланган. Берунийнинг библиографик фаолияти анча машхур булиб, хаётининг сунги 10 йилида унга яхшигина муваффакиятлар келтирди. Унинг „Геодезия", „Хиндистон", „Масъуд конуни" ва бошка купгина ишлари ва 1036-йилда тугатган „Биобиблиография" (арабча „Фихрист") бизгача етиб келган. Беруний библиографик руйхатни тўзишда Абу Бакр Мухаммад Ибн Закариё Розий асарларига бехуда тухталмади. Ар-Розийни ўзининг буюк утмишдоши,

йирик Эрон философи, химик, врач ва табиий синовчи, Ўрта аср Шарқ ва Ғарбнинг машхур олими сифатида тан оларди. Беруний Ар-Розийнинг асарларини энг ишончли ва обрули манба сифатида билар ва ундан фаолиятида ва асарларида фойдаланарэди ва бу Ар-Розий асарларининг курсаткичини тўзишга туртки булди. Бу библиографик курсаткичда аввал Ар-Розийнинг таржимайи холи, ундан сунг эса унинг 184 та асари хакида маълумот беради. . „Фихрист" асарининг 2-кисми Берунийнинг 1036-йилгача ёзган асарлари хакидаги маълумотлардан иборат булиб, Берунийнинг илмий фаолияти хакида дастлабки манба сифатида ахамиятга эга. Унда 113 номдаги асари мавзулар бўйича гурухлаштирилган, тартибда айрим хатоликлар учрайди. 113 та асардан 70 тасининг хажми хам курсатилган. 27 тасини замондошлари Абу Саълам Мосихий, Абу Али Хасан кабилар билан ёзганлигини курсатади. Курсаткичга 1036-йилдан кейинги даврда ёзган 30 дан ортик асари кирмаган. Берунийнинг библиографик фаолияти хакида рус археолог ва этнограф олими С. П. Толстов шундай ёзади: „Беруний манбаларни танкидий аналитик усул билан урганди. Тугри, манбаларга танкидий ёндошиш Берунийгача хам бўлган, лекин Беруний ишларида манбаларга танкидий ёндошиш изланишнинг асосий шарти килиб олинган". Берунийнинг 998-1004-йиллар Ўртасида ёзган „Йилнома" (хронология) номи билан машхур асарида берилган манбалар руйхати бунга мисол булади. Бундай руйхат Берунийгача булмаган ва бирорта олимнинг асарида келтирилмаган. Китоб ичи библиографиясининг мухим намунаси сифатида Берунийнинг 1030-йилда яратган „Хиндистон" асарини курсатиш мумкин. Бу йирик илмий асар кириш кисми ва 80 бобдан иборат булиб, уни яратишда Беруний 10 йил давомида турли билим сохаларига оид 207 та кулёзма асарларни укиб урганган. Бу асарнинг 12-14 бобларини алохида библиографик манба деб хисоблаш мумкин. Беруний хар бир фан тармогига оид булимлар ичида аввало энг мухим илмий асарларга батафсил тухтаган, кейин бошка манбалар хакида маълумот берган. Асар мазмунини очиб бериш максадида бобларни санаб утган, агар у ёки бу китобни куриш имкониятига эга булмаган

булса, бу хакда эслатиб утади. Берунийдан бизга мерос булиб колган библиографик ишлар ўзининг кулами, хажми, манбаларнинг хронологияси ва худудий чегараси, тилининг хилма-хиллиги билан кишини хайратга солади.

3. Темурийлар даврида иктисод ва маданият тез ривожланди. Хиротда тарихчи олимлар, ёзувчилар, маданият арбоблари яшаб ижод этди. Сарой кутубхоналари, мадраса ва масжидлар, хусусий ва жамоат кутубхоналари ташкил этилди. Хиротнинг маданий хаёти бевосита А. Навоий номи билан боглик. Навоий каламига мансуб 60000 мисрадан иборат улкан маданий мерос, адабий асарлар беш асрдан бери инсониятга, жахон жамоатчилигига хизмат килиб келмокда. Уларнинг купчилигидан у ёки бу юналишда, инсоният фаолиятининг хамма сохаларига оид библиографик адабиётарнинг олиш мумкин. Навоий ўзининг „Форс давлатлари тарихи" асарида кадимги фалсафа фанининг намоёндалари ва уларнинг ижоди хакида жуда бой маълумотлар берган.

1498-йилда яратган „Мажолис ун-нафоис" асари хам Ўрта Осиё адабиёти ва маданияти тарихини урганишда мухим ахамиятга эга ва хозирга кадар уз кимматини юкотмаган тазкирадир. Навоий шу асари билан туркий тилда тазкира яратиш анъанасини бошлаб берди. Бу асарда Туркистон ва Хуросон худудларида яшаб ижод килган 459 шоир хакида маълумот берилган.

Навоий тазкирасининг бошка тазкиралардан фарки шундаки, уларда факат XB асрда яшаб ижод этган адабиёт намоёндалари-замондошлари хакида маълумот берилган булса, Навоий тазкирасида анъанага айланиб колган шоир ва адиблар хакида маълумот беришдан ташкари, уша даврдаги Хирот ва Самаркандниг адабий хаёти, адабий кеча ва мажлислар, буюк шоир даврида яратилган адабиётшунослик ва тарихга оид асарлар, утмиш шоирларнинг меросини туплаш, уларни кучириш, нусхаларини купайтириш борасида олиб борилган ишлар хакида турли хил зарур маълумотларни беради. Унда аввал хар бир шоирнинг хаёти ва ижоди хакида биографик маълумотлар, ижоди хакида хикоя ва намуналар берилган. Яна уша давр тазкирачилигига хос бўлган шоирлар, уларнинг асарлари ва тупламлари хакида маълумотларни

беришдек мажбурий анъанадан четга чикиб, уша пайтдаги Хирот ва Самарканд адабий хаёти, адабий мухокамалар ва йигинлар, адабий ва тарихий асарлар, ўзидан олдинги даврларда яшаган шоирларнинг шеърий асарларини туплаш ва уларни бир асар куринишида жамлаш, форсий ва туркий шоирлар асарларини купайтириш, у ёки бу муаллифнинг асарлари хакидаги маълумотларни хам беради.

Навоий ўзидан аввал яратилган тазкираларни тахлилий ва танкидий урганиб чикади, библиографик типдаги асарларни хам урганади ва „Мажолис ун-нафоис" асари билан Ўрта Осиёда янги типдаги тазкирачилик санъатига асос солади. Бу тазкираларда замонавийлик принципи асосий уринда туради. Яъни муаллиф ўзига замондош бўлган адиблар хакидагина маълумот беради, замонавий хаёт, адабиёт, хаёт тарзи ва адабий жараён хакидаги маълумотларни бирлаштиради. Навоийнинг кулёзма китобларни мукаммал билиши, адабий махорати ва ўзининг шахсий мавкейи даврининг йирик китобшуноси, библиографи булиб танилишига сабаб булди. Унинг ташаббуси билан курилган кутубхона 10 000 дан ошик кулёзмани саклаган ва турли китобхонларга хизмат килган.

4.Ў рта Осиё халклари адабиётида ва китобатчилик иши тарихида тазкира жанри алохида урин касбетади. Бу библиография ривожига хам таъсир курсатган. Уларда машхур шахслар, асосан, шоирлар, китоб санъати усталари, диний арбоблар ва бошка ижодкорлар хакида биографик ва библиографик маълумотлар берилган булиб, алохида бир тупламни ташкил этган. Бу манбаларда шахснинг каламига мансуб асарлари, девонлари хакида, улардан намуналар ва унинг кули билан кучирилган китоблар хакида маълумот илова килинган. Уша пайтда тазкираларнинг уч хили-соф адабий тазкиралар, шайх ва авлиёларга багишланган тазкиралар, хаттотлар ва китоб иши билан боглик шахслар хакидаги тазкиралар мавжуд бўлган. Охирги тазкира „Тазкирайи хаттотий" деб номланган булиб, унинг максади утмиш ва замондош китоб санъати намоёндаларининг хаёти ва фаолиятига оид маълумотларни бир жойга туплашдан иборат.

Йирик шоир, адабиётшунос М. Шайхзода тазкира жанрига куйидагича тавсиф берган: „Шарқ халкларининг адабиёт тарихини асл манбалар оркали текширилган, деган тадкикодчининг асосий суянадиган манбаси турли замонларда, турли шахслар томонидан, турли сабаблар билан ёзилган тазкиралардир". „Тазкира" арабча суз булиб, максадни унутмаслик учун уни ёзувда баён этиш деган маънони англатади. Уларда тазкира яратилган даврдаги ва мамлакатдаги машхур кишилар, ёзувчи ва шоирлар, олимлар хакида маълумот берилади. Бу мазмунига кура хозирги даврдаги биобиблиографик маълумотномаларга ухшаб кетади. Бундай тазкиралар Шарқ мамлакатлари халклари орасида кенг таркалган ва машхур бўлган, муаллифлар белгиланган белги ва коидаларга амал килган холда тазкиралар тузганлар. Шарқ адабиётида биринчи марта яратилган ва бизгача етиб келган тазкира 1017-йилда Мансур Ас-Салибийнинг араб тилида ёзилган „Ятимат уд-духр" китоби булиб, унинг битта боби махсус туркистонлик ва хуросонлик 124 шоирнинг хаёти ва ижоди хамда асарларига багишланган. Муаллиф уша даврдаги Бухоро хамда Хоразмдаги адабий жараён, унинг ахволи, замондош хаттотлар, улар кучирган кулёзма асарлар, муаллифлари, асар номи, кучирилган жойи ва йили хакида киска маълумот берган.

XV асрда яшаб ва форс-тожик тилида ижод этган шоир ва адибларга багишланган яна бир тазкира Давлатшох Самаркандийнинг „Тазкират уш-шуаро" асари булиб, 1488-йилда ёзиб тугатилган ва 150 та шоир хакида маълумот берилган. Самаркандий Темурийлар даврида харбий хизматчи бўлган холда бадиий асарлар хам яратган, уларда шоирлар хакида маълумотлар, уларнинг асарларига шархлар берган. Навоийдан кейинги даврларда яшаган адиблар унинг тазкирачилик анъаналарини давом эттирдилар. Ана шулардан бири 1566-йилда яратилган „Музаккири ахбоб" тазкирасининг муаллифи бухоролик Хасан Хожа Нисорий эди. Бу тазкира XVI асрда яратилган ягона тазкира булиб, у уша асрнинг биринчи ярмидаги Ўрта Осиёнинг адабий хаёти, Туркистон адабий мухитига оид ва 250 дан ошик адиблар хакида тула маълумот беради.

XVI-XVIIасрларда Ўрта Осиёда яна 10 дан ошик тазкиралар тўзилган булиб, улар уз замонасининг адабий мухити, ижод ахли, китобатчилик иши ва китоб усталари хакида маълумот беради. Шулардан бири Мухаммад Малих Самаркандийнинг „Музаккир ул-асъхоб" ва Мутрибнинг „Тазкират уш-шуаро" тазкираларидир. Биринчи тазкирада 161 та муаллиф хакида, иккинчисида XVI ва XVIИ асрда яшаб ижод этган 323 та шоир, хаттот ва китоб усталари хакида маълумот беради. 1759-йил Мухаммад Амин бин Нурмухаммад Насафийнинг „Мазхар ул-мусаннифин" тазкираси XVIИИ асрнинг биринчи ярмида яшаган ижодкорлар хакидаги уша даврда яратилган ва бизгача етиб келган ягона анталогиядир.

ХИХ аср охири XX аср бошларида хам тазкирачилик санъати давом этди. Ўрта Осиёнинг айрим худудлари бўйича алохида шоир ва ёзувчилар, китоб санъати усталари хакида, уша давр адабий хаёти хакида маълумотлар туплади. Куконда Фазлий рахбарлигидаги бир гурух шоирлар 1821-йили „Мажмуал шоирон" ва бошка тазкираларни яратишди. Бухорода бу даврда 6 та тазкира яратилган, улардан Абдумуталлиб Фахмийнинг „Тазкир ал-Фахмий", Хожи Абдулазим Шаръийнинг „Тазкират уш-шуаро" ва бошкаларни эсга олиш мумкин. Хоразмда машхур шоир ва тарихчи Ахмад Табибий тазкиралар яратган. Ўрта Осиёда китоб босиш иши (литография) бошлангунга кадар тазкира жанри кенг таркалди. ХИХ аср охири хивалик шоир Юсуф Тункрат „18 шоир туплами" тазкирасини яратди. Бухорода амир саройининг маърифатли кишиларидан бири Шарифжон Махдум тазкира жанрида фаол ижод килди. У „Шеърлар туплами", кадимги шоирлар, замонавий давлатмандлар ва диёнатли кишилар анталогияси"ни тузди, баёз жанрида анчагина асарлар яратди, турли тарихий даврларда яшаб ижод этган муаллифларнинг шеърлар тупламларини тузди. Махдум Туркистонда даврнинг йирик китоб шинавандаси эди. Бой ва кимматли кулёзмалари билан бошка кутубхоналардан ажралиб турувчи шахсий кутубхонаси хакида маълумот ёзиб колдиради. Кутубхона фондидаги адабиётлар каталогини тузади, унинг кириш кисмида кутубхонада мавжуд мухим кулёзмалар,

уларнинг ахамияти хакида маълумот беради. Каталогда адабиётларни тартибга солишда маълум бир хронологик ёки мавзули жойлаштириш принципига амал килмайди. У ўзича кулёзмаларни тавсифлаш коидасига риоя этади: асар номи, муаллиф исм-шарифи, ёки хаттотнинг исм-шарифи, когознинг сифати ва унинг ишлаб чикарилган жойи, замонавий муаллифлар, унинг кариндошлари хакида маълумот беради. Ундан ташкари, кулёзманинг асл нархини ва уни сотиб олинган нархини хам келтиради. Машхур муаллифлар асарини тавсифлашда муаллифнинг хаёти ва ижоди хакидаги маълумотни келтиради, унинг асарларига бахо беради. Шундай килиб, бу каталог 300 дан ошик адабиёт хакида анчагина кенг адабиётарнинг беради.

Ш. Махдумнинг каталоги кимматли китоб шинавандасининг иши булиб, купгина элементларни бериши билан хозирги замон библиографик кулланмаларига якин келади. Тарихий манбалардан шу нарса маълум буладики, кадимдан Ўрта Осиё кутубхоналарида олимлар, уз даврининг мутафаккирлари, математиклар, тилшунос ва адабиётшунослар, табиатшунослар хизмат килган, шу ерда хаттотлик ва китоб миниатюра санъати шаклланган ва такомиллашиб борган.

Европа мамлакатларининг Ўрта Осиёни ўрганишга ва уни босиб олиш га бўлган қизиқиши ХУИИ-асрнинг биринчи ярмидаёқ бошланган эди. Бу соҳа да Англия ва Россия ўртасида рақобат кучли бўлган. Масалан, XVIИ- асрда биринчи бўлиб, англиялик саёҳатчи олимларнинг Помир ва Амударёнинг юқори соҳилларини ўрганишга оид ишлари нашр қилинган. 1717 йилларда рус подшоси Пётр-И топшириғига кўра княз Бекович-Черкасский бошчилиги да Ўрта Осиёга экспэдиция юборилган. Экспэдиция аъзолари Хива атрофида бутунлай қириб ташланган (экспэдиция натижалари архив хужжатлари асоси да ХИХ-асрнинг охирида И. Т. Бесчин томонидан “Библиографик моногра фия” нашр қилинади.Шу даврдан бошлаб рус олимлари ва саёхатчиларида Ўрта Осиёни ўрганишга бўлган қизиқиш мунтазам равишда ошиб борди. Н. Муравев, Н. А.. Севертсов, А. П. Федченко, И. В. Мушкетов, П. П. Семёнов лар бошчилигида XVIИИ-асрнинг охири ва ХИХ-асрнинг бошла рида бир неча

бор Ўрта Осиёга экспэдиция юборилади. Бу экспэдицияларнинг натижасида Ўрта Осиёнинг катта қисмини босиб олиш учун Россияга имконият яратилди.

1867 й. рус қўшинлари Тошкентни босиб олишлари билан Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинди. Шундан бошлаб рус библиограф лари Ўрта Осиё ҳақидаги рус ва чет тилларда адабиётларнинг библиогра фиясини туза бошладилар. Бу даврда Ўрта Осиёда библиографиянинг пайдо бўлиш сабабини ХИХ-асрнинг йирик рус библиографи В. И. Межов "Ўрта Осиёни ҳар томонлама чуқур ўрганишга, соф савдо ва илмий мақсад сабаб бўлди", деб кўрсатади.

Албатта, бу фикр маълум даражада тўғри, лекин илмий мақсадни кўзда тутибемас, балки аслида соф ҳарбий мақсад кўзда тутилиб, Ўрта Осиё чуқур ўрганилган, десак мантиққа тўғри келади. Буни рус қўшинларининг қўмондони, Туркистон генерал – губернатори генерал Н.П.Кауфманнинг В.И.Межовдан Ўрта Осиё ҳақидаги адабиётларнинг библиографиясини тўзиб беришни сўраганини исбот қилиб турибди. В.И.Межов бунга рози бўлиб, унга Туркистон ҳақида библиографик кўрсаткич эмас, балки Туркистон ҳақидаги адабиётларнинг тўпламини тўзиб беришни таклиф қилади.

Ўрта Осиё тарихини ўрганишда ХИХ йирик рус библиографи В.И.Ме жовнинг А. Навоий номли Ўзбекистон миллий кутубхонасининг нодир китоблар бўлимида сақланаётган, ҳозиргача ўзининг илмий-амалий аҳами ятини сақлаб келаётган "Туркистон тўплами" ("Туркистанский сборник") муҳим аҳамиятга эга."Туркистон тўплами" нинг вужудга келиши, ҳамда унинг аҳамиятига оид В.И.Межов замондошлари, шунингдек ҳозирги давр мутахссислари Логофет,Е.К.Бетгер,Н.М.Бенэдиктова,О.Г.Қосимова, О.В.Мас лова, З.Л.Фраткина ва бошқаларнинг қатор илмий танқидий мақолалари мавжуд. Лекин бу мақолаларда "Туркистон тўплами" нинг яратилиш тарихи, аҳамияти, унга тўзилган ёрдамчи кўрсаткичлар етарлича ёритилмаган.

1. В.И.Межов томонидан "Туркистон тўплами" нинг яратилиши.

Бу ноёб коллекциянинг яратилиш тарихи Ўрта Осиёда энг йирик кутуб хонанинг (ҳозирги А. Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси)нинг

ташкил этилиши билан боғлиқ. 136 йил олдин, яъни 1868 йил охирида “Тўп лам” нинг дастлабки 2 та томи тайёрланди. Бу эса ўша даврдаги қатор олим-библографларнинг бундан кейинги 50 йиллик самарали меҳнатининг бошланиши эди. Олимларга бу ишда китоб илмининг катта билимдони, биринчи рус профессионал библиографи, кўп қўлланмаларнинг муаллифи, жуда катта ташкилотчилик хусусиятига эга В.И.Межов бош бўлади. Шунинг учун ҳам унга Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман томонидан “Туркистон тўплами” ни тўзиш юклатилган эди.

Х1Х асрнинг 60-йиллари охирларигача “Туркистон ўлкаси Европа учун илм фани нуқтаи назаридан ҳали ўрганилмаган катта бир соҳа эди. Туркистон Россия томонидан босиб олинганидан кейин иқтисодий ва савдо- сотиқ ишлари ўлкани тез ва мукаммалроқ таҳлил қилишни талаб қиларди. Туркистоннинг рус империяси илмий марказидан узоқлиги ва у ҳақидаги ёзма манбалар ва босма адабиётларнинг камлиги ўлка хақидаги тасаввурни хиралаштирарди. ХИХ- асрнинг 60-йиллари охирлари, 70-йилларнинг бошларида Россия империяси вақтли матбуотида тез-тез Ўрта Осиё ҳақидаги мақолалар босила бошланди. Рус ва хорижий газеталар саҳифаларида Ўрта Осиёга оид сиёсий-иқтисодий ва маданий масалалар ҳақида бахс олиб борилади. Туркистон ўлкаси ҳақидаги адабиётарнинг лар тошқинига бардош бериш, баъзан эса карама-қарши, бир-бирига зид фикрли адабиётарнинг ларни тўғри тушуниш қийин эди. Ўша давр Петербург ва Москва газеталарида янги ўлка ҳақидаги баҳолар янада авжга чиқа бошлади. Лекин, рус тилида газетаси бўлмаган Тошкентда тинчлик ва осойишталик ҳукмронлик қиларэди. Почта эса бу “Қолоқ” ўлка ҳисобланган “узоқ юрт” га уч ойлик кечикиш билан келарэди. Темир йўлнинг йўқлиги ҳам чуқур жар каби марказий Россияни Туркистондан ажратиб турарди. Шундай пайтда айрим фан фидойиларида бу ўлка ҳақидаги материалларини йиғиш ва уларни жойида тадқиқ қилиш фикри туғилди. Шунинг учун кутубхоналарга талаб ниҳоятда ошди. Чор ҳукумати эса кутубхона ташкил қилиш учун маблағ ажратишга шошмади. 1867 йилда ўлка генерал-губернатори К.П Фон Кауфман янги ташкил топаётган

кутубхонага хар хил илмий китобларни хадя этиш илтимоси билан барча илмий маданий ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Биринчи бўлиб, бу илтимосни Россия ФА, Петербург халқ кутубхонаси ва Рус География жамияти бажаришга киришди, улардан олинган бир неча юз китоб Туркистон Халқ кутубхонаси фондига асос солди. Ўша даврнинг ўзидаёқ В.И.Межовга Ўрта Осиё ҳақидаги адабиётлар библиографиясини ту зиш таклиф этилди, бунга у дарҳол ўз розилигини берди. Бундан ташқари В.И.Чижков Ўрта Осиё хақидаги бор адабиётларни кўрсатиш билан чекланиб қолмасдан, балки "Туркестанский сборник сочинений и статей, относяшихся к Средней Азии, вообще и Туркистанскому краю в особенности" деб номланган тўпламни ҳам тўзишни ўз зиммасига олди.

В.И.Межов Туркистоннинг пойтахтдан узоқлигини ҳисобга олиб, бу ўлка ҳақидаги мавжуд адабиётларнинг номларини санаб ўтишнинг ўзигина амалий аҳамият касбетмайди, деб ҳисобларди."Туркистон тўплами" 1- томи нинг кириш қисмида шундай деб ёзган эди: "Баъзи бир жой ёки баъзи бир нарсалар ҳақидаги мақолаларнинг махсус библиографик кўрсаткичлари, шуб ҳасиз, катта фойда келтиради, лекин улар катта кутубхона юқ жойларда – библиографик кўрсаткичларда берилган адабиётларни тўла бажармай ва иеро граф ёки каббалистик белгилар билан китобларга айланиб қолади."

В.И.Межов 1868 йилда ўзида ишларнинг номини эмас, балки тўплам ларга бирлаштирилган китоблар матнларини, журнал ва газета мақолаларини мужассамлаштирган ўзига хос кутубхона ташкил этишга киришди.

Унинг саъйи ҳаракати ва илмий жонкуярлиги туфайли бизга 400.000 библиографик ёзув киритилган 50 – дан ортиқ мерос қолди.

Петербургда истиқомат қилган, нашрдан чиқаётган китоблар ва вақтли мат буот нашрлари билан танишиш имконига эга бўлган Межов Туркистон гене рал губернатори томонидан тўплам тўзиш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиб, Ўрта Осиё ва унга ёндош мамлакатларга оид ҳамма материал ларни йиғиб борди. Туркистонга оид газета мақолалари ва баъзи китоблар даги материаллар сараланиб, варақли қоғоз рамкага елим билан ёпишти рилди.

Ҳамма ёпиштирилган материаллар йиғилгач, томларга ажратилиб, бир хил муқоваланди , босмахонада босилган титул варағи билан таъминланган. В.И.Межовнинг ютуғи шунда эдики, у журнал, газета мақолаларини нашрдан чиқиши билан йиғарди, шунинг учун хронологик изчиллик сақланган.

1968 йил 1- томга ёзилган сўз бошида тўплам тузувчиси шундай ёзади: “Доимо адабиёт билан танишиб юрган киши Ўрта Осиё ичкарисида жойлашган мамлакатлар ҳақидаги материаллар қанчалик қашшоқлигини билади. Бир йилда нашретилган икки-учта асаргина бизни кундан кунга янада кўпроқ қизиқтираётган янги мамлакатлар ҳақидаги билимларимизга қўшилган ҳиссадир. Мен бу ерда китобни назарда тутаман, замонавий нашрлардаги мақолаларга келганда биргина уларнинг кўплиги, жамиятимиз Ўрта Осиёда қўлга киритган нарсалар билан қай даражада қизиқишидан далолат беради. Шунинг учун мен оз бўлсада, бу асарларим билан қўлга киритилган (босиб олинган М.Т) янги ўлкага нафим тегишини кўзлаб, кутубхонага қўшалоқ қилиб ушбу мақолалар тўпламини ҳадя этишга жазм этдим”

1868 йили “Тўплам”нинг 1867 йил материалларни ўзида мужассамлаштириган 4 та томи тайёрланди. Кейинги йиллареса изчил равишда 1887 йилга қадар “Тўплам” нинг томлари тайёрланиб, Туркистон Халқ кутубхонасига юбориб турилди. 1888 йилга келиб, 5000 га қадар материални ўз ичига олган 416 томи тайёр бўлди.

Тўпламнинг мукаммаллиги ҳақида В.И.Межов:” бу ўзига хос катта бир қомус” дейди, аммо ҳали у мен хоҳлаган даражада тўла эмас. Баъзи мақола ва китоблар менинг тўпламимда жуда кам, адабиётнинг ўндан бир қисмигина холос. 20 йил (1867-1887й) мобайнида Россия ва хорижда Ўрта Осиё ҳақида чиққан жами 4713 ном газета, журнал мақолалари, китоблар, бадиий асарлар, ҳаттоки иллюстратив материаллар тўпламнинг 416 та томига киритилган.

Бу тўпламнинг яратилиши тарихи ҳақида бахсли томонлар ҳам бор: яъни баъзи муаллифларнинг фикрича, ушбу ишга биринчи бўлиб библиограф С.А. Идаров қўл урган. “Туркистон тўпламини тўзиш ғоясини, - деб ёзади ўзбек

библиографиясининг ташкилотчиларидан бири. Н.А.Буров, К.П.Кауфман эмас, балки В.И. Межов ёки С.А.Идаров илгари сурган.

Н.А.Буров, балки Ўрта Осиё ҳақида ёзилган, Ўзбекистон миллий кутубхонасининг нодир китоблар фондида сақланаётган, XX асрнинг 50-60 йилларида нашр қилинган Рус география жамиятининг “Военный сборник” нашридан олинган иккита шунга ўхшаш мақолалар тўпламини асос қилиб олган бўлиши мумкин. Бу тўпламлар Туркистон генерал-губернатори идорасининг биринчи бошқарувчиси, Ўрта Осиё ўлкаси билимдони Н.К. Геснинг кутубхонасидан топилган эди. Бу кутубхона Гесдан 1869 йили Тошкент халқ кутубхонасини ташкил этаётганда сотиб олинган эди. Тўпламнинг ҳар иккиси ҳам С.А.Идаров томонидан тўзилган, ҳозирга қадар кутубхонанинг нодир китоблар фондида сақланаётган 1849-1867 йилларда нашретилган Ўрта Осиёга оид географик ва этнографик характердаги мақолалар киритилган яна олти томи сақланмокда.

2.“Туркистон тўплами”га В.И.Межов тузган ёрдамчи кўрсаткичлар.

“Туркистон тўплами” нинг В.И.Межов томонидан тўзилган ва 1878-1884 йиллар нашретилган 3 томлик “Систематичский и азбучный указател сочинений и статей на русском и иностранных языках» (Рус ва хорижий тиллардаги асарлар ва мақолаларнинг альфавити ва системали кўрсаткичи») кўрсаткичи катта аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич ҳақида генерал-губернатор К.П.Кауфман Межовга ёзган хатларидан бирида шундай ёзади: “Фан ва маърифат фойдасига қилган меҳнатларингиз учун чин қалбдан чиққан ташаккуримни қабул қилгайсиз. Сиз, албатта ўз меҳнатингизни аямай “кўрсаткичнинг давоми”нинг режасини тузарсиз… Кўрсаткичсиз тўплам билан ишлаш қийин бўлади” , деб ёзади.

Кўрсаткичнинг аҳамияти шундаги, у нафақат “Туркистон тўплами” учун, балки Туркистон ўлкаси ҳақидаги адабиётларнинг ҳам мустақил кўрсаткичидир. Ушбу кўрсаткичда материаллар қуйидагича гуруҳлаштирилган:

Умуман Ўрта Осиё ўлкаси.

Хусусан Туркистон ўлкаси.

Россияга бўйсунмаган Ўрта Осиё ўлкалари.

Дастлабки бўлимда материаллар системали равишда жойлаштирилган. Иккинчи бўлимга география ва статистика, гидрография, алоқа йўллари, картография, тарих, этнография, Ўрта Осиёда бўлиб ўтган урушлар тарихи, сиёсий-иқтисодий ва хуқуқий фанлар, қишлоқ хўжалиги, пахта етиштириш, вино ишлари, тоғ ишларининг ривожланиши, геология ишлари тарихига оид адабиётлар киритилган. Шунингдек метереология, табиат тарихи,астрономия ва геодезия, мэдицина, тилшунослик ва луғат бўйича адабиётлар келтирилган. Ушбу соҳа масалаларига оид адабиёт бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда системалаштирилган. Материални жойлаштириш схемаси Межов томонидан ҳамиша такомиллаштирилиб, муайян фан сохалари бўйича янги рубрикалар ажратилиб борилган.

Учинчи бўлимда Бухоро, Хива, Туркманистон, Муғулистон, Шарқий Туркистон, Кашмир, Англиянинг Хиндистон босиб олган жойлари ва уларнинг Ўрта Осиёга муносабати, Афғонистон, Хирот ва бошқа ўлкаларга оид адабиётлар жойлаштирилган.

Бу кўрсаткичга жуда қулай ёрдамчи “калитлар” тўзилган:

Библиографияда учрайдиган муаллиф, таржимон ва бошқа шахслар номларининг алифболи кўрсаткичи.

Хорижий библиографияда учрайдиган муаллиф ва предметларнинг альфавитли кўрсаткичи.

Жой ва предметларнинг алифболи кўрсаткичи

Алифболи кўрсаткичларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, муаллифнинг фамилияси, жойлари ёки предметларнинг номидан кейин асарлар номи келтирилади ва кўрсаткичнинг системали қисмидаги уни рўйхатга олиш тартиб рақами кўрсатилган, муаллифлар ва улар асарларининг “Тўпламга берилган” калитида уч марта такрорланиш принципи, “Тўплам”дан фойдаланиш учун жуда қулай имконият яратади.

Кўрсаткичда ҳар бир янги мақола ёки китобни тавсифлашдан олдин сарлавҳа, муаллифнинг фамилияси, сўнгра қавс ичида нашр манбаси (журнал, газета ва бошқалар) ҳақида маълумот ва охирида эса янги сатрдан шу китоб ёки мақола киритилган "Туркистон тўплами" томининг рақами берилган. Бу прнитсип "Туркистон тўплами" бўлмаган ҳолда ёрдамчи "калитлар"ни мустақил библиографик манба сифатида қўллаш имконини беради.

Шу муносабат билан Межов биринчи томнинг сўз бошида шундай ёзган эди: "Мен ўз кўрсаткичимни фақат" "Туркистон тўплами"дан фойдаланиш имкониятига эга бўлган шахслар шахслар учун ҳам яроқли қилиб тузганман. Шу мақсадда, мен тўпламда жойлашган ҳар бир мақоланинг сарлавҳаси олдида бу манба қайси вақтли нашрдан олинганлигини кўрсатувчи маълумотни ҳавола қилувчи изоҳлар бердим".

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу яхши ният ҳамиша ҳам тўғри амалга ошавермаган. Бинобарин, кўрсаткичнинг баъзи жойларида манба кўрсатилган бўлса, унинг нашр йили, чиқиш сони ва бошқалар кўрсатилмаган. Бундан ташқари, библиографик тавсифдаги айрим ҳар хилликларнинг сабаби "Тўплам" жойлашган ердаги (Тошкент) маҳаллий кутубхоначи томонидан ёзганлиги ва қолганларинигина "тўплам"ни тўзиш вақтида ўзи тайёрлаганлиги деб изоҳлайди.

"Туркистон тўплами"даги Тошкент қисмининг тавсифини Кауфман топшириғи билан Туркистон Халқ кутубхонаси кутубхоначисининг ёрдамчиси В. Чуйко бажарган.Буни унинг Кауфманга ёзган маълумотномаси исботлайди: "Олий ҳазратлари буйруғига мувофиқ жаноб Межовнинг берган ёзма кўрсатмаси асосида у киши томонидан тўзилаётган "Сборник сочинений о Туркестанском крае вообше и сопределних с ним стран Средней Азии" (Туркистон ўлкаси ва Ўрта Осиёга тегишли мамлакатлар ҳақидаги асарлар тқплами") учун тайёрланган кўрсаткич материалларини Сизга тақдим этишга ижозат бергайсиз."

Қизиғи шундаки, В. Чуйко "Туркистон тўплами" дан фойдаланиш учун вақтинчалик кўрсаткич тузган эди. Ўша маълумотномада шундай дейилган:

“Эсга олинган кўрсаткични тўзиш, нашретиш ва юбориш саккиз ойга яқин вақтни олишини тахмин қилиб, мен тўплам билан танишувчиларнинг фойдасини кўзлаб, вақтинчалик кўрсаткич ҳам туздим, уни ҳам Сиз олий ҳазратларига юбордим”. Кауфман Чуйко фикрини қўллаб, вақтинчалик кўрсаткич учун ташаккур билдиради. Афсуски, республика кутубхонаси фондидан ушбу “вақтинчалик кўрсаткич”ни тополмадик, шунинг учун бу кўрсаткич “Туркистон тўплами”нинг қайси томи учун тўзилганлигини билмаймиз. Қатор хатолари, материални системалаштиришдаги жузъий камчиликларига қарамай, кўрсаткич ниҳоятда ноёб библиографик қўлланма ҳисобланади.

Кўрсаткич В.И.Межов замондошлари томонидан жуда юқори баҳоланган. Таниқли шаршунос олим Д.И.Логофет шундай ёзган эди: “В.И.Межовнинг бундай йирик иши унга нафақат машҳурлик, балки ишига манбалар керак бўлган барча одамларнинг ташаккурини келтирди ва ҳар бир шахс ўз ишида Ўрта Осиёга оид масалаларни ҳал қилишда “Туркистон тўплами”га тўзилган кўрсаткич билан учрашгандир. Ўлкамизнинг йирик тадқиқотчилари И.В. Мушкетов ва А.Ф. Миддендорф ўз ишларида ҳамма ўлка тадқиқотчилари учун “Туркистон тўплами” нинг муҳим аҳамиятини қайд қилганлар. В.И. Мушкетов “Туркистон тўплами” ни шундай таърифлайди: Кауфман кутубхонани ташкил этди, унинг энг ноёб нарсаларидан бири библиограф В.И.Межов тайёрлаган 416 томдан иборат бўлган “Ўрта Осиё ва Туркистон ўлкаларига оид асаралар ва мақолаларнинг Туркистон тўплами” (“Туркистанский сборник сочинений и статей, относящихся до Средней Азии вообще и Туркистанского края в особенности”) дир.

Шуни айтиш керакки, тўпламга В.И.Межов ўзи тополмаган ёки бевосита кўрмаган кўпгина материалларни киритмаган. Бу ҳақда “Тупламга” тузган кўрсаткичнинг биринчи томига ёзган кириш сўзида шундай дейди: “Мен китобнинг нашрдан чиққанидан хабар топиб, пул юборардим. Лекин китобни ололмасдим, ҳаттоки, пуллар хам қайтарилмасди.”

“Тўплам”нинг мукаммал эмаслигини замондошлари, жумладан, Ўрта Осиё ўлкаси тадқиқотчилари П.В.Дмитровский ва Н.Н.Остроумовлар ҳам таъкидлашган. 1884 йилда улар генерел губернатор И. О. Розенбахга “Халқ кутубхонасини таклаш” Туркистон Халқ кутубхонаси 1883 йил 1 январида К.Г.Кауфман вафотидан кейин унинг ўрнига бўлган генерал-губернатор М.Черняев томонидан ёпилган эди ва “Туркистон тўплами”ни тўзиш масалалари билан шуғулланувчи комиссия аъзолари номидан “хат” ни йўлладилар. Бу “хат” Межов тўпламининг тўхтаб қолишига асосий сабаб бўлган.

“Туркистон тўплами” ни тўзиш ва томларни тайёрлаш ишлари изчил равишда 1887 йилгача давом этди. Чунончи хар йили ўрта ҳисобда 20 тадан том тайёрланган.

Агар русларнинг Туркистон ўлкасини ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича дастлабки 20 йил мобайнида кўп сонли экспэдициялар ва илмий тадқиқотлар ўтказгани натижасида ўлка ҳақида йирик ҳажмли фундаментал ишлар вужудга келган бўлса, кейинги ўн йилликда бу ишлар анча сусайиб кетганлигини кўриш мумкин.

“Туркистон тўплами” дан ташқари В.И.Межов “Хивинский сборник” (“Хива тўплами”)ни хам тузган эди, лекин тақдири ҳозиргача номаълум. 1865-1876 йилларда чиққан “Русская историческая библиография”, (“Рус тарихий библиографияси») да В.И.Межов шундай ёзган эди: “К.П.Фон-Кауфман топшириғи билан мен унинг учун бир нусхада “Туркистон тўплами” га ўхшаш 6 ёки 7 томдан иборат бўлган Хива юриши ҳақида тўплам туздим. У хозирги вақтда қаерда эканлиги менга номаълум”, Генерал-губернаторининг ўша 1887 йилги буйруғидан сўнг кейинги 20 йил мобайнида Туркистон ўлкаси хақида ёзилган китоб ва газета материллари хеч ким томонидан тўпланмади.

3. Н.В.Дмитровский раҳбарлигида “Туркистон тўплами”нинг тўзилиши.

“Тўплам”ни тиклаш хақидаги масала ўн йилдан кейин, яъни 1898 йили кўтарилди, лекин иш муҳокамадан нарига ўтмади. Фақат 1907 йилга келиб, Туркистон генерал-губернатори Н.И.Гардсков буйруғи билан бу иш Тошкентда давом эттирила бошланди.

1907 йили на Москва на Петербургда бундай муҳим аҳамиятга эга ишни олиб борувчи фидойилар борэди, аммо Тошкентда Ўрта Осиёга бағишланган адабиётлар билимдони Н.В.Дмитровский (1841-1910) каби библиографлар ва рус география жамиятининг Тошкент бўлими атрофида жипслашган бир қатор таниқли ўлкашунослар борэди. Бу даврга келиб халқ кутубхонасининг фонди ҳам бойиб борди ва мустаҳкамланди.

Шундай қилиб “Туркистон тўплами” тарихида “Петербург” даври ўрнига “Тошкент” даври келди. “Тўплам” ни тўзиш бўйича ишларнинг барчаси асосан Туркистон Халқ кутубхонаси (ҳозирги А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) қошида етиша бошлаган маҳаллий жонкуярлар иштирокида олиб бориларэди. Ўлкашунос библиограф Н.В.Дмитровский бошчилигида “Туркистон тўплами” ни тўзиш учун Туркистон Халқ кутубхонаси назорат қўмитаси аъзоларидан бюро ташкил этилди. Бюронинг биринчи мажлисидаёқ унинг ҳар бир аъзосига вазифалар тақсимлаб берилди. Н.В.Дмитровский бюрога раис этиб сайланди ва “Оренбург, “Сибир” газеталарини, “Новое время”, “Товарищ” каби журналларни кўриб чиқишни ўз зиммасига олди. Туркманистонда рус тилида чиққан ҳамма газеталарни И.И.Геер, “Туркистанская туземная газета” ни А.А Диваев ва И.А.Тимеевлар кўриб чиқишлари керак эди. Ўша мажлисдаёқ “Туркистанские ведомости” газетаси материалларини, Ўрта Осиё ҳақидаги баъзи асарлар (китоб, тўплам)ни тўпламга киритмасликка келишдилар, чунки уларнинг тўлиқ нушалари кутубхонада сақланарэди. Бундан ташқари, Н.В.Дмитровский “Туркистанские ведомости” газетасига йиллик ёрдамчи кўрсаткич тайёрлаш вазифасини ҳам ўз зиммасига олди.

Маълум вақт ўтгач, бюрога И.А.Валиевич, А.Д.Каммиков ва А.А.Зваркиналар,1910 йилдан А.А.Семенов кирди. Шуни ҳам алоҳида

таъкидлаш керакки, Туркистон илмий жамиятларининг аъзолари С.В.Бартолд, Бонч-Бруевич, П.П.Семенов Тян-Шанский ва бошқалар бюро аъзоларига имкон борича ёрдам бериб турдилар.

Межовдан кейинги даврдаги “Туркистон тўплами” томлари билан танишареканмиз, унинг номи ўзгарганини кўрамиз. Межов берган мураккаб сарлавҳа “Туркистанский сборник сочинений и статей, относяшихся до Средней Азии и Туркистанского края в особенности, составляемый по поручению г. Туркистанского военного генерал – губернатора ... В. И. Межовым, СП” деб берилган чиқиш жойи ўрнига кейинги 175– томнинг титул варағида қуйидаги “Туркистанский сборник статей и заметок из русских и иностранных газет. Сборник составляется по поручению Туркистанского генерал-губернатора” ёзувини ўқиймиз, пастда-чиқиш жойи Тошкент шаҳри деб кўрсатилган. Дастлабки 34 тасига (417-450) “Н.К.Городенково” сўзи қўшилиб, 1907 йил ёзилган. 451– томдан бошлаб генерал-губернатор фамилияси қўйилмаган, 1906 йил 492 томгача кўрсатилади. 494 – томга хам шу йил ёзилган, лекин 493, 495 – томларида негадир 1907 йил ёзилган, 496 – томдан то охиригача чиққан йиллари кўрсатилмаган. Бу томларнинг тузувчилари империя марказидан узоқ ҳисобланган Ўрта Осиёда иш олиб борганлари, рус маданияти марказларидан узоқда бўлганлари ҳолда улар газета қирқимлари бюроси хизматидан фойдаландилар ва қирқим материаллари билан тўпламнинг кейинги томларини тўлдириб бордилар. Туркистон матбуотидан ҳам жуда кўп материаллар олинган эди. Шунинг учун ҳам 127 томдан 81 таси, кўпроқ 1907 ва шунга яқин йилларда чиққан газеталардан олинган мақолалар бўлиб, улардан 4 таси- 423, 446, 452 ва 467 томларга ўзбек ва рус тилларидаги материаллар киритилган.

Энг муҳим материаллар журнал мақолалари, рисолалар, китоблар бўлиб, 46 та томга киритилган, улардан 5 таси газетадан олинган материаллар. Бу томларнинг ҳаммаси Межов” тўпламларига нисбатан илмий жиҳатдан анча бўш ишланган. Н.В Дмитровский тузган “ Туркистон тўплами”нинг тақдири оғир бўлди, уларнинг қанчалиги ва қаердалиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ

Ҳозирда Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Н.В.Дмитровский тузган 5 та тўплам сақланмоқда, бу 1871-1878 йилларда чиққан “Туркистанские ведомости” газетасидан олинган ўлкашунослик мазмунидаги мақолаларни ўз ичига олувчи хажм жиҳатидан кичик бўлган тўпламдир. Кўчирмалар бир хил хажмдаги рисолаларга жилдланган. Тўпламлар босмахона усули билан ишланган сарвараққа эга:“Туркистанский сборник.” “Том 1 (для двух книг)”ва “Туркистанский сборник. Том 2 (для двух книг)” рамкасида 1872 йил кўрсатилган Тўпламларда мундарижалар йўқ эди, кейинчалик улар Е.К.Бетгер томонидан қўл билан ёзилган.

Шу кутубхонада сақланаётган Н.В.Дмитровскийнинг бошқа кўлами жихатидан бир хил бўлмаган 17 томли тўпламига хам газеталардан қирқиб олинган хабарлар киритилган. Улар, асосан нашр қилинган вақтига мувофиқ, хронологик тартибда жойлаштирилган, баъзи бир вақтли матбуот нашрларининг номлари йўқ, балки улар тасодифан қирқилиб кетгандир. Лекин, тузувчи у маълумотларни қўлда ёзиб қўйишни эп кўрмаган.

Бу тўпламларнинг ташқи кўриниши Межов тўпламларидан ўзининг содда ишланганлиги билан ажралиб туради. Қирқиб олинган материаллар қоғозга елим билан ёпиштирилмай, муқоваланган. Фақат 4 та томда “Туркистанский сборник” деб ёзилган сарлавҳа берилган сарвараққа эгадир. Шу ёзувлар ҳамма томларнинг тикилган жойида босилган, ундан ташқари 6 та томнинг муқоваларида рақами ҳам босилган, бирортасининг мундарижаси йўқ. Тўплам Е.К.Бетгер томонидан рақамланган, у ҳамма томларни безатиб, мақолаларнинг “Туркистанский сборник Н.В.Дмитровского” номли алифбо картотекасини тузди.

Е.К.Бетгер ”Новые материалы Туркистанского сборника” мақоласида, Н.В.Дмитровскийнинг 17 томли тўплами 1840-1890 йилларда нашретилган 186 мақолаларни ўз ичига олади дуб кўрсатган. Шу материалларнинг 72% В.И.Межов тўпламига кирмаган, шунинг учун ҳам Н.В.Дмитровский тўпламлари Ўрта Осиё ўлкасини ҳар томонлама ўрганувчи тадқиқотчилар учун қизиқарли маълумотлар бера олди” деб ёзган эди.

А.А Семенов бошчилигида “Туркистон тўплами”нинг тўзилиши

1910 йилдан “Туркистон тўплами” ни тўзишга библиограф А.А.Семёнов жалб қилинди. У ўзига юклатилган вазифани 1916 йил охиригача давом эттирди. А.А.Семёнов имкони борича 1888 йилдан кейинги чиққан тўпламларнинг олдинги тузувчилари тушириб қолдирган муҳим материалларни йиғиш билан шуғулланди. “Туркистон тўплами” нинг Тошкент давридаги мазмуни кескин ўзгарди, айниқса 1910 йилдан сўнг машҳур олим, Ўрта Осиё ўлкаси билимдони А.А.Семёнов раҳбарлигида 544 томдан бошлаб бутунлай бошқа режада тўзила бошланганини кўрамиз. “Туркистон тўплами” нинг бу даври, - деб ёзади. Ўзбекистоннинг таниқли китобшунос-библиографи Е.К.Бетгер, -ҳақли равишда “Семёнов даври” деб аталиши мумкин.

1906 йил июль ойидан бошлаб Туркистон халқ кутубхонаси назорат қўмитасининг аъзоси бўлиб келган А.А.Семёнов бу кутубхонанинг илмий ишида фаол қатнашди. А.А.Семёновга “Туркистон тўплами” ни тўзишга бошчилик қилишнинг топширилиши, -деб ёзади Е.К Бетгер,- энг олийжаноб ишдир, чунки Тошкентда ундан бошқа ҳеч бир киши бу ишга Семёновчалик тайёремас эди. А.А.Семёнов ўзига юклатилган вазифага жуда жиддий қаради ва илгари чиққан томларнинг тўзилиш усулини қатъий равишда бутунлай қайта кўриб чиқди.

XX асрнинг бошларига келиб, ижтимоий-сиёсий аҳвол ўзгарди: газеталар сони кўпайди, айрим газеталар ўзининг илгариги мақеини йўқотади, хусусан “Туркистанские ведомости” газетаси ўнинчи йиллар бошларидаги ўзининг ўлкашунослик характерини йўқотади. Энг асосий ва айрим нашрларда Ўрта Осиёга бағишланган кўплаб жиддий илмий ишлар пайдо бўла бошлади. Шунинг учун ҳам Межовдан кейин биринчи 127 томни кўпинча ҳеч асоссиз газетадан қирқиб олинган материаллар билан тўлдириб ташлаш ҳолатига А.А.Семёнов чек қўйди. Шунга кўра Семёнов узоқ йиллар давомида йиғилган материалларни ўрганиб, саралади ва 544-545 томни 1914 йилдагина чиқарди. Шунга қарамай, 545-томга газетадан қирқиб олинган 30 га яқин энг муҳим материалларни киритди. Шу томга иқтисодчи олим В.В.Дининнинг Зарафшон

дарёси юқори қисмида яшаётган тоғли аҳолининг иқтисодий ҳаётига бағишланган тадқиқотини ҳам қўшади.

“Туркистон тўплами”ни ислоҳ қилиш билан бу тўпламнинг ҳар бир томини А.А.Семёнов муайян бир мавзу бўйича бир тизимга келтирди. Агар бу ҳолат Межов ишларида оз-оз сезилган бўлса, ундан кейин Семенов давридаги тўпламда аввалги библиографларнинг хатолари ҳисобга олинган эди. Масалан, махсус “Известия Русского-Географического обшества” га мансуб ҳамма журналларнинг Туркистон ўлкасига доир мақолалари бир изчилликда йиғилганлиги бунга мисол бўлади. А.А.Семёнов раҳбарлигида тўзилган томлар материалларини системалаштириш ғояси ўзидан олдингиларнинг анънасига қўшилган янгилик ва ўзига хос принцип бўлиб қолди. Бинобарин, 544 – томдаёқ 8 мақоладан 5-таси бир мавзуга (Бухоро хонлиги вилоятининг тавсифига) бағишланганини кўрамиз, баъзи томлар (546-548, 570, 588-589, 591) тарих ва археология (599) мемуарлар,(555-566, 567, 584, 569) этнография, (556-557, 587) филология, (581) беллетристика, адабиётшунослик, (551, 560, 579) ер ислохоти, мустамлакичилик, (561-564,574) қишлоқ хужалиги шахар-қишлоқлар масалалари (590), каби ўнлаб соҳаларга оиддир.

А.А.Семенов Ўрта Осиё хақидаги барча маълумотларни йиғиш қийинлигини тушуниб, “Тўплам” томларида ўша вақт Туркистондаги энг муҳим нарса ва ходисалар адабиётарнинг ини беришга интилди. Шу нуқтаи-назардан А.А.Диваев ишларига бағишланган 566-569 томлар диққатга сазавордир. Уларга олимнинг этнографияга тегишли 59 асари киритилган. 556-557 ва 587 томларда ўша давр Ўрта Осиё лингвистикаси бўйича олимнинг филологияга оид 15 та иши киритилган. Туркистонда ердан фойдаланиш, аграр масалалар бўйича материалларни ўз ичига олган 576,578 га 580-томлар ҳам эътиборга лойиқдир. А.А.Семёнов томонидан тайёрланган 48 томида Туркистон ҳаётига бағишланган 240 та китоб ва журнал мақолалари, хамда 30 та газета мақолалари ўрин олган.

Шуни таъкидлаш керакки, материал йиғиш вақтида А.А.Семёнов тўпламга муаллифлар ўз имзоси билан унга тақдим қилган асарларни хам

киритиб юбориб, китоб муаллифларининг тахаллусларига баҳо беради ва энг яхши асарларга изоҳ берган. Бевосита ўзи тузган томлар учун А.А.Семёнов мундарижа тузган, фақат охирги 112- томда унинг Тошкентдан кетиб қолиши туфайли бу иш бажарилмай қолган.

А.А.Семёновнинг Тошкентда кетиши билан “Туркистон тўплами” устида иш тўхтатилди.

5. “Туркистон тўплами” устидаги ишнинг давом эттирилиши.

1916 йил “Туркистон тўплами” ни тўзиш тўхтатилди, лекин Е.К.Бетгер 20 йилларда “Тўплам” нинг яна 3 томини тўзиб чиқди. Е.К.Бетгер иштироки ва ёрдами билан О.В.Маслова Межовдан кейин тўзилган томларга “Систематический указател к 417 – 591 томов” “Туркистанского сборника” (“Туркистон тўплами”нинг 417-591 томларига системали кўрсаткич) кўрсаткичини тузади. Бу ерда фақат Туркистонга оид материал саралаб олиниб, янги классификация системаси асосида 10 та бўлимда материалларни хронологик тартибда жойлаштирган. Бу ерда муаллифларнинг алифбо кўрсаткичи ва географик номлари кўрсаткичидан ташкил топган ёрдамчи аппарат хам мавжуд. В.И.Межовнинг ёрдамчи кўрсаткичларидан фарқли ўлароқ О.В.Маслова тузган ёрдамчи кўрсаткичларда библиография бўлими йўқ, бу эса библиографияга оид материалларни топишни қийинлаштиради. Бу кўрсаткичдан фойдаланишнинг яна бир қийин томони шундаки, ёзув машинасида кўчирилган.

“Туркистон тўплами” ни тугатиш мақсадида Е.К.Бетгер 1948 йилга келиб “Указател к.т.т.Туркистанского сборника” после В.И.Межовского перевода по вопросам, относящихся стран, сопределенных с Туркистанским” номли кўрсаткични тузди. Бу ерда материаллар мамлакатлар бўйича хронологик тартибда жойлаштирилган Кўрсаткич 2368 та аннотация ва хабарлар сарлавхаларидан иборат бўлиб, 278 сахифали машинкада ёзилган матндан иборат. “Туркистон тўплами” нинг 29 та томи Россия Давлат кутубхонасида сақланмоқда

Е.К.Бетгер ўзининг мақоласида ана шу 29 (1-2, 4-30) томлар хақида ёзади. Бу тўпламга Межовнинг “Туркистон тўплами” хажми билан тенг қоғозга ёпиштирилган газета хабарларидан иборат жилдланган томлар киритилган. Е.К. Бетгер томонидан топилган тўпламнинг ҳар бир томи босмахонада босилган титул варағига эга. Унда “Туркистан” Сборник статей, заметок и корреспонденции о Средней Азии напечатанных в газетах (столичних и провинциалы) Ташкента” деган ёзув бор. Тузувчининг исми – шарифлари, тўплам тўзилган даври ҳеч қаерда кўрсатилмаган, кириш сўзи берилмаган. Услуб жиҳатдан улар Межовнинг “Туркистон тўплами” га нисбатан бўш ишланган. Бу тўпламда мақолаларнинг манбалари кўрсатилмаган, мундарижа йўқ, материалларни жойлаштиришда хронологик изчилликка риоя қилинмаган (ҳар бир тўпламда турли йилларга оид гезета мақолалари учрайди) материалларни гуруҳлаштириш тартибини аниқлаш қийин. Тўпламнинг хажми катталиги учун қимматли материаллардан фойдаланиш қийин, лекин бу муаммоли масалани ҳал қилиш иши билан Е.К.Бетгер шуғулланди ва “Указател к сборникам “Туркистан,” храняшихся в государственной библиотеке РСФСР” номли ёрдамчи кўрсаткични тузди. Шунда 29 томнинг мазмуни предмет ва шахс исмлари кўрсаткичи билан ёритилди. Ҳозирги кунга қадар бу томлар ким томонидан тўзилганлиги аниқланмаган. Е.К.Бетгернинг фикрича, дастлабки 9 томи Петербургда В.И.Межов томонидан тўзилган, кейинчалик Н.В.Дмитровскийнинг илтимосига кўра Тошкентга юборилган, бу ерда тўпламларга янги титул варағи қилинган. Қолган 20 томи Е.К.Бетгернинг айтишича, Дмитровский томонидан тўзилган.

“Туркистон тўплами” нинг яна бир қимматли томони шундаки, бунда собиқ шўролар давригача бўлган Ўрта Осиё библиографияси, методикасига оид 10 дан ортиқ мақола, рус, хорижий тилларда ёзилган Туркистон ўлкасига оид 30 га яқин библиографик кўрсаткичлар киритилган .

6.В. И. Межов анъаналарининг давом эттирилиши.

Тўплам тўзиш бўйича В.И.Межов анъаналари 20 асрнинг 70 йилларигача давом эттирилди. Кўп йиллар мобайнида Тошкент Давлат педагогика

институти библиография кафедрасининг мудири, кейинчалик (1974 йилдан) Тошкент Давлат маданият институти, “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор Г.Н.Чабров 1940 йилдан бошлаб “Ўзбекистон маданий ҳаётининг солномаси” мавзуида газета мақолалари тўпламини тўзиб борди. 1940 йилдаёқ тасвирий санъат масалалари бўйича газета мақолаларини тўплаш ишларини бошлаган эди. Фронтдан қайтгач, яъни 1940-1951 йиллар учун мақолаларни йиғади ва у 1951 йилда жилдланган. Мавзулар кўлами ҳам сал кенгайди. Энди Ўзбекистон Фанлар академияси ва республика музейлари ишлари бўйича мақолалар йиғила бошланди.

1960 йилга келиб тўпламнинг тўзилиши мураккаблашди ва шундан кейин аста-секин тўлдириб, бойитиб борилди. Тўпламнинг тўзилиши қуйидагича: Ўз.Фанлар Академияси, Шарқшунослик институти ва унинг 40 йиллиги, География жамияти, Археология, Ўрта Осиё тарихи, Ўзбекистон рассомларнинг уюшмаси, Санъат, Архитектура, Меъморчилик, Амалий санъат, Хаваскорлик санъати, Коллекция. Кутубхоналар ва Архивлар, Библиография, Персоналия, турли масалалар, Некрологлар.

1940-1972 йилларни ўз ичига олган 56 та том таркибида 11748 мақола ва хабарлар, 6823 муаллифлар бор.

Хаётининг сўнгги йилларигача профессор Г.Н.Чабров тўпламнинг 77 томини тузган эди. У тўпламга асосан мамлакатда чиқаётган 4 та “Правда Востока,” “Ташкентская правда,” “Комсомолетс Узбекистана”, “Вечерний Ташкент” газеталари материалларини киритган. Хар бир том иккита ёрдамчи кўрсаткич, мақола ва хабарлар муаллифлари хамда системали кўрсаткичга эга.

Шуни таъкидлаш керакки, Г.Н.Чабров тайёрлаган тўплам унинг фикрича В.И.Межовнинг “Туркистон тўплами”га қараганда анча паст ўринда туради. Бу тўпламда Ўзбекистон маданиятига оид айрим масалалар ёритилган, холос. Бу тушунарли хол, чунки чиқаётган адабиётларнинг сони шу қадар кўп эдики, уларни битта тўпламга жойлаштиришнинг хеч қандай иложи бўлмаган.

“Туркистон тўплами”нинг ноёб ўлкашунослик материаллари ҳозирги пайтдаги турли илмий тадқиқот ишларида, ўлкашунослик ва мавзули кўрсаткичлар тўзишда жуда катта аҳамият касбетади.

1908 йилдаёқ Шарқшунослик жамияти Ўрта Осиё бўлимининг аъзолари В.Ф.Гейнтс, Б.П.Кареев ва С.Д.Масловский “Туркистон тўплами” дан фойдаланиб, “Библиография Афганистана”, (“Афғонистон библиографияси”) кўрсаткичини тузган эди. Улар кўрсаткичларига “Туркистон тўплами”нинг 416 томидан жой олган Афғонистон хақидаги 350 мақола ва китобларни киритганлар.

1946 йил “Туркистон тўплами”нинг материаллари асосида Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари Н.М.Бендектова ва Е.К Бетгерлар “Киргизия на странитсах” “Туркистанского сборника (“Қирғизистон, “Туркистон тўплами” саҳифаларида”) номли библиографик кўрсаткич туздилар.

1958 йилда Қозоғистон фанлар Академияси Тарих институтининг илмий ходими А.Хўжаев “Туркистон тўплами” материаллари асосида “Этнография Казахстана» (“Қозоғистон этнографияси”) номли аннотацияланган кўрсаткич тузди.

Қозоғистоннинг иккита вилояти – Сирдарё ва Етти сув вилоятларига оид китоб ва мақолаларни ўз ичига олган “Туркистон тўплами” бу жумҳуриятнинг 1917 йилгача бўлган ҳаёти билан қизиқувчи тарихчи, этнограф, фалклоршунос тадқиқотчилар ҳамда библиографлар учун нодир, қизиқарли материаллар беради.

“Тўплам”да даштли ўлка (Уралск, Тўрғай, Окмулинск, Семипалатинск) га бевосита алоқадор материаллар берилмаган, лекин, “тўплам” нинг тузувчилари унга умуман қозоқлар хақида ёзилган китоб ва мақолаларни киритганлар, бироқ бу миллатларнинг қайси худудда яшаганликлари кўрсатилмаган. Шунинг учун Қозиғистон ҳақида умумий маълумот берувчи илмий адабиётлар “тўплам” дан ўрин олган, деб бемалол айта оламиз.

“Туркистон тўплами” даги материаллардан барча тадқиқотчилар хам ўз ишида фойдаланиш имкониятига эга эмас эди. Шунинг учун унинг мазмунини тарғиб қилиш учун Қозоғистон Фанлар Академияси кутубхонаси Қозоғистонга оид материалларни “тўплам”дан танлаб олиб, уларни аннотация лаш бўйича жуда катта иш олиб борди. “Казахстан на странитсах” “Туркистанского сборника” (Козоғистон “Туркистон тўплами” саҳифаларида) деб номланган аннотацияланган картотека тўзилди ва унга 2000 дан ортиқ китоб, газета, журнал мақолалари,турли хил хабарлар, географик карталар, расм ҳамда портретлар киритилди. Йиғилган материалларнинг асосий қисмини Қозоғистоннинг собиқ шўролар ҳокимияти йилларигача бўлган тарихи, этнографияси, археологияси, ҳуқуқи, статистикага оид адабиётлар ташкил қилади. Картотекада Қозоқларнинг турли тарихий даврлардаги маъмурий тўзилиши, Еттисув шаҳрининг тарихи каби маълумотлар акс этган. Баъзи кўчманчи қозоқ уруғларининг кўчиш жойлари ва уларнинг тарқалиш чегаралари уруғларнинг ўзаро муносабатларини кўрсатувчи ишлар тадқиқотчиларда катта қизиқиш ўйғотди. Булардан ташқари “Тўплам” га биринчи қозоқ олими Чўқон Валихонов асарларининг таржималари, қозоқ маърифатчилари Абай Қўнонбоев, Олтинсаринларнинг асарлари ва улар ҳақида ёзилган асарлар киритилган.

“Туркистон тўплам”ига дашт ва Туркистон ўлкаларида бўлган хориж лик сайёҳларнинг ишлари ҳам киритилган. Аксарият ҳолларда бундай ишлар саёҳат чоғи олинган тасуротларни акс эттириб, географик маълумотлар билан бирга қозоқлар ҳақида тарихий, этнографик маълумотлар ҳам бера олади.

1959 йил Навоий номидаги Ўз Давлат кутубхонаси справка-библиография бўлимининг ходими Е.А.Вайтеховский “Ташкент- его, прошлое и настоящее” номли адабиётлар кўрсаткичини тузди. Бинобарин, эски Тошкентнинг саноати, савдо сотиқ ишлари, ободонлаштириш масалаларига оид қизиқарли мақолалар “Туркистон тўплами” дан жой олгандир.

Ҳозирги даврга келиб, “Туркистон тўплами”ни тўзиш ёки уни анънавий давом эттиришга эҳтиёж йўқ. Бу давр тақозоси. Ҳозирда “Туркистон

туплами”нинг илмий-назарий ғояси эскириб қолди. Чиқаётган нашрларнинг кўп нусхадалиги, улардан фойдаланиш имкониятларининг кенглиги, мамлакатимизда чиқаётган ҳар бир нашрдан бошқа давлат кутубхоналари сингари А.Навоий номли Ўзбекистон Давлат кутубхонаси хам мажбурий нусха олиш, “тўплам”ни тўзиш ёки уни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ, эмаслигини кўрсатди.

“Туркистон тўплами” ҳозирги замон маданияти ривожида босма маҳсулотларни йиғиш ва системалаштириш учун қулай бўлган библиографияга ўз ўрнини бўшатиб бермоқда.

“Тўплам” Ўрта Осиёга оид қимматли материаллар манбаи сифатида ҳали узоқ вақт ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шунинг учун, жумҳуриятимиз кутубхона ходимлари, биринчи навбатда, Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари олдида Ўрта Осиё ҳақида бой материал берувчи бундай маданият обидаси ва библиографиянинг ажойиб меросини китобхонлар ўртасида тарғиб қилиш масаласи асосий вазифа бўлиб турибди. Шунинг учун Навоий номли кутубхонада ҳам Россия Давлат кутубхонасидан Е.К.Бетгер топган “Туркистон тўплами”нинг 29 томи ҳам бўлишини истардик. Е. К.Бетгер бошлаган тўпламга оид манбаларни аниқлаш ишларини давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу иш эса тўпламнинг 29 томининг тузувчисини аниқлашга ёрдам берган бўларэди.

ХИХ асрнинг охири, ХХ асрнинг бошларида Ўрта Осиё библиографиясининг ривожланиш тарихи бевосита рус ўлкашунос библиографи. Н.В.Дмитровскийнинг номи билан ҳам боғлиқдир. У нафақат Ўрта Осиёнинг библиографи бўлган, балки Туркистонда кутубхоначилик-библиография ишининг ташкилотчиларидан биридир.

Н.В. Дмитровский 1841 йил 6-декабрда Нижний Новгород шаҳрида туғилади. Шу ерда ўқийди ва меҳнат фаолиятини бошлайди. 1867 йил у Тошкентга келади ва Туркистон генерал-губернаторининг девонхонасида иш бошқарувчи ва Тошкент халқ кутубхонасининг кутубхоначиси бўлиб ишлайди. 1910 йилда вафотетади.

Унинг кутубхоначилик ва библиографик фаолиятининг бошланиши 1870 йили Тошкент халқ кутубхонасининг, кейинчалик Туркистон халқ кутубхонасининг очилиши билан боғлиқ. У кутубхонани ташкил қилишда фаол иштирок этган ва биринчи бўлиб кутубхона директори этиб тайинланган. Н.В. Дмитровский биринчи бўлиб кутубхонанинг рус китоблар фонди каталогини тузган, ҳозир у А.Навоий номли Ўзбекистон миллий кутубхонаси фондида сақланмоқда.

Н.В. Дмитровский каталогни тўзишда ўлкашунослик манбаларига катта аҳамият беради. Ўрта Осиёга оид китоблар махсус бўлимларда жойлаштирилган. Яна шуниси қимматлики, каталогга кирган ҳамма кўп томликларнинг мазмунини тўлиқ очиш йўли билан Ўрта Осиё ҳақидаги манбалар йиғилган. Тошкентда тўзилаётган барча ўлкашунослик тўпламларининг мазмуни тўлиқ ёритилган. Масалан: “Санъат” бўлимида кам нушада нашр қилинган, мухим ва нодир ҳисобланган “ Туркистанский альбом” нинг ҳамма варақлари саналиб тавсиф қилингандир. Шундай қилиб, Н.В. Дмитровский тузган каталог фақатгина кутубхонани акс эттириб қолмасдан, балки фонднинг ўлкашунослик характеридаги қисмининг мазмунини тўлиқ очиб ҳам берган.

Н.В. Дмитровский ўзининг Ўрта Осиё ҳақидаги 1871 -1872 йил учун китоб ва мақолаларнинг кундалик библиографиясини тўзиб, “Туркистанские ведомости” (1871 йил № № 33,36,39,43,44, 1872 йил № № 7,16) гезетасида нашр қилдиради.1874 йилда эса унинг муҳим кўрсаткичларидан бири “Библиографический указатет” сочинений о Средней Азии, напечатанных в России на русском языке с 1692 по 1870 гг" нашр қилинади.

Кўрсаткич Ўрта Осиё ҳақидаги адабиётни йиғиш учун Н.В.Дмитровский Москва ва Петербургда чиқадиган журналларни, рус фанлар академияси,университетларни ва илмий жамиятларнинг нашрларини ва кўплаб газеталарни кўриб чиқди. Кўрсаткичда манбаалар /788 номда / 11 та бўлимга жойлаштирилиб, Ўрта Осиё ва унинг айрим ҳудудларининг тарихи, географияси, археологияси қишлоқ хўжалиги саноати, аҳолисига оид

адабиётлар берилган. Кўрсаткичнинг сўз бошида яқин кунларда давоми чиқиши ҳақида ёзилган, лекин у чиқмади.

Н.В.Димитровскийда ҳар доим В.И.Межовнинг “Туркистон тўплами”ни тўлдириш истаги бўлган. Шунинг учун ҳам “В.И.Межовнинг “Туркистон тўплами” га кирмай қолган Ўрта Осиё ҳақидаги мақолаларнинг кўрсаткичи 1867-1887 йиллар, шунингдек, 1887-1907 йиллар” (Указател статей о Средней Азии, не вошедших в Туркистанкий сборник” за время сушествования /1867-1887/, а также с 1887-1907 г.г”) кўрсаткичида асосан “Военный сборник”, “Русский инвалид”, “Разведчик”, “Древняя и Новая Россия” каби 13 та журналдан 1670 та мақола олинган. Кўрсаткичда материаллар журналларнинг алифбоси бўйича, бўлим ичида эса йиллар бўйича берилган. Лекин кўрсаткич қўл ёзма китоблар фондида сақланмоқда.

ХИХ асрнинг охири -ХХ аср бошларида Ўрта Осиё ҳақидаги адабиётларни ҳисобга олувчи қатор библиографик кўрсаткичлар нашр қилинди. Масалан: 1902-1903 йилларда Петербург ботаника боғининг бош ботаниги В.И. Линской Туркистон ўсимликлар дунёси ва ботаник илмий ишларга оид “Литература флоры Средней Азии” номли 2 қисмли кўрсаткични тўзиб нашр қилдирди.

Кўрсаткичнинг биринчи қисмига Туркистоннинг ва қўшни мамлакатларнинг ўсимликлар дунёсига оид Петербург ва Москва шаҳарларининг йирик кутубхоналарида сақланаётган 1976 -1902 йилларда нашр қилинган китоб ва мақолалар киритилган. Кўрсатилган манба ҳақида тўлиқ маълумот берувчи қизиқарли аннотация берилган. Айниқса нодир ва танилиши қийин бўлган нашрларга аннотация, реферат кенг берилганки, унда манбага мурожат қилмай туриб ҳам унинг мазмуни билан қисқа танишса бўлади.

Кўрсаткичнинг иккинчи қисми Ўрта Осиё ботаника тарихини ўрганишга бағишланган, адабиётларнинг тавсифи, аннотациялаш уни жойлаштириш услуби биринчи қисмига монанддир.

Материалларни ҳисобга олишнинг кенглиги, библиографик тавсифнинг тўлиқ ва бирхиллиги, аннотациянинг кенглигига кўра В.И. Линскийнинг бу қўлланмасини инқилобдан олдинги тўзилган энг яхши кўрсаткичлар қаторига қўйса бўлади.

Лекин материалнинг алифбо тартибида жойлаштирилиши, айниқса, ёрдамчи кўрсаткичи йўқлиги ундан фойдаланишни анча қийинлаштиради.

Ўрта Осиё хақидаги рус ва чет тиллардаги адабиётларни биз С.П.Сепенов - Тяншанский томонидан тўзилган, “Россия ”номли кўп томли сериясини XVIIИ ва ХИХ томларида нашр қилинган “Указател главнейших историчников и пособии” номли кўрсаткичдан танишишимиз мумкин. Кўрсаткич XVII асрнинг ўрталаридан то 1913 йилгача бўлган Ўрта Осиё тарихи, археологияси, географияси , маданияти ва бошқа фан сохаларига оид адабиётни ўз ичига олиб ўн битта жойлаштирилган.

Ўрта Осиё хақидаги муҳим кўрсаткичлардан бири ўлкашунос библиограф В.Р. Городетский ва М.П. Городетскаялар томонидан тўзилган “Библиография Туркистана” номли кўрсаткичдир.

Кўрсаткичда рус ва чет тилларда нашр қилинган китоб ва вақтли матбуот мақолалари берилган бўлиб, 10 та асосий бўлимда фан соҳалари бўйича жойлаштирилган (тарих, география, минералогия, ботаника, зоология, астрономия, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар).

Ўнинчи бўлим йиғма бўлим бўлиб, бошқа бўлимларга кирмай қолган адабиётларни ва баъзи вақтли матбуот муҳарририётининг манзиллари берилган. Кўрсаткичнинг бирдан бир камчилиги турли йиллардаги адабиётларни бир текисда бермаганлиги, бир муаллифнинг бир неча асарини тасвирлашда муаллиф фамилиясини биринчи асарда кўрсатилиб, қолганларида берилмаганлиги, аннотация ва ёрдамчи кўрсаткининг йўқлигидир. Лекин бу камчиликларга қарамасдан кўрсаткичдан Ўрта Осиё хақида мухим маълумотлар йиғишда фойдаланиш мумкин. XX аср бошларидан то ҳозирги кунгача илмий қимматини йўқотмаган қатор библиографик кўрсаткичлар Рус география жамиятининг Туркистон

бўлимининг “Известия” тўпламида нашр қилинган. Маслан, 1914-1917 йилларда тўпламнинг Х-ХИИ томларида босилган А.В. Понковнинг ва Е.К.Бетгер томонидан бошқа икки қисми тўзилган “Библиографический указател книг и статей по туркестановедению” (“Туркистоншуносликка оид китоб ва мақолаларнинг библиографияси”), ҳамда саёҳатчи И.Минаевнинг “Аму-Дарёнинг юқори қисмидаги давлатлар ҳақида 1878 йилгача маълумот” номли китобида берилган “Библиографик кўрсаткичлар” чоп этилди. Уларда Ўрта Осиё ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Юқоридаги айтиб ўтилган бу кўрсаткичлардан, келгусида республикамиз ва Ўрта Осиёнинг инқилобгача бўлган даври учун умумий ретроспектив библиографик қўлланмалар тўзишди манба сифатида фойдаланишимиз мумкин .

ХИХ асрнинг охири ХХасрнинг бошларида Ўрта Осиё халқлари тилларидаги адабиётларни ҳам библиографиялаш масаласига эътибор берила бошланди.

Биринчи маротаба Туркистонлик муаллифларнинг асарлари ХИХ аср ўрталарида Петербург ва Қозон шаҳарларида шарқ халқлари тилларида нашр қилинган библиографик қўлланмаларда, кейинчалик эса шарқшунослик йўналишдаги марказий ва маҳаллий вақтли матбуотларда ҳисобга олина бошланди.

Йирик шарқшунос олим, узоқ йиллар Осиё музей ва Император халқ кутубхонасида ишлаган Б.А.Дорн биринчи маротаба Россияда мусулмон матбуотининг 2 та библиографик кўрсаткичини тузди. Биринчи библиографик обзор 1852 йилда нашр қилиниб, унда шарқ (шу жумладан Туркистон) қўл ёзма асрлари берилган. Бу биринчи шарқ қўлёзма асарлари берилган. Бу шарқ қўлёзмаларига тўзилган биринчи катта библиографик тажриба эди.

Иккинчи кўрсаткич 1867 йилда нашр қилиниб, унда 900 га яқин шарқ тилларида нашр қилинган адабиётлар берилган. Бу кўрсаткичда адабиётлар ҳақидаги маълумотлар оригинал - араб тилида берилган. Материал хронологик тартибда жойлаштирилиб, йиллар ичида китоблар номларининг алифбо бўйича жойлаштирилган. Бу шу давр талабига жавоб берган ҳолда,

мусулмон матбуотининг ривожланишини, унинг мазмунини ва йўналишини очиб беради. Библиографик манбадан кўриниб турибдики, ҳисобга олинган кўпчилик китоблар -араб, форс ва туркий тилларидаги мусулмон диний китобларидир.

Бу “Қуръони карим” нинг,”Хафтияк” нинг бир неча нашри ва бошқа диний китоблар, Х1Х асрнинг ўрталарида нашретилган бадиий адабиётлар ва баъзи мусулмон олимларининг асарларидан 30 дан ошиғи Б.А.Дорннинг кўрсаткичида ҳисобга олинган.

Кўрсаткичда асосан Қозон шаҳрида Х1Х асрда чиққан шарқ адабиётига тўлиқ маълумот берилган. Лекин шу билан бирга кўрсаткич бир қатор камчиликдан ҳоли эмас. Энг аввало Б.А.Дорн асарларнинг библиографик тавсифини жуда қисқа берган, унда сон характеристикаси, нашриётлар ҳақида маълумот йўқ. Бундан ташқари кўрсаткич тўлиқ эмас, буни Б.А.Дорн ўзи ҳам тан олиб “кўрсаткични тўзишда кўплаб мусулмон китоблари Осиё музейида йўқ эди, уларни ҳали топиш керак”, - деб ёзган.

Лекин бу камчиликлар кўрсаткичнинг қимматига таъсир қилмайди. Чунки бу библиографик қўлланма қадим Ўрта Осиё олимлари ва ёзувчиларнинг асарлари ҳақида маълумот берувчи ягона манбадир.

Афсуски, Б.А.Дорндан кейин Россияда шарқ халқлари тилларидаги адабиётларнинг библиографияси билан 15 (1867-1884)йил давомида ҳеч ким шуғулланмади.

Бу иш фақат Х1Х асрнинг 1886-1917 йилларга келиб, 1886-1917 йилларда чиққан рус шарқшунослигининг матбуот органи ҳисобланган “Записки Восточного отделения императорского русского археологического обшества” (ЗВОРАО) (”Рус император археология жамиятининг нашри) номли давомли нашр чиқиши билан яна бошланди. Бу тўпламда мунтазам равишда шарқ тилларида Туркистонда чиққан адабиётлар рўйҳати, уларга ёзилган тақризлар ҳақида маълуомот бериб борилди. Ўрта Осиё халқлари адабиёти, тарих археологияси ҳақида адабиётларнинг шарқшунослар – туркистоншунослар томонидан тўзилган қатор рўйхатлари босилиб турди. Масалан, тўпламнинг

1886-1893 йилларга оид 3,5,8- томларпида йирик шарқшунос олим В.Ф.Смирнов томонидан “Мусулманские печатные издания в России” (“Россияда нашр қилинган мусулмон матбуоти”) номли кўрсаткич босилиб чиқади. Кўрсаткичга 1885-1893 йиллада чиққан адабиётлар киритилган бўлиб, бевосита Б.А.Дорн кўрсаткичининг давоми ҳисобланади. Бу кўрсаткичда ҳаммаси бўлиб, 684 китоб ҳисобга олинган, уларнинг библиографик тавсифи жуда қисқа берилиб, китоб ҳақида библиографик маълумотлар етарли эмас. Ҳисобга олинган китобларнинг асосий қисми Қозон шаҳрида нашр қилинган бўлиб, фақат 1889-1893 йилларда Тошкентда нашр қилинган 28 та китоб киритилган. Шундай қилиб бу кўрсаткич Туркистонда шарқ тилларида нашр қилинган китобларнинг тўлиқ ҳисобини бермайди.

Х1Х асрнинг охирида Туркистон библиографияси тарихида, муҳим воқеа бўлган 1889 йили Тошкентда Е.Ф. Калнинг “Каталог восточных рукописей Туркистанской публичной библиотеки” номли қўлланманинг нашр қилиниши бўлди. Бу Россиянинг биринчи маротаба мамлакатнинг Чекка ўлкасида сақанаётган шарқ қўлёзма асарларини илмий тасвирлашга бўлган уриниш эди. Кал “Каталогни тўзишни Тошкентда бошлаб, Петербургда тугатди. Бунинг учун Кал Туркистон халқ кутубхонасида тасвирлаб улгурмаган 39та қўл ёзмани Туркистон генерал-губернатори И.О.Розенбахнинг рухсати билан Петербургга олиб кетди.

Ҳаммаси бўлиб каталогга 87 қўлёзма киритилган (араб тилида 7 та, туркий тилларида 11, форс тилида – 67) бўлиб, улар фан соҳаларига бўлиб жойлаштирилган, ҳар бир қўл ёзманинг тасвирида Кал унинг ҳажмини, форматини, қийин қисқа мазмунини ёритиб берган. Бундан ташқари қўл ёзманинг муаллифи, ёзилган вақти, ким томонидан кўчирилган ва бошқа муҳим маълумотларни беради.Кал томонидан тўзилган бу каталог умуман олганда илмий ва мақсадга мувофиқдир.

Калдан кейин 1912 йили Ўрта Осиё илмий библиографик ҳаётида катта хисса қўшган шарқшунос олим А.А. Семенов шарқ адабиётининг иккита каталогини тузади. Булар “Каталог восточных рукописей Туркистанской

публичной библиотеки” (Туркистон халқ кутубхонасидаги шарқ қўл ёзмаларининг каталоги”), “Каталог восточных литографий Туркистанской публичной библиотеки”, Туркистон халқ кутубхонасидаги литографик нашрлар каталоги”. Лекин бу ҳар иккала каталоглар ҳам нашрдан чиқмай қолиб кетган, ҳозирда Ўзбекистон ФАсининг Шарқшунослик институтида сақланади.

Х1Х асрнинг охири – ХХ асрнинг бошларида шарқшуносликка оид адабиётларнинг кўплаб нашр қилиниши шарқшунос олимларда бу китоблар ҳақида тўлиқ адабиётарнинг беришга эҳтиёж туғдирди. Шунинг учун ҳам 1912 йили шарқшунослик жамиятининг “Мир Ислама” номли журнал муҳарририяти томонидан мусулмон халқлари тилларидаги адабиётларни ҳисобга олувчи маҳсус “Мусулманская книжная летопис” (“Мусулмон китоб солномаси”) нашр қилина бошланди. Бу солноманинг асосий вазифаси В.В. Бартолднинг фикрича, мусулмон халқларининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини ўрганишга имкон берарэди. У ҳар ҳафтада бир маротаба чиқарилиб, 1912-1913 йилларда унинг 51 сони босмадан чиқарилган эди. Солномада ҳамма мусулмон халқлари тилларидаги адабиётлар ҳисобга олиниб, материал эса тиллар бўйича жойлаштирилди. Масалан: Араб ва даргин тилдаги китоблар, Араб ва форс тилидаги китоблар, араб ва татар тилидаги китоблар, сарт (ўзбек – МТ) тилидаги китоблар ва ҳоказо.

“Мусулманская книжная летопис” мустақил равишда нашр қилинмасдан фақат рус тилидаги “Книжная летопис” материаллари билан чекланганлиги сабабли унга айрим шарқ тилларидаги, жумладан, Туркистонда нашретилган китоблар кирмай қоларэди.

Бу солномада хисобга олинган материаллар иккинчи даражадаги адабиётарнинг бўлгани учун деярли илмий аҳамиятга эга эмас. Шу сабабдан кейинчалик уни нашр қилиш тўхтатилди. Лекин шундай бўлишига қармасдан, бу солнома Россияда шарқ тилларидаги адабиётларни ҳисобга олувчи биринчи кундалик библиографик қўлланма эди. ХХ аср бошларида шарқ тилларидаги маҳаллий нашрларнинг кундалик ҳисобини олиш ишига Туркистоннинг ўзида

ҳам уриниб кўрилди. 1911 йил Туркистон халқ кутубхонаси кузатиш комиссиясининг аъзоси Л.А.Зимин Тошкентда нашр қилинадиган “Средняя Азия” номли журналда Туркистонда нашр қилинувчи матбуот асарларнинг ҳар ойлик библиографик рўйхатини бериб борди.

Л.А.Зиминнинг фикрича, бу кўрсаткичда Туркистон ҳақидаги ҳамда Туркистоннинг ўзида нашр қилинаётган рус ва шарқ тилларидаги адабиётларни ҳисобга олиш мўлжалланган. Бу кўрсаткич 1917 йилдан олдинги биринчи ўлкашунос библиографик кўрсаткичлардан эди.

Афсуски, бунинг фақат 5 та сони нашр қилинган, холос. Шундай қилиб, XX асрнинг бошларида шарқ халқлари тилларидаги Туркистон нашрларининг библиографиясини тўзишга бўлган уринишлар охиригача етказилмади. Бунинг асосий сабаби маҳаллий нашрларнинг бир жойга тўпланмаганлиги ва Чор Россиясининг бу нашрларни тўплаш ҳамда ҳисобга олишга совуққонлик билан қараганлигидандир.

Шундай қилиб Х1Х асрнинг охири XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё хақидаги адабиётларнинг қатор библиографик қўлланмалари тўзилиб, кўрсаткичлар ўлкамиз тарихини, унинг фан ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу давда тўзилган, нашр қилинган кўпгина библиографик кўрсаткичда кўп фанларга оид хилма – хил адабиётларнинг хисобга олинганлиги сабабли то ҳозирги кунга қадар илмий қимматини йўқотгани йўқ.

Лекин бу кўрсаткичларнинг мавзуси жуда тор. Кўпинча тузувчилар ўзларини қизиқтирадиган мавзуларга оид библиографик қўлланмалар тузган. Бу даврда тўзилган библиографик қўлланмаларнинг тўзилиш методикасида хам жуда катта камчиликларга йўл қўйилган. Буларнинг кўпчилигида адабиётлар тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги сабабли, ҳозирги кунда улардан фойдаланишда китобхонлардан кўплаб қўшимча манбаларни қўшимча қидиришни талаб қилади.

Ҳозирги кунгача бир неча маротаба кун тартибига қўйилган бўлсада, Ўрта Осиё матбуотининг тўлиқ библиографиясини тўзиш иши хал қилинмаган.

Шунинг учун ҳозирги кунда Ўрта Осиё кутубхоналари мутахассислари олдида турган муҳим вазифа-Ўрта Осиё халқларининг маданияти, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш тарихини хисобга олган холда энг қадимий қўлёзма манбалардан тортиб то XX аср бошларига (1917 йилга) қадар давр адабиётининг умумий ретроспектив библиографиясини тўзишдан иборатдир. Бу вазифани хал қилиш Ўрта Осиё халқларининг ўтмишдаги кўпчилик унутган бой меросини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

7 мавзу: Ўзбекистонда собиқ шўролар хокимяти даврида библиографик фаолиятнинг ташкил қилиниши

Режа:

1. Республика Миллий китоб палатаси фаолияти.

Мавзунинг мақсади- миллий ва давлат библиографияси ҳақида тушунча бериш, Ўзбекистонда Миллий ва Давлат библиографиясининг ривожи, унинг марказлари ҳақида маълумот беришдан иборат.

Тушунчалар: Миллий библиография, Давлат библиографияси, китоб палатаси, давлат библиографияси, китоб солномаси, тақризлар солномаси,

1.Миллий ва давлат библиографияси ҳақида тушунча, унинг тараққиёти.

Хужжатлар ва истеъмолчилар ўртасидаги восита сифатида ижтимоий ташкилотлар азалдан фаолият кўрсатади.

3.Республика Миллий китоб палатаси фаолияти.

Ҳужжатлар маданияти ва дунё библиографиясининг юзага келишида Китоб палатаси асосий ўрин тутади.У матбуот асарларининг мажбурий нушала-рини йиғади, ҳозирги пайтда турли хил электрон китобларнинг ва хужжат-ларнинг ҳам мажбурий нушалари шу жойда йиғилиши ва ҳисобга олиб бори-лиши зарур, уни сақлайди, архивини ташкил этади, библиографик

ва ахборот хизмат кўрсатиш учун манбаларни тайёрлайди ва бошқа вазифаларни бажаради.

1920 йиллардаёқ Ўзбекистонда нашриётчилик иши ва китоб иши ривожланиб бориши билан давлат библиографиясининг марказини ташкил этиш эҳти-ёжи пайдо бўлган эди.1920 й. кўзида Тошкентдаги Туркистон Давлат нашриёти-да 1-Туркистон Китоб палатаси ташкил этилди. Унинг директори этиб А.Д.Эй-хенголтс тайинланди. Аммо ўша пайтдаги шарт шароитларнинг мураккаблиги туфайли палата асосий вазифаларини бажара олмади, яъни чиқаётган нашрлар-нинг ҳаммасини ҳисобга олиб бориш, уларнинг рўйҳатини тўзиш ва нашр этиш тўла олиб борилмади, Россия Марказий китоб палатасига келиб тушаётган ва маҳаллий кутубхоналарга келаётган нашрларни кенг қамраб ола билмади.

1922 -1924 йилларда Туркистон матбаа асарларининг давлат ҳисобини олиб бориш ва Россия Китоб палатасининг "Китоб йилномаси"да акс эттиришга уринишлар бўлган. 1922 йил 17 июлда қабул қилинган "РСФСР таркибига ки-рувчи ҳамма республикалар ҳудудида нашр этилаётган матбуот асарларини мажбурий ҳисобга олиш қоидасини тарқатиш ҳақида"ги қароридан сўнг яна Туркистон Китоб палатасини ташкил этишга уриниш бошланди. Бунга сабаблар қуйидагилардан иборат эди: 1922 йилгача ҳеч қаерда Туркистон матбуоти ҳисобга олинмаган эди, республикада нашриётчилик ва китоб ишининг тез суръатлар билан ўсиб бориши тезкорлик билан улар ҳақида ахборот бериб бориш лозимлигини талаб этар эди, республикада нашр этилаётган асарларни-нг мажбурий нушаларини тўплаш масаласи ҳали ҳал этилмаган эди. 1922 йил сентябр ойи бошларида 1-марта Республика Давлат илмий кенгашида Китоб палатаси масаласи кўрилди.

Палатани ташкил этиш учун унинг лойиҳаси билан ишловчи махсус комиссия тўзилади ва унинг йиғилишида Туркистон давлат кутубхонасининг ходими Н.А.Буров иштирок этади.Октябр ойи ўрталарида Туркистон давлат кутубхонаси директори Е.К.Бетгер Давлат илмий кенгаши топшириғига кўра Тошкентда Туркистон Китоб палатасини таъсис этиш бўйича Халқ

Комиссарлар Советининг қарор лойиҳасини ва Халқ маорифи комиссарлигининг республикада матбуот асарларининг мажбурий нушасини ҳисобга олиб бориш ҳақидаги йўриқнома лойиҳасини тайёрлаб топширади.1923 йил 15 январда Давлат илмий кенгаши қошида иккинчи Туркистон китоб палатаси ташкил этилади. Унинг директори этиб Н.А.Буров тайинланади, аммо 1923 йилгача палата расман фаолият кўрсатади,шу йилнинг май ойидаёқ унинг фаолияти амалда тўхтаган эди. 1923 йил январи ўрталаридан бошлаб Туркистон Автоном Республикасида матбуот асарларини ҳисобга олиб боришни бошлайди ва Туркистон китоб йилномаси кўринишида уларнинг рўйҳатини тайёрлайди, бунга асос қилиб матбуот асарларининг мажбурий нушалари ва Туркистон Давлат кутубхонаси фондига келиб тушаётган адабиётлар олинади. Дастлаб палата 1917-1922 йилларда нашр этилган матбуот асарларини йиғади. Бундай йилномани нашр этиш 1921 йилда бошланди. Бир қанча ҳаракатлардан сўнг 1923 йилдан бошлаб Россия марказий китоб палатаси томонидан Туркистонга оид адабиётларнинг мажбурий нушалари келиб туша бошлайди. Бу эса Туркистон Давлат кутубхонаси фондининг тезда ўсиб боришига таъсир этди. Дастлаб ҳисобда библиографик ёзувлар кирилл ёзувида олиб борилди, аммо бу қатор қийинчиликларни юзага келтирди. Чунки, шарқ тилларидаги ва ёзувидаги адабиётларда рус кирилл ёзувидаги на таржимаси на изоҳлари деярли учрамас эди. Е.К.Бетгер Туркистон нашрла-рини асл тилида ҳисобга олиш, зарур бўлган ҳолда Россия Китоб палатасининг кирилл ёзувида бўлмаган асарларни киритмай қўя бериш керак деган талабларидан воз кечиб, бутунлай рўйҳатга киритмагандан кўра, рус тилидаги таржимасини ёки қисқача кирилл ёзувидаги изоҳини бериб кетиш керак деб талаб қилди ва титул варағининг орқа томонида зарур библиографик элемент-ларни рус тилида бериш ва бу билан Россия Китоб палатасининг ҳисобга олиш ишларини енгиллатиш. Ўзбекистон ҳукуматининг 1926 йил 3 январдаги 1930 йилгача Ўзбекистоннинг пойтахти бўлган Самарқандда Давлат Китоб палатасини ташкил этиш ҳақида қарори эълон қилинди. Шу кундан бошлаб режали, малакали ҳолда давлат

библиографиясини тўзиш бошланди.Китоб пала-таси Ўзбекистон Халқ Комиссариати таркибига кирувчи муассасаларнинг Академик марказига қарашли эди. Қарорда Китоб палатаси Ўзбекистон ҳудудида нашр этилаётган барча турдаги матбуот асарларини бир неча нушада сақлайди ва ҳисобга олиб боради, деб кўрсатилди. Ўша пайтда палатанинг штати 2 кишидан иборат бўлиб, биттаси И.Рахматуллаев директор, иккинчиси Д.П.Кваснитский библиограф эди. 1927 йилдан бошлаб Китоб палатаси мажбурий нуша ола бошлади ва алифбо ҳамда системали каталог юритилади. Шу кунга қадар фаолият юритиб келаётган Китоб палатаси давлат библиографиясининг, матбуот асарларининг статистик, марказлашган каталог-лаштириш, справка-библиография, шунингдек, нашриётчилик, полиграфик саноат ва китоб савдоси соҳасида ҳамда илмий-техник ахборот ва тарғиботнинг тармоқ марказига айланди. 1980 йилларга қадар Китоб палатасида матбуот асарларини қабул қилиш ва назорат қилиш; давлат кундалик библиографияси; справка-библиография бўлими; матбуот асарларини ҳисобга олиш бўлимлари иш олиб борди. Палатага келган ҳар бир хужжат аввал матбуот асарларини қабул қилиш ва назорат қилиш бўлимига келиб тушади. Бу бўлимда китоблар билан бирга келган иловали ҳужжатлар босмахона ёки нашриётларнинг номлари бўйича алоҳида жойлаштирилади. Китоблар турли хил белгиларига қараб алоҳида гуруҳлаштирилади ва ҳар бирига инвентар рақами қўйилади. Газета ва журналларнинг номлари бўйича ҳар бирига алоҳида паспорт ёзилади ва тикиб борилади, кейинчалик муқоваланади. Бу ерда назоратдан ўтган китоблар статистика шўъбасида библиографик тавсиф билан бойитилади. Бу бўлимдан сўнг адабиётлар библиография бўлимида алоҳида библиографик ҳисобдан ўтади ва “Ўзбекистон матбуоти солномаси” учун маълумотлар тўплаш жараёнида иштирок этади. Маълумот ва библиография бўлими эса каталог ва картотекалар учун карточкаларни тайёрлайди ва уларни янги маълумотлар билан тўлдириб боради.

Палатанинг асосий вазифаси Ўзбекистонда нашр этилаётган матбуот асарларини ҳисобга олиб бориш, унинг рақамли ҳисобини юритиш;газета ва

журналларга босма ва электрон маҳсулотлар ҳақида ахборот бериб туриш. Китоб палатасининг юраги матбуот асарларининг Архиви 1927 йили ташкил этилган. Ҳар йили архивга 46 минг дона матбуот асари келиб тушган. Ўша йилларданоқ 7 та кўрсаткичдан иборат "Ўзбекистон матбуотининг йилномаси" нашр этила бошланди. Булар 1928 йилдан "Ўзбекистон китоб солномаси", 1931 йилдан рус ва 1938 йилдан ўзбек тилида "Журнал мақолалари солномаси", 1968 йилдан "Тақризлар солномаси" ва "Тасвирий санъат асарларининг босма нашрлари солномаси", 1969 йилдан "Газета мақолалари солномаси" нашр этилди. Бундан ташқари 1976 йилдан бошлаб Китоб палатаси "Ўзбекистон китоб йиллиги" (Ежегодник книги УзССР) ва 1982 йилдан "Ўзбекистоннинг библиографик қўлланмалари" номли йиллик кўрсаткич нашр этди. Бундан таш-қари Китоб палатаси қатор ретроспектив библиографик кўрсаткичлар нашр этдики, бу кейинги саволда ёритилади. 1958 йил Ўзбекистонда республика даражасида давлат библиографияси тизимидаги қўлланмалар карточка шаклида нашр этила бошланди. Бу оммавий кутубхоналар учун мўлжалланди ва тарқатилди. Бу ишга А.Навоий номидаги Республика Давлат кутубхонаси библиографлари ҳам ҳамкорлик қилди. 1974-75 йилларда янги нашр этилаётган адабиётларга ана шундай карточкалар аннотатсияси билан бирга нашр этилди.

Китоб палатасида ўзбек тилидаги китобларнинг, 1915 йилдан қорақалпоқ ва рус тилидаги китобларнинг алифбо каталоги, 1917 йилдан рус ва ўзбек тилидаги китобларнинг системали каталоги, ўзбек ва рус тилидаги журнал мақолалари каталоги, изографика каталоги, рус тилида автореферат-лар каталоги, муаллифларнинг фамилиялари тартибида бадиий, ўсмирлар ва болалар адабиётининг картотекаси, илмий ишларнинг картотекаси, тўпламларга киритилган муаллифларнинг картотекаси, тақризлар картотекаси, таржимонлар картотекаси тўзилган ва истеъмолчилар учун хизматда. Китоб палатасининг справка-библиография аппарати 800 минг библиографик ёзувдан ташкил топган 20 дан ошиқ турли каталог ва картотекалардан иборат.1994 йилдан бошлаб Китоб палатаси Миллий библиография марказига

айлантирилди. Янги статус олганига қарамай, палатанинг вазифалари анча қисқарган. Янги замонавий ахборот технологияси билан тўла таъминланмаган. 2002 йилдан шу кунгача тўпланган библиографик ёзувлар электрон кўринишда, босма ҳолда нашр этилмади ва тарқатилмади. Ҳозирги кунда Марказ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси таркибида фаолият кўрсатмоқда.

Текшириш учун саволлар:

1 .Миллий бибилография нима ва унинг хусусиятлари?

2. Давлат библиографияси ва унинг ўзига хос томонлари?

3. Давлат библиографияси учун хос бўлган белгилар?

4. Миллий ва Давлат библиографиясининг марказлари ҳақида маълумот беринг.

5. Республика Китоб палатасининг фаолияти?

8 мавзу : Ўзбекистонда библиография ишининг хозирги аҳволи

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, бу соҳада анчагина ўзгаришлар юз берди. Китоб иши, нашриётчилик иши, ва умуман маданият соҳасида тубдан қайта ташкил этиш ҳоллари кўзга ташланди. Ўзбекистон Республикаси Телеграф Агентлиги Ўзбекистон Республикасининг Миллий Агентлигига, 1994 йили Давлат Китоб палатаси Миллий китоб палатасига айлантирилди. Уларнинг номи билан бирга вазифалари ҳам ўзгарди. Чунки, “Миллий” ва “давлат” тушунчалари бир биридан фарқ қилади.

1991 йил библиограф олим Левин Г.А. нашр этган “Натсионалная библиография в многонатсионалном государстве” номли мақоласида миллий библиография тушунчасига алоҳида тўхталади ва қатъий талаблар қўяди. Унинг фикрича, миллий библиографияга қуйидаги нашрларни киритиш лозим:

1.айнан олинган мамлакат ҳудудида нашр этилган асарлар;

2. нашр жойидан қатъий назар шу мамлакат ҳақидаги адабиётлар;

3. нашр жойидан қатъий назар шу давлат тилида нашр этилган асарлар;

4. яшаш жойидан қатъий назар шу давлат фуқаролари томонидан нашр этилган асарлар;

5. туғилган ва яшаш жойидан қатъий назар шу давлат туб аҳолиси вакилларининг асарлари;

6. шу давлат ҳудудидан ташқарида айнан шу давлат учун нашр этилган асарлар;

Универсал библиографик ҳисобга олиш жорий этилгандан сўнг **давлат библиографияси** асосан 1-нчи гуруҳ нашрларини ҳисобга ола бошлади. Аммо, бу доим ҳам кенг имконият бера олмайди, шунинг учун 2-нчи гуруҳ нашрлари ҳам ҳисобга олинади. Левиннинг фикрича, библиографиялаш объекти бўлиб электрон нашрлар, видеомаҳсулотлар, фотоматериаллар ва бошқалар ҳам хизмат қила олади, шунинг учун фақат босма маҳсулотларни эмас, балки бу ҳужжатларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Давлат библиографияси учун нашрларни танлаётганда қуйидаги белгиларга асосланилади:

1. **ҳудудий белгисига** кўра:

А) шу давлат эгаллаган ҳудудда нашр этилган ёки унинг фуқаролари томонидан, қаерда яшашидан қатъий назар нашр этилган асарлар; (ҳозир қаерда яшашидан қатъий назар) шу ҳудудда туғилган ва яшаётган муаллифларнинг асарлари;

Б) бошқа ҳуддуда шу мамлакат учун нашр этилган хужжатлар;

2. **Тил белгисига** кўра: қаерда нашр этилишидан қатъий назар шу халқ тилида нашр этилган хужжатлар; қаерда яшашидан қатъий назар шу халқ вакиллари-муаллифлар томонидан яратилган адабиётлар;

3. **Этник белгисига** кўра: қаерда туғилгани ва яшашидан қатъий назар шу халқ вакиллари томонидан нашр эитлган асарлар; қаерда туғилгани ва яшашидан қатий назар шу халққа мансуб муаллифлар;

4. **Халқчиллик белгисига** кўра; қаерда нашр этилганидан қатъий назар шу халқ ҳақидаги хужжатлар; қайси халқ вакили ёзишидан қатъий назар олинган халқ ҳақида яратилган асарлар;

Демак, миллий библиография асосига, танланган халққа мансуб муаллифлар ва асарлар олинади. Давлат библиографияси учун давлат ҳақидаги эмас, чунки баъзи халқлар ўз давлатига эга эмас, балки айнан шу давлат ҳудудида нашр этилган асарлар олинади. Давлат библиографик ахбороти бошқа турдаги библиографик фаолиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

Ахборот оламида ахборотлаштириш муҳим белги бўлиб қолди. Бу илмий-техник тараққиётнинг ютуқлари билан белгиланади ва жамиятнинг ахборот библиография тўзилмасида библиографиянинг ўрни ва ролининг янгича тушунчасига сабаб бўлади. Бу ахборотлашган фаолиятга асосланган дунё ахбо-рот бозорида ахборот маҳсулотларининг кўпайишига олиб келмоқда.Бу эса ижтимоий ва ахборотлашган тизимда давлат библиографиясининг ўрнини белгилашни талаб этади. Давлат библиографияси ахборот фаолиятининг бир қисми. Жамият ахборот қимматини кўтарди, ахборот маҳсулотлари эса кенгайиб бормоқда.Бу айниқса, босма маҳсулотлардан электрон кўринишдаги маҳсулотларга ўтиб боришда кўринади.

Ахборотлашувнинг асосий воситаси компютер техникаси ва алоқа воситаларидир. Шунинг натижасида давлат библиографияси ҳам компютерлашиб борди ва ахборот саноатининг бир қисмига айланди. Унинг қай даражада эканлиги шу мамлакатда ахборотлашувнинг қай даражада ташкил этилганига боғлиқ. Бунинг учун давлат библиографиясига давлатнинг қўллаб қувватлаши зарур эканлигини назарда тутиш лозим.

Бутун дунё ва давлатлар ўртасида давлат библиографиясининг ривожланиши узвий боғлиқликда амалга ошади. Бу Универсал библиографик ҳисобга олиш дастурида ва ”Европа иқтисодий ҳамкорлигини” ташкил этишда ҳам назарда тутилган. Турли мамлакатлар давлат библиографиясининг автомат-лашган тизимини дастурий таъминлаш нашриётларга ва китоб савдоси ташки-лотларига топширилган.Бу библиография, нашриёт ва китоб

савдоси ишининг бирикиб кетишига олиб келади. Бу халқаро миқёсда олиб борилса, дунё ахборот бозорига чиқишни осонлаштиради.

Давлат библиографияси тизимида истеъмолчилар қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

1.Давлат бибилографияси тараққиётини аниқлашда истеъмолчилар талаблари асосий омил бўлади;

2. Истеъмолчилар қарорларни ҳал этишда иштирок этадилар;

3. Давлат библиографияси маркази мунтазам истеъмолчиларнинг ахборотга бўлган талабларини ўрганади ва ундан тижорат хизматини ташкил этишда фойдаланади.

4. Кутубхоналар давлат библиографияси маҳсулотларининг асосий истеъмол-чилари бўлиб қолаверади, бунинг учун ахборот оламидаги янги ахборот манба-ларидан, тижорат маълумотлари банкидан, маълумотлар базасидан, ахборот тармоқларидан фойдаланиш керак бўлади.

Давлат библиографиясининг маркази давлат библиографик ахборотининг тўғрилиги ва тўлалиги учун жавоб беради. Унинг стандарт сифатида тасдиқланишига эришади. Давлат библиографик ахборотни илмий тадқиқот ишларини ўтказиш ва услубий хужжатларни тайёрлаш йўли билан унификатсия қилишни таъминлайди. Ҳозирги кунда давлат библиографияси марказига ҳужжатларнинг келиб тушишида муаммоларни ҳал этиш асосий вазифадир. Булар: нашрнинг ўзида ягона тўзилишида ва тизимда шифр ва бошқа индексларни қўйиб бориш. Маълумки, мамлакатимизда давлат нашриётлари каби, хусусий босмахонлар ҳам кўпайиб бормоқда. Аммо, босма маҳсулотларда унинг қайси билим соҳасига ёки фан тармоғига оидлиги, муаллиф белгисини кўрсатувчи рақамлар қўйилмаяпди. Ҳар бир кутубхона ёки кутубхона ходими буни ўзича ҳал этади.Бу эса айнан бир номдаги асарнинг турли кутубхоналарда турлича классификация қилинишига, китоб токчаларида турлича жойлашишига олиб келмоқда; нотали ва электрон нашрлар учун депозитар фондни ташкил этиш; китоб сотиб олиш ва айрибошлаш, айниқса хорижий адабиётлар учун;

Ўзбекистонда библиографиянинг назарий масалаларининг ўрганилиши

Барча соҳаларда бўлгани каби библиографияда ҳам унинг мунозарали, асосланмаган масалалари илмий жиҳатдан ишланади.

Жаҳон бўйича ҳозирги кунда миллий библиография яратиш муаммоси жуда долзарб масала бўлиб турибди.

Юқоридаги ташкилот ИФЛА нинг ҳар йилги сессиясида бу масала кўтарилади ва алоҳида шўъбада муҳокама қилиади.

ИФЛА нинг тадбирлари доирасида 16 йилдан буён “Кутубхоналар ва ассотсиатсиялар ўзгараётган дунёда: янги технологиялар ва ҳамкорликнинг янги шакллари” мавзусида “Қрим” халқаро конференсияси бўлиб ўтади. Унда жаҳоннинг кўплаб давлатларидан йирик кутубхоналар, ассотсиатсиялар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчи-олимлари, илмий-техника ахбороти марказлари ва китоб палаталарининг ходимлари, архивлар, музейлар ходимлари илмий маърузалари билан иштирок этадилар.

Бизнинг Ўзбекистондан ҳам бу конференсияда ҳар йили бир неча мутахассислар иштирок этадилар. Масалан, бу йилги конференсияда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан У.Ф.Каримов ва У.О.Тешабоева; Урганч Давлат университети АРМ раҳбари Х.Шихова иштирок этдилар.

Халқаро конференсияда библиография масалаларининг муҳокама қилиниши бу илмий ишланиш натижасини олиб чиқиш деганидир.

Ўзбекистонда умуман бу борадаги изланишлар XX асрнинг 80-йилларида бошланган. Унгача ҳам илмий ишлар қилинган, бироқ, улар кутубхонашунослик йўналишидаги ишлар эди.

1973 йилда Ш.М.Шамсиев “Вақтли нашрларни библиографиялаш муаммолари” мавзусида; 1974 йилда М.М.Туропов “Ўзбекистон библиографияси” мавзусида; 1982 йилда А.В.Носирова “Адаптатсия қилинган адабиётлар библиографияси” мавзусида; 1983 йилда .П.Шуманова

“Республикашунослик библиографияси: ташкилий-методологик масалалари” мавзусида; О.Г.Шабалина “” болалар адабиёти библиографияси” мавзусида; М.К.Мирзаахмедова “Ўзбек таржима адабиёти: нашр қилиниши ва библиографияланиши” мавзусида; 1986 йилда М.И.Витенсон “Ўзбекистонда йиғма каталогларнинг ташкил қилиниши” мавзусида; 1987 йилда И.В.Долгополова “Ўзбекистонда таржимонлик иши ва таржима адабиётлари тарихи” мавзусида; Х.Маматраимова “Ўлкашунослик СБА маҳаллий библиографик ресурсларнинг таркибий қисми сифатида” мавзусида; 1990 йилда Т.Д.Бойтўраев “Ўзбекистонда тарихий- ўлкашунослик адабиётларининг нашр қилиниши ва библиографияланиши” мавзусида; Ғ.А.нарзуллаев “Ўзбекистонда вақтли нашрларни библиографиялаш муаммолари” мавзусида номзодлик диссертатсияларини ҳимоя қилганлар.

Демак, бизнинг йўналишимиз бўйича охирги диссертатсия 19 йил олдин ҳимоя қилинибди экан. Кутубхонашунослик йўналиши бўйича ҳам қилинмаган эди, 2009 йилда Б.И.Ғаниева номзодлик диссертатсиясини ҳимоя қилди.

Библиография муаммолари бўйича монографиялар, илмий мақолалар ҳам чоп этилган.

М.М. Туроповнинг “Ўзбекистонда библиография ишининг ривожланиши” номли; М.Р.Рашидованинг “Ўзбек табиий илмий китоби: нашр қилиниши ва библиографияланиши” номли; М.К.Мирзаахмедованинг “Ўзбек таржима китоби” номли монографияларини олиш мумкин.

Илмий мақолалар эса институтимиз тўпламларида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг анъанавий тарзда бир неча йиллардан буён ўтказиб келаётган “Бетгерхонлик” семинари тўпламларида; “Марказий Осиё” халқаро конференсияси материаллари тўпламларида; ҳамда ихтисослик журналимиз “Кутубхона.Уз” саҳифаларида ўз аксини топмоқда.

Енг асосийси библиография атамашунослиги, библиографик тавсифнинг ишланиши масаласи. Бу борада қатор стандартлар Совет мустабид тузуми даврида ишланган эди. МДҲ давлатлари томонидан ҳозирда

давлатлараро стандартлар ишлаб чиқилиб, фойдаланилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда бу йўналишда қатор стандартлар ишланмоқда. Уларнинг дастлабкиси тўзилиб, тасдиқланиб, 2009 йил 20 апрелдан амалиётга жорий қилина бошлаганлигидан хабарингиз бор (стандартлаштириш фанидан ўтганмиз).

Библиография соҳасидаги илмий масалаларлар факультетимиз талабалари томонидан битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертатсияларида ҳам ишланишига тўғри келади.

Келгусида: Ўзбекистон миллий библиографияси, Ўзбекистонда миллий тилдаги адабиётларни библиографиялаш, исмларнинг танланиши, Октябр тўнтаришигача бўлган давр босма маҳсулотининг библиографиясини яратиш, репертуар библиография, электрон библиографияларни яратиш, ўлкашунослик библиографиясининг қатор масалалари илмий ишланишни, ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар ҳисобланади. Бунга албатта, факултетимизни битириб чиқаётган ёш мутахассислар ўз ҳиссаларини қўшади, деган умиддамиз.

9-мавзу Ўлкашунослик адабиётларини библиографиялаш методикаси

Адабиётлар кўрсаткичлари, обзорлар, рўйхатларни тўзиш АКМ лари ва АРМ лари ўлкашунослик фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўлкашунослик библиографиясида ўлкашунослик адабиётларини библиографиялашда умумий библиографияда қўлланиладиган, барча библиографиялар учун умумий ҳисобланган методлар қўлланилади, шунинг билан бирга

ўлкашунослик библиографияси услубиётида ўзига хос хусусиятлар мавжуд, бу хусусиятлар қўлланмада акс эттириладиган объектлар, ўлкашунослик библиографиясининг мақсади ва вазифалари билан боғлиқ бўлган хусусиятлардир.

3.3.1. Ўлкашунослик библиографик қўлланмалари тўзиш босқичлари ва иш жараёнлари

Ҳар қандай библиографик қўлланма тўзиш 4 асосий босқичда амалга оширилади: **тайёрлов, аналитик (таҳлил қилиш), синтетик (умумлаштирувчи) ва якунловчи** босқичлар.

Тайёрлов босқичида мавзу танланади ва у ўрганилади, қўлланманинг проспект-режаси тўзилади ва адабиётлар аниқланади.

Аналитик (таҳлил қилувчи) **босқич** бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча жараённи ўз ичига олади: ҳужжатларни умумий библиографик таҳлил қилиш, библиографик тавсиф бериш, аннотациялаш ва рефератлаш, библиографик ёзувларни тўзиш.

Синтетик (синтез қилувчи-умумлаштирувчи) **босқич**да таҳлил қилинган адабиётлар ичидан танлаб олинади, яъни танлаш жараёни амалга оширилади; танлаб олинган ҳужжатларнинг библиографик ёзувлари жойлаштирилади, ёрдамчи кўрсаткичлари тўзилади.

Якунлаш босқичида эса қўлланманинг маълумот-методик аппаратларини тўзиш, қўлланмани расмийлаштириш ва унга муҳаррирлик қилиш (таҳрир қилиш) ишлари амалга оширилади.

Бу юқорида саналган жараёнлар барча библиографиялар учун умумий ҳисобланади. Ўлкашунослик библиографик қўлланмаларини тўзишда қандай ўзига хос хусусиятлар бор? Буни ҳар бир жараённинг боришида кўриш мумкин.

Мавзу танлаш ва қўлланманинг проспект-режасини тўзиш

М а в з у т а н л а ш 2 муҳим шартга асосланиши лозим: мавзу

долзарб ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Библиографик қўлланманинг мавзусини танлаш аввало мамлакатимизда демократик жамият қуришнинг умумий вазифалари ва ундан келиб чиқадиган ўлка ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг энг долзарб масалалари билан белгиланади. Унда қўлланма тузаётган АКМ нинг вазифаси ва шу мавзунинг библиографик материаллар билан таъминланганлиги ҳам ҳисобга олинади, кўрсаткичнинг мавзусини танлаш ўлкашунос-библиографдан яхши сиёсий ва махсус тайёргарликни, ўз ўлкасини, унинг ҳозирги аҳволи, ўтмиш тарихи, табиий бойликларини билишни талаб қилади.

Ўлкашунослик библиографик кўрсаткичларини тузувчилар маҳаллий давлат ва хўжалик органлари, ташкилотлар билан доимо алоқада бўлгани ҳолда раҳбар органларнинг қабул қилган қарорларидан хабардор бўлишлари лозим. Шунингдек, илмий ва илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, турли жамоат ташкилотлари (табиатни, маданият ва санъат ёдгорликларини қўриқлаш жамиятлари) қандай масалалар устида иш олиб бораётганликларини ҳам билишлари зарур.

Ўлкашунослик қўлланмаларининг мавзусини аниқлашда кўпгина вилоят ва ўлка АКМ ларида юритиладиган хроника ёки “Маҳаллий воқеалар солномаси”, “Ўлканинг муҳим ва унутилмас саналари картотекаси” катта ёрдам беради.

Мавзу танлаш масаланинг маълум бир ҳудуд ичида ечилиши билан боғлиқдир. Библиограф бўлажак кўрсаткичнинг мазмунинигина эмас, балки унинг географик чегарасини ҳам аниқ билиши керак. Бу ўлкашунослик қўлланмаларида кўрсаткич бағишланган ҳудуднинг номи кўрсаткичнинг сарлавҳасида ўз аксини топади. Масалан, “Самарқанд ва Самарқанд вилояти тарихи” (“История Самарканда и Самаркандской области”), “Что читать о Хиве” (“Хива ҳақида нималарни ўқиш керак”) каби кўрсаткичлар.

Мавзуни ўрганиш аввало унинг проблематикасини мақсадида ўлка ҳақидаги асосий адабиёт билан таништириш, ўлкашунослик билимларини тарғиб қилишга ёрдам бериш ва ҳ.к.) олинган бўлса, китобхонлик доираси имкон қадар аниқ кўрсатилади, бунда истеъмолчиларнинг асосий гуруҳлари келтириб ўтилади (масалан, маҳаллий ҳокимият, хўжалик органлари фаоллари, тарғиботчи-ташвиқотчилар, умумтаълим мактаблар ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари ва ҳ.к.лар). “Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган”, “ўлканинг табиати ва табиий бойликлари билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган” каби таърифларни имкон қадар ишлатмаслик лозим.

Проспектда яна қўлланма тўзиш услубиёти бўйича барча хулосалар ҳам келтирилиши зарур. Аввало акс эттириладиган адабиётларнинг (турлари, нашр хиллари, хронологик қамрови, тил белгиси бўйича) тавсифномаси берилади. Маҳаллий вақтли нашрлардан, шу жумладан, қўлланмага киритиладиган ҳужжатнинг асосий қисмини ташкил этадиган туманлар газеталаридан олинадиган мақолаларнинг қанчалик олиниши тўғрисида маълумотлар берилиши муҳимдир.

Проспект материалларни танлаш чегараси, аннотациялар хиллари ва матбуот асарларини тавсифлашнинг бошқа методлари, ёзувларни гуруҳлаш ва бўлинмалар ичида материалларнинг жойлаштирилиши, маълумот-методик аппарати таркиби, адабиётларни аниқлаш манбалари тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади. Бу масалаларни ҳал этишда ўлкашунос-библиограф ўлкашунослик ҳужжатларини библиографиялаш услубларидаги ўзига хосликни, масалан, аналитик аннотациянинг кенг фойдаланилиши, ёрдамчи географик кўрсаткичнинг алоҳида қиммати ва ҳ.к. ларни унутмаслиги лозим. Проспект охирида қўлланманинг ҳажми (босма варақда

ҳисобланиши бўйича ёзувлар сони), материалнинг охирги олиниш санаси, тузувчилар ва муҳаррирларнинг фамилияси кўрсатилади.

Проспект илмий-услубий кенгашда муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Муҳокамага ўлкашунос-фаоллар, халқ хўжалиги тармоқларининг маҳаллий мутахассислари, илмий ходимлар жалб қилинади.

Ўлкашунослик қўлланмалари учун адабиётларни аниқлашда турли-туман манбалардан фойдаланилади. Ўз хусусиятига кўра улар б и р - л а м ч и ёки а д а б и й ҳамда и к к и л а м ч и ёки б и б л и о г р а ф и к манбаларга бўлинади. Ўрганилиши нуқтаи - назаридан эса улар а с о с и й ва қ ў ш и м ч а манбаларга бўлинади.

А с о с и й манбалар материалларни тўлиқ йиғиш учун кенг кўрилади, қ ў ш и м ч а л а р и – танланган ҳолда, лекин асосийлари бермаган материалларни аниқлаш мақсадида кўрилади. Бу шартли бўлиниш бўлиб, тўзилаётган қўлланманинг хили, мақсади ва мазмунига боғлиқ ҳолда ўринлари алмашиниши ҳам мумкин.

Асосий манбалардан энг муҳими, энг қимматлиси – АКМ ларининг ўлкашунослик МБА тизимига кирувчи каталог ва картотекалардир. Уларнинг қиммати шундаки, биринчидан, каталогларда ўлкашунослик қўлланмалари учун зарур бўлган ҳар хил жанрдаги, хилдаги ва турдаги ҳамма матбуот асарлари тўла акс эттирилади; иккинчидан, улар катта хронологик давр ичидаги (XX аср бошидан буёнги) адабиётларни ўзида акс эттиради; учинчидан, кўпгина вилоят АКМ ларининг ўлкашунослик каталоглари (картотекалари) ҳозирда бу марказ фондидан ташқари кўпгина маҳаллий АРМ ларининг ва йирик китоб сақлаш марказларининг фондини акс эттирувчи йиғма каталогга айлантирила бошланган.

Асосий манбаларга яна турли ўлкашунослик библиографик қўлланмалари киради. Улар ичида ўлка ҳақидаги адабиётларни тўлиқ ҳисобга олувчи илмий-ёрдамчи кўрсаткичлар катта аҳамиятга эга.

Қўлланмаларни қарашда нашр этилганлари билан бир қаторда нашр этилмаган, яъни қўлёзма ҳолида қолиб кетган кўрсаткичларни ҳам қараш керак. Китоб ичи, журнал ичи ўлкашунослик библиографик рўйхатларидан ҳам қимматли материал топиш мумкин.

Яна асосий манбаларга давлат кундалик ва универсал ретроспектив библиографияси нашрлари киради. Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси чиқарадиган «Ўзбекистон Республикаси матбуоти солномаси”га кирувчи “Китоб солномаси”, “Журнал мақолалари солномаси”, “Газета мақолалари солномаси”, “Совет Ўзбекистони китоби” (1974-1984 йилларда чоп этилган 15 китобдан иборат кўрсаткичлар), “Ўзбекистон журналлари”, “Ўзбекистон газеталари”, “Ўзбекистон болалар ва ёшлар адабиёти”, “Ўзбекистон китобларининг йилномаси”, “Ўзбекистон библиографик қўлланмалари” ва бошқа қўлланмалар вилоят, ўлка, шаҳарлар, туманлар ва бошқа маҳаллий жой, объектлар ҳақидаги босма асарларни қидиришни енгиллаштирувчи географик ва топографик ёрдамчи кўрсаткичлар билан таъминланган манбалар катта ёрдам беради. Яна Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг қатор универсал кўрсаткичлари, бошқа тармоқ илмий кутубхоналарининг кўрсаткичлари манба бўлиб ҳисобланади.

Ўлкашунослик библиографик қўлланмаларига китоблардан бўлимлар, боблар, абзацлар, журнал ва газета мақолалари ҳам олиниши мумкин. Шунинг учун ўлкашунослик библиографик қўлланмаларини тўзишда материал қидириш ишида китоб фонди ва вақтли нашрлар комплекти билан бевосита ишлаш керак.

Газета материаллари ҳам муҳим манбалардан ҳисобланади. Лекин улардан фойдаланишда танлаш қоидаларига асосланиш, риоя қилиш зарур.

Демак, адабиёт танлаш ўлкашунослик библиографик қўлланмалар тўзишда муҳим жараён ҳисобланади. Танлаш асосига библиография

учун умумий бўлган ғоявийлик, илмийлик ва босма асарнинг бадиий қиммати, адабиётнинг библиографик қўлланманинг мақсади ва китобхонлик доирасига муносиблиги тамойиллари олинади.

Библиографик тавсифлаш усуллари

Ўлкашунослик библиографиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда аналитик тавсифнинг кенг қўлланилишидир. Чунки ўлкашунослик библиографик қўлланмаларида ўлкага қисман бағишланган материаллар, яъни китоблардан бўлимлар, қисмлар, боблар, вақтли ва давомли нашрлардан мақолалар кенг олинади.

Библиографик қўлланманинг қиммати унда берилган материалларнинг мазмунини очиб берилиши билан ошади, яъни материаллар аннотацияланса ва рефератланса китобхон учун ундан фойдаланиш енгиллашади.

Ўлкашунослик адабиётларини аннотациялаш умумий библиографияда ишлаб чиқилган аннотациялаш услубиёти талаблари ва тамойилларига асосланади.

Ўзига хос хусусияти эса – аннотацияланаётган матбуот асарининг географик чегарасини, воқеа ёки ходиса содир бўлаётган жойни аниқ кўрсатишдир. Бунинг учун китобда ёки мақолада гап кетаётган физик-географик, иқтисодий маъмурий жойлар аннотацияда кўрсатилади. Лекин ҳамма жойлар ҳам аннотацияда саналиб, аннотацияни ортиқча хизмат билан тўлдириш керак эмас.

Ўлкашунослик аннотациясининг муҳим белгиларидан бири босма маҳсулотни ёритиб берувчи кўргазмали материалларга тавсиф беришдир. Булар географик харита, чизма, планлар, хаританинг сонигина эмас, уларнинг номларини ҳам кўрсатиш керак. “Библиография Дальневосточного края”, “Библиография Бурят-Монголии” кўрсаткичларидаги аннотацияларда шундай мисолларни кўриш мумкин.

Аналитик аннотацияларда кўп ҳолларда китоб ёки мақоладан цитата ёки кичик парча келтириш мақсадга мувофиқдир. Бу, айниқса, Президентимиз И.Каримов асарларига, давлат ҳужжатларига тааллуқли.

Ўтган йилларда чиққан, топиш қийин бўлган нодир асарлардан сўзма-сўз матн келтириш ҳам қулай методлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ретроспектив ўлкашунослик библиографик қўлланмаларида материалнинг маълум қисмини рефератлаш мақсадга мувофиқ. Лекин ҳозирги пайтда ўлкашунослик библиографиясида рефератлаш деярли қўлланилмайди. Чунки рефератлаш тузувчилардан махсус тайёргарликни, фаннинг тегишли тармоқлари бўйича чуқур билимни талаб қилади. Шу сабабли рефератлаш ишига фаннинг турли соҳаларидаги мутахассисларни ва илмий ходимларни жалб этмоқ зарур.

Материалларни жойлаштириш

Материалларни жойлаштириш қўлланманинг турига, унинг мавзу қўйилаётган адабиётларнинг мазмуни ва хусусиятига боғлиқ. Ўлкашунослик календарларида саналар қатъий хронологик кетма-кетликда (ой ва кунлар бўйича), алоҳида муҳим унутилмас воқеалар бўйича адабиётлар эса мантиқий тартибда – умумийдан хусусийга қарата жойлаштирилади.

Ўлканинг маълум бир гуруҳ арбоблари (сиёсий арбоблар, олимлар ва ноширлар, саёҳатчилар, ёзувчилар ва бошқалар) га бағишланган биобиблиографик луғатларда шахс рукнларининг умумий алифбоси бўйича жойлаштириш қулайдир.

Маҳаллий нашрлар кўрсаткичларида материалларнинг хронологик жойлаштирилиши ўлкада, вилоятда турли тарихий босқич ва даврларда нашриётчилик ишининг ривожланишини кўрсатади.

Универсал кўрсаткичлар (“... ўлкаси ҳақида нималарни ўқиш керак” типидаги тавсия, кундалик кварталлик кўрсаткич ва

йилномаларда, ретроспектив илмий –ёрдамчи кўрсаткичлар) да материаллар системали тартибда жойлаштирилади. Бунинг учун тайёр ёки махсус ишланган классификация жадвалидан фойдаланилади. Лекин бундай библиографик қўлланмалар тўзишда мавжуд классификация жадвали ўз ҳолича фойдаланилмайди. Маълум ўзгартиришлар, қисқартмалар киритилиши, яна тарихий ривожланиш ва ҳозирги тараққиётга кўра янги рукнлар ташкил этилиши мумкин.

Универсал ўлкашунослик кўрсаткичларининг хусусияти ва мўлжалланишига кўра материалларни бўлинмалар ичида жойлаштириш масаласи алоҳида ҳал этилади. “... ўлкаси ҳақида нималарни ўқиш керак” типидаги қўлланмаларда мантиқий кетма-кетлик – умумийдан хусусийга қарата; кундалик ўлкашунослик бюллетенларида тавсифлар муаллиф фамилиялари ва муаллифсиз асарлар сарлавҳаларининг алифбоси бўйича жойлаштирилади.

Ўлка ҳақидаги адабиётлар ва маҳаллий нашрларнинг ретроспектив кўрсаткичларида ё муаллифларнинг фамилияси ёки хронологик кетма-кетликда жойлаштириш қўлланилади. Кейинги тартибда жойлаштириш маълум мавзу ёки масала бўйича маълум давр ичида адабиётлар оқимининг ўсишини кузатиш имконини бергани учун ҳам тўғрироқ бўлади.

Тармоқ ва мавзули кўрсаткичларида ҳозирги замон фанлар классификацияси қўлланилади. Ўлкашунослик кўрсаткичлари тармоқ эмас, балки тематик (“Вилоят табиати ва табиий бойликлари”, “Ўлканинг халқ хўжалиги” ва ҳ.к.) хусусият касб этгани сабабли тузувчилар у ёки бу фан классификациясини қайта ишлаган ҳолда қўллайдилар.

Ўлкашунослик қўлланмаларида (айниқса ретроспектив илмий ёрдамчи кўрсаткичларда) газета материаллари кўп киритилиши натижасида майда газета материалларини гуруҳлашда предмет-гуруҳли методни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу усул юқорида бир неча

марта айтилган “Библиография Дальневосточного края” кўрсаткичини тўзишда қўлланилган. Ҳозирда бу метод қўлланилмайди.

Ўлкашунослик библиографик қўлланмаларининг хили ва мазмунан турли-туманлиги уларга тўзиладиган ёрдамчи кўрсаткичларнинг ҳам турли-туманлиги (муаллифлар, исмлар, матбуот асарининг сарлавҳалари, нашр қилувчи ташкилот ва муассасалар, нашр жойи, географик номлар кўрсаткичлари ва ҳ.к.) ни белгилаб беради.

Ўлкашунослик қўлланмаларида географик номлар ёрдамчи кўрсаткичи муҳим роль ўйнайди, у ўлканинг алоҳида жойлари тўғрисидаги материалларни топишга ёрдам беради.

География кўрсаткич рукнлари учун тушунчаларни аниқлаш йўллари ҳақидаги масала жиддий аҳамиятга эга. Унга материалларни бевосита библиографияланаётган асар матни бўйича танлаш зарур, бунга асосан асар матнида шунчаки бир эслаб ўтиб кетилган географик жойлар эмас, асарда аниқ маълумотлар берилган объектлар олиниши лозим.

Географик кўрсаткич аниқ ва тўғри ташкил этилса (тўзилса) гина у муваффақият билан фойдаланилади. Одатда унда физик-жугрофий, маъмурий-ҳудудий, тарихий ва ҳ.к. хусусиятга эга бўлган объектлар акс эттирилади. Лекин уларнинг ҳаммасини ягона алифбо қаторида жойлаштириш имкони йўқ. Шу сабабли айрим ҳудудий объектлар, гуруҳлар учун географик кўрсаткичда мустақил алифбо қаторларини тўзиш тўғрироқ бўлади. Бунда географик “калит” фақат физик-жугрофий ва маъмурий объектларни акс эттиради, ундан ташқари саноат муассасалари кўрсаткичи, тарихий ёдгорликлар ва меъморчилик ансамбллари, илмий, илмий-тадқиқот, маданий муассасалар кўрсаткичи ва бошқалар ҳам ажратилади.

Географик ёрдамчи кўрсаткичдаги ҳудудий рукнлар ичида предмет-мавзули кичик рукнлар (ўлканинг ижтимоий ҳаёти, табиати ва

табиий шароити, саноати, қишлоқ хўжалиги, халқ маорифи, санъат ва ҳ.к.) ажратилса, унинг қиммати янада ошади.

Маълумот-методик аппарати

Библиографиялашнинг якунловчи босқичида қўлланма маълумот-методик аппарат билан таъминланади, у ҳар қандай библиографик асарнинг қидириш имкониятларини кенгайтиради ва фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Бу аппарат таркибига: сўз боши, кириш мақоласи, турли иловалар, мундарижа киради.

Кўп қўлланмалар сўз боши билан очилади. Унда мавзу асосланади, қўлланманинг мақсади ва китобхонлик доираси кўрсатилади, материални танлаш, жойлаштириш ва библиографик тавсифлаш услубида, охирги бўлинмалар ичида библиографик ёзувларнинг жойлашиш кетма-кетлиги, қўлланмада фойдаланилган аннотацияларнинг хиллари тушунтирилади. Кўпгина йирик ўлкашунослик кўрсаткичларининг сўз бошида кўпинча ўлка (физик-жугрофий аҳволи, ўтмиш тарихи, ҳозирги иқтисоди, фани ва маданияти) га қисқача умумий тавсиф берилади.

Ретроспектив илмий ёрдамчи қўлланмаларида кириш мақолалари катта аҳамиятга эга. Улар кўрсаткичнинг илмий муҳаррирлари томонидан ёзилиб, уларда мавзу бўйича энг муҳим босма маҳсулотларнинг қисқача тавсифномаси ёки тармоқ адабиётининг ривожланиши обзори берилади. Айрим ҳолларда кириш мақоласида қўлланмада берилган адабиётларнинг статистик ишланиши тўғрисидаги маълумотлар берилади.

Библиографик қўлланмаларнинг иловалари таркибига кирувчи материалларнинг бири кўрилган манбалар рўйхати ҳисобланади. Бундай рўйхатлар ўлкашунослик кўрсаткичларида янада алоҳида аҳамиятга эга, чунки бундай қўлланмаларда марказий ва маҳаллий вақтли ва давомли нашрлардан, мавзули тўпламлардан,

маълумотномалардан материаллар акс эттирилади. Одатда кенг рўйхатларда манбаларни хиллари бўйича журналлар, газеталар, маълумотнома нашрлари, библиографик материаллар, каталоглар ва картотекаларга бўлиш муҳимдир.

Ўлкашунослик қўлланмаларида картографик материаллар қимматли қўшимча материал бўлади. Универсал тавсия кўрсаткичларида камида 2 харита берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Қўлланма устидаги иш уни таҳрир қилиш, расмийлаштириш ва босмага тайёрлаш иши билан якунланади.

Таҳрирнинг уч турини: илмий, адабий ва библиографик таҳрир турларини ажратиш мумкин. **Илмий** муҳаррирликка ўлкани чуқур ўрганиш билан шуғулланувчи маҳаллий мутахассислар жалб қилинади, улар қўлланманинг проспектга мос ҳолда тўзилганлигини, материал танлаш, жойлаштириш йўлларини, аннотациялаш методларини аниқлаб берадилар, маълумот-методик аппарат таркибини ўрганадилар.

Адабий муҳаррирликда эса қўлланма матни (айниқса сўз боши, кириш мақоласи, изоҳлари, аннотациялари) диққат билан ўқиб чиқилади, ундаги сўзларнинг такрорланиши, хатолар бартараф этилади.

Библиографик муҳаррирлик эса қўлланма тўзиб бўлингач қилиниб, унда библиографик тавсифларнинг ягоналиги, уларнинг давлат стандарти талаблари асосида бажарилганлиги, жойлаштирилиш кетма-кетлигининг тўғрилиги, асосий матнга ёрдамчи кўрсаткичлардан йўналтиришларнинг тўғри берилганлиги кабилар текширилади. Айниқса тавсифларда ҳамда ёрдамчи изоҳларда қисқартмаларнинг тўғри қўлланилишига жиддий эътибор берилиши зарур.

Тайёр бўлган ўлкашунослик библиографик қўлланмаси муҳокамадан сўнг нашрга топширилади.

3.3.2. Қўлланмаларнинг алоҳида турларини тўзиш методикаси

“Ўлка ҳақида нималарни ўқиш керак” типидаги кўрсаткичлар

Бундай қўлланмаларнинг икки тури ажратилади: 1) ўз ўлкасини чуқур ўрганиш билан шуғулланувчи, тайёрланган китобхонларга мўлжалланган кўрсаткичлар, 2) ўлка билан дастлабки танишувга ёрдам берувчи қўлланмалар.

Биринчи турдаги кўрсаткичлар кенг тарқалган. Уни тўзиш методикаси ҳам кенг ишланган. Унга материал ҳудудий, хронологик ва хил турли белгилар бўйича танланади.

Ўлка ҳақидаги адабиёт асосан тарихий, ижтимоий-иқтисодий, табиий ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўлканинг ҳозирги маъмурий-ҳудудий чегараси бўйича олиб акс эттирилади. Кўрсаткичга кейинги 7-10 йиллик адабиётлар киритилади. Айрим ҳолларда ўз аҳамиятини йўқотмаган, фактли материалга бой бўлган олдинги даврлардаги материаллар ҳам олинади.

“Ўлка ҳақида нималарни ўқиш керак” кўрсаткичининг асосий мақсади турли гуруҳ китобхонлари ўртасида ўлкашунослик билимларини тарғиб қилиш бўлганлиги сабабли унда адабиётларга баҳо берадиган аннотация берилади. Аннотацияда асарнинг мавзуси, муаллиф ҳақида маълумот, нашрнинг тури, хили, жанри, воқеа-ходисанинг вақти; ҳудудий чегаралари; асарнинг яратилиш манбалари; китобхонлик доираси; баённинг тили ва методи, маълумот-методик аппарати; умумлашган баҳо; цитаталар берилади. Бу элементларнинг ҳаммаси барча ҳужжатларга ёзилган аннотацияларда бўлиши шарт эмас, асарнинг мазмуни, хусусияти, аҳамияти, безатилишига кўра камроқ бўлиши мумкин.

Бундай кўрсаткичларнинг баъзи бўлимларида мазмунан бир хил бўлган ҳужжатлар киритилган бўлса, уларга гуруҳли аннотациялар ёзилади.

Бундай кўрсаткичлар материалларини жойлаштиришда “Кутубхона-библиография классификацияси” жадвалининг ўлкашунослик адабиётларини классификациялаш учун махсус варианти қўлланилади.

Бўлимлар ичида ҳужжатлар умумийдан хусусийга, ёки тавсия этилаётган асарнинг қиммати бўйича жойлаштирилади. “Тарих” бўлимида эса тарихий воқеаларнинг хронологияси бўйича, “Ўлканинг машҳур арбоблари” бўлимида арбоблар фамилиясининг алифбоси бўйича жойлаштирилади.

Бу типдаги қўлланмалар кўпгина ёрдамчи (муаллиф ва асар сарлавҳалари кўрсаткичи, исмлар ва шахслар, сарлавҳалар, хорижий тиллардаги асарлар муаллифлари, тақризчилар ва тақризлар ва ҳ.к.) кўрсаткичлар билан таъминланади.

Улардан учтаси асосий қидириш манбаи бўла олади:

1) муаллиф ва асар сарлавҳалари кўрсаткичи,
2) шахслар номлари (персоналия) кўрсаткичи,
3) географик номлар кўрсаткичи.

Ўлка ҳақида адабиётлар кўрсаткичини тўзиш ва расмийлаштириш методининг ўзига хос томонларидан бири турли-туман матнли материалларнинг фойдаланилишидир. Айрим қўлланмаларда сўз бошидан ташқари қўлланма тўзилиши ва мазмунини очиб берувчи унча катта бўлмаган кириш мақоласи берилади (бу кам учрайди).

Қўлланмага материал йиғишда йиғма ўлкашунослик каталогидан ташқари, яна турли кундалик ва ретроспектив библиографик қўлланмалар, маълумотномалар, марказий ва маҳаллий вақтли ва давомли нашрлар ҳам кўрилади. Шу сабабли тўзилаётган қўлланмада ҳамма кўрилган манбаларнинг аниқ ва тўлиқ рўйхатини бериш албатта зарурдир.

Илова сифатида вилоятнинг (ўлканинг) маъмурий, физик-жугрофий, тарихий хариталарини, яна турли иллюстратив материаллар

(маҳаллий арбобларнинг портретлари, энг қизиқарли китобларнинг муқовалари) берилиши мумкин.

“Кутубхоначига маслаҳатлар” да бу қўлланмадан ўлкашунослик фондини тўлдиришда, кўргазма ташкил этишда, кўргазмали қўлланмалар тайёрлашда, китобхонлар конференцияси, адабий кечалар, библиографик обзорлар, суҳбатлар ва ҳ.к. ларни ўтказишда фойдаланиш бўйича тавсиялар берилади.

Юқоридаги методик йўллар ва талаблар туманлар ва шаҳарлар ҳақидаги универсал тавсия кўрсаткичларини тўзишда ҳам тўлиқ фойдаланилиши мумкин.

Муҳим ва унутилмас саналар календарлари

Келгуси йилда нишонланиши мумкин бўлган муҳим ва унутилмас саналарни аниқлаш ўлкашунослик календарларини тўзишнинг тайёрлов ёки бошланғич босқичида олиб борилади. Уларни аниқлашнинг манбаи вилоят АКМ да ўлкашунослик ахбороти сектори юритадиган “Муҳим ва унутилмас саналар” ёки “Воқеалар хроникаси” картотекаси бўлади.

Саналарни аниқлаш билан бир вақтда календарнинг навбатдаги сонини тайёрлаш учун муаллифлар белгиланади. Унга ўлкашунос-библиографлар билан бирга бошқа АРМ лари, вилоятдаги илмий-тадқиқот муассасалари, давлат ва хўжалик ташкилотларининг ходимлари, ўлкашунослар, тарғиботчилар, нотиқлар киритилиши мумкин. Бу тузувчилар гуруҳи саналарни аниқлашда ҳам иштирок этадилар.

Саналарни аниқлашда маҳаллий архивлар материаллари, илмий-тадқиқот ишлар, маҳаллий бошқарув органларининг қарорлари, мемуарлар текширилади.

Аниқланган саналар хронологик тартибда, ой, кунлари бўйича жойлаштирилади.

Тўлиқ нишонланадиган саналар 25, 50, 75, 100, 150 ва ҳ.к. аниқланади. Бунда фақат шахсларнинг юбилейи эмас, балки заводлар, корхоналар, олий ўқув юртларининг юбилейлари ҳам олинади.

Муаллифлар гуруҳи ҳар бир нишонланадиган сананинг мазмунини очиб бериши, матнли маълумот ёзишлари зарур ва у жараён масъулиятлидир.

Календарь сўз боши билан бошланади, унда нашрнинг тавсияномаси, уни тўзиш йўллари, мақсади ва китобхонлик доираси, айрим ҳолларда қўлланмадан фойдаланиш бўйича кутубхоначига аниқ тавсиялар берилади.

Сўз бошидан кейин йилнинг ҳамма муҳим ва унутилмас саналари рўйхати “Йилнинг саналари”, “Бу йил нишонланади” ёки “Хроника” номи билан берилади.

Рўйхатда давлат аҳамиятига эга бўлган сана ҳам албатта берилиши зарур, масалан, “Ўлка мустақилликнинг 15 йили ичида”, ”Ўлка мустақиллик йилларида, ўлка меҳнаткашларининг ҳиссалари” ва шу кабилар.

Саналарнинг тўлиқ рўйхатидан кейин қатъий хронологик тартибда ой ва кунлари бўйича келгуси йил нишонланадиган ҳар бир байрам тўғрисида матнли маълумотлар, фактографик, библиографик ва бошқа материаллар, яъни календарнинг асосий қисми берилади. Ҳар бир сана бўйича йиғилган материаллар мавзули, муаммо-мавзули ёки бирламчи ва иккиламчи ахборотни ўз ичига оладиган библиографик материаллардан иборат бўлади.

Календарнинг асосий қисмини ҳар бир “сахифаси”да: а) нишонланаётган воқеа қачон бўлганлиги йили, ойи, куни кўрсатилган бўлади; б) воқеа-ходисанинг номи аниқ, ахборотли бўлиши зарур. Агар тузувчи образли сарлавҳалардан фойдаланган бўлса, сарлавҳа ости маълумотларида сана тўғрисида фактографик маълумотлар берилиши мақсадга мувофиқдир; в) воқеа-ходиса тўғрисида лўнда ва аниқ ҳикоя

қилувчи матнли маълумот берилиши лозим. Бундай маълумотларни тўзишга тегишли соҳалар мутахассислари, илмий ходимлар, ўлкашунослар кенг жалб қилинади; г) матн маълумотларини тўлдирувчи ва кутубхона ходимларига турли тадбирлар ўтказишда, шунингдек нотиқлар, тарғиботчилар учун зарур бўлган факт ва рақамлар берилиши; д) мавзу бўйича адабиётларнинг тавсия рўйхати; е) иллюстратив материаллар, фотосуратлар, репродукциялар, диафильмлар, микрофильмлар ва ҳ.к.лар рўйхати берилиши; ё) цитаталар; ж) мавзу бўйича, юбилей воқеалари билан қизиққан китобхонга ўз билимини чуқурлаштиришга имкон берувчи библиографик материаллар; з) алоҳида ҳолларда архив фонди материаллари ва музей экспонатларининг тавсифи берилади.

Мавзу бўйича матнли материалларни ёзиш муҳимдир. Агар мавзу бўйича босма материаллар қанча кам бўлса, матнли маълумот шунча кенг ва асосли бўлиши зарур. Матнда нишонланаётган сананинг хусусияти очиб берилиши зарур.

Календарнинг тавсиявий хусусиятини нишонланаётган санага бериладиган адабиётлар белгилайди. Адабиётлар сони 5-10 та, айрим ҳолларда 20-25 тагача энг янги оммабоп материаллар берилади. Календардаги тавсия рўйхатларида библиографик ёзув 1 та библиографик тавсифдан иборат бўлиши мумкин. Баъзан адабиётларга маълумотли аннотация берилиши мумкин.

Ҳар қандай библиографик нашр каби календарга ҳам ёрдамчи кўрсаткич берилади. Бу исмлар ва географик номлар кўрсаткичлари.

Календарда бериладиган иловаларда бу қўлланмалардан фойдаланиш бўйича кутубхоначилар учун маслаҳатлар берилади, уни календарнинг ҳар бир сонида бериш керак. Ундан ташқари, иловаларда ўлкада бўлиб ўтган муҳим воқеалар хроникаси берилади.

Календарь устидаги иш уни расмийлаштириш билан якунланади. Ўлкашунос-библиографлар китобхон-ўлкашунослар таклифига кўра

нашрнинг қолипини, муқованинг безатилишини ишлаб чиқадилар, ўлчамини танлайдилар ва ҳ.к. Календарь кўп ҳолларда буюртма бўйича тўзилиши сабабли унга ёзилган маълумотлар ва бошқа материаллар ўлчами бир хил, харфлар ҳам зарур катталикда бўлиши, қоғоз тежалиши керак. Шу сабабли сўз боши, саналар рўйхати, ёрдамчи кўрсаткичлар учун зарур харфлар танланади.

“Ўлка ҳақида янги адабиётлар” кўрсаткичи

“Ўлка ҳақида янги адабиётлар” кўрсаткичи ўлка ҳақида универсал кўрсаткич бўлиб, ойлик, кварталлик, ярим йиллик ва йиллик нашрларда чиқариладиган . Унда ўлка ҳақидаги барча матбуот асарлари: китоблар, журналлардан, тўпламлардан ва газеталардан олинган ўлкага тўлиқ ёки қисман бағишланган мақолалар, репродукциялар, хариталар, жадваллар ва бошқа аудиовизуал материаллар акс эттирилади. Ҳозирда уларга электрон ҳужжатлар ҳам қўшилиши мумкин. У материалларнинг нашр жойи, тили, хили, тури, ҳажми, нусхаси хеч қандай аҳамият касб этмайди. Энг асосийси – ҳужжатда ўлка, унинг алоҳида қисми, одамлари, уларнинг ишлари, иш тажрибалари тўғрисида маълумотлар, факт ва рақамлар бўлиши, яъни ҳ у ж ж а т м а з м у н а н ў л к а г а б а ғ и ш л а н г а н бўлиши лозим.

Бундай кўрсаткичларда китобдагига нисбатан янги ахборот, маълумотни берувчи газеталар мақолалари кўплаб киритилиши мумкин. Бу мутахассисга ўлка ҳақида энг янги босма материаллар тўғрисида ахборот олиш имконини беради.

Ҳозирги кунда, айниқса ўлкашуносликда газета, журналлар мақолалари, хабарлари, хроникал материаллар тўғрисида ахборотни кучайтириш керак.

Бундай кўрсаткичларга материал қидириш манбаларини 2 асосий гуруҳга: ҳужжатли (асосий) ва библиографик (иккиламчи, қўшимча) манбаларга бўлиш мумкин.

Биринчи – ҳужжатли манбаларни кўришда АКМ га янги олинган ҳамма босма ҳужжатлар, аудиовизуал материаллар тўлиқ кўриб чиқилиши лозим.

Иккинчи – библиографик манбалар эса АКМ га олинмаган ҳужжатларни аниқлашда кўрилади.

АКМ га янги олинган босма материалларнинг ҳаммаси адабиётларга ишлов бериш бўлимида ўлкашунос-библиографлар томонидан қараб чиқилади ва ўлкашунос-библиограф ўлкашунослик адабиётларини каталог карточкаларига тавсифлаб олади.

Мутахассис ўлкашунос-библиограф ҳужжатдаги ахборотнинг бугуни ва келгуси аҳамиятини аниқлай олади, бу тўзилаётган ахборот бюллетени юборилиши мумкин бўлган якка ва гуруҳли абонентларни белгилай олади ва яна бу кўрсаткичда библиографик тавсиф ва айниқса, аннотациянинг яхлитлиги ва изчиллигини таъминлайди.

Маҳаллий журналлар ва газеталар (айниқса, туман, шаҳар газеталари, шунингдек ташкилотларнинг кўп сонли кичик газеталари) ни ҳам ўлкашунос – библиографлар кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий мажбурий нусха бўйича кутубхонага олинадиган матбуот асарларини ҳам ўлкашунос-библиограф кўриб чиқади ва уларнинг ўлкага бағишланган материалларини тавсифлайди.

Бу кўрсаткичда адабиётларга берилган тавсифлар соф бўлиши, сарлавҳа асарнинг мазмунини очиб бера олмаган ҳолларда унга тавсифдан сўнг маълумотли аннотацияси берилиши лозим.

Бу кўрсаткичнинг бир йиллик ҳамма сонларидаги библиографик ёзувларнинг рўйхатга олиниш тартиб рақами бир-бирини давом эттиради.

Бу кўрсаткич материаллари ҳам ўлкашунослик каталогидаги каби КБК жадвалининг ўлкашунослик адабиётларини классификациялаш учун мослаштирилган махсус варианти асосида системали тартибда

жойлаштирилади. Бўлимлар ичида алифбо тартибида берилиши мақсадга мувофиқдир.

Ёрдамчи кўрсаткичлар бу бюллетенларнинг фойдаланиш самарадорлигини оширади. Унга исмлар, сарлавҳалар, шахслар ва географик номлар кўрсаткичлари берилади. Айрим ҳолларда биринчи уч кўрсаткични бирлаштириб берилади, лекин бу нотўғри, шахслар кўрсаткичи алоҳида тўзилиши лозим.

География номлар кўрсаткичи жуда катта қидирув имкониятини беради. У ўлканинг алоҳида физик-жугрофий, тарихий-жугрофий, иқтисодий-жугрофий, археологик, маъмурий-ҳудудий ва бошқа объектлари тўғрисидаги материалларни қидиришда фойдаланилади.

Бюллетеннинг йиллик ҳамма сонларига йиғма ёрдамчи кўрсаткич берилиши лозим.

Бу қўлланмага ҳам ёрдамчи кўрсаткичлар билан бирга кўрилган манбалар рўйхати берилиши зарур. Бюллетенга ҳам сўз боши ёзилади, унда кўрсаткичнинг мақсади, китобхонлик доираси, тўзилишининг қисқача тавсифномаси ва ҳ.к. лар берилади.

Ўлкашунослик библиографик қўлланмалари кўрсаткичлари

Бундай кўрсаткични тўзишда, биринчидан, библиографиянинг библиографиясини тўзишдаги методик йўллар қўлланилади, иккинчидан, ўлкашунослик библиографияси библиографиясининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Бундай кўрсаткичларни тўзишда турли-туман манбалар – библиографик қўлланмаларнинг универсал, тармоқ ва мавзули кўрсаткичларидан материаллар қидирилади.

Универсал кўрсаткичларда, айниқса, ўлкашунослик материаллари бўлиши мумкин бўлган бўлимлар кўриб чиқилади, тармоқ ва мавзули кўрсаткичлардан эса минтақавий хусусиятга эга бўлган мавзу ва

тармоқлар (ўлка тарихи, жугрофияси, саноати, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.) олиб қаралади.

Ўлкашунослик адабиётларининг кундалик универсал кўрсаткичларидан мустақил библиографик қўлланмалар, шунингдек, китоб ичи ва мақола ичи адабиётлар рўйхатларини ҳам топиш мумкин.

“Ўзбекистон библиографик қўлланмалари” кундалик кўрсаткичи ҳам ретроспектив қидиришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Ўлкашунослик адабиётлари кўрсаткичларидагидек, библиографик қўлланмалар кўрсаткичларида ҳам ҳужжатнинг мазмун белгиси ҳудуд белгиси ичида асосий роль ўйнайди. Библиографик кўрсаткичнинг илмий ва амалий қимматигагина эмас, тарихий қиммати, шунингдек, қатор ҳолларда мавзунинг ноёблиги ёки шу мавзу бўйича библиографик қўлланманинг йўқлиги ҳам ҳисобга олинади.

Мустақил библиографик қўлланмалар билан бир қаторда китоб ичи ва мақола ичи библиографик материаллари ҳам ҳисобга олинади. Ўлкашунослик кўрсаткичларига алоҳида аҳамият берилади.

Бу қўлланмаларда ҳам материалларни аннотациялаш алоҳида хусусиятга эга. Аннотацияларда қўлланманинг ҳажми (унга киритилган библиографик ёзувлар сони), киритилган материалларнинг хиллари ва хронологик қамрови тўғрисида маълумотлар берилади. Шунингдек, ёзувларнинг жойлаштирилиши шакллари ва мавжуд маълумот-методик аппаратлари ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилади.

Бундай қўлланмаларда умумдавлат, минтақавий, универсал, тармоқ ва мавзули кўрсаткичлардан библиографик материаллар кенг ҳисобга олинади, шу сабабли у материаллар қисман аннотацияланади, яъни ўлкага оид бўлган қисмигина аннотацияланади.

Библиографиялаш объектлари материалнинг жойлаштирилиш хусусиятини ҳам белгилайди. Асосий қаторда библиографик қўлланмалар турлари ва хиллари бўйича (универсал кундалик ва ретроспектив, тармоқ ва мавзули кўрсаткичлар, биобиблиографик

луғатлар, маҳаллий нашрлар кўрсаткичлари ва ҳ.к.) Тармоқ ва мавзули кўрсаткичлар бўлимида қўлланмалар мазмунига кўра (ўлка табиати ва табиий бойликлари, халқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, маданий қурилиш, санъат ва ҳ.к.) жойлаштирилади. Маҳаллий нашрлар кўрсаткичларини уларнинг турлари бўйича – маҳаллий нашриётлар каталоглари, илмий муассасалар ва ташкилотлар кўрсаткичлари, вақтли ва давомли нашрлар кўрсаткичларига бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир охирги бўлинма ичида хронологик кетма-кетликда жойлаштириш қулай, у биринчидан, шу масала бўйича ўлкашунослик библиографиясининг ривожланишини кўрсатади, иккинчидан, янги қўлланмаларни тез топин имконини беради.

Библиографик қўлланмалар кўрсаткичида 3 та ёрдамчи кўрсаткич: 1) исмлар, 2) асарлар сарлавҳалари, 3) географик номлар кўрсаткичларини бериш лозим.

Исмлар кўрсаткичида нафақат тузувчилар, муаллифлар, муҳаррирлар, балки ушбу кўрсаткич бағишланган шахслар ҳам кўрсатилади, ўлкашуносликда биобиблиографиялар кўп бўлгани учун бу жуда муҳимдир.

Сарлавҳалар кўрсаткичида ҳамма қўлланмаларнинг номлари акс эттирилади. Бу жуда муҳим кўрсаткич, чунки библиографик кўрсаткичлар кўп ҳолларда тузувчилари билан эмас, номи билан маълум ва машҳур бўлади.

Географик кўрсаткичнинг аҳамияти ҳамма ўлкашунослик қўлланмалари учун муҳим бўлгани каби бу тур қўлланмалари учун ҳам шубҳасиз муҳимдир.

Сўз бошида қўлланмага киритилган кўрсаткичлар хиллари, турлари, шакллари, уларни танлаш чегараси, қамраб олинган давр ҳақида маълумот берилади.

Кириш мақоласи бериш ҳам мақсадга мувофиқ, унда шу ўлка ҳақида библиографиянинг ривожланиши ва ҳозирги ҳолати ҳақида обзор берилади.

Бундай библиографик қўлланмалар Ўзбекистонда тўзилмаган, негаки, ўлка ҳақидаги библиографик қўлланмаларнинг аксарият кўпи нашр этилмаганлиги сабабли, бундай иккинчи даражали ўлкашунослик библиографик кўрсаткич тўзиш имкони бўлмаган.

Т а к р о р л а ш у ч у н с а в о л л а р :

1. Библиографиялаш деганда нимани тушунасиз?
2. Ўлкашунослик адабиётларини библиографиялашдаги ўзига хос хусусиятлар нималардан иборат?
3. Ўлкашунослик библиографик қўлланмаларни тўзишда манбалар доирасини изоҳлаб беринг.
4. Ўлкашунослик библиографик қўлланмалари умумий библиографик манбалардан нимаси билан фарқ қилади?
5. Ўлкашунослик қўлланмаларидаги ёрдамчи кўрсаткичларнинг аҳамиятини сўзлаб беринг.
6. Қўлланманинг ўлкашунослик кўрсаткич эканини қандай ажратиб оласиз?
7. Нима сабабдан ўлкашунослик библиографиясининг библиографияси Ўзбекистонда тўзилмаган?

10 боб . Кутубхона – ўлкашунослиги: моҳияти, мақсади, мазмуни, ички ва ташқи алоқалари

Ўлкашунослик ўзида мамлакатнинг кичик бир бўлаги, яъни шаҳари, қишлоғи, тумани ва бошқа аҳоли яшаш (турар) жойини

ўрганувчи соҳадир. Бу жой шу ернинг туб аҳолиси учун ж о н а ж о н ў л к а ҳисобланади.

Ҳозирги миллий, иқтисодий масалалар, маҳаллий жой масалалари кўндаланг бўлиб турган бир вақтда шу маҳаллий жой – ўлканинг ўтмиш тарихини тўғри ўрганиш, тарғиб қилиш, миллий анъана ва урф-одатларни қайтадан тиклаш энг муҳим вазифалардандир. Лекин ўлка ҳақидаги билимнинг торлиги, бунинг кенг кўламда ўқитилмаслиги, бу ҳақидаги ахборотнинг камлиги ишнинг боришига тўсқинлик қилади.

Ўлкашуносликнинг мазмуни шу жой жамият ҳаётининг у ёки бу давридаги мақсад ва вазифалари билан белгиланади. Ҳар бир даврда ўлкашунослик ўлка ҳаёти ҳақидаги тадқиқот, қидирувларнинг натижалари бўлган босма матбуот асарлари ва кино-фото-фоно ҳужжатлар билан иш олиб боради. Бундай ҳужжатларни кутубхоналар – айни чоғда - ахборот-кутубхона марказлари (АКМ лари) ва ахборот-ресурс марказлари (АРМ лари), архивлар, музейлар тўла йиғиб борадилар. Ҳар қандай соҳада илмий- тадқиқотлар олиб бориш борасида бирор-бир ўлкашунос кутубхонанинг хизмати, унинг ўлкашунослик адабиётлари фондисиз бирор иш қила олмайди.

Ўлкашунослик анъанавий маърифий-тарбиявий вазифалардан ташқари илмий, ишлаб чиқариш фаолиятига янада фаол ёрдам бериб бормоқда. У ҳозирги иқтисодий ўзини - ўзи бошқариш, миллий тикланиш шароитида, айниқса аниқ ижтимоий хусусият касб этиб бормоқда.

Ҳозирда ҳаётнинг энг мураккаб ва қийин саволлари ўтмишга бориб тақалади ва уларнинг аксарият кўп қисмига ўлкашунослик ёрдамида жавоб топиш мумкин.

Ў л к а ш у н о с л и к - фаннинг ҳамма тармоқлари ва инсон фаолияти соҳаларини турли даражада қамраб олади: унинг мазмуни

турли ривожланиш босқичларида жамият томонидан ҳал этилаётган мақсад ва вазифалар билан белгиланади.

Ҳозирда илмий, ишлаб чиқариш, ўқув, тарбиявий, хайрия фаолияти билан боғлиқ ўлкашунослик, жонажон ўлка ҳаётининг турли масалаларига мурожаат қиладиган ташкилотлар, муассасалар, жамоалар, идоралар, кўнгилли жамиятлар ва меҳнаткашлар ассоциациялари доираси кенгайиб бормоқда. Жонажон ўлкаси – тумани, қишлоғи, шаҳрини билишни ўз шахсий мақсадига эришиш воситаси деб қарайдиган, ҳаёт эҳтиёжи, фуқаролик бурчи деб ҳисоблайдиган якка ўлкашунослар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Бу ҳолда ўлкашуносликнинг назарий ва услубий ёритилиши, унинг ташкилий масалалари алоҳида муҳим масала бўлиб қолмоқда. Ўлкашуносликнинг назарий, услубий томонлари ҳар томонлама ўрганилишига катта эҳтиёж мавжуд бўлган масалалардир.

Ўлкашуносликнинг умумий ҳолда кўрилаётган назарий масалалари, услубий томонлари кейинги ўн йилликларда алоҳида тадқиқот объекти сифатида қаралди, жиддий эътибор берилди, холос. Масалан, “ўлка” тушунчасининг моҳияти. “Ўлка” бошда кичик бир ҳудуд деб тушунилди, кейинчалик эса бу жуда катта жугрофий ҳудудга нисбатан ҳам қўлланила бошланди, масалан, биринчиси – кўча, уй, қишлоқ, шаҳар, ноёб дарахт, вилоят ва бошқалар. Бундай чегаралашда бўлиниш ўлканинг маъмурий-ҳудудий чегараси асосида бўлади. Ҳозирги шароитда ҳам ўлканинг ўтмиш тарихини ўрганишда шу чегара асос қилиб олинади.

Бироқ, ўлкашуносларни нафақат ўлканинг ижтимоий муаммолари қизиқтириб қолмай, балки маълум қўриқхона, географик объект, табиий бойликлар, табиий ходисалар билан боғлиқ табиий илмий масалалар ҳам қизиқтиради. У масалалар кўп ҳолларда вилоят

(шаҳар, туман) лар доирасидан чиқади, лекин уларни тадқиқ қилиш ҳам ўлкашунослик доирасида боради.

Юқоридаги фикрлардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин: “ўлка” нинг чегараси шартли бўлиб, ўлкашунос ўрганаётган масаланинг мавзувий йўналишига боғлиқ: вилоятдан то кичик ҳудуд (шаҳар, туман, қишлоқ) гача ўлка бўла олади, бироқ у ҳудуд мамлакатнинг йирик физик- жугрофий, иқтисодий тарихий ва бошқа ҳудудигача кенгайтирилиши мумкин. Жугрофий, иқтисодий, тарихий ҳудудлар тадқиқот йўналишига мувофиқ ҳолда олиниши мумкин.

Бироқ, “ўлка” ни минтақа, давлат, мамлакат билан тенглаштириб бўлмайди. Бундай ҳол сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан нотўғри бўлади. Ҳар қандай мустақил давлат “ўлка” бўлмайди, унинг ҳар қандай ҳудудий чегараланишидан қатъий назар у давлат ва уни мамлакатшунослик библиографияси ўрганади.

“Ўлка” тушунчасини изоҳлаб олгач, энди “ўлкашунослик” тушунчасини изоҳлашга киришиш мумкин. Бу тушунча устида ҳам турли қарашлар, фикрлар мавжуд. Уни “кичик мамлакатшунослик” (яъни, “малое страноведение”) ёки яна бошқа “топографика” сўзлари билан ҳам ифодалашга уринишлар бўлган.

Лекин ҳозирги мамлакатнинг алоҳида ҳудудларини текширадиган тадқиқотчиларнинг катта отрядига янги кучлар қўшилаётган бир вақтда унга мос тушунча топиш учун унинг ташқи алоқалари ва ички тўзилишини диққат билан тушуниб, аниқлаб олиш зарур.

Рус ўлкашунос-библиографияшуноси Н.Н.Щерба ўлкашуносликни шундай таърифлайди: «Ўлкашунослик – бу инсоннинг фаолият соҳаси, унинг куч ва билимини сарфлайдиган соҳадир”. Ёки “ў л к а ш у н о с л и к ” - районлаштиришнинг маълум бир воситаси бўйича бўлинган мамлакатнинг ҳар қандай кичик

бир қисмини турли шахслар, турли ташкилотлар турли мақсадларда ҳар томонлама ўрганишига қаратилган инсон фаолиятининг соҳасидар”.Фаннинг ўлкашунослик иштирок этмайдиган бирор-бир соҳаси йўқ.

Ўлкашуносликнинг ички тўзилишини тадқиқ қилиш муҳимроқдир. Н.Н.Щербанинг фикрича, ўлкашуносликнинг ички тўзилиши унинг ижтимоий вазифасини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда у ёрдам берадиган йўналишлар бўйича олиш мумкин: яъни илмий, ишлаб чиқариш, маърифий, билим олиш (мустақил билим олиш) йўналишлари.

Ўлкашуносликни классификациялашнинг кейинги чегараси мавзули (тармоқ) эҳтиёжлари бўлиб, у билан ўлкашуносликнинг жугрофий, адабий, иқтисодий, ботаник, зоологик, санъатшунослик, тарихий, тарихий-инқилобий, археологик, этнографик, экологик ва бошқа йўналишлари шаклланади.

Ўлкашуносликнинг вазифаларини амалга ошириш шаклларининг тўзилиш таркибини д а в л а т (давлат бюджетидаги, давлат томонидан маблағ билан таъминланган ҳолда давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан режали тартибда олиб бориладиган), ж а м о а т (кўнгилли, ҳаваскорлик) ва м а к т а б (ўқув дастурлари ва мактабдан ташқари ўқиш,ўрганиш жараёнида олиб бориладиган) йўналишлари ҳам ташкил этади.

Халқнинг фаоллиги ошган ҳозирги шароитда турли муассасалар (музейлар, маданият уйлари ва саройлари), саноат корхоналари, жамоа хўжаликларида ўлкани ўрганиш бўйича кўнгилли тўгараклар мавжуд, ишлаб турибди. Бу ж а м о а т ўлкашунослигига киради.

Ҳаваскор ўлкашунослар табиатни, маданият ва санъат ёдгорликларини сақлаш бўйича маҳаллий жамиятларнинг асосий кучини ташкил қилади.Тарихда қолган совет маданият жамғармаси,

география жамияти, республика тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти юқоридаги жамоат ўлкашунослигига катта ёрдам бериб келган муассасалардир.

Кейинги йилларда кўпгина туманларда ўлкашунослик музейлари ташкил этилган. У музейлар жамоатчи ўлкашунос-ҳаваскор (ташаббускорлар) томонидан, унинг атрофига жипслашган кўп сонли ташаббускор ўлкашунослар ёрдамида, ўзлари йиққан маблағ, экспонатлар асосида ташкил этилган ва ишлаб турибди.

М а к т а б ў л к а ш у н о с л и г и ҳам жамоат ўлкашунослигига яқин бўлиб, у ўзида ўқув машғулотларида, тўгараклар ва мактаб музейларида, маҳаллий жанговор ва шуҳрат жойларига саёҳатларда ўз ўлкасини ўрганиш билан шуғулланувчи миллионлаб ўқувчиларни бирлаштиради.

Қатор фанлар (физик ва иқтисодий география, Ўзбекистон тарихи) ўқув дастурларида “Бизнинг ўлка” (вилоят) мавзуси мустақил бўлинма ҳолида киритилган. Жамиятшунослик, она тили ва адабиёти, физика, химия, ботаника ва бошқа фанларни ўқитишда ҳам ўлкашунослик материаллари муҳим ўрин эгаллайди.

Д а в л а т ў л к а ш у н о с л и г и маҳаллий давлат, хўжалик органлари томонидан вилоят, шаҳар ёки туманнинг иқтисодиёти ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар, юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида статистик ва ҳужжатли манбаларни ўрганишдан иборат.

Давлат ўлкашунослиги тизимида “ўлканинг ашёвий музейи” деб аталмиш ўлкашунослик музейларининг ривожланганлигини кўриш мумкин. Музейлар тарихий ёдгорликларни, санъат асарларини йиғадилар, ўрганадилар ва тарғиб қиладилар, ўлканинг табиий бойликлари ва иқтисодиётига оид экспозицияни ташкил этадилар, каталоглар, маълумотномалар ва йўл кўрсаткичлар тузадилар, илмий ишларнинг мавзули тўпламларини чиқарадилар.

Давлат ўлкашунослигида маҳаллий давлат органлари томонидан ўлкани ўрганилишини ҳам айтиш мумкин. Вилоят архивларида ҳам ўлка ҳаётининг у ёки бу томонларига оид ҳужжатлар сақланади.

Давлат ўлкашунослигида кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Юқорида айтиб ўтилган бошқа давлат ташкилотлари (архивлар, музейлар ва ҳоказолар) дан фарқли ўлароқ, кутубхоналар ўлкани ўрганиш учун кенг имкониятларга, яъни турли-туман ҳужжатлар йиғиндисига эга. Музейлардаги ўлкага оид ашёлар музей экспонати ҳисобланади, улар уйга берилмайди, шу музейнинг ўзида улар билан танишиш мумкин, АКМ лари фондидаги китоблар эса уйга берилади. Кутубхоналар китобхонларга хизмат кўрсатиб, оммавий тарғиботнинг турли шакл ва усулларидан фойдаланадилар. Демак, кутубхона ўлкашунослиги ўлкани ўрганишда тенгсиз манбалар ва имкониятларга эга.

Ўлкашуносликнинг ташкилий – каналли тўзилиши ҳам классификация белгиси сифатида кела олади. Унда ўлкашунослик тадқиқотларини олиб борувчи ташкилотлар, муассасалар ёки ўлка ҳақидаги билимларни тарғиб қилувчи ташкилотлар гуруҳи тўзилиш асоси бўлиб келади.

Булар асосан давлат ташкилотлари, айрим ҳолларда жамоат ташкилотларидир. Яқин вақт ичида бу ишга тижорат, кичик ва қўшма корхоналар ҳам қўшилиши мумкин. Бу классификация белгиси а р х и в ,

м у з е й , м а к т а б , о л и й м а к т а б , к у т у б х о н а ч и л и к , с а й ё ҳ л и к , ч е р к о в ўлкашунослиги ва бошқаларни ажратишга имкон беради.

Улар ичида биринчи чегара - ижтимоий вазифаларига кўра ўлкашуносликнинг ажратиладиган йўналишлари асосий ҳисобланади. Қолган белгилари қўшимча, ёрдамчи сифатида келади.

Ташкилий – каналли томонлари бўйича ажратилган турлари ичида кутубхона ўлкашунослиги бошқаларига қараганда оддийроқ кўринади, бироқ унинг ҳамма иш соҳалари, турлари, шакллари ва йўналишлари ўлкашунослик билан узвий боғлиқ.

Бизнинг касбий атамашунослигимизда кутубхоналарнинг ўлкашунослик бўйича ҳамма ишларини бир сўз билан ифодалаб бериш учун янги тушунча – кутубхона ўлкашунослиги деган тушунча пайдо бўлди, у расмий атамашунослик луғатидан ҳали ўрин олмаган, бироқ махсус вақтли матбуот нашрларида кенг қўлланилмоқда.

К у т у б х о н а ў л к а ш у н о с л и г и деганда кутубхона ходимларининг ўлка ҳақидаги матбуот асарларини қидириш, аниқлаш, олиш, ташкил этиш, ҳисобга олиш, уларнинг мазмунини ҳар томонлама очиб бериш, жамият ва унинг алоҳида вакиллари талабларини библиографик таъминлаш, ўлка ҳақидаги билимларни тарғиб қилиш, илмий масалаларни ишлаб чиқиш, услубий таъминлаш ва ҳ.к. бўйича кўпёқлама фаолиятининг йиғиндисини тушуниш мумкин.

Бу ишларни амалга оширишда кутубхоналар ходимлари касби, ёши, жинси, иш жойи ва яшаш жойидан қатъий-назар ўлканинг билимдонлари ва мутахассисларини мунтазам жалб қилган ҳолда ўзаро узвий ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим.

К у т у б х о н а ў л к а ш у н о с л и г и кўп сонли ички ва ташқи алоқалари билан мураккаб тизим ҳисобланади.

Кутубхона ўлкашунослиги мураккаб метатизим сифатида ўз ўлкаси ҳақидаги ҳужжатларни ва библиографик ахборотни олишда ҳар қандай шахсга ёрдам бериш вазифасига эгадир, бироқ у бир-биридан маълум даражада фарқ қилувчи икки йўналишга бўлинади.

Биринчи йўналиш бирламчи ва иккиламчи ҳужжатлар оқими билан кўп режали ишни (мазмунан ўлкага бағишланган, яъни ўлка билан боғлиқ бўлган китоблар, тўпламлар, мақолалар ва бошқа матбуот

асарларини, шунингдек, кино-фото-фоно ҳужжатлар, электрон материалларни аниқлаш, кутубхона фондига олиш, сақлашни ташкил қилиш, тарғиб қилишни); каталоглар, картотекалар, библиографик кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқ мажмуи орқали ўлка ҳақидаги материаллар тўғрисида тартибга келтирилган библиографик маълумотларни китобхонларга етказиш; ўлкашунослик кутубхоначилик-библиография хизмати; ўлкадаги бошқа АРМ ларининг ўлкашунослик фаолиятини ташкил этиш ишларини методик таъминлаш ва бошқа анъанавий кутубхона ва библиографик жараёнларни кўзда тутади.

Биринчи йўналишнинг амалга оширилишида бирламчи ҳужжатлар сони кўп, бироқ иқтисодий тақчиллик туфайли ўлкада азалдан ўлкашунослик фаолиятининг марказлари бўлмиш АКМ лари у нашрларнинг ҳаммасини фондга тўлиқ олиш имкониятига эга эмаслар. Бу ҳолда уларда мавжуд ҳамма материални китобхонга, уларнинг ўз истеъмолчисига имкон қадар етказишга ҳамма куч, имкониятлар қаратилиши лозим. Негаки, ҳар қандай тадқиқот ишининг бошланиши, ўтган аждодлар тажрибасини ўрганиш, матбуот асарларини ва ахборот етказувчи микроахборот ташувчиларни ўрганишдан бошланади.

Биринчи йўналиш бўйича кутубхоналар ўз фаолиятини XX асрнинг бошларида бошлаганлар.

Иккинчи йўналиш АКМ да ёки унинг қошида ташкил этилган меҳнаткашларнинг турли бирлашмалари (тўгараклар, клублар, ўлканинг ҳаваскор энтўзиастлари - ташаббускорларининг биргаликдаги ўлканинг тарихи, ҳозирги ижтимоий, хўжалик, маданий, адабий ҳаёти, санъатига қизиқишлари бўйича ишлари натижасида) ўлкани ўрганиш, у ҳақида янги ахборот - маълумотларни олишни кўзда тутади.

А х б о р о т - к у т у б х о н а м а р к а з и - АКМ бу ҳолда ҳомий сифатида келиб, якка ёки жамоа томонидан ҳал қилинаётган

масалаларни боришида йиғилишлар, учрашувлар, конференциялар, танловлар ўтказишда жой билан ва у тадбирларни ахборот, методик-библиографик таъминлайди. Тадқиқотчилар – кутубхона ходимлари, ўлкашунос-библиографлар, ўлкашунослар, уларнинг қизиқишлари турли-туман бўлиб, кутубхонашунослик ва библиографияшунослик масалалари доирасидан чиқади.

Иккинчи йўналишнинг якуний натижаси янги билим, бирламчи ҳужжатлар, янги мақолалар, китоблар, маърузалар баёнларининг тўпламлари ва хабарларни олишдир. Ҳужжатли – иккиламчи ёки библиографик ахборот манбалари эса бу ҳолда ёрдамчилик ролини ўйнайди.

Кутубхона ўлкашунослигининг бу иккинчи йўналиши ҳали деярли ўрганилмаган, махсус вақтли матбуотда айрим фикр-мулоҳазалар ва кичик мақолалар босилган. Шу билан бирга у фаол ривожланиб бормоқда. Буни маҳаллий кутубхоналар – ҳозирги АКМ ларининг бу борада олиб бораётган ишларидан кўриш мумкин.

Кутубхона ўлкашунослигининг биринчи йўналиши XX асрнинг 20-йилларида бошланган, 50-йилларда мазмунан ҳам, ички тўзилиши бўйича ҳам яхши кўрсаткичларга эришилган. Бу даврда таҳлил ва хулосалар асосида кутубхона ўлкашунослигининг илмий-методик асосномаси тўзилди. Бу тадқиқот – умумий хулосалар 1959 йилги “Вилоят, ўлка, республика (автоном республика) кутубхоналарининг ўлкашунослик иши” тўпламида ўз аксини топди. 1959 йилда кутубхоналарда ўлкашунослик ишининг олиб борилишини белгилаб берувчи дастурул амал ҳужжат – “Вилоят, ўлка, республика (АССР) кутубхоналарининг ўлкашунослик иши тўғрисида Низом” тасдиқланди. 1960 йилда кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши бўйича ўша даврдаги Бутуниттифоқ Кенгаши бўлиб ўтди ва унда кўрилган масалалар, фикр алмашувлар натижаси тўплам сифатида босилди. 1961

йилда ўлкашунослик каталогларини ташкил этиш учун классификация жадвалининг намунавий варианти чоп этилди ва бошқа яна қатор материаллар пайдо бўлдики, улар ўлкашунослик фаолиятини олиб боришнинг бундан буёнги йўналишларини белгилаб берди. Бироқ, бу методик йўл-йўриқларнинг ҳаммаси ҳам амалиётда ўз ўрнини тўлалигича топмади, уларнинг айримлари юзаки, айримлари умумий даражада ишланган эди.

Ўзбекистонда ҳам 1959 йилда Ўзбекистон маданият министрлиги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси, вилоят ва қишлоқ кутубхоналарининг ўлкашунослик иши тўғрисида Низом” ни тасдиқлади. Бу даврда Ўзбекистонда ҳали ўлкашунослик йўналиши эндигина кЎртак ёзаётган давр эди. Бироқ бу ҳужжат ўлкашунослик йўналишининг ҳамма жараёнларини тўлалигича қамраб олмаган, кутубхона ўлкашунослигининг асосий иш жараёнларини олиб бориш учун ёрдам берадиган бундан бошқа ҳеч бир методик материал йўқ эди.

Турғунлик йилларида шу давргача кутубхоналар ўз ташаббускорлиги билан яратган олдинги ишлар йўқ бўла борди, “эски” малакали мутахассис-ўлкашунос-библиографлар кетди, улар ўрнига келган янги мутахассис ходимларда эса касбий билим ва кўникманинг етарли эмаслиги сабабли, марказий кутубхоналарнинг методик қўлланмаларисиз улар китобхонлар талаблари ва эҳтиёжларига мос ҳолда кутубхона ўлкашунослиги бўйича хизматни ташкил этиб бора олмас эдилар. Шунга қарамай XX асрнинг 80-йилларида республикамиз вилоят кутубхоналарида кутубхона ўлкашунослигининг биринчи йўналиши бўйича ишларда бирмунча силжишлар бўлди.

Бироқ, XX асрнинг 90-йилларида махсус вақтли матбуотда пайдо бўлган кутубхона ўлкашунослигига бағишланган турли қатор мақолалар кутубхона ўлкашунослигининг долзарб муаммолари ва

уларни қайта кўриб чиқилиши мутахассисларни бефарқ қолдирмаганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви туфайли барча жабҳаларда, жумладан ўлкашунослик йўналишида ҳам ўзгаришлар юз берди. Мустақил Ўзбекистон шароитида 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан “Марказлашган кутубхона тизимларининг ўлкашунослик иши” кўрик-танловининг эълон қилиниши бу қуйи кутубхоналарда ушбу йўналишга эътибор берилиши бошланганининг далилидир. 2003 йилда вилоят кутубхоналари директорларининг Кенгашида “Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши тўғрисида Низом” нинг тасдиқланиши билан эса республикамиз кутубхоналарида ўлкашунослик йўналишида қилинадиган ишлар аниқ белгилаб берилди.

Кутубхона ўлкашунослиги мураккаб ички тўзилишга эга ва кўп сонли ташқи алоқаларига эга бўлган тизимдир (кейинги саҳифадаги чизмага қаралсин).

Демак, кутубхона ўлкашунослиги бир бутун тизимнинг, масалан, ўлкашуносликнинг бир қисми бўла олади.

К у т у б х о н а ў л к а ш у н о с л и г и турли бўғинларни ўзида бирлаштиради, уларнинг ҳар бири алоҳида қаралиши мумкин, яна ташқи алоқалари билан ҳам кўрилади. Бу ташқи алоқаларининг кўплигини ҳам чизмадан кўриш мумкин.

Кутубхона ўлкашунослиги аввало ўлкашуносликнинг таркибий тизими сифатида ўлкашунослик ғояларининг генератори, маълумот-ахборот маркази, шу маълумот ахборот манбаларини сақлаш маркази вазифасини бажаради.

Кутубхона ўлкашунослигисиз, унинг кенг имкониятларисиз, хизматисиз, бирорта ўлкани ўрганиш ишлари олиб борилмаслиги турган гап, негаки, ўрганилиши лозим бўлган, яъни мўлжалланган

масала, муаммо, фан тармоғи ёки олдинги авлоднинг иш тажрибаси ёки мавзусининг ўрганилиш даражасини аниқлаш мумкин эмас. Ўлкашуносликни менсимаслик эса ўлка ҳақидаги ахборотнинг йўқолиб боришига, илгари қилинган ишларни такрорлашга сабаб бўлади, ўлканинг ижтимоий, сиёсий, хўжалик, илмий-маданий ривожланишига тўсқинлик қилади.

Ундан ташқари, ҳар бир тадқиқот ўлка ҳақида янги ахборотни берадиган янги ҳужжатнинг пайдо бўлиши билан якунланади ва бу ҳужжат ҳам ахборот-кутубхона марказлари фондида бўлиши зарур. АКМ ходимлари ўлкашунослик фондини тўлдиришда шундай ҳужжатларга алоҳида эътибор беришлари лозим. Шу сабабли кўп тадқиқотчилар, олимлар ўлка ҳақидаги асарларини шу етакчи муассаса – кутубхонага шахсан совға қилишни шараф деб биладилар.

Кутубхона ўлкашунослик бўйича ҳамма бирламчи ҳужжатлар оқимини системалаштира бориб, ўлка ҳаётининг у ёки бу томонининг ўрганилиш даражасини, ҳолатини аниқ кўрсатиб беради; китобхонлар сўроқларини, эҳтиёжларининг ўсишини ва қонуниятларини таҳлил қилади, ўлка ҳақидаги аниқ адабиётларга, унинг тематикасига қизиқишнинг ўсишини олдиндан айтади, китоб нашр қилиш масалалари бўйича тавсиялар беришга ҳам қодир. Ўлкашунослик материалларини йиғиб борувчи бошқа муассасалардан фарқи ҳам шундадир.

Яна бир ташкилот – архивларда ҳам ўлкашунослик ҳужжатлари, яъни ҳали босилмаган қимматли ўлкашунослик ҳужжатлари йиғиб борилади, бироқ бу муассаса кутубхоналар бажарадиган кенг ишларни

КУТУБХОНА ЎЛКАШУНОСЛИГИ

.Ўлкашуносл
ик
билимларин
и тарғиб
қилиш

7.Ташкили
й-
бошқарув
аспек
т

1. Ягона ўлка шунослик фонди		2. Фонднин г кўп томон- лама очиб берилиш и
	11. Ўлкашунос	

		лик адабиётлари китобхон-лари	
	3. Ўлкашунос-лик кутуб-хона-библиог-рафик ресурслари		4. Кутубхо на библиогр а-фик хизмати

5. Кадрлар

9.Илмий-тадқиқот йўналишлар

10.

14. Инсон, ихтисосли ва жамоа, ташкилотлар ва ҳоказолар фаолиятининг тематик йўналиши, доираси

олиб бормайди, уларнинг вазифаси шу ҳужжатларни йиғиш, сақлаб боришдан иборат. Хизматни ҳам чекланган ҳолда кўрсатади.

Кутубхоналар ўлкашунослик ишининг ташқи алоқаларига инсон фаолиятини, фан тармоқлари ва билимлар соҳаларини киритиш мумкин, уларнинг кўпи ўлкашунослик билан узвий кесишади, кутубхона ўлкашунослигида кутубхонанинг иш йўналишларида ўз аксини топади. Ҳақиқатан ҳам фаннинг ҳамма соҳаларида маҳаллий жой билан боғлиқ тадқиқот ишлари кутубхона ўлкашунослигининг иштироки, ёрдамисиз бажарилиши мураккабдир.

Кутубхона ўлкашунослигининг ички тузилиши ҳам жуда мураккабдир (юқоридаги чизмага қаралсин). Унинг ядро-негизи, етакчи қисми - 1-4 блоклар - ягона ўлкашунослик фонди, унинг кўпёқлама очиб берилиши (МБА ёрдамида), библиографик ресурслари, кутубхона-библиографик хизматидан бирортаси бўлмаса ҳам кутубхона ўлкашунослигининг тизим сифатида тўзилиши яхлит бўлмайди. Масалан, ўлкашунослик ҳужжатлари фонди (маълумотлар базаси)сиз кутубхона ўлкашунослиги тўғрисида гапиришнинг маъноси йўқ, бироқ фонд каталоглар, картотекалар орқали, бюллетенлар, вақтли матбуотда янгиликлар рўйхати шаклида ёритиб берилмаса истеъмолчи учун етиб бормайдиган, фойдасиз нарса бўлиб қолади. Библиографик ресурслар, кутубхоначилик-библиография хизмати бўлмаса ҳам кутубхона ўлкашунослиги тўлиқ мавжуд бўла олмайди.

Демак, бу ички бўғинларнинг ҳар бири бир-бири билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлиши мумкин, холос.

5-9-блоклар эса “кутубхона ўлкашунослиги” нинг ядросини самарали бўлишини таъминлашга қаратилган. Бу келтирилган 9 блокдан ҳар бири ўз навбатида яна тизим тўзилма ҳисобланади ва алоҳида олинганда ўзининг ички тўзилмаси ва ташқи алоқалари билан алоҳида кичик тизимли тўзилма бўла олади.

Чизмада кутубхона ўлкашунослигининг ҳамма тўзилмавий бўлинмалари келтирилмаган, шу сабабли 10-блок бўш қолдирилган, у ўлкани ўрганишнинг бошқа параметрлари - ўлка ҳаётининг турли томонлари, унинг тарихи, табиий бойликлари, экологиясини ўрганиш даражасини библиографик усуллар билан якунлаш; ўлкашуносликнинг истиқболли йўналишларини моделлаштириш ёки истиқболини белгилаш; китобхонга ўлкашунослик ҳужжатларини педагогик йўналишдаги тавсиялар воситаси билан ёритиб бериш; ўлкашунослик адабиётлари фонди ядросини моделлаштириш ва бошқаларни кўзда тутади.

Кутубхона ўлкашунослиги кутубхона-библиографик фаолиятнинг ҳамма томонлари билан узвий кесишади, учрашади.

Кутубхона ўлкашунослиги мураккаб ички тўзилишга эга экани юқорида айтилди, унинг ҳар бир ички блоки бир-бири билан узвий алоқада бўлади. Масалан, ўлкашунослик фонди кўп ёқлама очиб берилмасдан, яъни каталоглар ва картотекаларда акс эттирилиб, очиб берилмай туриб, ўлкашунослик кутубхона-библиография хизматини ташкил қилиб бўлмайди.

Малакали кадрлар – ўлкашунос-библиограф ходимларсиз ўлкашунослик билимларини тарғиб қилмай туриб, самарали ўлкашунослик кутубхона-библиография хизматини кўрсатиб бўлмайди.

Ўлкашунослик доирасида кутубхоналарда кўрсатиладиган кутубхона-библиография хизмати кутубхона ўлкашунослигининг асоси ҳисобланади. Ягона ўлкашунослик фонди, ўлкашунослик маълумот-библиографик аппарати, ўлкашунослик ресурслари кутубхоначилик-библиографик фаолиятида фойдаланилмаса, унинг ёрдамида ўлкашунослик сўроқлари бажарилмаса, улар ҳеч кимга кераксиз, фойдасиз бўлиб қолади. Улар эса китобхон учун, ўлкашунослик

библиографик ахбороти истеъмолчилари учун, уларнинг ҳар қандай сўроқларини тўлиқ қондиришга мўлжалланган.

Ўлкашунослик фонди, ўлкашунослик МБА, библиографик қўлланмалар тарғиботнинг турли шакллари ва усуллари ёрдамида тарғиб қилинади.

Кутубхона ўлкашунослигининг биринчи йўналиши бўйича ишлар кутубхоналарда XX асрнинг бошларида бошланган. Ўша даврда мавжуд кутубхоналарда ўлкаларга бағишланган материаллар ҳам ҳеч бир режасиз, тўлиқ бўлмаган ҳолда йиғиб борилган. У даврларда ўлкага бағишланган китоблар кам нашр қилинар эди, бироқ маҳаллий газеталар сахифаларида Туркистоннинг, кейинчалик Ўзбекистоннинг турли маҳаллий жойлари ҳақидаги мақолалар кўплаб босилиб борган. Бироқ, ўлкашунослик ҳужжатлари тарғиботи ҳамма кутубхоналарда ҳам олиб борилмаган. У даврда бу ишга ҳозиргидек алоҳида эътибор билан қаралмаган ва у ҳеч бир режасиз, ҳисоб ва ҳисоботсиз олиб борилган. Демак, XX асрнинг 30-йилларигача мавжуд кутубхоналарда ўлкашунослик бирламчи ҳужжатларини йиғиш ишлари билан шуғулланилган, холос.

30-йиллар бошларидан эса дастлабки ўлкашунослик картотекалари тўзила бошланган. Лекин бу иш ҳам онда-сонда олиб борилган. II-жаҳон урушигача бўлган даврда кутубхоналар ўлкашунослик фаолияти талаб даражасида ривожлана олмади (ваҳолангки, ўша талабнинг ўзи йўқ эди, чунки бу борада кутубхоналар қандай ишларни олиб боришлари лозимлиги кўрсатилган ва шу асосда ишнинг боришини назорат қиладиган бирор-бир раҳбар ҳужжат ёки методик йўриқнома бўлмаган, бу йилларда кутубхона ходимларининг камдан-камчилиги махсус маълумотга эга эдилар, улар ўз тушунчалари бўйича ўлкашунослик иши билан шуғулланардилар. Шу сабабли ҳам кутубхоналар фаолиятининг ўлкашунослик йўналиши XX

асрнинг 50-йиллари ўрталаригача айтарли даражада кўзга кўринмаган). Бу ишга раҳбарлик қилиши мумкин бўлган раҳбар марказнинг ўзи ҳам йўқ эди.

Кутубхоналарнинг ўлкашунослик адабиётларини олиш манбалари ҳам йўқ эди, улар учун маҳаллий мажбурий нусха жорий қилинмаган эди, ўлкашунослик ишини олиб борувчи малакали мутахассислар ҳам кам (деярли йўқ) эди.

XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан маҳаллий вилоят кутубхоналари зиммасига жойлардаги ўлкашунослик кутубхона-библиографик фаолиятининг маркази сифатида ўлкани кутубхона шароитида ўрганиш бўйича ҳамма вазифалар юкланди. Шу даврдан бошлаб вилоят кутубхоналари ўлкашунослик ишини режа асосида олиб бора бошладилар. Уларга бу даврда ўлкашунослик кутубхона-библиографик фаолиятининг асоси бўлган ўлкашунослик адабиётлари фондини ташкил қилиш, тўлдириш ва қайта тўлдириб бориш, ўлкашунослик МБА ни ташкил этиш энг асосий вазифа сифатида қўйилган эди.

Ўлкашунослик фондини ташкил этиш учун маҳаллий мажбурий нусха жорий қилинмаган бўлса-да, бу иш асосий бўлиб, муттасил шуғулланишга тўғри келар эди. Шу 50-йилларда юқорида айтилган қатор раҳбар ҳужжатлар ва методик материаллар пайдо бўлиб, кутубхоналар бу борада йўл-йўриқларга эга бўлдилар.

60-йиллар охирларига келиб вилоят кутубхоналарида ўлкашунослик фаолиятининг негизи – маълум даражада ўлкашунослик фонди ва имкон доирасида ўлкашунослик МБА нинг асосий бўғини – ўлкашунослик картотекаси ташкил этилган эди. Айрим кутубхоналарда бу аппаратнинг бошқа бўғинлари ҳам яратилган эди. Худди шу даврда, яъни 1965 йилда тасдиқланган “Давлат республика (АССР), ўлка, область кутубхоналарининг намунавий Устави” да шу кутубхоналарда

ўлкашунослик фаолиятини олиб борадиган махсус бўлинма – ўлкашунослик бўлими (сектори) ни ажратиш кўзда тутилган эди, бу Уставга мувофиқ айрим кутубхоналарда ўлкашунослик иши билан шуғулланувчи махсус бўлинмалар ташкил этилди. Масалан, Ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят кутубхонасида 1967 йилда ўлкашунослик бўлими ташкил этилган эди. Бироқ, бу бўлим ўзига юклатилган улкан ҳажмдаги ишларни тўлиқ уддалай олмаганлиги туфайли 1970 йилда секторга айлантирилди. Ва бу сектор ҳозирга қадар кутубхона ўлкашунослиги ва библиографик фаолиятини олиб борувчи катта иш тажрибасига эга бўлган бўлинма бўлиб келмоқда.

1959 йилги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси, вилоят ва қишлоқ кутубхоналарининг ўлкашунослик иши тўғрисида Низом" га мувофиқ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси қошида ўлкашунослик сектори ташкил этилди. Бу сектор республикадаги вилоят кутубхоналарининг ўлкашунослик фаолияти бўйича методик раҳбар – марказ вазифасини бажариши керак эди. Ташкил этилгандан кейинги дастлабки даврларда бу бўлим жуда фаол ишлади. Бироқ, бошқа республикалардаги каби, бу бўлим кутубхона ўлкашунослиги бўйича алоҳида бирор-бир мустақил тадбир ёки анжуман ё бошқа бир йиғин ўтказишга ҳаракат қилмаган.

Ҳозирда республикамиздаги ўлкашунослик фаолияти марказлари – АКМ ларида кутубхона ўлкашунослигининг ядроси маълум даражада шаклланган, бироқ уни тўла шаклланган деб бўлмайди. Негаки, бу марказларда уни шакллантириш учун қилиниши зарур бўлган ишларнинг асосий қисми ҳозиргача қилинмай ётибди.

Бу марказларнинг ўлкашунослик библиографик хизмат кўрсатиш йўналишигина бир мунча жонли ташкил этилган.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қандай ҳудудлар “ўлка”га киради?

2. Ўлкани ўрганишнинг ташкилий тўзилмаси ҳақида нималарни биласиз?

3. Ўлкашунослик қандай йўналиш ҳисобланади?

4. Кутубхона ўлкашунослиги деганда нимани тушунасиз?

5. Кутубхона ўлкашунослигининг ташкилий йўналишлари қайсилар?

6. Кутубхона ўлкашунослигининг ички тўзилишини таърифлаб беринг.

7. Кутубхона ўлкашунослигининг ташқи алоқалари қандай?

8. Кутубхона ўлкашунослиги йўналишида қандай ишлар олиб борилишини гапириб беринг

12 мавзу ЎЛКАШУНОСЛИК КУТУБХОНА-БИБЛИОГРАФИЯ ХИЗМАТИ

12.1 Ўлкашунослик библиография хизматининг мақсади, мазмуни ва вазифалари

Ўлкашунослик библиографик хизмат ўлкага бағишланган ҳужжатлар тўғрисидаги библиографик ахборотни унинг истеъмолчисига етказиш жараёнидир. Бу хизмат ҳар қандай АКМ, АРМ ва бошқа кутубхона фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва айни вақтда муҳим аҳамият касб этади.

Ўлкашунослик библиография хизмати ўлкашунослик маълумот-библиография (МБ) хизмати ва ўлкашунослик библиографик ахбороти (БА) билан таъминлаш хизматидан ташкил топувчи ягона тизимдан иборат бўлиб, унинг асоси ёки тизимни ташкил этувчи элементи сўроқдир.

Бу сўроқ маълумот-библиография хизматида бир марталик, библиографик ахборот билан таъминлаш хизматида эса доимий сўроқдир.

Бу хизмат шаклларининг ягоналиги шундаки, ҳар иккисининг объекти бир-бирига ўта олади, яъни маълумот-библиография хизматининг объекти бир вақтнинг ўзида библиографик ахборот (БА) билан таъминлаш хизматининг ҳам объекти бўла олади, чунки ҳар қандай бир марталик сўроқ маълум шароитда узоқ муддатли сўроққа айланиши (ўсиши) мумкин.

Лекин ҳар икки хизматнинг ташкил этилиши (амалга ошириш) шакллари бир-бирига ўхшаш, ҳам бир вақтнинг ўзида бир-биридан фарқ қилади ва бошқа-бошқа вазифани бажаради.

Ҳар иккисининг бирлигидан яхлит ўлкашунослик библиографик хизматнинг самарадорлиги, бу хизмат турларининг ҳар бирини ташкил этишда ҳисобга олиниши зарур бўлган уларнинг ўзига хос хусусияти ва сўроқларнинг объектив ва субъективлик хусусиятига боғлиқдир.

12.2. Ўлкашунослик маълумот-библиография хизмати

Барча универсал, илмий, оммавий ва кўпгина махсус кутубхоналар фаолиятининг ажралмас қисми бўлган ўлкашунослик маълумот библиография ишлари ўлка, вилоят, автоном республика меҳнаткашлари ҳал этаётган илмий, тарбиявий, хўжалик масалалари билан узвий боғланган. Бу ишларнинг жойлардаги марказлари вилоят, ўлка АКМлари, автоном республиканинг республика АКМларидир. Бу марказлар “Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши тўғрисида Низом” га кўра маҳаллий ташкилотлар, муассасалар, корхоналарга, кутубхоналар китобхонларига маълумот-библиография хизматини ташкил этадилар.

Китобхонларнинг сўроқларини вилоят АКМ нинг ҳамма бўлимлари бажаради. Айниқса, бу ишни махсус бўлимлар ва

қироатхоналар (қишлоқ хўжалиги мутахассисларига хизмат кўрсатиш бўлими, мусиқа-нота асарлари бўлими ва ҳ.к.) фаол олиб борадилар.

АКМда маълумот-библиография хизматининг маркази маълумот-библиография бўлими ҳисобланади. Бу бўлим ҳамма бўлимларнинг ўлкашунослик ишини бошқариб боради ва вилоятдаги АРМ лар ва бошқа кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатади.

Ҳозирда вилоят АКМ лари йилига китобхонларнинг ўртача 500-600 ўлкашунослик сўроқларини бажармоқдалар. Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоят АКМ ларида кўплаб ўлкашунослик сўроқлари бажарилади. Ўлкашунослик мавзусидаги сўроқларнинг кўпайиши халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида маҳаллий ташаббуснинг ёйилиши, маданий қурилишнинг жонланиши, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг жорий этилиши, ўлка тарихини ўрганишга катта эътибор берилиши, халқ оммасининг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига, ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилиши билан боғлиқ.

АКМ лари ва АРМ ларига ўлкашунослик сўроқлари билан кенг китобхонлар оммаси, ўлка ҳудудида жойлашган ва ўлкадан ташқаридаги турли ташкилот ва муассасалар мурожаат қиладилар.

Ўлкашунослик сўроқлари маҳаллий ҳокимият, бошқарув органлари ходимларидан, илмий ходимлар, халқ хўжалиги ва маданият муассасаларидан, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабаларидан, журналистлар, нотиқлар, ташвиқотчилар, тарбиячилар, экскурсоводлар, кутубхона ходимлари, ўлкашунослардан кўплаб тушади.

Илмий ходимлар ва мутахассисларнинг ўлкашунослик сўроқлари ўртача (жами ўлкашунослик сўроқларининг) 20-25 фоизини ташкил этади.

Энг кўп ўлкашунослик сўроқлари талабалар ва ўқувчилардан тушади, уларнинг сўроқлари 60-65 фоизни ташкил этади.

Ташкилот ва муассасалардан тушадиган жамоавий (коллектив) сўроқлар ҳам кўп. Улар вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимликлари, касаба уюшмалари, ёшлар бирлашмалари, маҳаллий газета, журналлар таҳририятлари, радио ва телестудиялар, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, маданий- маърифий муассасалар, бу ташкилотлар сўроқлари 15-20 фоизни ташкил этади.

Китобхонларнинг ўлкашунослик сўроқларига жавобларнинг сифати кутубхонада ўлкашунослик фондининг тўлиқлиги, ўлка бўйича маълумот-библиографик аппаратининг ташкил этилишига, ўлкашунос-библиографларнинг малака даражасига, уларнинг вилоятни, унга бағишланган ҳужжатлар оқимини билишига, вилоят ва ўлкадаги йирик кутубхоналар ўртасида ўлкашунослик бўйича маълумот ишларининг мувофиқлаштирилишига боғлиқдир.

Ўлкашунослик сўроқларининг хусусиятига кўра бериладиган библиографик маълумотлар қуйидаги турларга бўлинади:

- мавзули,
- маълум бир босма асар ҳақида библиографик маълумотни аниқловчи,
- фактографик,
- кутубхона манзилли (у ёки бу китобнинг бу кутубхона фондида борлиги тўғрисида маълумотни аниқловчи маълумот).

Бажарилиш шаклига кўра ўлкашунослик маълумотлари **ёзма** ёки **оғзаки** бўлади.

Ёзма маълумотлар одатда ҳамма бажарилган маълумотларнинг 7-10 фоизини ташкил этади.

Маълумотлар ичида мавзули маълумотлар кўп сонни ташкил этади. Ҳозирда кутубхоналар бажараётган ўлкашунослик маълумотларидан 50-60 фоизи мавзулидир. Бу ўлканинг ижтимоий ҳаёти, тарихи, халқ хўжалиги, табиати ва табиий бойликлари

масалалари билан боғлиқ. Маданий қурилиш, адабий ҳаёт, вилоят, ўлканинг санъати масалалари ҳам муҳимдир.

Ўлкашунослик сўроқлари билан китобхонлар турли мақсадда: илмий иш, ишлаб чиқаришга ёрдам, тарғиботчилик, маъруза учун, мустақил билим олиш, ўқув иши билан мурожаат қиладилар.

Ўлкашунослик мавзули сўроқлари ҳам умумий сўроқлар каби бажарилади:

а) сўроқни қабул қилиб олиш,

б) манбалар чегарасини аниқлаш,

в) адабиётларни аниқлаш, танлаш, жойлаштириш,

г) маълумотларни расмийлаштириш (ёки безаш).

Мавзули ўлкашунослик сўроқларини қабул қилишда ҳудуд чегарасини аниқ белгилаб олиш керак: истеъмолчига вилоят, физик-жугрофий ёки иқтисодий объект керакми, ёки туман, қишлоқ ҳақидаги материал керакми?

Агар АКМ, АРМ, кутубхона яхши ўлкашунослик маълумот-библиографик аппаратига эга бўлса, сўроқларни бажариш бу марказ ходимлари учун осонроқ бўлади, бундай сўроқларга берилган жавоб китобхон талаби даражасида бўлади.

Кўпгина ўлкашунослик мавзули сўроқлари турли ўлкашунослик библиографик қўлланмалари ёрдамида бажарилади. Бунда юқори методик марказ ҳисобланмиш кутубхоналарнинг кўрсаткичларидан фойдаланиш керак (республикамизда бундай марказ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидир, лекин бу кутубхонанинг соф ўлкашунослик кўрсаткичи саноқли – “Тошкент” кўрсаткичи (Т, 1983), “Рўйи замин сайқали” (Т., 2007), бошқа шахс кўрсаткичлари. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатасининг “Ўзбекистон Республикаси матбуоти солномаси”

қўлланмасидан фойдаланиш мумкин, бу қўлланма ҳозирда электрон шаклда яратилмоқда).

Аммо мавзули ўлкашунослик сўроқларининг хусусияти кўпинча библиографдан ўлкага оид бўлмаган манбаларга мурожаат қилишни талаб қилади.

Бу ўлкада, вилоятда, автоном республикада бўлаётган воқеа, ходисанинг мамлакат ҳаёти учун умумий бўлаётган воқеа, ходисадан ажралмаган ҳолда кўришни тақозо қилади.

Шунинг учун ҳам кўпгина мавзули ўлкашунослик, айниқса тарихий ўлкашунослик, шунингдек, халқ хўжалиги ва маданиятга оид сўроқларни бажаришда библиографлар нафақат маҳаллий манбалардан фойдаланадилар. Улар: И.А.Каримов асарларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Президент томонидан қабул қилинган ҳар қандай раҳбар ҳужжатлар, ҳозирги иқтисодий шароит ва ўзгаришларни акс эттирувчи статистик ва бошқа манбаларга, шунингдек, универсал энциклопедиялар (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик луғати ва бошқалар) га мурожаат қиладилар.

Баъзан ўлкашунослик сўроқларини бажаришда ўлкага оид бўлмаган материаллардан фойдаланиш кутубхонада ўлкашунослик маълумот-библиографик аппаратининг ва ўлкашунослик библиографик қўлланмалари тизимининг яхши ташкил этилмаганлигини кўрсатади.

Бошқа хилдаги, масалан, кутубхона – манзилли, библиографик маълумотларни аниқлаш бўйича маълумотларни бажаришда ҳам ўлкашунослик хусусиятига эга бўлмаган манбалардан фойдаланилади. Масалан, 1990 йилгача бўлган давр учун “Ўзбекистон ССР газеталари”, “Ўзбекистон ССР журналлари”, “Ўзбекистон ССР илмий ишлар тўпламлари” ва ҳ.к.

Каталог ва картотекалар сўроққа тўлиқ жавоб бермаса библиографлар бевосита ўлкашунослик фондига, китоблар, тўпламлар,

маҳаллий вақтли ва давомли нашрларга мурожаат қилиб, мураккаб қидириш ишларини олиб борадилар. Бундай сўроқлар кўпинча географик объектлар (қишлоқ хўжалиги, жамоа хўжаликлари, фабрика, завод, дарё, кўллар, фактлар, саналар, алоҳида шахслар ва ҳ.к. лар) ҳақида маълумотларни қидириш билан боғлиқ бўлади. Алоҳида адабиётларда улар ҳақида маълумотлар, фактлар ва бошқа материаллар йўқ. Уларни кўп ҳолларда вақтли нашрлардан ва бошқа қатор манбалардан қидириш лозим.

Кўпгина нодир фактлар ўлкашунослик энциклопедияларида акс эттирилади, масалан, “Тошкент” энциклопедияси шундай нашрдир.

Маълумотнома нашрлари ҳам тенгсиз манбалардир, ҳозирда ўлка, вилоятлар, туманларга бағишланган маълумотномалар, йўл кўрсаткичлари кўплаб босилган.

Алоҳида олинган шахслар ва уларнинг ўлка билан алоқаси ҳақидаги сўроқларни бажаришда “Ўзбек адиблари”, “Ўзбекистон файласуфлари” ва бошқа тўпламлар ҳамда бошқа шахс кўрсаткичлари (масалан, “Зулфия”, “Хамза”, “Абдулла Қаҳҳор”, “Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек” ва бошқалар) дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Булардан ташқари бундай сўроқларни бажаришда у ёки бу олим, ёзувчи, бастакор, ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар ҳақида китоблар, вақтли нашрларда босилган мақолалар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўлкашунослик маълумот-библиография ишларини бошқа АРМ лар ва кутубхоналар ҳам бажарадилар. Айниқса, АРМ ларда ҳозирда ўлкашунослик сўроқлари кўплаб бажарилиб, ўлкашунослик маълумот-библиография хизмати кенг олиб борилади. Бу марказлар маълумот-библиография хизматининг хусусияти уларнинг фаоллиги, китобхонга тарбиявий имкониятларни кенг яратиб беришидадир. Яна бу хизмат мувофиқлаштириш асосида алоҳида ташкил этилганлигидадир, яъни бу қуйидаги поғона бўйича олиб борилади: АРМ – таянч бўлимлари

кутубхонаси – АРМ хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги бошқа муассасалар ва тизимлар кутубхоналари. Бундан мақсад китобхонга унинг сўроғи бўйича аниқ, тўлиқ, тезкор ахборот тайёрлаб беришдир.

Маълумот-библиография хизматида сўроқнинг қабул қилиб олинишидан то китобхонга жавобни берилишигача бўлган оралиқда бажариладиган иш жараёнлари бу АРМ да ҳам вилоят АКМ дагидек.

Вилоят АКМ ўлка, вилоят ҳудудидаги кутубхоналарнинг маълумот-библиография ишларини мувофиқлаштириб борувчи марказдир.

Маълумот-библиография ишларининг ҳисобини олиб бориш эса кутубхонанинг ҳисоботи ва кейинги ишларини режалаштириш учун зарурдир. У яна маълумот-библиография аппаратининг самарадорлиги, унинг бундан кейинги такомиллаштирилиши, маълумот-библиография хизматни мувофиқлаштиришга имкон беради.

Ҳамма турдаги маълумотлар ҳисобга олинади. Библиограф томонидан бу иш ҳар хил амалга оширилиши мумкин: умумий журналда ёки махсус дафтарда. Ўлкашунослик маълумотларини умумий журналда ҳисобга олиш қулай, бунда ўлкашунослик маълумотлари “К” ёки “Ў” (ёинки вилоят номининг бош харфи) харфлари билан ажратилади.

12.3. Ўлкашунослик библиографик ахбороти (БА) билан таъминлаш

Вилоят, ўлка, республика (автоном республика) АКМ лари умумдавлат илмий-техника ахбороти тизимининг таркибий қисмидир. Унда илмий ҳодимлар, халқ хўжалиги ва маданият соҳаси мутахассислари, давлат ва хўжалик бошқарув муассасаларининг ходимлари, ўқитувчилар, нотиқлар, тарғиботчилар, ўлкашунослар, кутубхона ходимлари, журналистлар ва бошқа китобхонларни

ўлкашунослик ҳужжатлари ҳақида мунтазам ахборот билан таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди.

Вилоят АКМ ларининг библиографик ахборот билан таъминлаш фаолияти XX асрнинг 60-йиллари охирларида бошланган. Бу иш 1966 йилги “Умумдавлат илмий-техника ахбороти тизими ҳақида” номли қарорда кўзда тутилган эди. Шунга биноан вилоят кутубхоналари янги ўлкашунослик адабиётларининг кварталлик кўрсаткичларини чиқаришлари керак эди.

Ҳозирда ҳамма вилоят, ўлка, республика (автоном республика) АКМ лари ўлкашунослик библиографик ахборот билан таъминлаш ишларини олиб борадилар. Вилоят АКМ да ахборот - библиография ишларининг маркази ахборот-библиография бўлими ҳисобланади. Ўлкашунослик библиографик ахборот ишларини тармоқ бўлинмалари, қироатхоналар, шаҳар абонементи ахборот-библиография бўлими раҳбарлигида ва иштирокида олиб борадилар.

Ўлкашунослик бўйича БА билан таъминлаш ишларини ташкил этишда АКМларнинг кўп йиллик тажрибаларида қўлланиладиган ҳамма методлар ва шакллари: оммавий, гуруҳли (жамоавий), якка ахборот билан таъминлаш методлари қўлланилади.

Ахборотнинг берилиш шаклига кўра оғзаки, ёзма ва кўргазмали шакллари бор.

Бу шаклларнинг қай бири ҳақида гап кетмасин, уларнинг самарадорлиги ахборотнинг аниқ адреси (китобхони) ни кўрсатиш билан боғликдир.

Ахборотнинг оммавий шакллари

Ўлкашунослик босма материаллари ҳақида ахборотнинг оммавий шакллари кенг қўлланилади. Улар янги ўлкашунослик адабиётларининг ахборот бюллетенлари ва рўйхатлари, янги адабиётлар кўргазмалари, картотекалари, обзорларидир.

Улар ичида энг кенг тарқалгани янги ўлкашунослик адабиётлари кўрсаткичлари (бюллетенлари) дир. Улар кўпинча **“ ... вилояти ҳақида янги адабиётлар**” номи билан кварталлик ёки ярим йиллик нашрларда чиқарилади. Бу кўрсаткичлар маҳаллий давлат ва бошқарув органлари ходимлари, тарғиботчилар, воизлар, ўлкашунослар ва кенг китобхонлар оммаси учун ўлкашунослик материаллари ҳақида мунтазам маълумот берувчи манба бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирда республикамизнинг деярли барча вилоят АКМ ларида бундай бюллетенлар тўзилади. Янги ахборот технологияларининг бу марказ кутубхоналар фаолиятига кириб келгунига қадар бу бюллетенлар фақат Самарқанд ва Фарғона вилоят кутубхоналарида босма равишда (ротапринт ва ротаторда) кўпайтириларди. Қолган кутубхоналарда эса ёзув машинкасида 50 тадан 100 тагача кўпайтирилиб, якка абонентлар ва ташкилот ҳамда муассасаларга, кутубхоналарга тарқатилар эди. Ҳозирги иш жараёнлари автоматлаштирилаётган шароитда бу бюллетенлар компьютер ёрдамида терилади, исталган нусхада кўпайтирилади ва тарқатилади.

Ўлкашунослик бўйича БА хизматининг таркибий қисми **янги ўлкашунослик материалларининг картотекалари**дир. Улар тармоқ ўқув залларида, абонементда ва бошқа бўлимларда тўзилади. Библиография бўлимининг бундай картотекаси муҳимдир. Бу картотека қуйидагича тўзилади: йил давомида янги ўлкашунослик материалларининг тавсифи ўлкашунослик каталогига қўйилмайди, аксинча улар алоҳида каталог қутисида сақланади ва китобхонларни янги ўлкашунослик адабиётлари ҳақидаги тезкор ахборот билан таъминлаш манбаи ҳисобланади, ўлкашунослик библиографик маълумотларни бажариш учун ҳам манба бўлади, энг асосийси бу картотека **“... вилояти ҳақида янги адабиётлар”** кўрсаткичини тўзиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Кутубхоналарда ўлкашунослик фондини турли **мавзули картотекалар** ёрдамида тарғиб қилиш ҳам кенг тарқалган. Бундай картотекалар куннинг энг муҳим долзарб масалалари бўйича тўзилади. Уларда вилоят, туман, шаҳар, ўлканинг илмий, ижтимоий ҳаёти, халқ хўжалиги, маданий ҳаёти масалалари ёритилади. Масалан, XX асрнинг 80-йилларида “Ўлка (туман, вилоят) имиз 11 – беш йилликда”, “Беш йиллик илғорлари” каби мавзуларда картотекалар тўзилган. Ҳозирда эса “Ўлкам мустақиллик йилларида” ва бошқа ҳозирги кунимизнинг энг долзарб мавзуларида картотекалар юритиш АКМ лари, АРМ лари ва бошқа кутубхоналар амалиётида кенг тарқалган, улар ўлка ҳаётининг турли томонларини алоҳида тарғиб қилишга қаратилгандир.

Янги ўлкашунослик адабиётлари ҳақидаги ахборот манбаларидан яна бири **янги ўлкашунослик адабиётлари кўргазмалари**дир. Улар кенг китобхонлар оммасини ўлка ҳақидаги янги адабиётлар тўғрисида маълумот билан таништиришда муҳимдир.

Бундай кўргазмалар АКМ нинг имкониятига ва янги ўлкашунослик адабиётларининг сонига қараб 1 ойда, 1 кварталда, ярим йилда янгиланиб турилиши мумкин. Айрим АКМ ларда ва бошқа кутубхоналарда “Ўлкамиз (вилоятимиз) ҳақида янги адабиётлар” доимий китоб кўргазмалари бор. Китоб кўргазмаларини ташкил этишда фақат китоблар билан чекланмай, балки вақтли ва давомли нашрлар материалларидан ҳам фойдаланиш керак.

Ўлканинг у ёки бу тарихий саналарига бағишлаб ташкил этиладиган ўтган йиллар адабиётларини ҳам тарғиб қилувчи мавзули кўргазмалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Китоб кўргазмаларининг афзаллиги: 1-инчидан, адабиёт танлашда китобхон ҳужжатнинг ўзини кўриш билан бевосита танишади, 2-нчидан, бюллетенга нисбатан кўргазмалар китобхонларни аввалроқ янги ўлкашунослик адабиётлари билан таништиради, хабардор қилади (бюллетень орқали фақат китобнинг рўйхати билан танишади).

Кўргазмалар ҳақида АКМ да махсус эълонлар, реклама бюроси орқали, ташкилотларда ҳам хабар берилади. Маҳаллий радио, телевидение, газета ва журналлар орқали ахборот бериш ҳам яхши натижа беради.

Китоб кўргазмалари фақат АКМ лари, АРМ лари ва кутубхоналарнинг ўзида эмас, балки бошқа ташкилот ва муассасаларда ҳам марказ томонидан ташкил этилиши зарур.

Ўлкашунослик адабиётлари ҳақидаги оммавий библиографик ахборотга **обзорлар** ҳам киради. Вилоят АКМ ларида:

а) янги ўлкашунослик адабиётлари обзори,

б) мавзули обзорлар,

в) ўлкашунослик фонди бўйича обзорлар,

г) алоҳида ўлкашунослик адабиётлари обзори

ташкил этилади.

Обзорлар оғзаки ва ёзма бўлиши мумкин.

Гуруҳли (жамоавий) ва якка ахборот

Китобхонларнинг мутахассислиги, маълумотига кўра ўлкашунослик материаллари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш **гуруҳли ахборот бериш** орқали амалга оширилади. Бу иш маълум гуруҳ китобхонлари учун рўйхатлар тўзиш, кўргазмалар ташкил этиш, мавзули обзорлар ўтказиш орқали олиб борилади.

Гуруҳли ахборотнинг абонентлари вилоят, шаҳар ҳокимлиги, унинг бўлимлари, тажриба станциялари, музейлар, архивлар, олий таълим муассасаларининг кафедралари бўлиши мумкин.

Биринчи навбатда вилоят ҳудудидаги тарқоқ мутахассислар (агрономлар, зоотехниклар, қурувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар, мухандис-техник ходимлар ва бошқалар) га ахборот бериш катта аҳамиятга эга. Чунки улар ахборот марказидан узоқда яшагани ҳолда марказга мунтазам келиб ҳужжатлар билан таниша олмайдилар. Бу

ҳолда шу мутахассислар бор жойларга янги ўлкашунослик материалларининг кварталлик рўйхатларини тўзиб юбориш зарур.

Гуруҳли ахборот беришда китоб кўргазмалари, обзорлар ҳам ташкил этилади (бу ҳолда комплекс шаклдаги тарғибот-ахборот бериш кетади).

Бизнинг вилоят АКМ ларида гуруҳли ахборот билан таъминлаш яхши йўлга қўйилмаган. Фақат Фарғона вилоят АКМ ходимлари вилоят ҳокимлиги ва Фарғона давлат университети ўқитувчилари учун янги ўлкашунослик адабиётлари тўғрисида обзорлар тўзиб бериб турадилар.

Якка ахборот беришда эса алоҳида китобхонлар, илмий ходимлар ва мутахассислар ўлка ҳақидаги адабиётлар тўғрисида хабардор қилинади. Бу иш ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Ҳозирда кенг китобхонлар оммасини ахборот билан таъминлашнинг янги каналларидан фойдаланилмоқда. Улар маҳаллий газеталар, радио, телевидение. Масалан, Қурбон ота Исмоилов номидаги Хоразм вилоят АКМ вилоят газетаси сахифасида “Хоразм ҳақида ёзадилар” (“Пишут о Хорезме”) номли рукни билан Хоразм ҳақидаги энг муҳим материалларнинг обзорини бериб борадилар. Урганч телестудияси дастурларида эса янги ўлкашунослик адабиётлари обзорини кўрсатиб борадилар.

Нукус телестудиясида ҳам Қорақалпоғистон Республика АКМ ходимларининг «Лоцманы книжных морей” рукни бор. Унда кварталда бир марта ўлкашунослик адабиётларининг обзори берилади.

Вилоят АКМ ларидан ташқари ўлкашунослик библиографик ахборот билан таъминлаш хизмати шаҳар ва туман АРМ ларида ҳам олиб борилади. АРМ ларида ўлкашунослик библиографик ахборот хизмати улар библиографик ахборот хизматидаги истиқболли йўналиш ҳисобланади, бу ушбу марказларнинг ўз минтақасида ўлкашунослик кутубхона-библиография хизмати маркази эканлиги билан белгиланади. Бу АРМ ларида ўлкашунослик сўроқлари билан мурожаат

қилувчи китобхонларнинг ичида энг муҳим гуруҳларидан келиб чиқиб оммавий, жамоавий ва якка библиографик ахборот билан таъминлаш хизматини ташкил этилади. Улар ичида энг кўп ўлкашунослик ахборот талаби билан хизмат кўрсатувчилар гуруҳли абонентлар (кичик жамоалар) дир. Уларга тармоқ ва мавзули ўлкашунослик библиографик ахборот материаллари етказилиши амалиётда кенг тарқалган, лекин бундай хизмат йирик АКМ ларида олиб борилади. Бизнинг вилоятларимиздаги бундай марказларда оммавий ва якка ўлкашунослик библиографик ахбороти билан таъминлаш кенгроқ қўлланилади.

Т а к р о р л а ш у ч у н с а в о л л а р :

1. Ўлкашунослик кутубхона-библиография хизматининг мақсади ва вазифаси нималардан иборат?
2. Ўлкашунослик маълумот-библиография хизмати қандай амалга оширилади?
3. Ўлкашунослик маълумоти нима?
4 Ўлкашунослик библиографик хизмати қандай гуруҳ китобхонларига кўрсатилади?
5. Ўлкашунослик библиографик ахбороти билан кимлар таъминланади ва уни қандай кутубхоналар амалга ошира олади?
6. Ўлкашунослик библиографик хизматни АКМ лари ва АРМ ларининг қайси бўлинмалари олиб боради?
7. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ўлкашунослик кутубхона-библиография хизматининг ҳолати қандай, изоҳлаб беринг.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.,1997.- Б. 31-61.

2. Ўзбекистон Республикасининг Ахборотлаштириш тўғрисида Қонуни: 1993 й. 7 майда қабул қилинган // Халқ сўзи.- 1993.- 18 июнь.

3. “Республика аҳолисини ахборот кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” : Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2006 й. 20 июнь // Халқ сўзи.- 2006.- 21 июнь.

4. Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши тўғрисида Низом // Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши: Метод. қўлланма / Тузувчи Х.Маматраимова; Муҳаррир Т.Егорова.- Т., 2003.- Б. 4 – 28.

5. Кушнаренко Н.Н. Краеведческая деятелност библиотеки: Учеб. пособие / МГИК.- Москва, 1993.- 90 с.

6. Мамонтов А.В., Шерба Н.Н. Краеведческая библиография: Учебник.- Москва: Книга, 1989.- 215 с.

7. Ўлкашунослик библиографияси: Кундузги ва сиртқи бўлим талабалари учун методик кўрсатмалар / А.Қодирий ном. Тош. Дав. Мад. олий билимгоҳи; Тузувчи Ù. Маматраимова.- Т., 1991.-33 б.

8. Кутубхоначилик дунёси: Ахборот бюллетени. 3-2003 / А.Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Х.Маматраимова.- Т.,2003.- 38 б.

9. Кутубхоначилик дунёси: Ахборот бюллетени. 5/ 2004 / А.Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Х.Маматраимова.- Т., 2004.- 43 б.

10. Маматраимова Х. Кутубхоналар ўлкашунослик фаолияти : ҳолати, ташкил этилиш масалалари // Маданият – миллий бирлик асоси / ТошдМИ.- Т.: Адолат, 2004.- Б. 85-90.

11. Маматраимова Х. Област кутубхоналарининг ўлкашунослик справка-библиографик аппарати // Ўзбекистон кутубхонашунослиги : Кутубхоначилик

иши назарияси ва практикасига оид мақолалар тўплами / ЎзР Давлат к-наси.- Т., 1987.- Б. 58-66.

12. Трубина Е.И. Краеведческие ресурси на сайтах библиотек // Библиогр.- 2004.- № 1.- С. 3 – 11.

13. Шатохина Н.З. Краеведческие библиографические ресурси областних библиотек // Библиогр.- 2008.- № 2.- С. 31- 38.

14. Шерба Н.Н. Библиотечное и библиографическон краеведение: Сб. последних статей / Сост. А.В.Маркина-Шерба.- Москва: Кн. палата, 1995.- 191 с.

1. Бердиева З. Ва бошқ. Библиография (Умумий библиография): Маданият коллежлари учун ўқув қўлл. / З. Бердиева, Ҳ.Маматраимова, Т. Зокирова.- Т.: Ўқитувчи нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 208 б.

2. Библиографическая деятелност: Осн. Термини и определения: ГОСТ 7.0-84.-М.,1985.-24 с.

3. Библиографическая запис. Библиографическоэ описаниэ: Обшиэ требования и правила составления: ГОСТ 7.1-2003.-Межгос.ст. Изд.офитс.- М.: ИПК Изд-во стандартов,2004.-48 с.

4. Гречихин А.А. Обшая библиография: Теоретико-методологическиэ основи: Учеб. пособиэ.- Москва, 2002. –528 с.

5. Диомидова Г.Н. Библиографоведениэ: Учебник.- Санкт-Петербург: Профессия, 2002.- .

6. Информационно-библиотечная деятелност, библиографии Й.Термини и определения: ГОСТ 7.0-99(ИСО 5127-1-83)// Стандарти по библиотечному делу.-Санкт-петерб.,2000.-С.14-49.

7. Маматраимова Х. Библиографияшуносли к // Ўша эрда.- Б. 17.

8. Мишенко В.М. Компьютеризация библиографической деятелности библиотек. М., 1990 .-- 52 с.

9. Туропов М.М. ва бошқ. Ўзбекистон ретроспектив библиографияси:Ўқув қўлланма/ Турапов М.М., Маматраимова Х, Ляпустина .Т-1995.-64 б.

10. Туропов М.М.Развитиэ библиографического дела в Узбекистане : (1852-1970гг).-Т .: Фан,1983.-112 б.

11. УНИМАРС: Вводний курс / Пер. с англ. С.А. Беляниной, И.В. Мелник, А.Н. Пака; Под обш. Ред. Й.Л. Шрайберга; ГПНТБ России. – М., 1995. – 28 с.

12. Ахборот-ресурс марказларининг библиография ишини ташкил қилиш: Методик қўлланма/А.Навоий номидаги Ўзб.МК;Туз.Ҳ.Исломқулов;Муҳ. Х.Маматримова.-Т.,2010.-40 б.

ҚЎШИМЧА

Каримов И.А. Маънавий юксалиш ёълида: Тарих. Маърифат. Маънавият.-Т.:Ўзбекистон, 1998.-480 б.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Ж.8.-Т.:Ўзбекистон, 2000.-110 б.

3. Каримов И. А. Комптерлаштиришни ва ахборот-компьютер технологияларини татбиқ этиш тўғрисида:Президент Фармони. № 3080 // Халқ сўзи.-2002.-30 май.

4. Каримов И.А. Интернет- дунё ахборот оламига ёъл// Халқ сўзи.-2002.-28 окт.

5. “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” Прездиэнт қарори. 2006 й. 20 июнь. № 381 // Халқ сўзи.-2006 .-21 июнь.

6. Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказалри ишини ташкил этиш:Хужжатлар тўплами=Организация работи информационно-библиотечних и информационно-ресурсних центров :Сб.документов .-Т.: Изд-во НБ им.А.Наваи,2007.-170 с.

7. Ахборотлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни: 1993 йил 7 майда қабул қилинган // Халқ сўзи.- 1993.- 18 июнь.

8. Калинина И.Г. Библиографическая продукция в электронном формате // Библиогр.-2004.- № !.- С. 17-22. 12.

9. Каримов У.Ф, Халқаро старндарт китоб рақами (Интернатионал Стандарт Боок Нумбер- ИСБН): Қўлланма/ Каримов У.Ф, Рахматуллаэв М.А. , Умаров А,. –Т.: А.Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.-27 б.

10. Маматраимова Ҳ. Библиография// Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд.-Т., 2001.-Б.124

11. Моргенштерн И.Г. Электронная библиография: сушност и проблеми развития // Библиогр.- 2003.- № 5.- С. 13-22.

12. Полеводов В.А. Электронная библиография: Терминологический словар // Мир библиогр.- 2007.- № 5.- С. 69-76.

13. Фокеэв В.А. Электронная библиография: Терминологии-ческий словар // Мир библиогр.- 2007.- № 3.- С. 35-40.

14. Ахборот-кутубхона фаолиятига оид стандартлар тўплами:3 жилдик. Ж.1-3 /Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги;Нашрга тайёрл.:А.Арипов,А.Ходжаэв,М.Мухитдинов ва б.-Т.:Ўзбекистон маркаси,2008.- ИСБН 978-9943-335-03-5

Ж.1.-477 б.

Ж.2.-479 б.

Ж.3.-500 б.

15. 1214.:2009. Ахборот,кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бойича стандартлар тизими.Библиографик тавсиф: Умумий талаблар ва тузиш қоидалари.

16.1215: 2009. Ахборот кутубхона фаолияти, библиографиЙ.Атамалар ва таърифлар.